


БОБУР

АБАДИЯТИ

Бобур номидаги
Халқаро жамоат фонди

БОБУР АБАДИЯТИ

("Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро анжуман материаллари 27-28 октябрь 2017 йил, Андижон)

Тошкент
"BAYOZ"
2018

УЎК: 821.512.133(092)Бобур
КБК: 83.3г(5Ў)
Б – 79

Бобур абадияти [Матн]: Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни мавзусидаги халқаро анжуман материаллари, 27-28 октябрь 2017 й. / масъул муҳаррир В. Раҳмонов. – Тошкент: BAYOZ, 2018. – 384 б.

Таҳрир ҳайъати:

Саидбек Ҳасанов, Зокиржон Машрабов, Абдумажид Мадраимов, Ваҳоб Раҳмонов, Буробия Ражабова, Матлуба Юсупова

Масъул муҳаррир:
Ваҳоб Раҳмонов

УЎК: 821.512.133(092)Бобур
КБК: 83.3г(5Ў)

ISBN 978-9943-4899-6-7

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 535 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

... Мирзо Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, бизнинг болаларимизга ғурур билан айтадиган буюк аждодимиздир. У Андижонда туғилди, Андижонда камол топди. Мана шундай аждодларимиз борлиги, мана шулар Андижон фарзанди эканлигини ҳеч қайсимиз, ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзлигимизни англашни шундан бошлашимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АНЖУМАННИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойитишда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни, беқиёс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёга кўплаб ажойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намояндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча минг йиллардан буён турли халқлар томонидан мутолаа қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб, асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда, истеъдодли котиблар томонидан кўчирилиб, моҳир мусаввирлар, наққошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, ўнлаб тилларга таржима этилиб, инсоният тафаккурини бойитиб келмоқда.

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айни замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг илмий ва бадиий баркамол асарлари жаҳон маданияти тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир.

Хусусан, "Бобурнома" кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакилларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шу жиҳатдан бобуршуносликда эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш нуқтаи назаридан халқаро анжуманнинг ўтказилиши муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

2013 йил Тошкентда бўлиб ўтган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуманда бобуршунослик соҳасидаги ютуқлар умумлаштирилиб жиддий салмоқли хулосаларга келинди: бобуршунослик илми XIX асрда Европа мамлакатларида ривожланишни бошлади ва бу жараён XXI асрнинг бошларигача давом этиб, ниҳоят у адабиётшуносликнинг муҳим таркибий қисми сифатида узил-кесил шаклланди. Жаҳон бобуршунослиги маркази Ўзбекистонга, хусусан, Тошкентга кўчганини жаҳоннинг машҳур олимлари ҳам катта қониқиш билан қайд этдилар.

Кейинги беш йил бобуршуносликда янада улкан ютуқлар даври бўлди: 2014 йилда Ўзбекистонда биринчи маротаба якка шахс ҳақида қомус: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" яратилди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ташаббуси, моддий ва маънавий ҳомийлигида 2014 йилда нашр этилган бу фундаментал китоб устида яна икки йил жиддий таҳрир, тузатиш ва тўлдириш ишлари амалга оширилиб, қомуснинг иккинчи нашри дунё юзини кўрди. Дилдора Ҳошимованинг "Бобурнинг қиёслаш маҳорати" ва Абдулла Аъзамовнинг "Бобур. Девон. Назм маҳорати" монографиялари чоп этилди. Шокирхон Рустамхўжаев ва Зуҳра Бердиева "Бобур ва бобурийлар библиографияси"ни туздилар.

2015 йил Ҳаролд Ламбнинг "Бобур-Йўлбарс" (инглиз тилидан Ғофуржон Сатимов таржимаси), Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "История Рашиди" асарининг мукаммал редакцияси, Ғофуржон Сатимовнинг "Бобурийзодалар" ва "Бобурийлар салтанатида давлат бошқаруви" монография ва

рисоласи, Гулбадан Бегимнинг "Ҳумоюннома" (Аҳмаджон Қуронбеков таржимаси) асари, Ваҳоб Раҳмоновнинг "Мумтоз сўз сеҳри" китоблари нашрлари билан эсда қолди.

2016 йилда Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди ва Россия Фанлар академиясининг тилшунослик институти ҳамкорлигида яратилган "Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография" монументал китоб ҳам Ўзбекистонда якка шахсга бағишланган ягона мукаммал библиографиядир. Шунингдек Зиёдахон Тешабоеванинг "Бобурнома"даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари лугати" эълон қилинди.

2017 йилда профессор Мирмаҳмуд Мирсайдуллаевнинг "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк мероси" монографияси нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев Андижон халқи учун 2017 йилни Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили деб эълон қилди ва Бобур халқаро жамоат фондининг "Бобур ва дунё" журналини таъсис этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. Натижада "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданиятида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро анжуман иштирокчиларига мазкур журналнинг дастлабки икки сони манзур этилди.

Анжуманнинг халқаро миқёсда ўтказилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодий ва маънавий меросини ўрганиш натижалари билан яқиндан ўртоқлашиш, бу ютуқларни мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш йўлида истифодага киритиш, Бобур ижодий меросини дунё миқёсида тарғиб қилишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга ана шу кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш учун кенг имконият яратиб берди. Анжуманнинг халқаро доирада ўтказилиши бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари

билан кенг жамоатчилик, халқимизни ошно этиш ва аждодларимизнинг буюк хизматларини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишларнинг давоми ва узвий қисмидир.

Халқимиз узоқ асрлардан буён қадрлаб келаётган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айни замонда Марказий Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий ҳалқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афғон ва ҳинд, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса диққатга сазовор. Бобуршунос олимларимиз диққат-эътиборига ҳавола этиладиган илмий маърузалар ана шу ишлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, илмий истифодага киритилмоқда. Булар ҳақидаги ахборотлар билан фикр алмашиш анжуман олдига қўйилган асосий мақсадлардан биридир.

Бобур ижодида "Мубаййин" асари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу асарни ўрганиш ишлари истиқлолдан сўнг рўёбга чиқа бошлади. "Мубаййин" – ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар. Унда диний масалалар чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан ёритилган. Ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган бу асар қўлёзмалари ҳали етарлича ўрганилмаган, десак янглишмаган бўламиз. Бу асар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар билан танишиш ҳам анжуман диққат марказида туради. Чунки бу асарни ҳар жиҳатдан ўрганиш, айниқса, ёш авлодни ислом дини моҳиятини англаш, диний экстремизм хавфидан сақлаб,

баркамол инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

2013 йилги анжуман ҳужжатларида: "Ҳозир дунё қўлёзмалар фондида Бобур ва бобурийларга оид бир неча мингдан зиёд асарлар жамланган. Ҳозирги кунгача тўпланган бу ноёб асарлар ҳозирги замон адабий жараёнини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ана шу меросни тадқиқ қилиш, илмий муомалага киритиш, қўлёзма ва тошбосма китобларнинг каталогини тузиш ва топилган ҳужжатларни дастлабки ишловдан ўтказиш, илмий тавсифини тузиш, алоҳида асарларни нашр қилиш, илм ва халқ хизматига қўйиш ҳамда келажак авлодлар учун етказиш муаммолари бобуршунос олимларнинг эътиборига ҳавола қилинади", дейилган бўлса, Бобур халқаро жамоат фондининг чорак асрлик фаолияти давомида "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига хорижий мамлакатлардан олиб келинган 400дан ортиқ нодир қўлёзма, китоб, санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид маданий бойликларни тадқиқ этиш Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросига ўзига хос "Лаббай!" бўлди дейиш мумкин.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни халқ маънавий қадриятлари ва миллий ўзлигини тиклаш, маърифат, фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ютуқларни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини, Бобур шахсиятининг юксак даражада эъзозланаётганини намойиш қилиш анжуманнинг асосий вазифаларидан бири ҳамдир.

Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган минглаб ижодкорларимизнинг башарият тарихида тутган ўрнини бобуршунос олимлар ютуғи орқали намойиш қилиш сиёсий, илмий ва тарбиявий аҳамиятга молик. Зеро, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги туб ислоҳотлар адабиётда ҳам бир катор сифат ўзгаришларини юзага келтирди. Анжуман натижалари тарихий ўтмишни бадиий мужассамлаштиришга қаратилган янги асарлар майдонга келишига, уларнинг

моҳиятини, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш орқали халқимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг миллий қадриятларини тиклашга ва янги авлодга етказиб беришга хизмат қилади.

Анжуман бир гуруҳ бобуршуносларнинг (Эйжи Мано, Билол Южел, Саидбек Ҳасанов, Зокиржон Машрабов, Ҳамидулла Болтабоев, Маҳмуд Ҳасаний, Ҳасан Қудратуллаев, Абдумажид Мадраимов, Ваҳоб Раҳмонов, Буробия Ражабова)нинг Захириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да "Зоду будум (туғилиб ўсган жойим) Андижон" ва "ота юртим Андижон" деб ёзиб қолдиргани, мамлакатимиз Президенти ва жаҳон бобуршуносларининг томонидан Бобур Андижонда туғилган, Андижонда камол топган ўзбек фарзанди эканлигини бутун жаҳон тан олган тарихий ҳақиқат эканлигини инобатга олиб, бугунгача жаҳон илмий-адабий жараёнида Бобур ва бобурийларга нисбатан хато қўлланиб келинаётган "Буюк мўғул" атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод қилган тилга нисбатан янглиш "чиғатой тили" атамаси ўрнига эски ўзбек (туркий) тилини илмий истеъмолга киритиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаб, бу ҳақда ҳам қарор қабул қилди.

Бобур ҳаёти ва ижодини тўлалигича ёритиш, "Бобурнома"нинг жаҳоншумул энциклопедик асар эканлиги, Бобурнинг буюк шахслигини кўрсатиш, ижодкорнинг фиқҳ, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини ривожлантиришдаги ҳиссаси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги фаолиятини чуқур очиб бериш, истиқлол туфайли унинг бой мероси халқимизнинг маънавий бойлигига айланаётгани билан кенг жамоатчиликни таништириш Бобур халқаро жамоат фонди ташкил этган ушбу халқаро анжуманнинг илмий-амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари

БОБУРШУНОСЛИК ВА БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг даҳо санъаткори Алишер Навоийнинг инсон ҳаёти абадиятига доир:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от

дейилган ҳикматли фарди унинг Ҳиротдаги мақбарасининг Ғозғон мармаридан бунёд топган сағанасида ёзиб қўйилган.

Дарҳақиқат, мана неча асрлар ўтса-да, жаҳон аҳли Бобур мирзо шахсиятига жуда катта қизиқиш билан қараб келмоқда. Буюк шоир ва қомусий олим, бетимсол давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар томонидан қолдирилган мерос, бой маънавий сарчашмалар бутун жаҳон халқларини ҳайратга чулгаётгани сир эмас. Чиндан ҳам, улуғ бобомиз, беназир шоир фаолияти бир уммон. Ундан баҳраманд бўлиш эса саодатдир. Франциялик олим Жан Пол Ру: «Энг буюк тарихий сиймолардан бири Бобур тарихда из қолдирган шахсларнинг энг барҳаётларидандир», — деганида улуғ ватандошимизнинг ижодий мероси асрлардан-асрларга ўтиб, дунё халқларининг маънавиятига неча замонлар ўтса-да, хизмат қилиб келажагини кўзда тутган бўлса, ажаб эмас.

Аммо, дунёнинг айрим мамлакатларида ҳанузгача Бобур ва бобурийларни мўғулларга нисбат бериш каби нотўғри ёндашув мавжудлиги таассуфланарлидир. Албатта, холис фикр юритувчи атоқли хорижий бобуршунослар бу масалага ўз вақтида илмий аниқлик киритганлар. Масалан, европалик таниқли адиба, «Тож кийган дарвеш» асарининг муаллифи

Флора Анна Стил: «Бобур — Ҳиндистон императори, комусий олим, шоир, паҳлавон аскар, очиқ кўнгилли, ростгўй инсон. Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни «буюк мўғул» деб янглиш айтиб келганмиз», — дейди.

Аммо яна шу нарса таажжубланарлики, ҳатто бугунги кунда ўз юртимизда Бобур мирзонинг таваллуд топган жойи хусусида баъзан турли хил ноўрин «баҳс-мунозара»лар қулоққа чалиниб қолмоқда. Нима эмишки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ахсикент (ҳозирги Наманган вилояти ҳудуди)да туғилган эмиш. Аввало, таъкидлаш керакки, бу улуғ аждодимиз — ўзбек, ўзбекистонлик, ҳаммамизнинг ватандошимиз! Қолаверса, буюк бобомиз ўз қўли билан ёзган асарлари, хусусан, «Бобурнома»да «зоду будум Андижон, ота юртим Андижон» дея таъкидлайди. Яна улуғ шоир «Девон»ида ўзи ҳақида «ғарибинг андижонийдур», дея ёзади. Шундай экан, бу борада баҳсга не ҳожат?!

Албатта, Бобур мирзо — башарият фарзанди. Бироқ ул зотнинг таваллуд топган юрти Андижон эканлиги нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ҳаққоний эътироф этилгани ҳақиқатдир. Шундай бўлса-да, улуғ бобомизни зўрма-зўракилик билан «Ахсикентда туғилган» деб ҳеч бир тарихий асосга тўғри келмайдиган «даъво»лар қилишга уринишлар нафақат маърифатпарвар халқимиз, балки бутун дунё илм аҳли олдида, айниқса, ўсиб келаётган ёшлар олдида ноқулай вазият, гўёки ҳаммани чалғитишга ҳаракат қилишдек номақбул ҳолатни юзага келтирмайдими?!

Очиғини айтганда, бундай ноўрин, тарихий фактларни бузишга уринишни очиқдан-очиқ маданиятсизлик деб атасак хато бўлмайди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Бобур мирзо умрининг 21 ёшгача бўлган даврини Мовароуннаҳрда, асосий қисмини Андижон, қисман Самарқанд ва Фарғона вилояти Сўх туманининг Ҳушёр қишлоғи ва унинг атрофида ўтганлигини «Бобурнома»да муфассал ёзиб қолдирган. У ерлардаги ўндан ортиқ жойлар буюк бобомиз номи билан боғлиқ. Масалан,

Санги ойна, Тахти Бобур, Бобур кўприги, Бобуртепа, Бобур тошбитиклари ва бошқалар.

Бобур «Бобурнома» асарининг 245 саҳифасида 1528 йили пойтахт Аграда тўй бўлганлиги ва Андижон, Самарқанд, Сўх ва Ҳушёр қишлоқларидан меҳмонлар таклиф қилинганлигини ёзади. Аммо Ахси тилга олинмаган.

Бундан ташқари, жаҳоннинг машҳур бобуршунос олимлари япониялик Эйжи Мано, америкалик Уилер Текстон, туркиялик Рашид Раҳмати Арат, франциялик Бакйе Граммон, германиялик Клаус Шонинг, афғонистонлик Шафиқа Ёркин, мисрлик Магда Махлуф, хиндистонлик Мансура Ҳайдар, мамлакатимизнинг етук олимларидан Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов ва бошқа шарқшунослар ўз асарларида Бобурнинг Андижонда туғилиб, камолга етганини инкор қилиб бўлмайдиган даражада тарихий манбалар асосида қайд этишган. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, шу бугунги кунгача кўплаб тилларда нашр этилган «Бобурнома»нинг ўзида, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида, «Бобур энциклопедияси»да, «Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография» китобларида ва кўплаб бадиий-адабий асарларда Бобур мирзонинг Андижонда туғилиб ўсгани ва шу жойда тахтга чиққани тарихий маълумот сифатида муҳрлаб қўйилгани наҳот яна кимларгадир етарли бўлмаса?!

Ҳукуматимиз раҳбарлиги ва бевосита ёрдами туфайли Бобур таваллуд топган Андижон шаҳрида унинг ҳайкаллари яратилиб, ҳар беш йилда халқаро, ҳар йили Бобур мирзо таваллуд топган кун — 14 февралда илмий конференциялар, юбилей саналари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу анжуманларда кўплаб жаҳон бобуршунос-шарқшунос олимлари иштирок этиб келишмоқда. Улар томонидан олиб келинаётган янги манбалар Боғи Бобурда жойлашган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида мужассамлаштириб келинмоқда. Буни қарангки, тарихнинг ўзи гувоҳлик бериб турган ҳақиқатни чалкаштиришни истайдиганлар ҳам учраб турар экан-да!

Бу борада айтадиган гапимиз шу: келинглар, яхшиси, тарихий ҳақиқатларни бузишга уринишдек ёқимсиз ва бефойда машғулотлардан тийилган ҳолда, бор кучимизни буюк аждодларимиз меросини янада чуқурроқ ўрганишга сарфлайлик.

Дарвоқе, франциялик олима Флора Анна Стилнинг фикрларини юқорида келтирган эдик. Унга яна қўшимча қилиб айтиш жоиз бўлса, бутун башарият тарихида ўчмас из қолдирган, ўзбек миллатининг шон-шуҳратини дунё миқёсига олиб чиққан Темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимиз учун ҳамиша ғурур ва фахр тимсоли бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан ташкил этилган Бобур номидаги халқаро жамоат фонди кўҳна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, Бобур ва бобурийлар яратган беқиёс илмий-маданий мерос намуналарини Ватанимизга олиб келиб илмий истеъмолга киритиш, заминимиздан етишиб чиқиб, тақдир тақозосига кўра хорижда умргузаронлик қилган кўплаб буюк аждодларимиз қабрларини обод қилиш, зиёратгоҳларга айлантириш каби эзгу ва хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Буюк ватандошимиз номи билан аталувчи халқаро жамоат фонди ва илмий экспедициясининг ташкил этилганига 25 йил бўлди. Ўтган вақт давомида Бобур изидан 40 дан зиёд мамлакатлар бўйлаб автомашинада қарийб 375 минг километр йўл босилди, илмий сафарларда бўлиб, муҳим янгиликлар топилди, ўзимизда йўқ манбалар қўлга киритилди ва улар Андижон шаҳридаги Боғи Бобурдаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида мужассамлаштирилди. Ҳозирда музейда 500 дан зиёд ноёб қўлёзма асарлар ва нодир китоблар, қимматли манбалар мавжуд. Жумладан, «Бобурнома»нинг «Саларжанг» музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхасидан кўчирма, Бобур мирзо кашф этган «Хатти Бобурий» алифбосида кўчирилган Қуръони карим нусхаси, «Бобур куллиёти»нинг Эрон нусхасидан кўчирма

ҳамда «Бобурнома»нинг турли тилларга таржима қилинган 20 дан ортиқ нусхалари энг қимматли бойликлар сифатида музейимиздан жой олган.

Энг муҳими, олиб келинган манбаларнинг 50 га яқини фондимиз томонидан таржима ва табдил этилиб, сўнгги йилларда чоп эттирилди. Жумладан, Ҳарольд Ламбнинг «Бобур – йўлбарс», Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий», Румер Годеннинг «Гулбадан», Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Хондамирнинг «Буюклик хислати», «Ҳабиб ус-сияр», Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» («Андижон шаҳзодаси»), Самюэл Беркнинг «Акбар – бобурийларнинг энг буюги», Исматуллох Мўъжизийнинг «Таворихи мусиқиюн», «Бобурнома»нинг замонавий ўзбек тилига табдили, «Бобурнома миниатюралари» китоблари шулар жумласидандир.

Ўзбек бобуршуносларининг кейинги йиллардаги изланишлари натижасида юзага келган «Бобур ва Юлий Цезар», «Бобур ҳақида ўйлар», «Асрларни бўйлаган Бобур», «Бобурийнома», «Буюклар изидан», «Бобурийлардан бири», «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Андижондан Бағдодгача», «Хорижда бобуршунослик», «Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат», «Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври», «Сўзга айланган қилич», «Буюк соҳибқирон изидан» ва бошка қатор асарлар бевосита фондимиз ҳомийлигида нашр қилинди. Бу китоблардан республикамиздаги кутубхоналар, олий ўқув юртлари, коллеж, академик лицей ҳамда умумтаълим мактабларига имкон қадар беғараз етказиб бериб келинмоқда.

Яна шуни алоҳида эслашни истардикки, шу пайтгача халқаро илмий экспедицияларимиз давомида бир қатор буюк аждодларимиз мангу макон топган масканларини излаб топишга муваффақ бўлинди. Жаҳон илми ва адабиётининг тамал тошини қўйган улуғ аждодларимиз Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мавлоно Лутфий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад

Бобур, Али Қушчи, Камолиддин Бехзод, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб буюк зотларнинг сўнгги манзиллари зиёрат қилинди ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилди. Натижада Афғон юртида қаровсиз қолиб, деярли харобага айланган Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод каби буюкларимиз қабр-мақбаралари шарқона лойиҳалар асосида, бугунги кун талаби даражасида ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Халқимизда, бир қўлинг қилган савобли ишни иккинчиси билмасин, деган пурҳикмат гап бор. Рости, биз зинҳор бу амалларни кимларгадир кўз-кўз қилиш ёки мақтаниш ниятида амалга ошираётганимиз йўқ. Асло! Биргина мақсадимиз ёш авлоднинг онгу шуурига, қалбига аждодлар руҳига ҳурмат, уларнинг охирги манзилларини обод қилиш фарзандлик бурчимиз эканини янада чуқурроқ сингдиришдан иборат.

Шу маънода ўтган 25 йил давомида амалга оширилган халқаро илмий экспедиция сафарларига бағишланган 30 га яқин ҳужжатли фильмлар тайёрланиб, республика ва маҳаллий телеканалларда намойиш этилди, ўндан зиёд илмий-оммабоп китоблар, юзлаб мақолалар чоп этилди. Бу каби хайрли ишлар бардавом бўлишига ишонамиз.

Яна бир гап. Фонд ўз Низомида белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида ғарб ва Шарқ бобуршуносларининг алоқалари мустаҳкамланиб, ўтган йиллар давомида Қирғизистон, Озарбайжон, Германия, Туркия, Афғонистон, Россия, Япония, Миср, Ҳиндистон, Покистон каби ўндан зиёд давлатларда бўлимларини очди. Уларнинг ёрдами билан Бобур ва бобурийларга тегишли бўлган ноёб қўлёзма ва манбаларни юртимизга олиб келиш имконияти кенгайди. Шунингдек, 2016-2017 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманида, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида, Швеция ва Озарбайжонда ҳам фондимизнинг янги бўлимлари ташкил қилинди.

Хорижда ва Ўзбекистонда бобуршуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган олим ва ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида фондимиз томонидан Бобур халқаро мукофоти таъсис этилган. Бугунгача ушбу мукофотга 20 дан зиёд бобуршунослар сазовор бўлдилар. Улар орасида япониялик таниқли олим Эйжи Мано, америкалик бобуршунос Уилер Текстон, республикамиздан таниқли академик Азиз Қаюмов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Сайфиддин Жалилов ва бошқалар бор. Бугун ҳам ушбу хайрли ишларимиз давом этмоқда. Негаки, фидоий олимларимизнинг бобуршуносликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Мирзо Бобурнинг Париж Миллий кутубхонасида, Истанбул университети кутубхонасида, Тўпқопи саройи Реванд ва Рампур кутубхоналарида сақланаётган шеърий қўлёзма нусхалари асосида туркиялик профессор Билол Южел Бобурнинг мукаммал девонини яратишга эришгани, айниқса, таҳсинга сазовор ишлардан бўлди десак, хато бўлмайди.

Юртдошларимизга маълумки, Бобур мирзо таваллудининг 530 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан қатнашган олимлар ўтган йиллар давомида фондимиз билан Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари ҳамкорлигида олиб борилган изланишларни юқори баҳолаб, жаҳон бобуршунослигининг маркази Ўзбекистонга, пойтахт Тошкентга кўчганлигини эътироф этишганди. Шундан руҳланиб, фондимиз қошида Тошкент Бобуршунослик маркази ҳам ташкил этилди. Бу ерда тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган бобуршунослар жам бўлишган. 2015 йилда эса таниқли олим Абдулла Аъзамов бош муҳаррирлигида мамлакатимизда илк бор якка шахс фаолиятига бағишланган комусий асар — «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» яратилди. Ушбу энциклопедия нашр этилганидан сўнг ҳам изланишларимиз давом эттирилди. Чунки бобуршунослик тобора ривожланиб, янги-янги илмий тадқиқотлар юзага келмоқда. Шуларни

ҳисобга олиб, «Бобур энциклопедияси»нинг тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри тайёрланиб, жорий йилда нашриётга чоп этиш учун топширилган эди. Ушбу қимматли китоб яқинда «Шарқ» нашриётида босмадан чиқди.

Фонднинг охирги йилларда амалга оширган муҳим ишларидан яна бири Россия Фанлар академиясининг Туркология институти ҳамда Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида таниқли турколог олима, Россия Фанлар академияси академиги Анна Владимировна Дибо ва арабшунос олим, ҳамюртимиз Шокирхон Рустамхўжаев ҳамкорлигида «Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография» деб аталган йирик ҳажмли китоб ҳам чоп этилди. Шак-шубҳасиз бу китоблар жаҳон бобуршунослигида ҳам, Бобур мирзонинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқадиган барча инсонлар учун ҳам муҳим манба ва қимматли қўлланма сифатида хизмат қилади. Айтиш жоизки, Бобур асарларини тадқиқ қилиш даражаси мазмун-моҳияти жиҳатдан ҳам ўсди. Айниқса, унинг диний йўналишдаги «Мубаййин» асари ҳамда Хўжа Аҳрор Валийнинг «Рисолаи волидиййа» асарига ёзган назмий шарҳи юзасидан олимларимиз алоҳида тадқикотлар олиб бормоқдалар.

Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасанов ва фан номзоди Ҳамидбек Ҳасанов «Мубаййин» асарининг замонавий табдилини амалга оширган бўлсалар, таниқли шоир, исломшунос олим Мирзо Кенжабек «Заҳириддин Муҳаммад Бобур хазиналари» рукнида «Мубайян ва насрий баёни», «Рисолаи Волидиййа» назмий таржимаси ва шарҳи» асарларини яратди.

Шубҳасизки, бу китоблар ўқувчига Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ислом дини арконларини нечоғлик яхши билгани ва исломшунос олим сифатида диний қарашларни чукур таҳлил қила олганини яққол намоён қилади. Ушбу ноёб асарларни ҳар томонлама ўқиб-ўрганиш, айниқса, ёш авлодга ислом дини моҳиятини англатишда, уларни диний экстремизм хавфидан сақлаб, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга моликдир.

Яна бир қимматли қўлланма филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев томонидан «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўла асарлари» тўплами ҳам тайёрланиб, нашр этишга киришилди.

Маълумки, сўнгги 25 йил давомида Бобур номли халқаро жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти билан ҳамкорликда Бобур мирзо туғилган гўша — Андижоннинг шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганиш борасида илмий қидирув ишлари олиб бориб, ушбу шаҳарнинг 2500 йиллик ёшини исботловчи кўплаб қимматли археологик ва тарихий ашёвий далилларни аниқлади. Улар асосида «Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи» музейи барпо этилиб, «Древний и средневековый Андижан» ва «Андижон тарихи» китоблари чоп этилди. Андижоннинг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш юзасидан зарурий ҳужжатлар тайёрланиб, ЮНЕСКО ташкилотига тақдим қилинди. Ишонамизки, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида бутун халқимиз яқин йиллар ичида ушбу санани ҳам катта тантана сифатида нишонлаши насиб этади.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилнинг кеч кузида андижонликлар билан бўлган сайловолди учрашувида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига ўзларининг юксак баҳоси, фикрларини билдириб, ул зотнинг машаққатларга тўла ҳаёти ва ўлмас адабий меросининг халқимиз, айниқса, ёшлар тарбиясида, маънавий камолотида катта аҳамият касб этишини таъкидлаб, кенг тарғибу ташвиқ қилиш юзасидан таклиф ва топшириқлар берган эди. Шу муносабат билан Фондимиз муассислиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида 2017 йилда «Бобур ва дунё» журналини чиқаришга муяссар бўлдик. Айни пайтгача журналнинг иккита сони нашрдан чиқди ва ўз ўқувчиларига етиб борди. Албатта, ушбу нашрнинг ҳам ўзбек матбуотида ўзига хос ўрнини топишига ишонамиз.

Янада қувонарлиси, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди тасарруфидаги маданият ва истироҳат боғи ҳукуматимиз қарори билан халқаро туризм маршрутига

киритилган бўлиб, у ерда Бобур мирзонинг рамзий кабри ва хайкали, «Бобур ва жахон маданияти», «Андижон шахарсозлик маданияти тарихи» музейлари, обсерватория, кутубхона, маънавият маркази, спорт комплекслари барпо этилган. Ушбу боғ махаллий ва хорижий сайёхлар хамда водий ахолисининг севимли масканига айлантирилиб, доимий равишда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмокда. Худуднинг юкори кисмида табиий шароитни саклаган холда, зайтун, ёнғок, бодом, писта ва бошка дарахтзорлар барпо этилмокда.

Жорий йилнинг июнь ойида мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифлари давомида Бобур боғида хам бўлди. Боғ хамда «Бобур ва жахон маданияти» музейи билан батафсил танишиб, бу масканни янада кенгайтириш, жахон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, шоирнинг рамзий кабр-макбарасини обод килиш максадида Бобур номидаги халкаро жамоат фонди фаолиятига ёрдам тарикасида маблағ ажратиш хақида топшириқ бердилар.

Алохида эътироф этган холда айтиш ўринлики, шу кунга кадар биз борган ва якиндан танишган дунё музейлари ичида фақат Бангладеш давлатининг Дакка шахридаги Кизил калъа мажмуасида Бобур мирзо хаёти ва фаолиятига бутунлай бағишланган ягона музей бор, холос. Европа, АКШ, Африка, Осиё давлатларидаги машхур музейларда Бобур мирзога аталган бўлимлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан олиб караганда, Андижонда ташкил этилган Бобур боғидаги музей 2019 йилнинг якунига қадар Бобур ва бобурийларга бағишланган дунёда ягона музейга айланади. Шу ўринда Бобур ва бобурийлар ихлосмандларидан ушбу музейни янги экспонатлар билан тўлдиришда имкон қадар кўмак беришларини илтимос килган бўлардик.

Маълумки, жахон қўлёзмалар фондида Бобур ва Бобурийларга оид неча минглаб ноёб асарлар сақланмокда. Бобуршунос олимларимиз томонидан ушбу асарлар мухим тарихий ва илмий манба сифатида кенг фойдаланиб келинмокда. Ўз навбатида Бобур ва бобурийларга оид ноёб

қўлёзма асарларнинг ҳам библиографиясини яратиш жаҳон бобуршуносларининг олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Албатта, бугунги халқаро конференциянинг асосий мақсади ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижодий-маънавий меросини ўрганишдаги ютуқлар билан ўртоқлашиб, унинг ижодини мамлакатимиз ва дунё миқёсида янада кенгроқ тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборатдир.

Ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларни сарҳисоб қила туриб, Бобур мирзо асарлари етиб борган, аммо ҳали биз етиб боролмаган манзиллар борлигига амин бўлмоқдамиз. Демак, бу улуғ зотнинг қолдирган ижодий меросини ўрганиш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз керак. Айтайлик, Бобур мирзо «Бобурнома» асарини 12 ёшидан бошлаб умрининг охиригача ёзган бўлса-да, асарда 18 йиллик воқеалар акс этган саҳифалар йўқолган бўлиб, улар ҳанузгача бизга маълум эмас. Шунингдек, «Ҳарб иши», «Мусиқа сирлари», «Қофия» асарлари, Гулбаданбегим томонидан ёзилган «Ҳумоюннома» асарининг бир қисми топилмаган. Балки бу ноёб қўлёзмалар ўша биз етиб боролмаган манзилларда қайсидир музей ёки кутубхоналарда, шахсий коллекцияларда сақланаётгандир? Бу нодир маънавий бойликларни излаб топиб, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига олиб келиш энг муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз ва чет эл фондларида сақланаётган, аждодларимизга мансуб қўлёзма ва ноёб китобларнинг мукаммал библиографиясини яратишимиз зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 24 майида қабул қилинган «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асос бўлиб хизмат қилишига, аждодларимиз қолдирган илмий-ижодий мерос намуналарининг асли ёки нусхаларини Ватанимизга олиб келиш кўламининг ортишига шубҳа йўқ.

Яна бир масала: Бобур мирзонинг падари бузруквори — Фарғона ҳукмдори Умаршайх мирзонинг қабри ҳозирги

кунда сақланмаган. Агар бугун айрим олимлар томонидан талқин қилинаётганидек, у Сирдарё қирғоғидаги Ахси қалъаси ёзги қароргоҳи ҳудудида дафн этилган бўлса, у ҳолда бу жой ҳозирги маънавияти юксак Наманган аҳли томонидан асрлар давомида зиёратгоҳга айлантирилган бўлмасмиди? Ваҳоланки, ўша даврда яшаган бошқа подшоҳларнинг қабрлари сақланиб қолган. Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда Умаршайх мирзо Нанай қишлоғидан 8-10 километр олисда, ҳозирги Қирғизистоннинг Ахси туманидаги Сафед Булон қишлоғида (Шаҳидлар маконига) дафн этилганлиги ҳақида баъзи тахминлар ҳам билдирилмоқда. Ушбу фаразларга аниқлик киритиш мақсадида Бобур халқаро илмий экспедицияси яқин вақт ичида Сафед Булонга махсус сафар уюштиришни режалаштирмоқда.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди хорижда умргузаронлик қилган буюк аждодларимиз қабрларини ободонлаштириш ишларини давом эттириб, афғонистонлик ҳамкорлар билан Бобораҳим Машрабнинг Ишкамишдаги, буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг Ғазнидаги қабрларини обод этиб, зиёратгоҳларга айлантириш ҳақида келишиб олган. Айни вақтда ўз даврининг етук тарихчиларидан Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятидаги, улуғ аллома Али Қушчининг Туркиянинг Истамбул шаҳридаги, Абу Носир Фаробийнинг Дамашқдаги қабрларини ҳам қайтадан тиклаб, обод этиш режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, бетакрор сиймо таваллудига 535 йил тўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди бамисоли чексиз бир уммон бўлиб, ҳар қанча ўрганилса, шу[illegible] кам. Демак, юртимиз ва дунё бобуршуносларини олдида жуда кўпдан-кўп илмий изланишлар турибди. Ҳамиша долзарб умумбашарий аҳамиятга эга бўлган бу янглиғ эзгу амалларни рўёбга чиқариш эса улуғ боболаримизнинг биз каби авлодларига, қолаверса, дунё маърифат аҳлига насиб этаверсин!

Мосуд МАННАН,
Бангладеш Республикасининг
Ўзбекистондаги элчиси

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Хурматли хонимлар ва жаноблар, салоҳиятли олимлар ва тадқиқотчилар!

Сизларни Бобурнинг туғилган ватани бўлган Андижон шаҳрида ўтказилаётган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро анжуманда қутлашдан бахтиёрман.

Бангладеш ҳукумати Жанубий Осиё тарихини тадқиқ қилиш, хусусан, Бобурийларнинг Жанубий Осиё мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларига қўшган ҳиссаларини ўрганувчи тадқиқотларга катта қизиқиш билдиради.

Аввало, мен шахсан ушбу анжуман ташкилотчиси жаноб З.Машрабовга Бобурнинг император, шоир, ҳарбий қўмондон, файласуф ва олим сифатидаги фаолияти юзасидан ўз фикрларимни қисқача изҳор қилиш имкониятини берганлиги учун миннатдорлигимни айтмоқчиман.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва мероси узоқ йиллар давомида таҳлил қилиниб ўрганиб келинмоқда. Унинг номи Марказий Осиёда яшаган Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек каби атоқли давлат арбоблари ва олимлари қаторида алоҳида тилга олинади. Ўз келиб чиқиши бўйича Амир Темур наслидан бўлган Бобур Жанубий Осиёда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бангладеш ҳудудларини қамраб олган улкан империяга асос солган эди. У империя асосчиси сифатида ўз умрининг катта қисмини мамлакатни ривожлантириш, бойитиш ва мустаҳкамлашга сарф қилди. Бобурнинг ички низолар сабабли парчаланиб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштириш умидида олиб борган юришлари узоқ вақт давом этганига қарамай, ягона давлат тузиш орзуси фақатгина 1526 йилда Ҳиндистонга қилган юриши пайтида амалга оширилди. Ўша йилдан бошлаб Бобур

Ҳиндистонда кейинчалик 332 йил ҳукм сурган Бобурийлар империясига асос солди. Афсуслар бўлсинки, буюк сиймо 50 ёшга етмай оламдан кўз юмди. Бироқ унинг дунё тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси бугунги кунларда ҳам омма томонидан тан олинади.

Ҳаётининг турли сиёсий ва ҳарбий можаролар, талотумларга тўла бўлишига қарамай, Бобур дилбар ва чуқур фалсафий асарлар ёзишга вақт топа олган. Бу борада Бобурнинг жаҳон адабиётига қўшган энг нуфузли асари "Бобурнома" алоҳида аҳамият касб этади. У ўз асарида ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, авлодларига давлат бошқаруви, диний ва маданий қарашлари турлича бўлган халқлардан иборат мамлакатни бошқариш, бу халқларни ўз анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолган ҳолда бирлаштириш юзасидан асосли ва илмий фикрларини баён қилиб берган эди. Шу сабабли бу асар шу соҳада қилинаётган ва қилинажак изланишлар ва тадқиқотларга энг муҳим манба бўлиб қолади. "Бобурнома" асарининг аҳамияти шу пайтгача ва бундан кейин ҳам барча даврларнинг энг муҳим асари сифатида тан олинади. Бу асар бугунги кунда ёшларга ҳам ўз шахсиятларини ривожлантириш учун ўқиш тавсия қилинади.

Бу Андижон халқи, мамлакат Президенти Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида атоқли аждодининг номи ва хотирасини улуғлашмоқда. Бу шараф шаҳарда Бобурнинг жаҳонга машҳур ҳайкали ўрнатилгани ва ягона ҳисобланган Бобур музейи мавжудлигида яққол исботини топиб турибди.

Пайтдан фойдаланиб, халқаро конференцияга ташриф буюрган олимлар ва тадқиқотчиларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман. Ўз навбатида Бобур музейини бойитишда шахсан ўз ҳиссамни қўшиш ва ҳамкорлик қилишдан бахтиёрман. Бу борада Бангладеш ҳукумати ва соҳага оид муассасалар, жумладан Дхака Университети Тарих ва Археология бўлими ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлашга амалий ёрдам беришга ваъда бераман.

Eiji MANO,
Kioto universitetining faxriy professori, akademik (Yaponiya)

TARIXIY SHAXSLAR HAQIDAGI RO‘Y-ROST TASVIRLAR

Men bu konferensiyada ishtirok etayotganim va Boburning tug‘ilgan joyi bo‘lgan Andijon shahrida Bobur Mirzo haqida nutq so‘zlayotganimdan juda mamnunman.

“Boburnoma”dagi personajlarga Bobur tavsifining xususiyatlari» haqida gapiraman. Mening taqdimotim kirish, ikki qism va xulosadan iborat.

Ma’lumki, Bobur jahon tarixidagi eng buyuk shaxslardan biridir. “Boburnoma”da muallifni qiziqtirgan voqealar haqida batafsil va yorqin izohlar mavjud. Shuningdek, unda ba’zan Boburning ichki his-tuyg‘ulari va kechinmalarining ro‘y-rost ifodasi, hattoki uning ba’zan ichimliklarga xohishi bo‘lgani haqida ham yozilgan. Markaziy Osiyo, Afg‘oniston va Hindiston geografiyasining qisqa va aniq ta’rifi tengi yo‘q ma’lumotdir.

Yuqorida aytib o‘tilgan bebaho ma’lumotlardan tashqari “Boburnoma” o‘sha davrda Markaziy Osiyo, Afg‘oniston va Hindistonda yashab o‘tgan tarixiy shaxslarning batafsil tavsifini ham o‘z ichiga oladi.

Temuriy hukmdorlar vafot etganida, ularning yaqin qarindoshi bo‘lmish Bobur hukmdorning valodati va nasabi, shakli va shamoyili, xulq-atvori, masof va urushlari, viloyati, avlodi, oilasi haqida bayon etadi. Bundan tashqari, Bobur umarosi haqida batafsil so‘zlaydi.

Bunday tasvirlash umuman uchramaydigan holat emas. Biz bularni Xondamirning “Habib us-Siyar” asarida ham uchratamiz.

Saroy tarixchilarining personajlar tavsiflari bilan taqqoslaganda, Boburning hukmdorning shakli va shamoyili, xulq-atvori, umarosi xususiyatlari tavsifi mislsizdir. Boshqa tarixiy asarlarda bunday tasvirlarni topa olmaymiz.

“Boburnoma” qahramonlari tavsiflarining o‘ziga xosligini tushunish uchun “Boburnoma” dan shoh shakli va shamoyilidan

va xulqi-atvori haqidagi paragraflardan misollar keltirmoqchiman. Bir nechta parchalarni beraman.

I qism. Shakl va shamoyil tavsifi

Bobur otasi Umarshayx Mirzoning tashqi ko'rinishi va odatlarini quyidagicha tasvirlaydi:

"U past bo'ylik, paxmoq soqolli , lo'ppi yuzli to'la kishi edi. To'nni bisyor tor kiyar edi, andog'kim, bog' bog'laturda qornini ichiga tortib bog'latur edi, bog' bog'lag'ondin so'ng o'zini qo'ya bersa, bisyor bo'lur edikim, bog'lari uzulur edi. U kiymoqda va yemoqda betakalluf edi. Dastorni dastorpech chirmar edi. Ul zamonda dastorlar tamom chorpech edi, pechni chirmab, aloqa qo'yar edilar.Yozlar g'ayri devonda aksar mo'g'uliy bo'rk kiyar edi".

Bu ta'rif Boburning insonlarning ko'rinishiga qiziqish ko'rsatganini va ularning nima kiygani va qanday kiyganiga e'tibor berganini ko'rsatadi.

Bobur, o'zini ozgina bo'lsada ozg'inroq ko'rsatishga urinayotgan otasinining salla kiyish usullariga ham katta ahamiyat berganligini mohirona ifodalaydi. Ta'rif aniqligi bois biz Umarshayx Mirzoning ko'rinishi va odatlarini yorqin tasavvur qilishimiz mumkin.

Bobur Sulton Ahmad Mirzo, Sulton Mahmud Mirzo, Boysung'ur Mirzo va Sulton Husayn Mirzoning ko'rinishi va urf-odatlarini tasvirlaydi. Ularning barchasi Temuriylar sulolasi vakillari va Boburning qarindoshlari. Bu ta'riflar juda yorqin va juda qiziqarli, lekin vaqt cheklanganligi uchun men ularning tashqi ko'rinishlarigagina to'xtalib o'taman.

Sulton Ahmad Mirzo baland bo'yli, kuchli, qunqor soqolli va qizil yuzli odam edi".

"Sulton Mahmud Mirzo past bo'ylik, baquvvat, burma soqolli sinchisizroq kishi edi".

"Boysung'ur Mirzo ulug' ko'zli, qo'ba yuzli o'rta bo'ylik, turkman chehralik va malohatlik yigit edi."

"Sulton Xusayn Mirzo qiyiq ko'zli, sherkelbat kishi edi. Belidan pasti ingichka edi....Mafosil xastaligi tufayli namoz o'qiy olmas, ro'za ham tutmasdi".

Boburning ularning tashqi qiyofasi haqidagi ta'riflari aniq va yorqin. Biz ularning ko'rinishini osongina tasavvur qilishimiz mumkin. Qizig'i shundaki, garchi Sulton Ahmad Mirzo va Sulton Mahmud Mirzo tug'ishgan aka-uka bo'lsa-da, birinchisi baland bo'yli, keyingisi esa past bo'yli edi. Biroq, ularning ikkisi ham baquvvat edi.

II qism. Axloqi va atvori

Birinchidan, Bobur Umarshayx Mirzoning xarakteri va xulq-atvorini quyidagicha tasvirlaydi:

"U hanafiy mazhablik va pokiza e'tiqodlik kishi edi, besh vaqt namozni tark qilmas edi. Umriy qazolarini tamom qilib edi, aksar tilovat qilur edi. Hazrat Xoja Ubaydulloga irodati bor edi, suhbatlarig'a bisyor musharraf bo'lub edi. Hazrat Xoja ham fatzand deb edilar. Ravon savodi bor edi. Hamsatayn va masnaviy kitoblarni, tarixlarni o'qub edi. Aksar "Shohnoma" o'qur edi. Ta'bi nazmi bor edi, vale she'rg'a parvo qilmas edi.

Yuqoridagilar bilan Bobur otasining haqiqatparvarligini bayon etadi va otasining go'zal xulqiga misol keltiradi. Bobur quyidagicha davom etadi:

"Bisyor saxovati bor erdi. Xulqi dag'i saxovaticha bor erdi, xushxulq va harrof va fasih va shirin zabon kishi erdi, shujo' va mardona kishi erdi. O'qni o'rta chog'liq otar edi, bisyor zarb mushti bor edi, aning mushtidan yigit yiqilmog'on yo'qtur. Mulkgirlik dag'dag'asi jihatidin xeyli yarashlar urushqa va do'stluqlar dushmanliqqa mubaddal bo'lur edi. Burunlar ko'p ichar edi, so'ngralar haftada bir-ikkita qatla suhbat tutar edi, xushsuhbat kishi edi. Taqrib bila xo'b abyot o'qur edi. So'ngralar ma'jun ko'proq ixtiyor qilur edi. Ma'junilikda kallaxushk bo'lur edi, yetim shior edi, la'bi dag'i bisyor edi, hamisha nard o'ynar edi, gohi qimor ham qilur edi ».

Bu yerda Bobur otasini boricha tasvirlaydi. U otasining kuchli tomonlarini ya'ni o'zining diniy farzlarini qoldirmay bajarishini, o'qishga bo'lgan muhabbatini, saxovatini, jang qilish qobiliyatini va hokazolarni ta'riflaydi.

Ammo, otasining kamchiliklarini, masalan, sharob ichishi va ma'jun yeyishi kabi yomon odatlari va hududini kengaytirishga bo'lgan doimiy kuchli ishtiyoqini ham ochiq-oydin tasvirlaydi.

Bir vaqtning o'zida shaxsning kuchli va zaif tomonlarini ifodalash Boburning muvozanatli shaxsiy tavsifi uchun o'ziga xosdir.

Ikkinchidan, Boburning Sulton Mahmud Mirzoning xulq-atvorining batafsil tavsifi juda qiziqarli, ammo vaqt cheklanganligi sababli ularni batafsil bayon qilmayman.

Boburning Sulton Mahmud Mirzo haqidagi ta'rifi hayratlanarli va samimiydir. U garchi Sulton Mahmud Mirzoning namunali diniy hayoti va tartibi, boshqaruv va g'azna ishlaridagi ajoyib iqtidori haqida gapirsa-da, u o'zining qarindoshlariga bema'ni hujum qilgani, davlat tizimini xudbinlarcha o'zgartirishi, talonchiligi va aqlga sig'dirib bo'lmaydigan darajada o'gil bolalarga muhabbatini ham tasvirlaydi.

Bobur amakisining she'riyati haqidagi tanqidiy fikrlarida ("u kabi she'rlarni yozmagan bo'lsa yaxshi bo'lardi") juda zil ketadi.

Bundan tashqari, Bobur Sulton Husayn Mirzoning hukmronligini ta'riflab, Sulton Husaynni, uning shahzodalari va izdoshlarini tanqid qiladi.

Bobur ularni juda qattiq tanqid qilsa-da, ayni paytda Sulton Husayn Mirzoning hukmronligini quyidagicha tasvirlaydi:

"Uning davri (Sulton Husayn Mirzo) ajoyib edi. Xuroson, ayniqsa, Hirot shahri, olimlar va noyob odamlar bilan to'lgan edi. U nimaiki ishga qo'l urmasin, bu ishni kamolotga yetkazishga intildi va boshqalarni ham ruhlantirdi".

Oxirgi ta'rifdan ko'rinib turibdiki, Sulton Husayn Mirzoning davri madaniy jihatdan aytganda yuksak, ulug'vor edi. Shu bilan birga, mamlakatga dahshatli dushman yaqinlashayotganiga qaramasdan,Hirotda Sulton Husayn Mirzo va uning shahzodalari faqat sharob ichib aysh ishrat bilan band edi.

Sulton Husayn Mirzo 1506 yilda kasallikdan vafot etdi. 1507 yilda Shayboniyxon Hirotga hujum qildi. Shahzodalar Hirotda xotinlari va bolalarini qoldirib qochib ketishadi. Oqibatda Hirot osonlikcha zabt etiladi. Shunday qilib, Temuriylar sulolasining yuz yetmish yillik hukmronligi yakuniga yetdi.

Xulosa:

Yuqorida aytib o'tilganidek, "Boburnoma"dagi personajlarga Boburning bergan tavsifi yorqin va rang-barang.

Bobur "Boburnoma"dagi tavsiflari tamoyilini quyidagicha izohlaydi:

"Men bor haqiqatni yozdim ... Men nima sodir bo'lganini boricha yozdim. Mening hikoyamda har-bir narsaning haqiqatini yozishni va har bir hodisani aynan qanday sodir bo'lganini tushurish vazifasini qo'ydim. Men o'z qarindoshlarim orasida ko'rgan har qanday yaxshilikni va yomonlikni belgilab qo'yganimdan so'ng, o'z vatandoshlarim va musofirlarimning barcha fazilatlarini va kamchiliklarini aniqladim ".

Bu prinsip har doim o'z hukmdorlarini maqtash va ulug'lashga uringan saroy tarixchilarning prinsiplaridan butunlay farq qiladi. Bobur o'z davrining hukmdorlari va shahzodalariga teng maqomga ega bo'lganligi sababli, ular haqida hamma narsani bilgan va ko'rgan narsalarini aynan qog'ozga tushirgan.

Biroq, ba'zi odamlar Bobur bilan teng ijtimoiy mavqe'ga ega bo'lishiga qaramasdan, u kabi boricha yozishlari doim ham mumkin emas edi.

Biz Boburning bilgan va ko'rgan narsalarini ochiq va ro'yi-rost yozishiga uning ajoyib tabiati:

samimiyligi, halolligi, kamtarligi, ayniqsa haqiqatga sodiq bo'lishni talab qilgan sofdilligi ekanligiga amin bo'lamiz.

Faqatgina Bobur bergan tavsiflar orgali Temuriylar sulolasi madaniy jihatdan gullab-yashnagan bo'lsada, aysh-ishratga berilgan hukmdor va shahzodalar tufayli siyosiy va harbiy jabhalarda inqirozga yuz tutganligini ko'rish mumkin.

Personajlarni yorqin tasvirlab berish orqali Bobur davr qiyofasini muvaffaqiyatli yaratgan.Bu esa beqiyos va o'ziga xos usul bo'lgan.

Biz Boburni o'z davridan ilgarilab ketgan, deb ayta olamiz.

Men bu qisqa taqdimotim chuqur va to'la emasligini bilaman, lekin bu taqdimot jahon madaniyati tarixida Zahiriddin Muhammad Bobur va uning "Boburnoma" asari yuksak ahamiyatga ega ekanini yana bir bor tasdiqlaydi, deb umid qilaman.

Акмал САИДОВ,
ҳуқуқшунослик фанлар доктори, профессор
академик.

МИРЗО БОБУР ИЖОДИДА ФИҚҲ МАВЗУСИ
("Мубаййин" асари талқинида)

"Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор". Президентимиз Ш.М.Мирзиёев эътироф этган ана шундай улуғ аждодларимиздан бири бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, аввалambор, Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукм сурган буюк Бобурийлар салтанатининг асосчиси саналган Темурий подшоҳ ҳамда жаҳонда эътироф этилган муҳташам комусий маънавий ёдгорлик – **"Бобурнома"** асарининг муаллифи сифатида яхши биламиз.

Табиийки, Мирзо Бобур дилбар шоир бўлиб, ғазаллари, рубоий ва маснавийлари адабиётимизнинг гултож асарлари сифатида ҳамиша юксак қадрланади. Айни чоғда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳу шоирлик қатори фиқҳ илми, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, ҳуқуқшунослик билан ҳам шуғулланган. Айниқса, бу мавзуда **"Мубаййин"** (тарихий манбаларда **"Мубаййан")** деб аталган эътиборли асар яратгани аҳамиятлидир.

Мирзо Бобур умрининг сўнгги йилларида, яъни 1521 йилда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзога атаб ёзган мазкур китоби – ислом ва фиқҳ асосларини баён этувчи йирик асардир. У эътиқод, салот (намоз), закот, савм (рўза) ва ҳаж масалаларига бағишланган бешта қисмдан иборат.

Каминага ушбу асар ҳақида илк бор бундан чорак аср бурун атокли бобуршунос олима, академик **Сабохат Азимжонова** гапириб берганди. Ўша суҳбатларимизда эътироф этилганидек, Мирзо Бобур Имом Бухорийнинг "ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ", Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя", Имом Мотуридийнинг "Тавҳид", Фахриддин Али Сафийнинг "Рашаҳоти айн ал-ҳаёт", Алишер Навоийнинг "Сирож ул-

муслимин" ва бошқа машҳур муҳаддис, фиқҳшунос ва мутафаккир зотлар асарларини диққат билан ўрганган.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Мирзо Бобурнинг ижтимоий-фалсафий ва диний-ҳуқуқий қарашлари Абу Ҳанифа мазҳабидаги ислом фақихлари қарашлари мажмуасининг таркибий қисмини ташкил этган. Шу боис, ул зот юқорида санаб ўтилгани каби кўплаб сара асарлар мутолааси орқали ўтмиш ва ўз даври тафаккурининг ижтимоий-фалсафий ва эстетик мазмун-моҳиятини яхши ўзлаштирган. Улуғ аждодимиз бу асарларни нафақат чуқур ўзлаштирган, балки етук олим сифатида ўзи яшаб турган давр тафаккур даражасини яна бир поғонага ривожлантирган.

Мустақиллик йилларида мутафаккир боболаримизнинг бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганишга эътибор тубдан кучайди. Шу жумладан, Мирзо Бобур ҳазратларининг ижодини теран таҳлил ва тадқик этиш имкониятлари ниҳоятда кенгайди. **"Бобурнома"** асари, Мирзо Бобурнинг шеърий девони қайта-қайта чоп этилди. Ушбу асарлар талқинига бағишланган китоб ва рисолалар, илмий-оммабоп мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда.

Энг муҳими, истиқлол йилларида фиқҳ ва ислом одоб-ахлоқи асосларини ўзида ифодалаб келган, аммо етарлича ўрганилмаган юзлаб асарларнинг юзага чиқиши, фиқҳ масалаларига бағишланган китоблардан халқимиз баҳра олиши учун зарур шароитлар яратилди. Мирзо Бобур, жумладан, **Хожа Убайдуллоҳ Ахрор** қаламига мансуб **"Рисолаи волидиййа"** асарини форсийдан ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, кейинги йилларда тасаввуфга оид бу китоб илмий муомалага киритилди. Шунингдек, Мирзо Бобурнинг **"Куллиёт"и** Техрон миллий кутубхонасидан олиб келинди. **"Хатти Бобурий"** алифбосида кўчирилган Қуръони карим Машҳад музейидан Ватанимизга келтирилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Мирзо Бобурнинг "Мубаййин" асари уч марта нашр этилди. Бу асар маснавий жанрида ёзилган бўлиб, фиқҳий масалалар олим, адиб ва шоҳ Бобурнинг ўзига хос баён услуби орқали чуқур билимдонлик билан тушунтириб берилган. Асарда

ислом дини асосларини ўқувчи онгига секин-аста ва мустаҳкам сингдириб бориш мақсадида бадиий воситаларнинг бобма-боб санъаткорона қўлланилгани таҳсинга лойиқдир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бугунги кунда Мирзо Бобурнинг эътиқодий қарашлари, фақих, яъни ҳуқуқшунос олим сифатида фиқҳ илмига қўшган ҳиссасини илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Кези келганда, Мирзо Бобур ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини тадқиқ этишга наинки Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Безосита "Мубаййин" асарининг ўрганилиши ва чоп этилиши ҳақида сўз борганда, Шарқда – Шайх Зайн, Мулла Мир Махдум Тошкандий, С.Азимжонова, С.Шукруллаева, О.Ҳусанбоев, Н.Расулзода, Е.Березин, А.Самойлович каби олим ва ноширлар, Фуод Кўпрулу, Танжу Ўрал Сейҳан, шунингдек, ҳинд олимлари Абул Фазл Алломий ва Бадоуний, Ғарбда – Бевериж, Спрингер, Жан Луи Баке Граммон каби шарқшуносларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 2014 йил 15 май куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган **"Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти"** мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, **"тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди"**.

Маълумки, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари хали тўлиқ ўрганилмаган. Бинобарин, ҳозирги вақтда

фақатгина Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Табиийки, ушбу нодир асарлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш – хар бир олимнинг вазифаси, таъбир жоиз бўлса, виждон бурчидир.

Шу маънода, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб "Мубайййин" ("Мубайййан") асари нашрдан-нашрга мукаммаллашган ҳолда ўқувчига етказилаётгани ҳар қанча эътибор ва эҳтиромга муносибдир. Бинобарин, ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш хар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади.

Айтиш жоизки, ушбу китобнинг учинчи нашрига таниқли шоир, таржимон ва аллома **Мирзо Кенжабек** қўл ургани бежиз бўлмаган. Зотан, "Мубайййин" ("Мубайййан"), бир томондан, ўзбек тилида яратилган ва мумтоз шоир қаламига мансуб бўлган эътиборли асарлар туркумига кирса, иккинчи томондан, тилимизнинг шираси ва бойлигини тўлалигича акс эттирадиган диний ва бадиий адабиётнинг ёркин намунаси ҳисобланади. Бу асар исломшунос ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва файласуфлар, тилчи ва адабиётшунослар каби турли соҳа тадқиқотчилари учун қимматли манбадир.

Ушбу янги нашр бир неча хусусиятлари билан олдинги нашрлардан фарқ қилади. **Биринчи хусусияти** – асарнинг номига оиддир. Мирзо Кенжабек улуғ тарихчи олим Абдулҳай Лакҳнавий-Ҳасанийнинг "Нузҳат ул-хавотир" ("Хотиралар сайри") асарига таяниб, асарни "Мубайййан" деб аташни ўринли ҳисоблайди. Чунки, "Нузҳат ул-хавотир"да келтирилишича, "Мубайййин" Шайх Зайнуддин (Ибн Қутбуддин ал-Ҳанафий) ал-Хавофийнинг "Мубайййин" асарига ёзган шарҳининг номидир. Насрий баён муаллифи, асарни "Мубайййин" деб аташ урф бўлиб кетганига балки шу шарҳ номи сабаб бўлгандир, деган фикрни билдиради.

Янги нашрнинг олдинги нашрлардан фарқли **иккинчи хусусияти** – асар насрий баёни билан бирга ёнма-ён саҳифала жойлаштирилган ва "Мубаййин" ва насрий баёни" деб номланган. Китобхон шеърий ва насрий матнни ўқиб, иккисидан ҳам баробар истифода этиши мумкин. Бунда махсус луғатга эҳтиёж йўқ.

Учинчи хусусияти – насрий баённинг кўплаб ўринларида "Мухтасари Виқоя" ва унинг шарҳлари бўлмиш "Мажмаъ ул-мақсуд", "Кифоя" китобларидан, яна "Ҳидояи шариф", "Маслак ул-муттақин" таснифларидан изоҳ ва шарҳлар ҳавола этилган. Бундан Бобур Мирзонинг асосий таянган манбалари "Мухтасари Виқоя" ва "Ҳидояи шариф" китоблари экани ҳам маълум бўлади.

Тўртинчи хусусияти – Мирзо Бобур баён этган баъзи фиқҳий масалаларга Қуръони карим таржималаридан, "Саҳиҳи Бухорий", "Сунани Термизий" китобларидан далиллар илова этилган. Булар, айни вақтда, "Ҳидояи шариф" ва "Мухтасари Виқоя"нинг далиллари ҳамдир.

Бешинчи хусусияти – "Мубаййин" асаридаги барча арабий матнлар ва уларнинг жорий ёзувдаги ўқилиши ҳамда таржималари тўлиқ тақдим этилган. Шарҳ, изоҳ, таржима ва иловалар кия ҳарфлар билан белгилаб кўрсатилган. Асарнинг 2011 йилги нашрида бу матнларнинг тамоман ташлаб ўтилиши шу билан ислоҳ топган, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчи хусусият шундан ибратки, насрий баёнда – қавс ичида асар мазмунини очадиган қисқа изоҳлар ҳам бериб борилганки, баённи ўқиш жараёнида ўқувчи бунинг нақадар зарур эканини ҳис этади. Шунингдек, олдинги нашрларда ихтиёрсиз йўл қўйилган саҳву нуқсонлар баҳоли қудрат ислоҳ этилиб, фиқҳий атама, истилоҳ ва иборалар тўғри қўлланган.

Китобнинг еттинчи хусусияти – насрий баён ўқувчининг мазкур илмларга амал қилиши учун мўлжалланган. Зеро, Мирзо Бобур ҳазратлари китоб хотимасида:

Чунки илмийсин айладим таҳқиқ,
Амалийсиға бергасен тавфиқ! –

дея орзу қилган. **“Мубаййин ва насрий баёни”** китоби ўзига хос илмий тадқиқот бўлиши билан бирга китобхонлар учун ўзига хос дастуруламал ҳамдир.

Мирзо Бобур ҳаёти ва ижодида жуда муҳим ўрин тутган **“Рисолаи волидиййа”** асарининг назмий таржимаси матни ва шарҳи билан бирга ушбу китобга киритилгани ҳам маънавий ҳаётимизда улкан воқеа деб ҳисоблайман. Мазкур шарҳ илгари (2004) **“Дунёнинг муршиди”** номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилган эди.

Бунда олдинги нашрда йўл қўйилган баъзи нуқсон ва камчиликлар тузатилган, **“Волидиййа”** таржимаси матни олимларимиз Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ ва Ҳамидуллоҳ Амин таржима қилиб нашрга тайёрлаган **“Табаррук рисолалар”** китобида келтирилган таржимадан истифода этилгани ҳолда, китобга илова этилган, янги маълумот ва изоҳлар билан бойитилган. Бинобарин, бу асар Мирзо Бобур маънавий мартабасининг далил-ҳужжатидир.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўрганиш соҳасидаги ҳар қандай эзгу амал, яъни анжуманлар, китоблар, тадқиқотлар – буларнинг барчаси Мирзо Бобур шахсини, ҳаёти ва ижодини янада теран билиш ҳамда англаш учун очилган янги йўл ва бу йўлда қўйилган қутлуғ қадамлардир.

Абдулла АЪЗАМОВ,
академик.

ДАСТХАТДА БИТИЛГАН РУБОИЙ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур девонининг қўлёзмалари орасида Рампур шаҳридаги Наввоб кутубхонасида 19 рақам билан сақланаётган мажмуа алоҳида ўрин тутади. (Қўлёзма аслида анъанавий маънодаги девон эмас – у иккитадан ғазал ва маснавий, 25 рубоий, 3 қитъани ўз ичига олиб, "Аруз" рисоласидан бир ярим саҳифали парча билан якунланган. Қўлёзманинг қимматли жиҳати шундаки, биринчидан, у Бобур тириклигида кўчирилган ва унинг таҳридан ўтган, иккинчидан, сўнгги саҳифасига Бобур ўз қўли билан махсус рубоий қўшиб қўйган. Рубоий айнан Бобурнинг дастхати эканлиги тўғрисида унинг чевараси Шоҳжаҳон шаҳодат ёзиб қолдирган:

"Ин рубоъийи туркий ва исми муборак батаҳқиқ хатти Олийҳазрат фирдавсмакони Бобур Подшоҳи Ғозий анараллоҳу бурҳонаҳу аст. Ҳаррару Шоҳжаҳон бин Жаҳонгир Подшоҳ бин Акбар Подшоҳ бин Ҳумоюн Подшоҳ бин Бобур Подшоҳ". (Таржимаси: Бу туркий рубоий ва муборак исм ҳақиқатан фирдавсмакон Бобур Подшоҳи Ғозий – Аллоҳ унинг (қабрини) мунаввар қилсин – томонидан ёзилган. Шоҳжаҳон Подшоҳ ёзди; қ. "Бобур энциклопедияси").

Рубоийнинг саҳифада жойланишига қараб хулоса қилиш мумкинки, у қўлёзма муқовалаб бўлинганидан кейин Темурийлар давридаги китобат санъати технологиясига мувофиқ алоҳида юпқа қоғозга ёзилган, сўнг номаълум сабабга кўра йирикроқ ҳарфлар билан ёзилган икки байти қиялатиб саҳифанинг ўртароғига, майдароқ ҳарфли икки байти саҳифа остига ёпиштирилган. Бунда дастлабки уч байт аниқ ўқилгани ҳолда, сўнгги байт деярли ўчиб кетган. Қўлёзмани биринчи бўлиб нашр этган, муҳими, унинг ўзидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган Д. Росс лупа ёки бошқа

бирор восита орқали тўртинчи мисрани тиклашга ҳаракат қилган ва муайян натижага эришган. Бобур девонининг ҳозирги нашрларида рубоий шундай таҳрирда берилади:

هر وقتیکی کورگسین مینینگ سوزومنی
سوزمنی اوقوب ساغینگاسین اوزومنی
وصلینگ بیله کونگلومنی خدای ایلب شاد
... یاروتی یوزونگ بیله کوزومنی

Ҳар вақтеки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингасен ўзумни.
Васлинг била кўнглумни Худой айлаб шод
... ёрутти юзунг била кўзумни.

Бу рубоий муносабати билан табиий равишда бир неча савол туғилади.

Биринчиси: Шоҳжаҳон ёзиб қолдирган шаҳодатда бу рубоий билан бирга "исми муборак" ҳам Бобур хати билан ёзилгани қайд этилган. Ҳолбуки, рубоийда ҳеч бир исм зикр этилмаган-ку? Бу саволга шу саҳифанинг ўзида жавоб келтирилган, аммо у қўлёзма тадқиқотчиларининг эътиборидан четда қолган. Қўлёзма факсимилесини (Д.Р. ва Н.А.Самойлович нашрларидан фарқли рангли ҳолида) нашр этган Доктор С.М.Азизидин Ҳусайн унинг охиридаги қуйидаги жумлани келтирган:

ال‌آخر ۵ ۳ ۹حرره بابر دوشنبه ۱۵ ربع

(Ҳарраҳу Бобур 15 рабиъул охир 935 (буни ёзган – Бобур, ҳижрий 935 йил 15 рабиъул-аввал – милодий 1528 йил ...). Жумла (935 санаси истисно) асосий матн қоғозидан фарқли сарғиш қоғозга ёзилиб ёпиштирилган, мазкур сана билан қўлёзманинг ниҳоясини билдирувчи م ҳарфи унинг остига тиркалган.

Шоҳжаҳон зикр этган "исми муборак" мана шу жумладаги Бобур исми эканлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, бу жумла ҳам рубоий каби Бобурнинг ўз қўли билан ёзилгани хусусидаги Шоҳжаҳоннинг шаҳодати ҳам равшан – Бобурнинг ўзидан бошқа хаттот, албатта, унинг бир неча исми шарифини келтирган бўлар эди.

Муҳими, бу жумладаги Бобурнинг сўзи ўз навбатида кутилмаган хулосага ундайди: **қўлёзмадаги рубоий билан "исми муборак"гина эмас, бутун китоб Бобурнинг дастхати билан битилган!** Бу хулоса, албатта, қўшимча далилларни тақозо этади. Бунинг учун Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрон фондларида сақланаётган манбалар орасидан Бобурнинг дастхати намуналарини ўз ичига олган қўлёзмалар, масалан, фармонлар, алоҳида шеърлар битилган варақларни излаб топиш ва Рампур қўлёзмаси хати билан киёслаш лозим.

Маърузанинг иккинчи қисмида Бобур дастхати билан битилган рубоийда хиралашиб кетгани учун ўқилмай қолган (юқорида уч нуқта билан белгиланган) сўзни аруз вазни ва текстологик тадқиқот асосида тиклаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Билал ЮЖЕЛ,
Жумҳурият Университети
профессори, доктор (ТУРКИЯ)

БОБУР ДЕВОНИ ВА "БОБУРНОМА" ЎРТАСИДАГИ ЎХШАШЛИКЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Осиёда узоқ давом этган ҳукмронликка асос солган буюк ҳукмдор ва давлат арбоби бўлган. Бундан ташқари, у турк ва жаҳон адабиёти ёдномаларини ёзган энг буюк ёзувчи бўлган. Қолаверса, у шеърий тўплам, девон эгаси ҳамда адабиёт назариячиси бўлган. У ҳам таржимон, ёзувчи, бастакор, архитектор ва ҳоказо. Қирк етти йиллик ҳаёти давомида қаҳрамонларча ҳаракатлар кўрсатган ва турли жабҳаларда из қолдирган инсон бўлган.

Бобур девонида муҳаббат, маҳзунлик, видолашув, ватан соғинчи, шахсий ҳаёт тарзи, вафодорлик, бевафолик, дўстлик, оға-инилик мавзусидан ташқари, тарихий мавзулар ҳам бор. Бошқача айтганда, у тарихга қоладиган девон анъанасига хос нафис шеър ва байтлар ёзган. Шунинг учун бу мумтоз Девон анъанадан фарқли ўлароқ тарих изларини, таржимаи ҳол, саёҳат китоби ҳамда кундаликни ўз ичига олади.

"Бобурнома" асарининг гарчи бир қисми йўқолган бўлсада, нафақат ягона энг машҳур ёднома асар, балки у катта ва бебаҳо манба бўлиб, тарихчилар ва турли соҳа олимлари Бобурнинг содиқлиги, самимийлиги ва беғаразлиги туфайли уни ҳурмат қиладилар.

Яна бир томондан энг машҳур насрий асар номига эга бўлган бу асар шеър ва байтлар туфайли алоҳида гўзалликка эга, бошқа шеърлар бу асарга лирик, эпик, дидактик бўёқ қўшадилар.

"Бобурнома"даги айрим шеър ва байтлар Девонда ҳам бор. Шунинг учун бу шеърлар қачон, қаерда ва қайси воқеа муносабати билан ёзилганини билиш мумкин. Қуйида

Девонда ва "Бобурнома"да иштирок этган баъзи шеърлар келтирилади:

***

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

***

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар
Манга юзу қошингдан айру байрам ойида ғамлар.

***

Юзи наврўзию васли ийдин,Бобур, ғанимат тут -
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар.

***

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ,
Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ.

***

Такаллуф ҳар неча суратта бўлса, ондин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф, жондин ортуқсен!

***

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму ?!

***

Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур .

***

Ошиқ ўлғоч, бехуду девона бўлдум, билмадим
Ким ,парирухсорлар ишқига бу эрмиш хавос.

***

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

***

Ишлар бори кўнлунгдагидек бўлғусидур,
Инъому вазифа – бори буйрулғусидур.
Ул ғаллаю муҳмалки, деб эрдинг, бердим,
Муҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидур.

***

Аҳбобки, базмида гулистон хастур,
Йўқ лек алар базмида бизга дастур.
Ул жамъда гар ҳузури жамъият бор,
Юз шукр, бу жамъ беҳузур эмастур.

***

Юз шукур де, Бобурки, карими ғаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор.

***

Ислом учун овораи ёзи бўлдум,
Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум.
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа,
Ал-миннату лиллаҳки, ғозий бўлдим.

***

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл борча пушаймон бўлуру, тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен

***

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин ўчадур уйқу чу ахшам бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сари бу ортадур, ул кам бўладур.

***

Ул сарвнинг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни,бор умид,
Солғай Худой,раҳмни пўлод кўнглига.

***

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин,
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам,

Кобулу хуш ҳавосини соғиниб...
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.

Кўрдингиз топтингиз экин анда,
Ишрату айш бирла нозу ниам.

Биз даги ўлмадук,биҳамдиллоҳ
Гарчи кўп ранж эдию беҳад гам.

Ҳаззи нафсию машаққати бадани,
Сиздин ўтти ва ўтти биздин ҳам.

***

Сабзаву гуллар билан жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор

***

Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,
Қаду хаду сочу белиниму дей.

***

Неча исён била олудалигинг,
Неча ҳирмон аро осудалигинг?

***

Неча нафсингга бўлурсан тобеъ,
Неча умрингни қилурсен зоеъ?

***

Нияти газв илаким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен.

***

Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.
Дур этар барча маноҳидин ўзин,
Аритур жумла гуноҳидин ўзин.

***

Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин
Тавба қилдим чогир ичмакликдин.

***

Олтуну нуқра суроҳию аёг,
Мажлис олоти тамомин ул чог.

***

Ҳозир айлаб борини сиидурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.

Mansura HAYDAR,
professor, Nyu Deli, Hindiston.

BOBUR – IJODKORLIK TIMSOLI

Bobur qisqa umri (1583-1530) davomida o'zining ko'p qirrali shaxsiyati, tasviriy san'at, ayniqsa, me'morchilik va adabiyotdagi iste'dodi, jang maydonidagi ulkan salohiyati, ilm-fanning turli jabhalarida erishgan yutuqlari, ko'p tillarda so'zlay olishi, topografiya, fizionomiya, geosiyosat va tabiiy fanlar va h.kga oid bilimi, turli shaxslar va antitetik voqea -hodisalardagi ishtiroki bilan jahon tarixi va madaniyatida yuksak, ta'sirli va o'chmas iz qoldirdi.

Bobur butunlay o'zga bir makonda – ikkinchi vataniga o'z yurtida uzoq davom etgan hokimiyat uchun kurashlardan so'ng poydevori hind, forsiy-islomiy va turkiy an'analar asosida o'rnatilgan ideallar, standartlar, diniy aqidalar, printsiplar va qadriyatlar ustida qurilgan saltanat tashkil qilishga muvaffaq bo'ldi.

Ingliz olimi Beveridge Boburning yashagan muhitiga butunlay noo'xshash bo'lgan vaziyat va muhitda Boburning shaxsiyati uning tug'ma iste'dodi va birday o'tkir zakovatiyu aqliy salohiyatini har tomonlama shakllantirgan "fuqarolik layoqati"ni e'tirof etadi. Bir tomondan, uning iste'dodli onasi va buvisi (Qutluq Nigor xonim va Eson Davlat Begim), katta opasi Xonzoda xonim barchasi ziyoli, tarbiyali va madaniyatli bo'lgan) muhiti katta ta'sir ko'rsatgan bo'lsa, ikkinchi tomondan Eson Davlat Begimning tarbiyasidan butkul farq qiladigan tarbiya olgan, otasi tomonidan buvisi Shoh Sulton Begim ham unga mehr ko'rsatgan. Samarqandning badavlat oilasida to'kin hayot kechirgan Tarxoniylardan bo'lgan oliy nasab bu xonim shubhasiz komil va madaniyatli ayol edi.

Boburga bu ismning berilishi va bolaligining o'tishi Xuja Ubaydulloh Ahror ta'sirida bo'ldi. U chuqur ma'naviyatli, taqvoli

va madaniyatli bo'lib tarbiyalandi. Uning iqtidori o'n ikki yil davomida Sharafuddin Ali Yazdiy ustozligida tarbiyalangan, o'zi ham iqtidorli odam bo'lgan ona tomonidan bobosi Yunus Xon ko'magida yanada komillashdi.

Yunusxon rassom, adabiyotshunos, musiqachi hamda yaxshi suhbatdosh sifatida o'ta mahoratli edi. Bobur undan bu fazilatlarni, Xo'ja Ubaydulloh Ahrordan esa darveshona qudratni o'zlashtirdi. Yana Boburga darveshona xulq otasi Mirzo Umar Shayhdan o'tgan bo'lishi kerak.Undagi intellektual va badiiy ishtiyoq Sulton Husayin Boyqaro va Alisher Navoiy tomonidan yaratilgan madaniy muhit ta'sirida alangalandi. Bunday yuksaklikka intiluvchi va ziyoli kimsalar ta'sirida Boburning yanada o'sishi va kamol topishi tabiiydek tuyuladi. Shunday bo'ldi ham? U hayot shodliklari, qadr-qimmati, layoqat va ma'naviy xislatlarni yuksak qadrladi, lekin bu yutuqlar faqat yolgiz uniki edi, chunki u yolg'iz edi. Bu qorong'u kunlar va azob uqubatlar qayg'usi, nafasi uning badiiy asarlarida ufurib turadi. Bunday noqulay vaziyatlarni yengib o'tishiga va kelajagini imkon qadar yaxshilashga uning bukilmas ruhiyati va jasorati sababdir. Boburning hayotida farovonlik va qashshoqlik, qiyinchilik va qulaylik davrlari o'rin almashdi.

Dushmanlar bilan kurashib xo'rlangan nochor shahzoda garchi aslzoda bo'lib tug'ilgan bo'lsada, buyuklikka osongina yetib qolgani yo'q, balki muntazam kurashlar orqali erishdi. Ushbu maqolada Bobur ijodiy yutuqlarining jahon sivilizatsiyasi tarixi va madaniyatiga ta'sir ko'rsatgan muhim jihatlari haqida so'z boradi.

Somiy, Boysung'ur Mirzo singari boshqa shahzodalar ham o'z intellektual yutuqlari bilan mashhur bo'lsada, Bobur ular orasida eng ijodkori, ixtirochisi, sermahsuli va tassavuri boyi edi, chunki u serqirra shaxs edi. Uning yutuqlari kutilganidan yoki odatda kuzatilganidan ko'ra ancha serqirra va keng qamrovli edi. She'riyat sohasida turli shoirlarning ijodiga bag'ishlangan izohlari uning nazm san'atidagi qobiliyatini namoyish etadi. U

Astrobodlik Mavlono Badriddin Hiloli she'riyatiga baho berib turib shunday deydi: "G'azallari **hamvor va ranggin** va kam hadshadur. Devoni ham bordur.

Bir masnaviysi bor, "hafif" bahrida "Shoh va Darvish"qa mavsum, agarchi ba'zi baytlari tavre voqe bo'libtur, vale by masnaviyning mazmun va ustuxonbandlig'i bisyor qovoq va xarobtur. Shuaroyi motaqaddam ishq va oshiqlik uchun masnaviylarkim aytibdurlar, oshiqliqni erga, va ma'shuqliqni hoting'a nisbat qilibturlar. Hiloliy darvishni oshiq qilibtur, shohni ma'shuq. O'z masnaviysining maslahatig'a bir yigitni va yana shoh yigitini bisyor besuratturkim,jalablar va fohishalardek ta'rif qilg'ay" (BN290) Baravar mohirlik bilan u rassomlar va qalam sohiblariga izoh beradi. Uning fikricha, Sulton Ali Mashhadiy Mirzo Sulton Husayn Boyqaro va Alisher Navoining kitoblarini oqqa ko'chirgan, birinchisi uchun kuniga 30bayt, ikkinchi uchun 20 bayt bitgan nasx ta'liqdir.

Boburning san'at va rassomchilik sohasidagi bilimlari ham diqqatga sazovor edi. U Shayboniyxonni bu sohada tajribasizligi uchun tanqid qildi. Garchi Behzodning asarlarini "bisyor nozik" deb atagan bo'lsada, "vale soqolsiz elning chehrasin yomon ochadur. G'abg'abini ko'p ulug' tortadur. Soqolliq kishini yaxshi chehrali, kushoyliq qiladur" deb aytadi. Bundan tashqari, u Shoh Muzaffarning suratlarini baholab, uning sochlarni juda nafis ifodalab, ko'p nozik portretlar chizganini aytadi. Bobur musiqa sohasida ham bilimdon edi. U turli musiqachilarni tasvirlaydi.

Badruddin yoki Sayyid Badrni quyidagicha ta'riflaydi: "bisyor zo'r va asru shirin harakot kishi edi, ajab sohib usul kishi edi. G'arib ho'b raqs qilur edi. G'ayri mukarrar raqs qilur edi. G'olibo ul raqs aning ixtiroidur." Boburning musiqaga bo'lgan muhabbati va uning turli turlari haqidagi bilimi ham hayratlanarlidir. Garchi ajablanarli tuyulsada, Bobur sehr va talismanlar haqida ham nimalarnidir bilardi. 1519-20 yillarda Bobur Ko'hi Nurning Kunardagi Kula gramga yomg'ir sharros quyayotganda yetib keladi. U Mulla Ali Xonga o'zi bilgan

tumorni o‘rgatganini va u to‘rt parcha qog‘ozga ularni yozib to‘rt tarafga osib qo‘yganini va shunday qilingandan keyin yomg‘ir to‘xtaganini aytadi. (BN422-423).

U juda ko‘p narsaga qiziqqan va shug‘ullangan. Bobur 1520 yil hisobiga Mulla Yorak yaratgan kuyni ta’riflab turib shunday deydi: "Mullo Yorak panjgohda muxammas davrida bog‘lag‘on naqshini o‘tkardi. Yaxshi naqsh bog‘labtur. Necha mahal edi, mundoq nimalarg‘a mashg‘ulluq qilmaydur dei. Manga ham dag‘dag‘a bo‘ldi, bir nima bog‘lag‘aymen. Bu taqrib bila chorgoh savtini bog‘ladim. Nechukkim mahalida mazkur bo‘lg‘usidir." (bn42)Boburning Qobuldagi kunlari tinch yoki osoyishta emas edi, lekin uning go‘zallashtirishga bo‘lgan mehri, yaratuvchanlik munosabati, uni yashashi kerak bo‘lgan muhitni o‘zgartirish va yaxshilashga undaydi. Hisobi bilan 1504-1505 yillarda Bobur o‘zi bilan olib kelgan olvali ko‘chatlarini u yerga ektirganini qayd etgan. Bobur Lamganatga olib kelgan shakar qamishni ektirganini yozadi.

Beverlijning ta’kidlashicha, Xitoylik ziyoratchi Beale, Lamganatda (BN, Eng tr.203) haddan ziyod ko‘p, mo‘l shakar qamish o‘sganini ko‘rganini yozgan. Bobur uni o‘z bog‘iga ekkan bo‘lishi kerak.Bobur Hindistonga turli xil yangi mevalar, jumladan, uzumning turfa xillarini olib borib ektirgan. Ba’zilari haligacha saqlanib qolgan ko‘plab bog‘lar va binolar Boburning me’morchilikdagi mahorati isbotidir.

Bobur ko‘p tillarni yaxshi bilgan va uning mahorati asarlari uchun turli tillarni tanlaganida yaqqol aks etgan. U fiqhiy asarlarini arab tilida, memuarini Chig‘atoy turk tilida yozgan, nazmlari uch tilda yaratilgan. Ayrim she’rlarida dana, roti, pani kabi hind so‘zlari uchraydi va bu Xisravning dastlabki she’rlarini eslatadi. Bobur asarlari turli xil. Uning 2000 dan ortiq baytlari jamlangan Turkiy she’rlari to‘plamini Nizomiddin va Badani Mubin deb ataganlar, Shayh Zain ham uni mubin deb izohlagan. Bu fiqh bo‘yicha yozilgan bo‘lganligi sababli Bobur uni Xvaja Yahyo Samarqandiyga yuborgan.

Bu ikki ming misradan iborat turkiy she'rning asl nomi Nafoisul maasur tasvirlaganiday "dar fiqh mubaiyan". Bu Komronga davlat qonunchilik ishlarida yo'l-yo'riq berish uchun yozilgan ishdir. Risolai Volidiya, Devonlari va boshqa ishlari Boburning adabiyotning turli jabhalarida nazmiy mahorati dalilidir.

Boburning ijodkorligi uning o'ta qiziq va ajoyib badiiy asar, buyuk san'at durdonasi, raritetlar kitobi bo'lgan avtobiografiyasini yaratishda yaqqol ko'zga tashlanadi. "Boburnoma" nomi bilan mashhur bo'lgan "Voqe'ati Boburiy" eng zarur manba sifatida kam o'rganilgan davr haqidagi ma'lumotlari anchagina oshgan, ko'paygan dunyo tarixchilarigagina emas, balki Boburning chuqur bilimini namoyish etadigan, hayotning har jabhasi haqida ma'lumot beradigan qiziq badiiy asar sifatida adabiyot ahliga ham katta sovg'adir. Boburning ilm-fan, tasviriy san'at va ta'lim sohalaridagi chuqur ilmi, albatta, hayratlanarlidir. Uning "Voqe'ati Boburiy" (Boburnoma) asari uning turfa qiziqishlari, turli xil personajlarga tavsifi, tabiiy fanlar, botanika, zoologiya, fizionomiya sohasini mukammal bilishining haqiqiy isboti bo'lib, butun ijtimoiy madaniy muhit haqida nodir tushuncha berishi bilan benihoya foydalidir. Boburning Markaziy Osiya qabilalari haqidagi tasodifiy sharhlari juda ahamiyatli bo'lib, bizning qabilalar haqidagi ma'lumotimiz bo'shliqlarini to'ldiradi.

Boburning memuari Markaziy Osiyoning qo'shin tuzilmalarini to'liq tushunish uchun ajoyib va ehtimol yagona manba. Bobur turli kamon va o'qlarning turli xillarini tasvirlaydi. Masalan Shosh/Choch nomiga atalgan Choch (Toshkent kamoni) , (qizil tol) Tabalgudan yasalgan nayza,oq qayin daraxtidan yasalgan Tiri Hudang. Ovchilik haqida so'zlay turib Bobur Kamonlarning ikki xilini tasvirlaydi: egiluvchan yoy(yarmigacha bug'uning patidan yasalgan nayza va qattiq yoy (undan shiddat bilan otilgan o'q karkidonnimg qalin terisiga to'rt duyum teshib kirishi mumkin edi. (Bobur, Boburnoma, N, 420, 490). Boburning

aytishicha, Temuriylardan hech biri sulton Husayn Mirzoga qilichbozlikda teng kelolmasdi. Shayboniylar xuddi shunday, Bobur to'lg'ama usulini o'zbek janggining buyuk yutuqlaridan biri deb ataydi, ularning hech bir janggi usiz o'tmasdi. Ularning yana bir yutuqlari shu ediki, ularning hammasi oldingisidan orqadagisigacha ot choptirib kelayotganida ham chekinayotganida ham qichqirib yoyilib ketmasdan birga to'p bo'lib ketishgan. Sari Pul janggida Shayboniylar Bobur qo'shinining old tarafidan kuchli hujum qilishgan bo'lsa, orqa tarafidan esa Bobur ustidan kamon o'qi yog'dirishgan. Bunday usulda ham orqa, ham old tarafdan hujum qilishib, uning qo'shinini shoshirib qo'yishgan. (Boburnoma, ing. tar. B.139-140.)

Bobur o'z raqibini butunlay e'tiborsiz qoldirgan Uzbeklar Yada toshdan foydalanishga ahd qilishganini va sehrgarlarga aqrab kirishi bilan sehrlashni buyurishganini va shu yo'l bilan dushmanni kuchsizlantirib, biz Uzbeklar g'olib bo'lamiz deb o'ylashganini qayd etadi.(BN623) Bu sehrgarlik urunishlari muvaffaqiyat qozonganmi yoki yo'qmi, qiyinchiliklar va mablag' yetishmasligiga qaramasdan Bobur ketish uchun ikkita mutaxassislar artilleriyasini yollashga majbur bo'ladi.

Bobur tabiatan tug'ma sayohatchi edi va undagi san'at va madaniyat asarlarini qadrlash tuyg'usi shu darajada kuchli ediki, hatto og'ir kasalligiga qaramay, u binolarni ko'rish uchun borgan va ularni memuarida qadrladi. Ba'zan Boburning qiziquvchanligi uni g'alati, lekin qiziq joylarga olib keldi. Shunisi qiziqki, Bobur Go'r Hattri kabi noma'lum joylar haqida hikoya qiladi. Bobur memuarida Go'r Hattrini ikki bora yodga oladi. 1405-5da, Bobur yozadi: Biz Go'r Hattri haqida ko'p rivoyatlar eshitganmiz. U uzoq joylardan u yerga soch va soqolini olish uchun kelgan hindularning muqaddas joyi sanalardi. Bir marta Bigramni ko'rish uchun jamdan chiqqanimda u yerdagi muhtasham daraxtlarni va atrofni tomosha qilib ko'proq o'sha Go'r Hattrini qidirganmiz. Biroq yo'lboshchimiz bizga hech narsa demagan. Lekin qaytayotganimizda u Bigramda ekanligini biroq juda tor

so‘qmoqlari tufayli indamaganini aytdi. Keyin Xo‘ja uni qattiq urushdi, biroq u bizga aytgan gaplarni yana qaytardi. Biz orqaga qayta olmasdik, chunki yo‘l juda uzoq edi va kun deyarli poyoniga yetgandi.(BN230-231)

1589 yillda, Bobur yana Bigramga qaytadi va Go‘r Hattrini ko‘rishga boradi. Bu qorong‘i va panada joylashgan kulbanamo kichkina makon edi. Eshikdan kirib ozgina zinadan tushgandan keyin, narigi tarafga o‘tish uchun butunlay yotib olish kerak edi. Chiroqsiz ichkariga kirib bo‘lmaydi. Binoning atrofi erkaklar olgan soch va soqoli bilan to‘la edi. U yerda karvonsaroylardagi kabi hujralar juda ko‘p edi. Biz Kobulga kelgan yilimiz Bigramga sayohat qilganimizda Go‘r Hattrini ko‘raolmaganimizga qattiq afsus qilgandik, biroq aftidan bu yer ko‘rmasa afsus qiladigan joy emasdi.

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

Ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшгаи буюк сиймолардан бири улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолаи волидия» (таржима), «Мусиқа илми» ва «Ҳарб иши» каби илмий ва бадиий баркамол асарлари жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган.

Маълумки, Бобур меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Айниқса, унинг қўлёзма меросини излаш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўпқопи саройи Реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сақланаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида шоир шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда.

Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ килиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, улар илмий истифодага киритилмоқда. Хусусан, Ҳайдароблддаги Саларжанг музейи хазинасидан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг XVII-XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхасининг маълум килиниши бунинг ёрқин далилидир.

Бу қўлёзма нусхалар, бир томондан, Бобур шеърий меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда қўл келади. Ҳайдаробод девони 1188 (1774-75 м.) йили Жанобали Котибий томонидан кўчирилган. Мазкур нусхадан ҳажман кичикроқ бўлган иккинчи қўлёзманинг

котиби ва кўчирилган йили қўлёзмада қайд этилмаган. Шунингдек, Ҳиндистоннинг Дехли, Алигарҳ, Калькутта ва айниқса, Мадрас шаҳридаги қўлёзма хазиналарида Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган талайгина қўлёзма манбалар мавжудлиги аниқланди.

Улар билан танишиш жараёнида Бобур анъаналарини Ҳиндистонда давом эттирган, туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзага чиқа бошлади. Булар орасида Бобурнинг ўғли Комрон мирзо, ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бобурийлар авлодидан бўлган Мирза Алибахт Азфарийларнинг бизгача етиб келган қўлёзмалари эътиборга лойиқ. Хусусан, бобурийзода Мирза Алибахт Азфарий Кўрагоний турли соҳаларга оид асарлар яратиш билан бирга, Навоий ва Бобур асарларини таржима қилиб, ўзбек адабиётини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрнак кўрсатган.

Азфарийнинг қолдирган улкан адабий меросига назар ташлар эканмиз, у кўз ўнгимизда истеъдодли шоир, тарихшунос ва тилшунос олим сифатида гавдаланади.

Азфарий ўзбек адабиётн тарихи ва унинг йирик вакиллари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таниш бўлган. У ўзбек адабиётининг йирик намояндалари Навоий ва Бобур ижодларини чуқур ўрганган ва уларнинг асарларидан рухланиб китоблар яратган. Азфарий турли соҳаларга оид 15 дан ортиқ асарлар ёзди. Бу асарлар ўзбек адабиётининг вакилларини Ҳиндистонда тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутади.

Азфарий туркий, форс ва урду тилларида ёзган шеърларидан иборат уч девон тузган, «Воқиоти Азфарий», «Савониҳоти Азфарий» номли тарихий-биографик асарлар яратган, «Фавод ал-мубтада», «Фарҳанги Азфарий», «Мезони туркий», «Насоби туркийи чиғатоий», «Насоби туркий» «Рисолаи қабрия» номли китоблар ёзган.

Азфарий Бобур «Аруз»ини ҳам назм, ҳам наср йўли

билан форс тилига ағдарган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар Ҳиндистон қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Мадрас давлат шарқ қўлёзмалари кутубхонасида сақланаётган 1836 йилда Маҳмудали Саид валади Ҳофиз Муҳиюддин Ҳусайн томонидан кўчирилган бошқа қўлёзма нусхаси эса шеърий таржимадан иборат.

Азфарий Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини форс тилига таржима қилиб, Навоийдек улуғ ижодкорнинг асари билан ўзининг ватанидаги адабий мухитни яқиндан таништирган бўлса, «Фарҳанги Азфарий», «Насаби туркий» «Насаби туркийи чиғатоий», «Мезони туркий» асарларини яратиб, ота-боболари тили ва грамматикасини ўрганишга даъват этади ва унинг луғавий бойлигини намойиш қилади.

Изланишлар натижасида Мадрас университети кутубхоналаридан Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарининг Азфарий томонидан форсий тилга назм йўли билан амалга оширилган қўлёзма нусхаси топилди. У ўз таржимасини Бобур «Аруз»ининг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атаган. Таржимон бу билан Бобурга ва «Аруз рисоласи»га бўлган чуқур хурмати ва эътиборини билдирмоқчи бўлади. Азфарийнинг мазкур асарларини алоҳида ўрганиш Бобур ижодининг бизга ҳали маълум бўлмаган томонларини очишда ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ўзбек адабиётининг бошқа вакилларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бобурнинг шеърият назариясига оид «Аруз рисоласи» қўлёзма нусхаларининг топилиш тарихи ҳам нисбатан унча узокка бормайди. Бу асар ҳақида илк бор турк олими Фуад Купрулузода ахборот берган. У 1928 йили Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзманинг Бобур асари эканлигини «Турк мажмуаси»нинг иккинчи жилдида эълон қилган мақоласида исботлаб берди. Кейинчалик (1933 йилда) француз шарқшуноси Э.Блоше ҳам ўз каталогида буни тасдиқлади. Бобур рисоласининг Париж қўлёзмаси турли

сабабларга кўра илм аҳлига, айниқса, ўзбек адабиётшуносларига маълум эмас эди. Ф.Купрулузоданинг мақоласи билан танишгач, у ҳақдаги биринчи хабарни Мақсуд Шайхзода «Ўзбекистон маданияти» газетасидаги «Қўшиқлар» мақоласида эслатиб ўтган (1964, 4 июль). Бундан хабар топган йирик навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон ўзининг Англия ва Францияга қилган илмий сафари натижасида Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарининг ўша даврда яккаю ягона деб ҳисобланиб келган қўлёзмасини Ўзбекистонга олиб келишга муваффақ бўлди ва уни биринчи бор нашр эттириб, илмий муомалага олиб киришда катта хизмат кўрсатди.

Бобур ижодида «Мубаййин» асари ҳам алоҳида ўрин тутади. Уни ўрганиш ишлари истиқлолдан сўнг рўёбга чиқа бошлади. Бу асарни ўрганиш ва мамлакатимизда мавжуд қўлёзмалари асосида унинг матнини нашр қилиш бўйича илк қадамлар қўйилган.

«Мубаййин» – ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар. Унда диний масалалар тафсилоти чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан ўз ифодасини топган. У ўзбек тилида яратилган бўлиб, ўзбек тилининг шираси ва бойлигини акс эттирадиган диний ва бадиий адабиётнинг ёркин намунаси ҳамдир. Бу асарнинг қўлёзмалари ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган бўлиб, ҳали улар чуқур ўрганилмаган десак, янглишмаган бўламиз. Чунки у нафақат адабиётшунослар, балки исломшунос, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, педагог ва бошқа қатор соҳа олимлари учун қимматли манба бўла олади. Ҳиндистонга қилинган сафарлар натижаси Бобурнинг фарзанди Мирзо Комрон девони қўлёзма нусхаларининг ҳам топилиши изланишларнинг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Мирзо Комрон шеърий девонларининг ҳозирча учта нусхаси топилган. Улардан бири Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонасида, иккинчиси Калькутта Осиё жамияти қўлёзмалар фондида ва учинчиси Рампур шаҳридаги Ризо

кутубхонасида сакланиб келмокда. Бу нусхалар Мирзо Комроннинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги ижоди ҳақида бизга тўла маълумот бера олади.

Текстологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ризо ва Худобахш қўлёзма нусхаларининг ҳар бири ўзига хос оригинал нусхалар бўлиб, шоирнинг дастлабки муаллиф текстини тиклашда бир-бирларини тўлдирувчи қимматли манба бўлиб хизмат килади. Калькутта нусхаси эса Худобахш кутубхонасидаги нусхадан кўчирилган. Бу ҳақда қўлёзманинг колофонида ҳам маълумот берилади.

Комрон Мирзо девонининг Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонаси хазинасида сақланаётган қўлёзмаси 1556 милодий йили Маҳмуд Ибн Исҳоқ Шаҳобий Ҳиравий томонидан кўчирилган. Бу девонга Мирзо Комроннинг ўзбек, форс-тожик тиллардаги шеърлари киритилган. Қўлёзма 36 варақдан иборат бўлиб унга 1500 байтга яқин турли жанрлардаги шеърлар кирган: ўзбек тилида 47 та ғазал, 2 маснавий, 1 таркиббанд, 28 рубоий, 1 тўртлик, 3 қитъа, 21 фард; форс-тожик тилида 24 ғазал, 8 рубоий, 23 фард, 2 қитъа, 1 маснавий.

Девоннинг тарихий аҳамияти яна шундаки, қўлёзманинг боши ва охирида Бобурийлар хонадонига мансуб 20 дан ортиқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳрлари босилган. Улар орасида Нуриддин Жаҳонгиршоҳ (1605-1627), Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳ Жаҳон (1627-1658), Муҳиддин Муҳаммад Оламгир (1658-1707), Шоҳ Олам Баҳодиршоҳ (1707-1712) муҳрлари аниқ кўзга ташланиб туради. Ундан ҳам муҳими шундаки, бу мўътабар нусхада ана шу хонадон вакилларининг дастхатлари ҳам келтирилади, Масалан, машхур Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ ўз дастхатида қуйидагиларни ёзган: «Девони мирзо Комронки, амми педари бузургвори манаст ба хатти Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий, Ҳаррараҳу Нуриддин Муҳаммад Жахонгиршоҳ санаи 20 жулус, мувофики санаи 1035 ҳижрий".

Таржимаси: Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий қўли билан

кўчирилган улуғвор отамнинг амакиси бўлмиш Мирзо Комроннинг девони ушбу Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ ўз салтанатининг 20 йилида, яъни 1035 ҳижрийда ёзди.

Бу дастхат муҳр билан тасдиқланган бўлиб унинг атрофида эса бобурийлар хонадонининг бошқа вакилларига оид қатор дастхатлар саҳифанинг юқоридан тортиб то пойгиригача гир айлана шаклида турли даврларда ёзилиб чиқилган. Демак, бу нусха бобурийлар кутубхонасига мансуб бўлган мўътабар нусха бўлиши билан бирга, Мирзо Комрон асарларининг матнини тузишда ва унинг ижоди юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун энг ишончли нусха сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир. Қўлёзма яхши сақланган. У майда, чиройли настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, ҳар бир бет 12 сатрдан иборат. Девон гўзал унвон билан бошланади. Ҳар бир шеър янги сатрдан алоҳида қилиб ажратиб ёзилган. Девон унвонининг ёнидан инглиз тилида ёзилган икки шахснинг қайди бор. Бири, 1911 йил, 10 декабрь; иккинчиси 1921 йил, 23 декабрь. Қўлёзманинг Худобахш кутубхонасига мансублиги ҳақида икки жойда муҳр босилган. Муҳр ичида, 1891 йил кўрсатилган. Қўлёзма хотима билан тугайди.

Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида Комрон Мирзо девонининг нусхаси ҳам бобурийлар кутубхонасига мансубдир. Қўлёзманинг сўнгги бетида буни тасдиқловчи муҳр ва қайдлар мавжуд. Муҳрларнинг бирида «Подшоҳи ғозий Муҳаммадшоҳ Музаффархон» сўзларини ўқиш мумкин. Қўлёзма 31 варақдан иборат бўлиб, майда, чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳар бир саҳифага 15 сатр жойлаштирилган. Саҳифалар бирдан олтмиш иккигача рақамланган. Ризо кутубхонасининг муҳрлари 10-, 24-, 54-, 62 – рақамли саҳифаларга босилган. 9-, 26-саҳифаларининг ҳошияларида шеърлар, ёзилган. 21- ва 51- саҳифаларнинг ҳошияларида шу ўриндаги шеърларга монанд равишда миниатюралар ишланиши лозим деган қайдлар бор.

Қўлёзманинг котиби ва кўчирилган тарихи

кўрсатилмаган. Лекин текстологик белгиларга кўра, уни XVI асрнинг иккинчи ярмига мансуб десак бўлади. Девон ўз ичига ўзбек тилида 47 ғазал, 2 маснавий, 1 таркиббанд, 29 рубоий, 1 тўртлик, 3 китъа, 21 фардни; форс-тожик тилида 25 ғазал, 8 рубоий, 23 фард, 2 китъа, 1 маснавийни қамраб олган. Бу нусхада 1 форс-тожикча «Нест» радифли ғазал (9 саҳифанинг ҳошиясида), 1 ўзбекча рубоий (26-саҳифанинг ҳошиясида) ортиқча. Бу нусхада хотима йўқ. Қўлёзманинг ҳошияларида сув доғлари учраб туради. Шунга қарамай қўлёзма яхши сақланган, унинг матни равшан ва ўқилиши яхши.

Комрон Мирзо девонининг бошқа бир нусхаси Осиё жамияти қулёзмалар фондида сақланиб келмоқда.

Бу нусха Худобахш кутубхонасида сақланаётган Исҳоқ ибн Шаҳобий Ҳиравий томонидан кўчирилган қўлёзмадан китобат қилинган нусха бўлиб чупуриналик Фазлу-л-Борий котиб Лобарий томонидан Калькуттада кўчирилган. Девон равшан йирик настаълиқ хатида хушхат қилиб ёзилган. Сақланиши яхши. Қўлёзма формати 20х32 см. Матн икки устун қилиб ёзилган. Девоннинг кўчирилган йили кўрсатилмаган. Текстологик белгиларга кўра XIX асрга мансуб. Муқоваси замонавий, қоғози оқ. Шеърлар алоҳида қилиб ажратилиб ёзилган. Қўлёзмага гўзал зарҳал унвон ишланган, саҳифалар ҳам безатилиб борилади. Муқовада гулли доирага «Девони Мирзо Комрон» деб чиройли қилиб ёзилган. Матн ораларида ва ҳошияларида шеърлар тузатиб борилган. Бу тузатишлар бошқа киши қаламига мансуб. Саҳифалар пагинация қилинмаган. Лекин шеърлар 1 дан 142 гача рақамланган, маснавий ва таркиббанд рақамланмаган. Шеърлар тартиби Худобахш нусхада қандай бўлса, бу нусхада айнан шу тартибда. Ҳошияда тузатишлар жуда кўп, уларнинг айримлари инглиз тилида изоҳ қилинган. Қўлёзманинг боши ва охирига Осиё жамиятининг муҳри босилган.

Мирзо Комрон девонининг Калькутта нусхаси шоир шеърий меросининг илмий жиҳатдан ва унинг матнини тиклашда, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонаси 48, 85, 753 – инвентарь рақамлари билан сақланувчи қўлёзмалар диққатга сазовор асарлар жумласидандир. Булардан 753-инвентарь рақамли қўлёзма «Мажмаъ ул-ахбор» («Хабарлар тўплами»), 48 инвентарь рақамли қўлёзма эса «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») ва 85 инвентарь рақамли қўлёзма «Ҳақиқатнома»дир.

Қўлёзмани ўрганиш давомида «Ҳақиқатнома» таркибида яна бир асар борлиги аниқланди. Асарнинг номи «Илоҳийнома» бўлиб, бошидан тўрт варақ (996, 100а-б, 101 а-*б*, 102а-б, 103а) йўқолган. Шу сабабли текст мазмунига тушунмаган ҳолда кутубхона ходимлари томонидан ҳар икки асарга ҳам бир инвентарь рақами берилган.

Сайид Қосимийнинг юқорида зикр этилган бу асарлари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларини ўрганишда қимматли адабий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, бу масалалар асарларга иллюстрация сифатида келтирилган ҳикоятларда ўз ифодасини топган. Сайид Қосимийнинг ушбу асарлари фақатгина ўша давр адабий ҳаракатчилигини ўрганишдагина эмас, балки ўзбек тили тарихининг XV аср биринчи ярмидаги лексикасини текшириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабларга кўра шоир Сайид Қосимий асарларини илмий нуқтаи назардан атрофлича ўрганиш ҳозирги кундаги адабиётшунослимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча Бобур меросининг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг бир қисмигина қўлга киритилди. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган қўлёзмаларнинг катта қисми билан танишмоғимиз, уларни суратга тушириб, ватанимизга олиб келмоғимиз зарур.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

БОБУР МИРЗОНИНГ ФИҚҲИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм. Аллоҳ таъолога сўнгсиз ҳамду санолар бўлсин. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобимизга чексиз салоту саломлар бўлсин.

Улуғ шоир, қомусий аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур теран исломий илмлар ва тасаввуф таълими муҳитида камол топган маърифатли фақиҳ ва ўз амалий ҳаёти билан мутасаввиф зотдир. Унинг жаҳонга машҳур "Бобурнома" ("Вақоеъ") асари хилма-хил илмлар уммони, шеърлар "Девон"и мажоз ва ҳақиқатлар гавҳари, "Мубаййин" асари Темурийлар даври ижтимоий, оилавий, диний маданиятининг кўркам ифодаси, Бобур Мирзо фиқҳий илмларининг зубдаси, "Волидийя" рисоласи назмий таржимаси эса Шоҳ Бобур маънавий ҳоли ва тасаввуфий қарашларининг ҳужжати, буюк Нақшбандия шайхи ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан ўзи ўртасидаги маънавий иртиботлар василасидир.

Тарихчи олим Лакҳнавий-Ҳасанийнинг ёзишича, Бобур Мирзо араб алифбоси асосида жорий этган «Хатти Бобурий» ёзувида муборак Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи мукаррамага – муқаддас Каъбатуллоҳ маъмурларига юборган. Хатти Бобурийда ёзилган Қуръони каримнинг Машҳад музейидан юртимизга келтирилгани Бобур мирзо илмий фаолиятини ўрганишда янги имкониятларни очади.

Денгиздек илм соҳиби

Буюк тарихчи олим Абдулҳай Лакҳнавий-Ҳасаний ‘Нузҳатул-хавотир” (“Хотиралар сайри”) асарида ёзади: “У зотнинг исмини хазрати Хожа Убайдуллох Ахрор ўзлари Заҳириддин Муҳаммад деб қўйганлар, лекин туркий халқлар орасида довюраклиги учун Бобуршоҳ деб машҳур бўлган, жуда кўп илмларда денгиздек илм олган. Унинг фиқҳи Ҳанафийда (Ҳанафий фиқҳ мактаби асосида) “Мубаййан” номли асари бўлиб, унга Шайх Зайнуддин (ибн Қутбуддин ал-Ҳанафий) ал-Хавофий “Мубаййин” деган шарҳ ёзган”.

Яна **“Урду доираи маъорифи исломия” (“Маъориф”) энциклопедиясининг** 3-жилди, 818-саҳифасида Бобур Мирзо ёзган китоблар номи келтирилиб, жумладан, айтилади: “Мубаййан” – (مَبَيَّن); بَ (бо) фатҳали, يِّ (йо) ташдидли-фатҳалидир (яъни, (مبيِّن)); баҳри хафифи махбун вазнида бир маснавийдир. “Рисолаи аруз”да айтилишича, ҳижрий 928, милодий 1521 санада такмил этилган (тугалланган). Бу содда бир панднома бўлса-да, бундан Бобурнинг фиқҳда анчагина дилчасплиги (кўнгли фиқҳга муҳаббатли ва боғлиқлиги) ҳамда акидаси мустаҳкам бир ҳанафий эканлиги маълум бўлади. Бу асар “Фиқҳи Бобурий” деб ҳам аталган”.

XVI аср тазкираларидан бўлмиш Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» (“Севимли зотлар ёдномаси”) асарида айтилади: “Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз хусусида ёзган рисоласи (“Рисолаи аруз”) бир денгиздирки, ичи жавоҳиру дурлар билан тўладир. Фиқҳ масалаларини яна бир рисолада мубаййин қилганки, ёзувчиси донишмандлигидан нишонадир. Туркий ва форсийда яхши шеърлари бордир. Ўшал фиқҳ рисоласининг номи ҳам «Мубаййин»дир».

Аллоҳ тало айтадики, Бақара сураси, 269-ояти:

يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ

Маъноси: "У (Аллоҳ) **хоҳлаган бандасига ҳикмат ато этур. Кимгаки ҳикмат насиб этган бўлса, муҳаққақ, унга кўп яхшилик берилибдир.** (Бу оят ва насиҳатлардан) **фақат етук ақл эгаларигина эслатма олурлар.**

Ояти каримадаги «ҳикмат» сўзини ҳазрати Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Ҳалол ва ҳаром илми ва Қуръон тафсири» деб изоҳлаганларки, бу – шаръий илмларни билмоқ, демакдир.

"Саҳиҳи Бухорий"нинг "Илм китоби", 14-боб, 71-ҳадисида ҳазрати Муъовия разийаллоҳу анҳудан ривоят килинади: **«Аллоҳ таоло кимга яхшиликни раво кўрса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди...»** (Муттафақун алайҳ).

Яна ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят килинадики, ҳазрати Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ таолога динда фиқҳдан афзалроқ бир нарса билан ибодат қилинган эмас».**

Ва яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Битта фақиҳ мингта жоҳил обиддан кўра шайтон учун кўркинчлироқдир. Ҳар нарсанинг ўз устуни бордир ва динниинг устуни фиқҳдир».**

Ҳазрати Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий "Рисолаи сужуди саҳв" китобида айтадилар: "Ушбу тақрирдан маълум бўладики, фиқҳ илми ва фиқҳ китоблари, хусусан, уламои ъизом ҳазратлари Аллоҳ таолонинг наздида бекиёс улуғлик, фазилат ва шарафга эгадирлар".

Ана шундай шараф соҳибларидан бири Заҳируддин Муҳаммад Бобур ҳазратларидир.

Бобур Мирзонинг тасаввуфий асарларида нозик фиқҳий мантиқлар намоён бўлиб борганидек, фиқҳий асарида ҳам тасаввуф таълими, яъни руҳий тарбия ғоялари ошкор намоён бўлади.

Шоҳ Бобур «Мубаййин» китоби орқали буюк фақиҳ зот эканини намоён этади, асарни ўз валиаҳд ўғиллари Носируддин Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастурул амал сифатида багишлаб, уларнинг сиймоси орқали бутун халқ оммасига беш фарз фиқҳий масалаларини таълим қилади.

Дарҳақиқат, асарда муқаддас ислом динининг беш рукни: иймон-эътиқод, намоз, рўза, закот ва ҳаж масалалари гўзал шеърий тилда баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, Бобур Мирзо "Бобурнома" асарида ҳам бир неча ўринда нозик фиқҳий масалаларга тўхталиб ўтади. Жумладан, Тўққуз юз ўттиз бешинчи (1528) йил вокеаларида масофа ўлчов бирлиги бўлган ҳиндча "курухларни мил (ўлчов бирлиги) билан тайин килилди" дейди ва шу ўринда "Мубаййин" асаридан уч байт келтириб, унда ўлчов бирлигининг арабча, туркийча, форсча, ҳиндча *мил, куруҳ, қадам, қари, тутам, элик, жави арзий* каби еттита истилоҳини қўллайди.

"Мубаййин"нинг таянган манбалари

Таҳқиқ натижасида шунга шоҳид бўлдикки, "Мубаййин" асарининг "Эътиқодиййа" (Иймон-эътиқод) бобидаги исломий ақоид масалалари биринчи навбатда ҳазрати Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа – Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг "Ал-фиқҳул-акбар" ("Энг улуғ фиқҳ") китобига таянган. Иймоннинг тамалини барпо этувчи олти асос: Аллоҳга ишониш, фаришталарига, илоҳий Китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдирга, яъни яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолодан эканлигига, ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш зарурлиги, Аллоҳ таъолонинг субутий (Ўз зоти билан собит бўлган) ҳаёт, илм, ирода, кудрат, самъ ва басар (эшитиш ва кўриш), калом (сўзлаш) сифатлари ва тавҳидга оид ҳукмлар "Ал-фиқҳул-акбар" асарига мувофиқдир. Шунингдек, Имом Абу Мансур Мотуридийнинг "Тавҳид" асари ва бошқа эътиқод китобларидан фойдаланилган бўлиши ҳам илмий ҳақиқатдан узоқ эмасдир.

"Мубаййин"даги таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж бобидаги барча фиқҳий масалаларнинг ҳукмлари асосан **Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож уш-шариъа ал-Бухорий**нинг (вафотлари ҳ. 747 м. 1346) жаҳонга машҳур **"Мухтасари Виқоя"** китобига деярли нуқтама-нуқта

мувофиқдир. Шунингдек, "Ҳидоя"и шариф ва Ҳанафий мазҳабининг бошқа китобларидан ва шарҳларидан истифода этилгани кузатилади.

Китобдаги дуо матнлари эса асосан кутуби ситтада, яъни ҳазрати Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можа, Имом Насоий каби олти улуғ муҳаддиснинг китобларида, баъзан Имом Табароний асарида келган ҳадислардан ҳамда ҳазрати Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг "Иҳйоу ъулумид-дин" китобидан танлаб олинган. Ҳаж китобидаги баъзи дуолар эса йиғма дуолардир: баъзилари мўътабар ҳадис китобларидан, баъзилари салафи солиҳин, яъни ўтган солиҳ зотларнинг қавлларидан саралаб олингани аниқланди. Бобур Мирзонинг "Иҳйоу улумуд-дин" китобига бўлган улуғ эътимоди унинг муҳаббат ва руҳий тарбия мактаби бўлмиш тасаввуф оламига бўлган эътимодининг натижасидир.

Бобур Мирзонинг тасаввуфий қарашлари

Бобур Мирзонинг тасаввуфий қарашлари аввало унинг шеърлар девонида алоҳида намоён бўлади. Тариқат арбоблари айтадиларки: "Мурид уч хил бўлади: 1) мурид мутлақ, яъни мурид содиқ; 2) мурид мажодий; 3) мурид муртад (Аллоҳ асрасин!). Бобур Мирзо мурид содиқ Пири комил ҳузурида ўз муродини топишини баён қилади:

Гар сидқ ила бировки ошиқ бўлгай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлгай.

Пир оллида топқуси муродин, бешак,
Ҳар кимки агар мурид содиқ бўлгай.

Тасавуфда "фақр" истилоҳи қаноат, Аллоҳдан бошқасидан беҳожат бўлмоқ, нафсдаги ёмон сифатлардан покланмоқ ва ҳавою ҳавасни тарк этмоқ деган маъноларда келади. Бобур Мирзо фақр йўлининг сулук аҳлига нечоғ гўзал йўл эканини айтиб, фақр йўлида инсонга бир шафқатли

ҳамроҳ кераклигини таъкидлайди ва сулук аҳли "Аввал яхши ҳамроҳ топ, кейин йўлга туш!" деганлар дейди:

Тариқи фақр сулук аҳлиға не хуш йўлдур,
Вале бу йўлда керакликтурур рафиқи шафиқ.
Тариқи фақр агар истасанг, бери келким,
Сулук аҳли демиш: "Ар-рафиқу сумма тариқ".

Бобур Мирзонинг тасаввуфий қарашлари унинг ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (қаддасаллоҳу сирраҳул азиз) ҳазратлари билан бўлган маънавий иртиботларида кўпрок намоён бўлади.

Тазкиранавис тарихчи Ҳасанхожа Нисорий XVI аср тазкираларининг нодир намуналаридан бўлмиш «Музаккири аҳбоб» («Севимли зотлар ёдномаси») асарида Бобур мирзонинг маънавий ҳоли, шоирлик истеъдоди ва фақиҳлик қобилияти ҳақида сўзлаб: "Подшоҳнинг Нақшбандия (тариқати) олий хонадонига иродат нисбати бор эди. Юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрати Хожа Аҳрорга иродати бўлган. Бобур подшох ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат-икромни соатма-соат оширар ва бирор дақиқа бу ишни канда қилмас ва ғафлатда қолмас эди", дейди.

Нодир хислат ва кароматлар соҳиби бўлган ҳазрати Хожа Аҳрори Валий билан улуғ подшоҳ, аллома ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрталаридаги кучли маънавий иртибот илм олами учун ҳайратланарли ҳодисадир. Бунга улуғ валийнинг маънавий тасарруфи қувватли экани ҳамда Бобур Мирзонинг Шайхга бўлган муҳаббат ва эътимодининг самимий эканидир.

Биринчи ҳол. "Бобурнома"нинг тўққуз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқеаларида ёзилишича, хийла совуқ бир қиш кунида, Карнон қишлоғининг хилват боғида душманлари Бобур Мирзони ўлдиришга қасд қилиб турганларида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларидан маънавий ҳиммат етиб, ўлимдан қутулиб қолади.

Иккинчи ҳол. Бобур Мирзога подшоҳлик маснади етганига доир Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг

тасарруфлари Бобурнинг ўз тушида ҳам, Қутлуғ Муҳаммад Барлоснинг тушида ҳам аён бўлади.

Учинчи ҳол. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг "Рисолаи волидиййа" ("Оталиқ рисоласи") асари тасаввуф аҳлининг дастурул амал китобидир.

Бобур Мирзо 935 (милодий 1528) йилда жиддий бемор бўлиб, иситмалаб ётганида, сафар ойининг йигирма еттинчи куни, сешанбада рисолани форсийдан туркий тилга шеърий таржима қилиш фикри кўнглидан кечади. Дарҳақиқат, "Волидиййа"ни таржима қилиб бўлгач, худди "Қасидаи Бурда" муаллифи Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусийрий ҳазрати Пайғамбаримизни шарафлаб фалаж касалидан халос топганидек, Бобур Мирзо ҳам оғир дарддан буткул халос топади *("Бобурнома".Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари).*

Эътиқодни тўғри қилмоқ зарурки, Пирнинг бу маънавий ҳиммати фақатгина Яратган зотнинг изни-иродаси биландир. Чунончи, Ҳақ таъоло айтади: *Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм:*

قُلِ اللَّهُمَّ مَالِكَ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ
وَتُعِزُّ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Маъноси)» .Эй Расулим (!**Айтинг: «Эй мулк**)подшоҳлик(**соҳиби бўлган Аллоҳим! Сен мулкни)** подшоҳликни **(хоҳлаган бандангга берурсан, хоҳлаган бандангдан мулкни** (подшоҳликни)**тортиб олурсан, хоҳлаган бандангни азиз қилурсан, хоҳлаган бандангни хор қилурсан)**, ҳар турли (**яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдадир. Шубҳасиз, Сен ҳамма нарсага қодирсан «** (3)Оли Имрон сураси, 26-оят).

Ҳиндистон уламолари

Аждодлари Бухорои шарифдан бўлган атоқли Нақшбандия шайхи, марҳум доктор, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари айтадилар:

«Ҳинд ўлкаси биз учун жуда муҳим ўлкадир. Ўрта Шарқдан (Жануби-Ғарбий Осиёнинг Покистон билан Туркия оралиғидаги қисми), Саудия Арабистонидан, Мисрдан, Ироқдан ҳам кўра аҳамиятлироқдир.

Ҳанафий фиқҳи Ислом фиқҳининг энг пухта ишланган мазҳаби, асрлар бўйи халқларнинг катта қисмини бошқарган, жуда мукаммал, энг юксак даражада ривожланган ҳуқуқ мактабидир, шунга қарамай, баъзи оқимлар уни танқид қилиб, қанча кераксиз ранжу озорларга сабаб бўладилар.

Бироқ Ҳинд ўлкасида мусулмонларнинг асосий кўпчилиги ҳанафийлар бўлиб, тағин улар орасидан тасаввуфнинг энг буюк шахсиятлари ҳам етишиб чиққандир».

Биз Бобур Мирзо маънавий хазиналарининг ворислари ўлароқ, Ҳиндистон ўлкасида шу маҳалгача буюк фиқҳ мактаби ва тасаввуф таълимотининг бардавом яшаб келишида Бобурийлар сулоласининг хизматлари бор деб ҳисоблаймиз.

Жаҳонга машҳур "Фатавойи Оламгирийя" (ёки "Фатавойи Ҳиндийя") китоби Бобурийлар сулоласининг вакили Аврангзеб Оламгир (1659-1707) буйруғига биноан бир гуруҳ салоҳиятли фақиҳлар томонидан ёзилган ва шоҳнинг назорати остида тамомланган. Охирида 500 нафар маҳаллий уламоларнинг назаридан ўтказилган. Бу буюк фатво китоби қозилик (ҳукм) ишларини бажариш ва давлатни бошқаришда асосий қонун ўрнида ишлатилган. Тожмаҳал ёдгорлиги жаҳонга машҳур. Ҳиндистон уламолари қавлида "Фатавойи Оламгирийя" Тожмаҳал ёдгорлигидан кам эмас" дейилади.

Буюк аллома ва фазилатли шайх Ашраф Али Таҳонавий яшаган давр Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакилларидан бўлмиш Баҳодиршоҳ (1775-1862) даврига тўғри келади. У зотнинг шогирди Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий устоз кўрсатмаси билан йигирма йил давомида 21 жилддан иборат "Эълоус-сунан" китобини ёзиб тугатган ва Ҳанафий мазҳаби ҳадислардан фойдаланишда бошқа мазҳаблардан устун эканини исбот қилган.

Атоқли аллома Тақий Усмоний ҳазратларининг "Инъом ул-Борий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий" асари, Шафиъ Усмоний ҳазратларининг "Маъриф ул-Қуръон" асари, Шайхул-ҳадис Саъид Ахмад Болоншрийнинг "Сунани Термизий" шарҳи бўлмиш "Туҳфат ул-алмаъний" китоби, яна "Туҳфат ул-қорий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий" асари, Шаббир Ахмад Қосимийнинг "Анвор ул-маносик" (Ҳаж фатволари мажмуаси) китоблари Ҳиндистон ўлкасининг, дарҳақиқат, бутун дунё халқлари учун ўта муҳим ўлка эканини исбот этади.

"Харж қилган сойи бу ганж ортар"

Бобур Мирзо "Мубаййин" хотимасида: «Эй Бобур, бу китоб таснифида агарчи ранж чеккан бўлсам-да, қўлимга шундай бир ганж-хазина кирдики, ҳар қандай ганжни харж этиш билан камайиб боради, аммо бу маънавий ганж – бу илм хазинаси харж этган сари тобора ортиб боради», дейди.

«Барча инсонлар одатда ўз хазина-ганжини қўлга киритишдаги ранжу меҳнатини зоеъ қилмасдан, олам аҳлидан бойлик-хазинасини яширади. Мен эса бу ганжимни ошкор этиб, уни дин аҳлига нисор этдим», дейди.

Бобур Мирзонинг бу сўзлари ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг хикматли сўзларига мувофиқдир. "Ҳадису арбаъийн" шарҳу Усфурий китобида келишича, у зот хавориж тоифасидан келиб бир хил савол берган ўн кишининг "Илм афзалми, мол-дунё афзалми?" деган саволига "Илм афзал" деб жавоб бердилар ва ўн кишига ўн хил далил келтирдилар.

Биринчисига: "Илм пайғамбарларнинг меросидир, мол эса Қорун, Шаддод, Фиръавн ва бошқа шунга ўхшаганларнинг меросидир!" – дедилар.

Иккинчисига: "Илм сени қўриқлайди, молни эса сен қўриклайсан", – дедилар.

Учинчисига: "Мол эгасининг душмани кўп бўлади, илм эгасининг дўсти кўп бўлади", – дедилар.

Тўртинчисига: “Молни сарфлаганинг сари у камайиб боради, илмни сарфлаганинг сари у кўпайиб боради”, – дедилар.

Бешинчисига: “Мол эгасини бахил-қизғанчиқ деган ном билан маломат қилиб чақиришади, илм эгасини эса иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром билан чақиришади”, – дедилар.

Олтинчисига: “Молни ўғридан сақлаб яширилади, илмни эса ўғридан сақлаб яширилмайди”, – дедилар.

Еттинчисига: “Молнинг эгаси қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинади, илм эгаси эса қиёмат куни шафоъат қилади”, – дедилар.

Саккизинчисига: “Мол узоқ вақт туриши ва замонлар ўтиши билан эскиради (ва қадри кетади), илм эса асло эскирмай ва қадри кетмайди”, – дедилар.

Тўққизинчисига: “Мол қалбни қорайтиради, илм эса қалбни ёритади – ёруғ ва нурли қилади”, – дедилар.

Ўнинчисига: “Молнинг эгаси бора-бора худоликни даъво қилади, илм эгаси эса ҳамиша бандалик мақомида туради”, – дедилар.

Сўнг дедилар: “Агар мендан яна шу саволни сўрайверишса, то ўлгунимча шундай (“Илм молдан афзал”) деб жавобни бераверaман!” Кейин у (хавориж)лар келдилар ва ҳаммалари иймон келтириб, мусулмон бўлдилар.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жасорат, ғайрат ва шижоат билан ҳаётнинг деярли барча соҳаларида теран ислоҳотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, илм-фан, маданият, маърифат, маънавият соҳасларида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари улуғ ихлос билан ўз фаолиятларини жаҳоннинг беназир алломаси, буюк муҳаддис Абу Ийсо Муҳаммад Термизий мақбараларини обод этишдан бошладилар, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги ёдгорлик мажмуаси қайтадан бунёд этилиб, дунё зиёратчиларига тақдим этилди. У манзилда беназир янги жомеъ масжид барпо қилинди.

2017 йил, 14 февралда (Бобур Мирзо туғилган кунда) Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, сўнг Бухорода Ислом институти ташкил этилиши, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро ҳадис маркази, Фиқҳ мактаби, Ҳадис мактаби, Тафсир мактаби, Тасаввуф мактабини ташкил этиш борасидаги ташаббуслар халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, илм-фан ва маърифатни ривожлантириш борасидаги энг долзарб ишлардир.

Айниқса, китоб маҳсулотларини нашр этиш борасидаги қарор, ундаги болалар адабиётига эътиборни кучайтириш, инсон ахлоқига салбий таъсир қиладиган асарларни нашр этилишининг олдини олиш ҳақидаги бандлар халқимизнинг қадимий миллий-маданий хислатларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шори Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарорлар миллат ва жамият руҳий ҳаётининг энг муҳим қисми бўлган адабиётга бўлган эътиборнинг ибратли намуналаридир.

Қорақалпоғистонда, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах вилоятларида, Тошкент шаҳрида, республикамизнинг турли жойларида янги масжидлар бунёд этилаётгани виждон эркинлигини таъминлаш йўлидаги савоб амаллардир.

Ниҳоят, муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Фанлар Академиясини ривожлантириш, тил ва луғат бойликларимизни қайта жамлаш, табобат-медицина, фармацевтика, ўқув-педагогика, иқтисодиёт ва аниқ фанлар соҳаларини равнақ топтириш, хотин-қизлар таълими соҳаларига эътибор қаратаётганлари, Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўқув даргоҳини кенгайтириш ва қайта қуриш, республикамизнинг ҳамма вилоятларида ислом ўқув даргоҳлари ва аёл-қизлар илмгоҳларини замон талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳақидаги хушхабарлар зиёлилар, олим-ижодкорлар кўнглини кўтармоқда ва уларни янги фаолиятларга ундамоқда.

Ниҳоят, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил, сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида – 120дан ортик мамлакатнинг раҳбарлари қатнашган олий анжуманда сўзлаган нутқлари у кишининг бир йиллик раҳбарлик фаолиятининг гултож-хулосаси бўлди, десак муболаға бўлмас.

Сўзимиз муқаддимасида султонлари олим, олимлари султон бўлган халқнинг фарзандларимиз, дедик. Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Муҳаммадраҳимхон Фируз, Маҳмуд Ғазнавий, Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон – Амирий каби ҳам олим, ҳам ижодкор, ҳам давлат раҳбари бўлган кўплаб шахслар ҳаёти, фаолияти, маънавий меросларини ўрганиш ва халқимизга етказиш, уларнинг эзгу ғояларини бардавом сақлаш биз зиёлилардан куч-қувват, чин сафарбарлик, фидолик ва ғайрат-шижоатни талаб қилади. Ўйлайманки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётига бағишланган ушбу халқаро анжуман ҳам ана улуғ ва хайрли ишларнинг янги бир муқаддимаси бўлиб қолади.

Бурхониддин НАМИК,
тадқиқотчи (Афғонистон)

БОБУР ШАХСИЯТИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидан турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Захириддин Муҳаммад Бобур улуғ Туркистон, Хуросон (бугунги Афғонистон) ва Ҳиндистоннинг порлоқ сиймоларидан биридир. Бобоси буюк Амир Темур 27 давлатни бирлаштириб буюк салтанат бунёд этган эди. Бобур ҳам худди бобоси каби мардлик ва жасурликни ўзига фазилат қилиб, Афғонистон ва Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ҳинд диёрида уч асрдан зиёд давом этган кучли салтанатга асос солди. Мана шу жасоратининг ўзиёқ унинг Темурийларнинг ҳақиқий вориси эканини исботлади.

Бобурни кўплаб олимлар дарвеш подшоҳ деб эътироф этадилар.

Дарҳақиқат у шундай бағрикенг инсон эдики, унинг бундай хусусиятлари бугунги раҳбар ва хукмдорларга ўрнакдир. Аввало Бобурнинг ихтиёрида Фарғона давлати бор эди, аммо уни қўлдан бой берди. Бироқ у ортга чекинмади, ҳеч нарсасиз қолганида ҳам умидини узмади. кутиб ўтирмади, жаҳонгирлик ва курашувчанлик хусусиятларини намоён қилди. Бу ҳақда "Бобурнома" да ёзади:

"Қазоқлик ва оворалик вақтларимда бир замон Тошкент хукмдори тоғам султон Маҳмудхон олдига бориб ундан сукунат учун жой тиладим, тоғам менга Ўратепани беришни ваъда қилди. Лекин Муҳаммад Ҳусайн мирзо бермади, билмам ўзлигидан бермадими ё юқоридан ишора бўлдими? "

Бобур тақдирга тан беради, барча нарсага қўл силтаб дарвешлик кайфиятига тушади. Бу ерда унинг оддийлик, хакирлик хусусиятлари кўринадики, ҳамма хукмдор ҳам бирданига бундай қарорга кела олмайди.

У шундай ёзади:

"...Қазоқлик ва дарвешлик пайтимда Ўратепа атрофида ҳамма вақт оёқ яланг юриб сайр этардим, кўп оёқяланг юрганимдан оёқларим тош ва тузнинг қаттиқлигини ҳис қилмас эди... Бу саргардонлик ва шундай бехонумон бўлишлар жонимга тегиб кетди: дедимки, мундоғ душворлиғ била тирилғонча бош олиб кетсам яхши, бу нав хорлиқ ва зорлиқ билан эл билғонча оёғим етгонча кетсам яхши".

Яна бир хусусият шундаки, Бобур ўз ҳолатини яшириб ўтирмайди, бўяб бежамайди, хатто яланг оёқлигидан уялмайди ҳам.

Бу аччиқ ёзувлардан англаймизки, Бобур ўз қариндош уруғларидан қадр кўрмайди, қўлида тахт ва давлат йўқлиги учун ҳатто яшашга жой ҳам бера олмайдилар. Ваҳоланки, агар истасалар Бобурга жой ҳам, тахт ҳам, бойлик ҳам бера олишлари мумкин эди. Бироқ бундай бўлмади. Бу уни шунчалар хафа қиладики, сўнгги қарорга келишга ундайди ва туғилиб ўсган юртидан кетишга жазм этади.

Бобур неча маротаба жаҳонгирлик йўлида оламнинг бор шаклу шамойилини, баъзи одамларнинг қанчалар хоин ва икки юзламачи эканини ўз кўзи билан кўради. Аҳмад Танбалга қарши курашганида ҳам, Шайбонийхон томонидан енгилганида ҳам, Самарқанд ва Андижонни қўлдан бой бериб, ҳеч нарсасиз қолганида ҳам инсонийлик қиёфасини йўқотмайди.Ўзига ёмонлик қилганларга яхшилик қилишга ҳаракат қилади. Ўз салтанатига асос солганида қачонлардир унга ўз ватанида ёрдам қўлини чўзмаган қариндошларини ёнига чорлайди, мулк ва давлат беради, келмаганларига ҳам хазинасидан ҳадялар жўнатади. Кобулда унга хиёнат қилган Муҳаммад Ҳусайн Мирзони холаси Хубнигор Хонимнинг ҳурмати учун кечиради. Оғир кунларида ундан юз ўгириб кетган яқин кишилари бош эгиб келганида бағрини очади. Чунки у буни вазифаси деб билади, яъни унга Оллох томонидан берилган синов, имконият деб билади. Иззат ҳам, ҳурмат ҳам, неъмат ҳам Оллоҳ томонидан берилади, уни қизғониш, ўзгалар билан бўлишмаслик Оллоҳга ношукрликдир, дейди. Берган Худо олиб ҳам қўйишини

ҳаёти давомида англаб етади. Шунинг учун салтанатидаги барча яхшиликларни халқ билан, қариндош уруғлари, яқинлари, дўсту бирodалари билан биргалик баҳам кўришни афзал кўради. Унинг бу исломий фикр ва ақидаси туфайли Оллоҳ энг қийин вазиятларда уни қўллайди, хорликдан олиб чиқади ва унга бепоён мамлакатни бошқариш имкониятини беради.

Бобур халқ ва раиятга зулм ўтказишни қоралайди ва ўзи ҳам бундай ёмон ишни қилишни қатъиян ман этади. Бундай ишни қилган мансабдорларни аёвсиз жазолайди.

"Бобурнома"ни ўқиганимизда унда икки Бобурни кўрамиз: Бири билимдон, ақлли, бағри кенг, сахий, меҳр муҳаббатли, инсоний ва исломий ҳассос инсон. Яна бири эса сиёсати қаттиқ шоҳ. Аммо икки ҳолатда ҳам у адолатли. Бобур ҳеч бир ишни атрофидаги яқин кишиларининг машварат ва кенгашисиз қилмайди. Ҳамма ишда адолат бўлишини талаб қилади. Ва мана шундай тартиб-интизом билан бошқарилган мамлакат таназзулга юз тутмайди, раиятнинг хукмдордан кўнгли қолмайди, деб ҳисоблайди. Буни ўз авлодларига ҳам насиҳат қилади.

Қолаверса ўз атрофидаги яқинларини ҳурматлайди, кўпроқ эътибор, эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қилади. Уларнинг кўнгилларини кўтаришга уринади. Буни Хожа Калон билан муносабатида яққол кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, Бобурнинг инсоний қиёфасидаги барча хусусиятларни "Бобурнома" асарини ўқиш асносида ҳар ўқувчи илғаши ва бундан ўзига намуна олиши табиий. Ва унинг қанчалар буюк, бетакрор ва ноёб фазилат соҳиби эканидан ҳайратланиши ҳам бор ҳақиқатдир.

Munevver TEKCAN,
Ho'jayli universiteti professori (Turkiya)

JAHON TARIXI UCHUN ASOSIY MANBA

Asosiy hujjatlar va "Boburnoma"

Dastlabki asosiy hujjat tarixchi uchun buyuk portlash bo'lib, tashqariga otilib chiqqan va tarix uchun asos bo'luvchi manba edi. Asl hujjatsiz hech narsa bo'lishi mumkin emas edi: na tashqi dunyoga ko'prik bo'lishi mumkin emasdi va na biror dalilni chin yoki soxta ekanligini aniqlab bo'lmasdi. Bobur "Boburnoma"ni yozishni boshlaganda, vaqt va makonni belgilab qo'ydi. "899 yilda Ramazon oyida Farg'ona viloyatida [Bobur] 12 yoshga qadam qo'ygan chog'imda men podshoh bo'ldim".

Bular "Boburnoma"ning dastlabki so'zlari bo'lib, qo'lyozma matnida o'qilishi, transkripsiya qilinadi, transliteratsiya va tarjima qilinishi maqsadga muvofiqdir. Vaholanki, o'tmishni tiklash, hozirgi kunni saqlab qoladi va kelajakni shakllantiradi. Agar bu rishta uzilgan bo'lsa, tarix buziladi.

Bobur Temuriylar imperiyasining (1370-1526) Markaziy Osiyo, Hindiston va undan tashqarida joylashgan o'rnini mustahkamlash bilan ovora edi. Boburning xotiralari haqiqiy voqealarga yaqinligi sababli tarixiy ma'lumotlarning asosiy manbayi hisoblanadi.

"Boburnoma"ning birinchi ingliz tilidagi tarjimasi 1826-yilda Jon Leyden va Uilyam Erskin tomonidan qilingan va chop etilgan. Bu Boburning qo'lyozmasi materialining asosiy manbai sifatida talqin etilgan. Jon Leyden va Uilyam Erskin tomonidan amalga oshirilgan tarjimalar asosiy hamda ilgarilari tarjima qilingan ikkilamchi manbalarning kombinatsiyasi deb talqin qilinadi. "Boburnoma"ning ba'zi tarjimalari avvalgi tarjimalargagina asoslangan. Keyingi tarjima, XX asrning boshlarida qilingan bo'lib, Annette Syuzanna Beverij tomonidan bajarilgan. XX asrning oxirlariga kelib, M.Uiler Takston ingliz, fors va asl turkiy transkripsiya qonunlarini birlashtirgan holda boshqa bir tarjimani amalga oshirdi.

XX asrning ikkinchi yarmida "Boburnoma" haqidagi yangi materiallar va ma'lumotlar paydo bo'ldi va "Boburnoma" qayta nashr etildi. Ba'zi holatlarda, ingliz tilini yaxshilash yoki takomillashtirilgan deb hisoblash mumkin, bu holda asosiy manbaning materiallari minimal miqdorda qo'llaniladi. Matn fragmentlarining tarixini bilish juda muhimdir. Bu asarga ibtido bo'lib, manba materialining shubhali joyi yo'q degan fikrni bildirishi kerak. Aslida shubhalar kelgusida tegishli materiallarga javob berishi kerak, bu o'z-o'zidan kuchga ega. Tarixchilar bundan boshlang'ich sifatida foydalanishlari mumkin.

"Boburnoma" umuminsoniy qadriyat yoxud jozibani o'zida mujassam etgan. Bu "yaxshi mutolaa"dir, chunki u inson tajribasini ko'rsatadi. "Boburnoma" o'quvchi va matn o'rtasida a'lo yozuv uslubi va hikoyani aytish yo'li orqali qahramon bilan birga qayg'urish hissini uyg'otadi. "Boburnoma"da juda ko'p narsa aks etgan va manba materiallaridan juda ko'p narsa bo'lishi kerak, bir vaqtning o'zida ko'plab darajalarda ishlaydi. Asl hujjatning roli ko'p marta "Boburnoma" orqali o'tib, Bobur xotiralarini kundan-kunga ko'paytirmoqda.

Asosiy manbalar

Asosiy manba moduli har qanday "voqea davomida yoki [hodisa] bilan bevosita bog'liq bo'lgan shaxs tomonidan yaratilgan [yoki] ish bo'yicha birinchi qo'ldan olingan ma'lumotlarni yoki ma'lumotni o'z ichiga olgan hujjat yoki yozuv" bo'lishi mumkin.

Asl qo'lyozmalar tadqiqotchilar uchun asosiy material hisoblanadi va ular bilan haqiqat unsurlari bilan bog'langandir. Qo'lyozmalar universitetlar, kutubxonalar, ilmiy institutlar va resurslari bo'lgan odamlar tomonidan to'plangan va ular mutaxassislar tomonidan qiziqish uyg'onishiga turtki bo'lgan. Qadimiy qo'lyozmalar milliy o'ziga xoslikka ega bo'lib, an'ana va urf-odatga ko'ra "avlodlar uchun saqlab qolingan" joriy holat ramziy statusiga egadir.

"Boburnoma" kabi asosiy manbalar vaqt, qimmatbaho resurslar, insoniy ko'nikma va kuch sarfini o'zini namoyon etadi.

XVI asrda Markaziy Osiyoda qo'lyozmalar ishlab chiqarish nufuzli va bilimdon kishilarni asrash demak edi. Bobur otasi vafotidan so'ng, 12 yoshida o'g'il boladan yigitlik yoshga yetib qolgandi.

Ikkilamchi manbalar

Ikkilamchi material "har qanday nashr yoki nashrdan chiqmagan ish bo'lishi mumkin, ya'ni manbadan olib tashlangan bitta qadam bo'lib, odatda birlamchi manbaning materiallarini tahlil qiladi, baholaydi, qabul qiladi yoki asoslaydi".

Birlamchi tarixiy manbalarga bog'liq bo'lgan tarixiy nazariya ikkilamchi manba bo'lishi mumkin. Birlamchi tarixiy manbalarga bog'liq bo'lmagan tarixiy nazariya moslashuvchanlikni talab qila olmaydi, lekin bu ehtimollikni da'vo qilishi mumkin. "Boburnoma" kabi matnning boshlang'ich manbasi boshqa bir asosiy matn manbai bilan kengaytirilishi mumkin, ammo boshqa bir narsaga ko'ra kengaytirilmaydi.

"Boburnoma"ning har qanday tarjimasi ikkinchi darajali manba bo'lib, ba'zi hollarda bu tarixiy tahlil uchun asos bo'lishi mumkin. Misol uchun, Birinchi Panipat Jangi (1526) strategiya, harbiy harakatlar va yo'qotishlar kabi jang maydonlarini tahlil qilish uchun ishlatilishi mumkin. Panipatdagi birinchi jang shuningdek Boburning jahon tarixidagi mavqeini baholash uchun asosiy manba sifatida foydalanish mumkin.

Miniatyura tasvirlari

"Boburnoma" matni miniatyura tasvirlaridan iborat. Matn va rasm turli shakllarda o'qiladi, ikkalasi ham o'z tillariga ega, lekin ularni bir joyga to'playdigan ikkilamchi matn mavjud.

Qo'lyozmalar bo'yicha kichik suratlar yoki chizmalar keng tarqalgan amaliyotga aylandi va taqdimot haqidagi o'z fikrlari mavjud edi. "Boburnoma"ning turli nusxalarida tasvirlangan matnlar bir manbadan olingan matn bilan birga o'qilishi mumkin. Misol uchun, ibtidoiy uslubga ishoralar "Boburnoma"

triviyalarida uchrab, Boburning yoshligi doim u bilan bo'lganligini ko'rsatadi

"Boburnoma" tushunchasi otasidan so'ng saltanat yo'lboshchisi bo'lmish yosh yigitcha – Boburga tegishlidir. Bobur o'zining niyatlari haqida quyidagicha yozadi:

"Bularning hammasini shikoyat qilish uchun yozmadim: haqiqatni yozdim xolos. Men o'zimni maqtash uchun yozgan narsalarimni nishonlamayman: men nima bo'lganini aniq ko'rsatyapman. Men bu hikoyada har bir savol haqida haqiqatni yozib, har bir voqea haqiqatidan ko'proq narsani yaratish uchun qilganimdan so'ng, men otam va amakimdan ko'rgan har bir yaxshilik va yomonni e'lon qildim va har bir xato va haqiqatning haqiqatini qo'ydim va begona kishi, o'quvchi meni kechirsin; tinglovchilarim majbur qilmasin».

Boburning ta'kidlashicha, uning maqsadlari haqiqatni yozish va hodisalar haqida to'liq va aniq ma'lumot berishdir. Shaffoflik oilasi, otasi va amakisi bilan boshlanadi. O'zining hayotidagi bu qadriyatlar va kamchiliklar uning oldida nimalar bo'lgan va kelajakda nima bo'lishi mumkinligi o'rtasida o'zini ko'prik sifatida ko'rganligi tushuniladi.

Xulosa

Boburning "Boburnoma" yozishni niyat qilganiga bir qator halollik va sodiqlikka ega asosiy matn sifatida qaralishi kerak edi. "Boburnoma"da qabul qilingan kontekst Boburning o'z oldiga qo'ygan maqsadlariga erishganlik masalasini qo'yadi.

Bobur o'z memuarlarida ba'zi haqiqatlarni aks etishini xohlagan edi. "Boburnoma" shaffofligi bo'lgan maydon sifatida harakat qilish kerak edi. "Boburnoma" Boburning o'z harakatlariga va jamiyatdagi voqealarga bo'lgan bilimlari uchun nishonga aylanadi. Shubhasiz, Bobur o'z maqsadlariga erishgan yoki yo'qligi hanuz javobini topishi kerak bo'lgan savol sifatida qolmoqda, ammo "Boburnoma"ning tasavvufi jahon tarixida asl adabiy obida sifatida ta'kidlanishga munosibdir.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори.

ИЛМДАГИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Қадриятларимиз тарихида Заҳириддин Бобурнинг мураккаб шахс сифатида тилга олинишига кўникиб қолганмиз. Асарларининг мислсизлиги, нодирлиги, жаҳон дурдонаси деб тан олиниши ва бунинг чин ҳақиқатлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ.

Ҳар гал адиб номини жаҳонга машҳур этган "Бобурнома" асарини, дилбар ғазалларини, меҳр билан таржима қилган Хожа Аҳрори Валийнинг "Волидия" асарини, исломий шариат қонунлари ва тартибини зикр этган "Мубаййин"ни, "Рисолаи Аруз"ни 200 дан ортиқ рубоийларини мутолаа этганда, бу асарларнинг кўпчилиги унинг ҳаётлик пайтида форс-тожик тилида таржима қилиниб бутун Шарқ оламида, ҳаял ўтмай Ғарб мамлакатларнинг тилларида ҳам қайта-қайта таржима бўлиши шуҳратига шуҳрат қўшганини биламиз.

Заҳириддин Бобурнинг номини фақатгина бадиий, тарихий асарларигина достон қилмасдан бутун дунё аҳли уни бунёдкор шоҳ, фарзандлари қатори саройидаги барча инсонларга, ҳамма бечора-мискинларга ҳам меҳрибонликни раво кўрган шоҳ сифатида ҳам обрў қозонган, шулар қатори Мовароуннаҳр, Хуросон ва айниқса Ҳиндистонда мислсиз бунёдкорлик ишларини олиб борган шахс, подшоҳ сифатида тарихда шуҳрат топганки, буларнинг ҳаммаси тўғрисида беш асрдан бери турли мамлакатлар олимлари, давлат арбоблари томонидан тарихий асарларда, бадиий китобларда таъриф ва тавсиф берилган.

Алишер Навоийдан кейин ўзбек шоирлари ва адибларидан ҳеч бирининг асарлари Шарқ ва Ғарбда Бобур ижоди каби шуҳрат топмаган.

Яна энг мухими шундаки, Бобур хаёти ва асарларининг шухрати жихатидан (хусусан "Бобурнома"си) асар муаллифининг хаёти ва таржимаи холини бадиий, публицистик, тарихий жанрларни кўллаган тарзда катта полотнодаги кисса, романлар яратилган. Жумладан А.М.Мидленфорднинг "Фарғона водийси", Ҳ.Мозернинг "Марказий Осиё," Румер Годеннинг "Гулбадан" (ўзбек тилига Холида Сўфиева таржимаси), Вильям Рашбрукнинг "Ўн олтинчи аср бунёдкори" (ўзбек тилига Ғофуржон Сотимов ва Холида Сўфиева таржимаси) Фриц Вюртленинг "Бобур-Йўлбарс" асари (ўзбек тилига "Андижон шахзодаси" номи билан Янглиш Эгамова таржима килган) шулар жумласидандир.

Ўзбекистонлик олимлар, ёзувчилар, шоирлар ҳам "Бобурнома" ва бошқа асарларидан таъсирланиш натижасида ўзларининг бадиий, публицистик ва бошқа адабий тур ва жанрдаги асарларини яратганлар. Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи, Хайриддин Султоннинг бир қатор бадиий асарлари ва "Бобурийнома" маърифий романи, академик Азиз Қаюмовнинг "Бобурнома"асосида яратган новеллалар ва кичик бадиий асарлари, бобуршунос олим А.Абдуғафуровнинг Бобур ижодидан рухланиб ёзган бадиий ёзишмалари ҳам шулар жумласидандир. Айникса шоир Сирожиддин Саййиднинг " Оҳ, Заҳириддин Бобур..." номли асари "Бобурнома"га муносиб жавоб бўлиб, ҳозирги замон шеъриятига топилдиқ бўлди.

Булардан ташқари Бобур жамоат фондининг кутубхонасида дунёнинг турли минтақаларида Бобур ҳаёти ва ижодига оид бадиий асарлар Фондининг жонкуяр раиси Зокиржон Машрабов саъй ва ҳаракатлари билан олиб келинганки, улар ҳам бугун таржима этилиб Бобур ижодининг мухлисларига етказилиш навбатини кутаётир.

Турли мамлакатларнинг кутубхоналарида, шахсий кутубхоналарда ҳам улуг ватандошимизга оид ёзилган

китоблар бўлиши мумкинки, биз уларни кенг китобхонлар эътиборига тақдим этолмаймиз. Албатта бу масала жуда кўп муаммолар билан боғлиқ **биринчидан,** бу асарларни кидириб топиш керак. **Иккинчидан**, топдик хам дейлик, уни Бобур хаёти ва ижоди билан яхши таниш таржимон асл нусханинг тили асосида ўзбек тилига таржима килиши керак. **Учинчидан,** таржимонларни бу ишга жалб килиш, таржималарни китоб қилиб нашр этиш учун яхшигина маблағ керак.

Масаланинг бу томони ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир" мавзудаги маърузасида аниқ кўрсатмаларни берганлар.

Бундай асарларни – Бобурнинг оламдаги обрў-эътиборини янада оширадиган китобларни нашр эттириш маънавий, илмий-тадқиқот ишларини юксалтириш ва уни самарадорлигини оширишда нимани назарда тутади:

– Биринчи навбатда, Бобурнинг дунёдаги шуҳратини янада ошириш билан бир қаторда бу асарлар яратилган халқлар билан адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг бой адабий, бадиий меросини ўрганиш ва ўзбек қадриятларидаги асарлар билан дунё аҳлини янада кенгроқ таништириш, ёшларни тарбиялашда Бобурнинг юксак инсоний хусусиятларини тараннум этиш, қадриятимизда бу буюк шахс расм этган адабий, маданий, ислом динининг инсонпарвар анъаналарини ижобий жиҳатларини намоён этиш;

– Шу таржима этиладиган асарлар ва улар орқали ўша давлат тили, адабиёти, асар муаллифининг бобурийлар давлатчилиги, унинг бадиий образларда ифода этилишда чалкашликка йўл қўймаслик, агар шундай ҳолатлар юз берса (масалан, бобурийлар салтанатини "мўғуллар империяси" деб номлаш), Шарқ урф-одатларини нотўғри изоҳлаш ва талқин

этиш ҳолларига матбуот орқали ёки муаллифга буни илмий асослаб, тузатиш ва б.

– Тарихий асарларда ёки "Бобурнома"да бобурона атама ва ибораларда одатда ғарбона тасаввур ва билим билан ёндашиб таржимон қўпол хатоларга йўл қўяди, буни ислоҳ этиш зарурати бор. Бундай хатоликлар нафақат Бобур шахсиятига боғлиқ, балки тарихий ҳақиқатни гоҳида бузиб талқин қилиш, тарихий шахсларга нообъектив баҳо бериш ҳолларигача етиб борадики, биз ўз тарихимиз ва қадриятимизни бундай иллатлардан покиза тутишимиз лозим.

– Бу жараён ишга солинса, Бобур асарлари, нафақат Бобурга тегишли, балки қадриятимизга мансуб анчагина асарларни таржима қилиш тажриба мактаби ҳам пайдо бўлади. Агар Бобурга мансуб асарларни таржима қилиш масаласига қайтсак Бобур халқаро жамоа фонди ва унинг бошлиғи Зокиржон Машрабовнинг юксак ташаббуси ва ташкилотчилиги билан Ғ.Сотимов, Я.Эгамова, Х.Сўфиева ва бошқа бобуршунос таржимонлар мактаби яратилдики, уларнинг инглиз ва немис тилидан қилган таржималари сифат жиҳатидан аслиятни худди ўзидек мутолаа қилинади. Бобур жамоат фонди қошида уларнинг маҳорат мактабини ташкил этиш ва ёш мутахассисларни жалб этиб таржима ишига ўргатиш айни муддао бўларди.

– Айни пайтда бу таржимон адибларнинг услуби, дунёқараши, Бобур даври тарихи, маданияти, тож-тахт учун қақшатқич кураш жараёни тасвирларига ҳар бир муаллифнинг алоҳида муносабатини билиб олиш, кузатиш имконини беради, бу ҳар бир ёзувчининг Бобур ҳаёти, у яшаган давр сиёсати ва тарихий шахсларга бўлган муносабатини бизга етказишда муҳимдир. Бу масалалар илк бор Бобур ижодига оид дунё адиблари ижодий лабораториясига кириш ва уни қиёсий таҳлил этиш имконини беради. Ўз навбатида бундай тадқиқот тарзи бизга Бобур

ижодининг қиёсий ҳолда, типологик йўсинда тадқиқ этиш албатта муҳимдир.

– Бобуршуносликда бу йўналишни- Бобур жамоат фонди ташаббус этиб бошлаган хайрли ишни юксалтириб шитоб билан амалга оширсак, қадриятимиздаги бу буюк сиймо - Бобурнинг шахсияти ва унинг асарларидаги оламшумуллик янада юксалиб, олам аҳлини унинг ижобий қарашлари ва эзгу ниятлари билан янада кенгроқ баҳраманд этамиз деган умиддамиз.

– Шундай тизимли тарзда бобуршунослар авлодини тарбиялаш, унинг ижодига меҳр уйғотиш, айниқса ёшларда бу алломанинг буюклигини янада кенгроқ тасаввур этишларига имкон яратади.

Олмос УЛВИ (БИННАТОВА),
филология фанлари доктори, профессор
Озарбайжон Республикаси АМЕА Низомий номидаги
Адабиёт институти "Озарбайжон-
Туркманистон-Ўзбекистон адабий
алоқалари" шўъбасининг мудири

"БОБУРНОМА"НИНГ БОКУ НУСХАСИНИНГ ТАВСИФИ ВА УНДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЗЛАРИ

Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси Муҳаммад Фузулий номидаги Қўлёзмалар институти ўрта асрлар Шарқ ёзма ёдгорликларини излаб топиш, уларни таснифлаш, муҳофаза этиш, ўрганиш ва уларни нашр этувчи бир илмий марказ сифатида 1950 йилда Низомий номидаги Адабиёт институтининг қўлёзмалар шўъбаси базасида ташкил этилган. Кейинчалик, аниқроғи, 1986 йилда марказнинг базасида Қўлёзмалар институти сифатида мустақил равишда ўз фаолиятини олиб бора бошлаган. Бу расмий Давлат илмий муассасасида минглаб ноёб қўлёзмалар сақланади. Бу қўлёзмалар ичидан ўрта асрларга оид бир асарнинг тавсифини беришни лозим деб билдим:

Бобур Муҳаммад Заҳириддин. "Бобурнома" (ўзбек тилида)

Хати: насталиқ

Қўлёзма Ўрта Осиё услубида тайёрланган терига ёзилган. Қўлёзмада Шайх Зайниддиннинг форсча фармони ҳам келтирилган. Асар ўртадан ва охиридан нақшли қилиб ишланган.

Бошланиши: . . . تینکری تعالی نینک عنایتی بیلان . . .

Тугаши: . . . حسین سلطان و محمد قاسم . . .

Мазмуни: ҳижрий 900 йилдан 935 йилга қадар Ҳиндистонда рўй берган ҳодисалар баён этилган.

Ўлчами: 15x26 см.

Хажми: 425 варақ.

Шифри: С-391 / 13609.

Бу тасвир ҳар бир тадқиқотчи учун ажиб бир кайфият, завқ бағишлайди.

2012 йилда Балтимар шаҳридаги Волтерс тасвирий санъат музейида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари коллекциясига кирувчи юздан ортиқ қўлёзма китоблари ва кўплаб хаттотлик, миниатюра санъати намуналарининг электрон варианти, факсимилеси Қўлёзмалар институтининг фондига олиб келинди ва киритилди. Улар орасида энг қадимги Қуръон китобининг нафис ишланган нусхалари, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Низомий, Навоий, Дехлавий каби сўз санъатининг улуғ дарғаларининг "Хамса" достонлари, Румий, Саъдий Шерозий, Жомий, Бобур, Табризий ва бошқаларнинг асарларининг ўша давр моҳир хаттотлари гўзал тарзда кўчирган нусхалари борлиги қўлёзма фондини янада бойитишга хизмат қилди.

Дунё адабиётининг энг қимматли намуналаридан саналадиган "Бобурнома" асари Ҳиндистон диёрида буюк бир салтанат бунёд этган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз бошидан кечирган хотиралари тарзида яратилган бўлиб, ўзининг гўзал тили, услуби, самимий тасвирлари билан шу типдаги асарлардан алоҳида ажралиб туради. "Бобурнома" саёҳатнома ва мемуар асардир.

Асарда даврнинг бутун ҳодисалари, машҳур тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, бу жиҳатдан у тазкира жанрини ҳам эсга солади.

"Бобурнома"да туркий халқларнинг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ҳақидаги муҳим саҳифалар борки, бу маълумотлар Навоий ижодий фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур беришга хизмат қилади. Чунки, Бобур Навоий даврида яшаган, унинг сўнгги кунларидан хабардор бўлган. Биз Бобурнинг Навоий шахси ва фаолияти ҳақида "Бобурнома"даги саҳифаларга назар солишни мақсадга

мувофиқ деб билдик. Асарда Навоий ҳаёти, шахси ва фаолиятининг қуйидаги жиҳатлари ёритилган:

- Дўстлик туйғусини муқаддас деб билиши ва садоқатли дўст экани;
- Навоийнинг Самарқандга сургун қилиниши сабаби очиқ айтилмаса-да, шоирнинг сургундаги йиллари ҳақида маълумот берилгани;
- Ахмад Ҳожибек мактабидан фойдалангани;
- Самарқандда сургунда бўлган пайтида унинг Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро билан яқин муносабатлари ва тахтга Бойқаро келгач унинг Ҳиротга даъват этилгани;
- Унинг бутун муносабатларда самимий эканлиги, жавонмардлиги ва ғурурли экани;
- Фитратан фозиллиги;
- Унинг чин инсоний фазилатлари;
- Ўз она тилига бўлган чексиз муҳаббати ва шу сабабли илк дафъа туркий тилда "Хамса" достонини яратгани, адабиёт тарихида туркий адабий тилининг асосчиси сифатида киргани;
- Унинг шеърияти тилининг гўзал ва самимий ҳарорат ила суғорилгани;
- "Девон" муаллифи сифатида даврининг энг машҳур шоири экани;
- Мавлоно Жомий билан яқин муносабатда эканлиги, уни устози деб билиши, у билан мактублар орқали ёзишмалар қилгани;
- Адабий-назарий қарашларининг тақдим этилгани;
- Форсча "Девон"и билан унинг нафақат туркий, балки форс тилида ҳам гўзал ёзиши;
- Мусиқа санъатида ҳам бастакорлик иқтидори бўлгани;
- Созга бўлган муҳаббати сабабли машҳур соз усталарини етиштиришга улкан ҳисса қўшганги;
- Наққошлик иқтидорига эгалиги;

• Навоий қаноти остида Беҳзод ва Шоҳ Музаффар сингари даврининг машҳур санъат усталарининг етишиб чиққани;

• Фазл ва ҳунар аҳли учун Навоийнинг устоз эканлиги;

• Унинг ғайрати ила буюк бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани;

• Умрининг охирига қадар ёлғиз ўтгани;

• Саройда қилган хизматлари;

• Унинг мол-дунёга ҳавасманд эмаслиги;

• Умрининг сўнгги кунлари тасвир этилгани ва бошкалар.

Булар, табиийки, буюк шоир ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Бобур Навоийни буюк шоир ва қалб эгаси, улкан олим, серқирра инсон, давлат ва жамоат арбоби сифатида портретини чизар экан, ўзининг бутун маҳорати ва санъаткорлигини, зукколигини намоён этади.

Тўғри, Навоий ҳақида унинг ўз даврида, устози Жомий, бошқа машҳур шоирлар ва ижодкорлар, файласуф ва тарихчиларнинг, шогирдларининг айтиб колдирган сўзлари, эътирофлари бўлса-да, Бобурнинг қалами остидан чиққан "Бобурнома"сидаги Навоий ҳақидаги тасвирлар алоҳида қимматга эга.

"Бобурнома"да она ватани Андижон тасвирида халқ тилининг Навоий тили билан қиёсида муаллифнинг самимияти асарга янада жозиба бахш этади. Асарнинг "Фарғона" бўлимида Андижон ҳақидаги шундай тасвирларга дуч келамиз: Аҳолиси туркдир. Шаҳарда ва бозорда туркча билмаган киши йўқдир. Халқининг сўзлаш тили ёзув тили ила уйғундир. Бу сабабла Мир Алишер Навоий Ҳиротда нашъу намо топгани ҳолда, асарларини бу тилда ёзмишдир.

Балки шу сабабдан Бобур Навоий поэзиясини доим юксак баҳолаган, айни замонда, Навоий тилининг халқ тилига яқинлиги унинг поэзиясини баланд поғоналарга кўтаргандир. „Бобурнома"да қайд этилгани каби шоир поэзиянинг барча

жанрларида қалам тебратган бўлиб, гўзал ғазал, маснавий, рубоий, туюқ, муаммо, қитъалари шоир шеъриятининг безакларидир

Навоий ижодининг бош ғояси инсонпарварлик ва гуманизм билан йўғрилганлигидир. Буни "Бобурнома"даги тасвирларда ҳам учратамиз.

Мисол учун, яқин дўсти, ҳамдарди Султон Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғли ўртасидаги муносабати, ҳатто уруш ҳолати келиб чиққанида Навоийнинг адолатли қарори ва маслаҳати билан муроса йўли танланганини айтиб ўтиш ўринлидир: „Бу йил Султон Ҳусайн Бойқаро ила ўғли Бадиуззамон Мирзо орасиндаги англашмовчиликлар уларни уруш ҳолатига қадар олиб борди. Масала бундай бўлган эди: ўткан йил Султон Ҳусайн мирзонинг Балхни Бадиуззамон мирзога, Астрободни эса Музаффар мирзога берилиши нақл этилган эди. У замондан бугунга қадар кўп элчилар келиб кетди. Охири Алишербек элчи бўлиб борди. Музокараларга қарамай Бадиуззамон Астрободни кичик укасига беришга роzи бўлмади ва "Менинг ўғлим Муҳаммад Мўмин мирзо суннат бўлганда, бобоси Султон Ҳусайн мирзо у ерни унга ҳадя килган эди", – деди. Бир куни Алишербек ила Мирзо орасинда бир суҳбат бўлдики, бу Мирзонинг фахми, Алишербекнинг ҳам хиссасидан бир далилдир. Алишербек кўпчилик орасида Мирзога пичирлаб сўзлади ва "Бу сўзларни унутингиз." деди. Мирзо ҳам дарҳол "қайси сўзларни?" дея сўраганда, Алишербек кўп мутаассир бўлди ва йиғлаб юборди".

Шундай савол туғилади: Бобур ва Навоий кўришганми? Бу саволга жавобни "Бобурнома"дан топамиз: "Самарқандни иккинчи бор олганимда Алишер Навоий ҳали ҳаётлик чоғида бир марта менга мактуб йўллади. Мен унинг орқасига туркча байт ёзиб бир мактуб йўлладим. Жавоб келгунига қадар айрилик кунларини ўтказдим" (3,102). Бу фикрлардан кейин Навоийнинг кардоши Дарвеш Алибек ҳақидаги фикрларига назар солсак: "Дарвеш Алибек: Алишербекнинг туғишган

укаси эди. Балхнинг идораси бир муддат унда эди ва яхши идора этди. Бажариқсиз ва қобилиятсиз одам эди. Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо Қундуз ва Ҳисорга илк бор келганида унинг бажариқсизлиги муваффақиятсизлигига сабаб бўлди. Уни Балх ҳокимлигидан озод этдилар. Мен 916 йилда (1510) Қундузга келганда ёнимга келди; қочқин ва хароб бир ҳолда эди. Беклик қобилиятидан ва элчилик салоҳиятидан узоқ эди. Ҳар ҳолда Алишербекнинг соясинда эътибор қозонган эди".

"Бобурнома"да Навоий етиштирган шогирдлар, давлат одамларидан баҳс этиб ёзади: "Бобо Али эшик оға: Аввалари Алишербек анга эътибор этиб беклик, сўнгра эшик оғаси даражасига кўтарди. Энди менинг ёнимда бек, яқиним бўлган Юнус Али унинг ўғлидир".

Бойқаронинг вазирларидан бирини шундай тасвирлайди: "Мажидиддин Муҳаммад: Мирзо унга кенг имкониятлар бериб Хуросон бошқарувида унга кўп масъул вазифаларни берди. У ҳам мумкин қадар тез орада сарой ва халқни рози ва мамнун этди, хазинага кўп пул тўплади. Лекин Алишербек атрофидаги бутун беклар ва соҳиблар ила тил топиша олмади, шу сабабли улар уни душман сифатида кўриб, охири Мажидиддин Муҳаммадни тутдириб вазифасидан озод эттирди".

Ўша даврдаги энг машҳур шоирлардан бири Биноийдир. "Бобурнома"да у ҳақида шундай таъриф келтирилган: "Ҳиротдандир. Отаси устод Муҳаммад бош меъмор бўлганлиги сабабли шу тахаллусни олмишдир. Ғазалида ранг ва ҳол бордир. Девон тартиб бермишдир. Маснавийси бордир. Мутакориб баҳрида ёзилмиш мевалар ҳаққинда маснавийси бор, бемуҳассал нима дебтур, бекоре қилибтур... Бурунлар мусиқийдан бехабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил мирзо Марвға қишлай борганда – Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирийда қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз Мирзо Ҳирий келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар

боғлабтур, ул жумладан бир нақши бор, "Нухранг"ға мавсум. Бу тўққиз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси "рост"тадур. Алишербекка хейли мутаарриз экандур. Бу жиҳаттин хейла жафолар тортти. Охир тура олмай Ирок ва Озарбайжонға Узун Ҳасаннинг ўғли Яъқуббек қошиға борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди. Ҳарифи мажлис бўлуб эди, Яъқуббек ўлгандин сўнг ул вилоятларда турмай, Ҳирийга келди. Ҳануз зарофат ва тааррузи бор эди".

Биноий ва Навоий ўртасида бўлиб ўтган баъзи воқеалар афсонага айланиб кетган ва бугунги кунимизга қадар етиб келган. "Бобурнома"да ҳам улардан баъзиларига дуч келамиз: "Алишербекки қалин нималар ихтироъ қилиб эди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишига бир нима пайдо килди, ул ниманинг ривож ва равнаки учун "Алишерий" дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким, Алишербек қулоқ оғриғида ёғлиқ боғлағон учун хотинлар кўк ёғликни қийиқ боғлағонни "нози Алишерий" от қўйдилар. Бу жумладин Биноий Ҳирийдин азимат қилур вақт эшаги учун полондўзға ғайри мукаррар полоне буюрур, отини "Алишерий" дер, "полони Алишерий" машҳур бўлди".

Навоий ва Биноий ҳақидаги бир воқеани хотирладим: "Ҳусайн Бойқаро саройининг бош вазири Навоий ила шоир Биноий ўртасидаги бир суҳбат мана бир неча асрлардан буён афсона шаклида учрайди. Суҳбат асносида Биноийнинг зерикарли сўзларини эшитиб бўлгач Навоий: "Биноий, чегарадан ошиб кетдинг. Сенинг оғзингни ёмон сўзлар билан тўлдирмоқ керак", дейди. Биноий эса унинг бу сўзларига шундай жавоб қайтаради: "Ёмон сўз билан тўлдирмоқ қийин иш эмас. Бунинг учун турк тилинда бир шеър ўқиш кифоядир". Турк тили – ўзбек туркчасига муносабат ёмон бўлган бир паллада Ҳусайн Бойқаронинг турк тилига доир имзоланган фармони ўлканинг илмий доиралари ва давлат вакиллари учун муайян маънода янги бир даврни бошлаб берди" .

Тарихда Навоий даври ўрта аср Шарқ адабиётининг олтин даври деб аталади. Бу даврда санъатнинг барча турлари тараккий этди. Бунда, албатта, Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. Масалан, "Бобурнома"да хаттотлар ҳақида ҳам сўз боради. Бобур ёзади: "Хушнавислардин агарчи хейли киши бор эди, вале боринииг саромади насхтаъликда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттуз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди.

Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозик қилди. Вале соқолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуғ тортадур. Соқоллиқ кишини яхши чеҳрали, кушойлиқ қиладур".

"Бобурнома"даги диққатга сазовор яна бир нарсани қайд этиш лозим. Навоий ва Бобур юзма-юз кўришмаган бўлса-да, Бобурнинг Ҳиротда шоир вафотидан сўнг уйида бўлгани ва зиёрат қилгани тарихий ҳақиқатдир. Бу улуғ шоир Навоийга бўлган Бобурнинг чексиз ҳурматининг бир намунасидир.

"Бобурнома"нинг "Бобурнинг Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғиллари билан кўришиши ва Ҳиротга келиши" бўлимида шундай ёзилади: "Ош тортилғондин кейин Поянда Султонбегимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдим. Аввал манга Боғи Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳирийдан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим. Ҳар икки-уч кунда бориб Боғи Жаҳонорода Бадиуззамон Мирзоға кўрунуш қилар эдим".

Яна "Бобур Ҳиротни кезар" бўлимидаги мана бу сатрларга қулоқ тутсак: "Йигирма кунким, Ҳирийда эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим. Ажзчимиз бу сайрларда Юсуф Али кўкалтош эди. Ҳар қайси сайргоҳқа тушулса эди, Юсуф Али кўкалтош бир навъ ош тортар эди. Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Ҳусайн

мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади экин. Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози коғаз, Тахти Остона, Пуликоҳ, Каҳдистон, Боғи Назаргоҳ, Неъматобод, Гозургоҳ хиёбони, Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, "Унсия" дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким, "Қудсия" дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, "Халосия" ва "Ихлосия" дерлар, ҳаммом ва доруш-шифоисиниким "Сафоия" ва "Шифоия" дерлар... борини андак фурсатта сайр қилдим". Асарда яна бир жумла эътиборни жалб қилади: "Жума куни, ойнинг йигирма учинда Алишербекнинг тўрт девонидан гўзаллиги ва вазнларига кўра энг гўзал ғазал ва байтларини танладим". Демак, саёҳат давомида ҳам Бобур Навоий ижоди завқи, ёди билан яшаган.

"Бобурнома"даги лавҳалардан Бобурнинг Навоий шахсиятига, Навоий ижодига бўлган чексиз ҳайрати яққол сезилиб туради. Буларни ўқимоқ, ўрганмоқ, тадқиқ этмоқ бугунги кунимизда ёшлар учун улкан тарбия мактаби ва ижодкорлар орасида эса ҳурмат ва эҳтиромнинг бир намунаси бўла олади десак янглишмаймиз.

Озарбайжон тилидан
Обид ШОФИЕВ таржимаси

Назим Зияддин ўғли СУЛАЙМОНОВ
Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси
Фольклор институти катта илмий ходими
Филология фанлари номзоди

"БОБУРНОМА"ДА ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИКЛАРИ ТАСВИРИ

Темурийлар наслидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) нафақат буюк Бобурийлар империясига асос солган саркарда, балки гўзал ва латиф шеърияти, туркий халқлар адабиётидаги дастлабки мемуар асар ҳисобланган "Бобурнома"си билан шуҳрат қозонди. "Бобурнома" ўз хусусияти билан кенг қамровни ўз ичига олган бўлиб, тасвирдаги лиризм, самимийлик, аниқ фактларнинг келтирилиши, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат, макон, тарихий шахслар, ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар, табиат оламининг акс эттирилиши билан турли соҳалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарда муаллиф ўзи кўрган шаҳар ва қишлоқларнинг яшаш тарзи, бу ердаги одамларнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳам назардан четда қолдирмайди. Мазкур мақолада "Бобурнома"да табиат гўзалликлари тасвири ҳақида тўхталиб ўтишни мақсад қилдик. Бобур қаерда бўлмасин, аввало, ўша ернинг табиати, ҳайвонот ва наботот олами билан қизиққан. Ўз таассуротлари, завқини, шавқини қайд этиб борган. Бу тасвирларда муаллифнинг шоирона қалами сезилиб турадики, бу ҳам асарнинг бадиий қувватини янада оширишга хизмат қилади.

"Бобурнома"даги "Фарғона", "Кобул", "Ҳиндистон" бўлимларидаги табиат гўзалликлари тасвиридаги муаллифнинг шоирона услуби ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. "Бобурнома"нинг биринчи фасли "Фарғона" деб номланади. Унда вилоятда 899 (1493)-йилда содир бўлган воқеа-ҳодисалар қаламга олинган. Табиийки, унда тарихий ҳодисалар, ўлканинг маданий-адабий ҳаёти ҳам ўз аксини топган. Бобур бу фаслда ўзи туғилиб ўсган тупроғининг тасвирини келтиради. Унинг ўз

ватанига бўлган буюк муҳаббати бу тасвирларда ўз аксини топган. "Фарғона вилоятининг тасвири" фаслининг илк жумлалари шундай бошланади: "Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубларда Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбак жиҳатидин бу тарихда бузубтур асло маъмура колмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон".

Шунингдек, бу ернинг иқлим шароити, иқтисодий-сиёсий вазияти ҳам эътибордан четда қолмаган.

Вилоятнинг маъмурий маркази бўлмиш Андижон Бобур дунёга келган шаҳардир. Муаллиф бу шаҳарни айрича бир муҳаббат билан тасвирлайди. Вилоятнинг пойтахти хисобланмиш Андижоннинг табиий манзараси, географик жойлашуви, ҳавоси, суви, иқлими, маданий обидалари, мевалари, тарихий ерлари, умуман, ҳар бир жиҳати алоҳида-алохида қаламга олинади. Бу ерда Андижон ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Албатта, Бобур ўзи туғилиб ўсган масканни жуда яхши билади, қолаверса, ватанга бўлган муҳаббати рухи ҳам сезилиб туради. "Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида ковун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхширок ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидин сўнгра, мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқе бўлубтур. Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шохроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била қалъага фосила ушбу хандақ ёқасидаги шохроҳтур. Андақ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур".

Асарда қаламга олинган бу бадиий элементлар хотира китоби учун нақадар уйғун бўлса, тарихий факт сифатида ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Бобур табиатнинг ошиғи. Табиатга айрича меҳри ҳар бир сатрида сезилиб туради. У табиатнинг барча гўзалликларидан илҳом олади. Бобур бирон жойни тасвирлар экан у ердаги дарахтлар, гуллар, мевалар ва ҳайвонларни ҳам диққат билан тасвирлайди.

"Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил. Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хуб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур. ... Анжижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур". Шоҳ Бобур Андижоннинг, унинг бир қасабаси бўлган Ўш шаҳрининг табиий гўзалликлари билан чекланиб қолмасдан, унинг ҳар бир тарафига, жиҳатига эътибор қаратади.

Яна "Бобурнома"га юзлансак: "Яна бир Марғинондур. Андижоннинг ғарбидадур. Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлубтур, пур неъмат; анори ва ўруги асри кўп хуб бўлур. Бир жинс анор бўлур, "донакалон" дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самнон анорлариға таржеъ қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичиға мағз солиб қурутурлар, "субҳоний" дерлар, бисёр лазиздур. Ови куши яхшидур". "Исфара – кўҳпояда воқе бўлубтур. Оқар сувлари, сафолик боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби жанубидадур. Марғинон била Исфара тўққиз йиғоч йўлдур. Мусмир дарахтиси бисёрдур, вале боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва кўҳийдур". "Фарғона вилоятининг гирдо-гирди тоғларида яхши яйлоқлари бор. Тобулғи йиғочи бу тоғларда бор, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғочедур. Пўсти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар. Қушларға қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар, хейли яхши йиғочдир. Табарруклук била йироқ ерларга элтурлар".

Муаллиф бу тасвирларда гўзалликларни айрича бир шаклда уйғунлаштиради. Айни пайтда унинг табиат гўзалликлари тасвири Шоҳ Хатойи ижоди билан уйғунлик касб этади. Инсон зоҳирий ва ботиний оламини тасвирида Навоий, Жомий ва Бойқаро каби улуғ сўз дарғалари янги бир йўналишни, илоҳий ишқни тараннум этган бўлса, Бобур поэзияда янги бир йўлни бошлаб берди. Табиат гўзалликларини тараннум этиш, уни адабиётга олиб кириш Бобур шеъриятининг ўзига хос жиҳатларини ташкил қилади.

Маълумки, Бобур Андижондан сўнг Кобул шаҳрига тахт қурди. Бу шаҳарга ҳам алоҳида меҳр қўйди. Бу "Бобурнома"даги тасвирларда ҳам кўринади. Асарнинг "Кобул" фасли 910 (1504)-йил ҳодисалари билан бошланади. "Кобул вилоятининг таърифи" бўлимида Кобулнинг географик ўрни ва табиати тасвирланади: "Қалъанинг жанубида Шоҳи Кобулнинг шаркида бир улуғ кўл тушубтур. Гирдо-гирди бир шаръий ёвушур. Шоҳи Кобул тоғидин Кобул сари боқа уч кичикрак чашма чиқар, иккиси Гулкина навоҳисидадур. Бир чашма бошида Хожа Шаму отлиқ мозордур: яна бирида Хожа Хизрнинг қадамгоҳидур. Бу икки ер Кобул элининг гаштгоҳидур. Яна бир чашма Хожа Абдусамад тўғрисидадур. Хожа Рўшнойи дерлар. Шоҳи Кобул тоғидин бир тумшуқ айрилиб келибтур, Укобайн дерлар. Укобайиндин бошқа яна парчағина тоғ тушубтур. Кобул қалъасининг арки бу тоғнинг устидадур. Улуғ кўрғон аркининг шимолидадур. Бу арк ғариб муртафеъ ва яхши ҳаволиқ ер воқеъ бўлубтур. Бу улуғ кўл ва уч ўланғтаким. Сияҳсанг ва Сунан кўрғон ва Чолок бўлғай, муширфтур. Борча оёқ остидадур. Ўланглар сабзалиқ маҳалида бисёр яхши кўрунур. Ёзлар Кобулда шимолий ели кам эсадур. Паравон ели дерлар. Аркта шимол сари даричалик уйлар асру хушҳаводур... Гамсерий ва сардсерий мевалар Кобул тавобсида кўптур ва ёвуқтур. Кобул ва кентларида сарсерий мевалардин узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олу болу ниҳоли кетуриб эктурубмен. Яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди.

Гармсерий мевалар мисли норунж ва турунж ва амлук ва найшакар Ламғоноттин келтирурлар. Найшакарни келтируб эктируб эдим. Чилғўзани Нижровдин келтирурлар. Кобул атрофидағи Кўҳистондин асал бисёр келур. Шаҳдхоналари бордур. Бир Ғазни тарафидағи Кўҳистондин асал келмас. Кобулнинг ривочи хуб бўлур, беҳи била олуси ҳам яхшидур. Бодрингги дағи яхши бўлур.

Бир навъ узум бўлур, оби ангур дерлар. Хейли яхши узумдир. Маст чоғирлари бўлур. Хожа Хованд Саид Домани кўҳийнинг чоғири тундлуқ била машҳурдур. Экини яхши бўлмас. Бисёр яхши ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским, бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи кори аксар улуғ тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволиққа машҳурдур, вале муфрит совуқлари бордур".

Кобулнинг таърифи ва тасвири асарда кенг ва атрофлича шаклда тақдим этилган.

Асарда учинчи фаслидаги ходисалар – муаллиф қайдлари 932 (1525-1526)- йилларни ўз ичига олади. Ҳарбий юришлар қилиб, Ҳинд заминида бир улкан салтанатни барпо этиш Бобурнинг толеига битилгандир. Бу қисмда ҳам табиат тасвирига кенг ўрин берилган. Ҳиндистон ўзининг табиат гўзалликлари, иқлими, наботот ва ҳайвонот олами билан бошқа ерлардан алоҳида ажралиб туради. Ҳиндистон "Бобурнома"да шундай тасвирланади: "Ҳиндустон аввалғи иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндур. Тўртунчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Ғариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур. Кобул тавобен гарсерлар агарчи баъзи ишта Ҳиндустонға мушобаҳати бор, баъзида йўқ. Синд сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тариқидадур. Шимолдағи тоғким, мазкур бўлди, Синд дарёсидин ўтгач, бу тоғда Кашмир тавобеи вилоятлардур. Агарчи бу тарихда бу тоғдағи вилоятлар, мисли, Пакли ва

Шахманг аксари Кашмирга итоат қилмас, вале бурун Кашмир дохили экандур. Кашмирдин ўтгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва паргана ва вилоятлардур. Бангола ва балки Муҳит ёкасиғача бу тоғда пайваст халойиқдур. Ҳиндустон элидин унча таҳқиқ ва тафтиш қилилди, ҳеч ким бу тавойифдин таҳқиқ хабар айта олмади. Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Кас дерлар. Хотирға еттиким, Ҳиндустон эли "шин"ни "син" талаффуз қилур. Чун бу тоғда мўътабар шаҳр Кашмирдур, балки Кашмирдин ўзга бу тоғда яна шаҳре эшитилмайдур. Бу жиҳаттин бўла олурким. Кашмир демиш бўлғайлар ".

Бобур ҳарбий юриш қилган ўлкаларининг географияси, иклими, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақида кенг маълумотлар келтирганки, бу бугунги география, тарих, биология ва зоология, этнография каби фанлар учун муҳим манба бўлиб хизмат килади. Бобурнинг саёҳат ва хотиралари тарзида битилган "Бобурнома" асаридаги маълумот ва фактларнинг ҳаммаси ишончли. "Бобурнома"ни ўқир экансиз Бобурнинг кенг билим ва тафаккур эгаси эканлигига яна бир бор амин бўласиз. У ҳар бир фактни келтирар экан, уларни кенг мушоҳада этади, тарихий воқеаларга ўз муносабатини билдиради. Ҳеч бир воқеликни бўрттирмай, ўз асл ҳолича тасвирлайди.

"Бобурнома" нафақат туркий халқларнинг, балки бутун дунё илм хазинасининг ноёб дурдонасидир.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори,профессор

РУС БОБУРШУНОСЛИГИ САҲИФАЛАРИ

Дунё олим ва адибларининг Бобуршоҳ ижодига муносабатини, асосан, тўрт йўналишда кузатилади: Бобурнинг подшоҳ сифатидаги сиёсий фаолияти (1), бевосита буюк шоир ижодига улуғ санъаткор сифатида мурожаат этиши (2) ва "Бобурнома"га камёб тарихий манба сифатида уни таржима қилиши ва истифода этиши натижасида (3) ҳамда Бобуршоҳнинг шахси ва жасорати хусусида бадиий асарлар (4) ёзиш орқали муносабатда бўлганлар. Айни мана шу йўналишлар Россия бобуршунослигида ҳам кузатилади.

Жаҳон илмида Бобур сиймоси ва асарларининг вужудга келиши ҳамда тараққиётида Россия олимларининг ўз улуши бор. Россияда Бобур ижодига эътибор XIX асрнинг ўрталарида вужудга келгани манбаларда қайд этилган. "Энциклопедик лексикон"да (СПб, 1835)да "Бобурнома"га "Буюк могол Бобурнинг тарихий хотираларининг сарлавҳаси" дея қисқа изоҳ билан Россия бобуршунослиги бошланади. "Бобурнома"нинг матни Қозонда *Н.И.Ильминский*нинг "Бобурнома" ёки Султон Бобурнинг хотиралари" сўзбошиси билан эълон қилинган (1857)дан сўнг Бобур шахсига қизиқиш ортган ва шу йилнинг ўзида И.Н.Березин томонидан тузилган "Турк хрестоматияси"нинг 1-қисмида (226-272 бетлар) Бобур асарларидан намуналар чоп қилинган. Бу илмий ҳаракат бошида турган Н.Ильминский "Университетда (Қозон унив.) турк-татар курси учун Кириш маърузаси"да "Бобурнома" материалига тарихий чиғатой тили нуқтаи назаридан ёндашган (1865) ва айрим грамматик шакл (*-гой)* аҳамиятига доир мақола эълон қилган (1888). Айни шу даврда рус мунаққиди Н.Добролюбов "Ост-Индиянинг тарихи ва ҳозирги ҳолатига назар" (1857) асарини ўзи муҳаррирлик қилаётган "Современник" журналида эълон қилган. Асарда Ҳиндистондаги бобурийлар

асос солган салтанат, Панипат жанги, Бобуршоҳ, Акбаршоҳ, Аврангзеб ҳақида сўз юритган, Ост-Индия компаниясининг инглиз босқинчилик ҳаракатидаги ролини қоралаган.

Можар шаркшуноси А.Вамберининг Ўрта Осиёга сафари натижасида унинг рус подшоҳига ёзган Ҳисоботида Бобур фаолияти муфассал баён этилган, кейинроқ ушбу муаллиф "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи: қадимги даврлардан ҳозирги кунгача" (Пешт, 1873) асарида Бобур ва бобурийлар тарихини изчил ёритишга киришган. Айни пайтда Ф.Толль томонидан тузилган "Настольный словарь"нинг илова қисмида "Бобурнома"га оид мақола (1875) эълон қилинган эди. Н.И.Пантусов "Бобурнома"дан Фарғона ва Самарқандга оид тасвирларни (1884), Самарқанд шаҳрига оид маълумотларни *В.В.Вяткин* (Самарканд, 1896), Фарғона тарихига оид қисмини эса М.И.Поляков (Тошкент, 1904) таржима қилиб, чоп эттирган.

Бобуршоҳ адабий меросига шоир сифатида ёндашган дастлабки олим *А.Самойлович* бўлиб, у "Император Бобурнинг шеърлари" номи остида Бобур девонидан ва "Бобурнома"дан айрим шеърларни (Петроград, 1917) эски ўзбек ёзувида чоп эттирган. А.Самойлович Бобур шеъриятининг поэтикасига жиддий эътибор қаратиб, "Бобурнома"дан қилинган қисқа таржималар (С.И.Поляков, Д.Росс)га тақризлар ёзган (1907, 1911) Олимнинг Бобур адабий меросига оид ишлари Г.Ф.Благова томонидан нашрга тайёрланган "Турк тилшунослиги. Филология. Руника" китобида чоп этилган (М., 2005).

В.В.Бартольд Туркистон маданий тарихини ёритар экан, ўз асарларида "Бобурнома" ва бобурийлар ҳақидаги илмий манбалар асосида Ўрта Осиё тарихининг мўғул истилосидан кейинги тарихини тиклашга киришган. Шоир асарлари тили билан машғул бўлган рус олимлари ва илмий муаммолар хақида А.Н.Кононов муфассал маълумот берган.

XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида проф. Е.Э.Бертельс сўзбошиси билан чоп этилган Бобурнинг "Лирика" китоби (1957), сўнгра К.А.Антонованинг

Ҳиндистон тарихига оид асарларида (М., 1959, 1965, 1973, 1979) мамлакатда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши тарихий нуқтаи назаридан бобурийлар тарихига мурожаат этилган. Ҳиндистоннинг иқтисодий ва социал тарихини тадқиқ қилган К.З.Ашрафян XIII-XVIII асрлар тарихини ёритиш (1965, 1972, 1983)да бобурийлар давридаги тарихий манбаларга суянган. Бобур асарлари тилига замонавий тилшунослик талаблари асосида ёндашган Галина *Благова* "Бобурнома"нинг грамматик қурилиши хусусида номзодлик, Бобур асарларининг тил хусусиятлари ва Андижон шевасининг адабий тилга айланиш жараёни хусусида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Бобур асарларининг матн хусусиятлари, "Бобурнома"га ишланган миниатюралар, "Қутадғу билиг" ва "Бобурнома", "Бобурнома" ва "Шажараи тарокима" муносабатларига доир мақолалар ёзган, Н.Ильминский ва А.Самойлович буюк шоир меросига доир қарашларини таҳлилдан ўтказган.

XX аср рус бобуршунослигини *И.В.Стеблева*нинг тадқиқотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дастлаб "Араб-форс кофияшунослиги ва туркий шеърият" (1966), сўнгра "Туюқ жанрининг келиб чиқишига доир" (1970), "Турк арузи назариясининг замонавий талқини масаласига доир" (1977) ишларида Бобур шеърияти бадииятини тадқиқ қилган. "Аруз рисоласи"ни илмий изоҳлар билан нашр эттирган (1972). Бобур ғазалларининг замонавий талқинида олиманинг "Бобур ғазаллари семантикаси" (1982) тадқиқоти ва шоир ғазалларининг матни муҳим аҳамият касб этади. Олиманинг "Турк тилли мумтоз шеъриятда ритм ва маъно" (М., 1993), "Турк поэтикаси: ривожланиш босқичлари: VIII-XX асрлар" (М., 2012) каби фундаментал тадқиқотлари марказида Бобур поэтикаси туради. "Бобур шеъриятида кичик лирик жанрлар" (2015) рисоласида рубоий, туюқ, қитъа ва фард жанрларида Бобурнинг маҳоратини очиб берган. Рисолага Бобур рубоийларининг вазн кўрсаткичлари илова қилинган.

Айни даврда мумтоз Шарқ қўлёзмалари тавсифи билан машғул бўлган олима *Д.В.Дмитриева*нинг "Бобурнома",

"Мубайййин" тавсифига доир ишлари ва "Бобурнинг адабий мероси" тадқиқотини кўрсатиш мумкин. Ҳинд услуби муайян маънода Ҳиндистонда форсий тилда ижод қилган бобурийларга ҳам дахлдор экани *Е.И.Пригарина*нинг услуб поэтикасига бағишланган иши (М., 1999)да исботланган.

Янги аср рус бобуршунослиги буюк шоир ижодининг нашри ва талқинига янгидан киришди. Бу жиҳатдан "З.М.Бобур. Лирика" китоби ва унга сўзбоши ёзган *И.Н.Казаринова*нинг ишлари диққатга сазовор. Манбалари аниқ кўрсатилган, шарҳ ва тадқиқотчиларнинг (В.А.Бородина, Т.Б.Ласкова) ишларидан намуналар ҳамда Бобур фаолиятининг асосий саналари келтирилган тўплам (М., 2001) Бобур лирикасига маънавий эҳтиёж доимий суратда бўлиб келгани ва айни глобализм шароитида ҳам мавжудлигини кўрсатади. Тарихчи олимлар ишларида "Бобурнома"га нафақат тарихий манба сифатида, балки ўрта асрлар Марказий Осиё ва Ҳиндистонга доир ҳужжат сифатида ёндашиш кузатилади. Айни маънода *Е.Ю.Ванина*нинг Шимолий Ҳиндистон маданий тарихи ва ҳунармандчилигига доир номзодлик иши (1984)дан тортиб "Бобур буюк империя асосчиси" каби тадқиқотлар туркуми (1998)ни, Бобур тахти ворисларига доир ўнлаб мақолалар, "Ўрта асрларча тафаккур: ҳинд варианти" (2007) монографиясини кўрсатиш мумкин. *Б.В.Соколов*нинг "Юз буюк уруш" (2004) китобига кирган "Буюк бобурийлар давлатида курашлар" бўлими, Л.Б.Алаевнинг "Ҳиндистон тарихи историографияси" (М., 2013)да берилган Бобур ва бобурийлар тарихи сўнгги давр тарихшунослигининг илмий натижаларидан дарак беради.

Б.В.Норик "Ўрта Осиё шеъриятининг биобиблиографик луғати (XVI-XVII асрнинг бошлари)"да (2011) Бобур ва бобурийлар ҳамда улар салтанатида яшаган 50 дан ортиқ ижодкорлар ҳақида маълумотлар беради ҳамда "Қотеъи Ҳиравий ва унинг Жаҳонгир султон шоирлари тазкираси" (2007), Мутрибий ва Нисорий асарлари ҳақидаги

кузатишларида бобурий ижодкорлар асарларига систем ёндашув кузатилади.

Ўзбек олими *Ш.Рустамхўжаев*нинг юртимизда ва Россия кутубхоналарида кўп йиллик изланишлари натижасида юзага келган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар: Библиография" китобининг Москвада чоп этилиши (2016) ўзбек олимларининг тадқиқотларига хорижда алоҳида аҳамият қаратилаётганидан дарак беради.

Кўринадики, келтирилган факт ва маълумотларнинг ўзиёқ Заҳириддин Муҳаммад Бобурдай забардаст адиб ижодининг дунё миқёсида ўрганилишига киришилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай Россия бобуршунослиги вужудга келган ва у тараққий этмоқда.

Аҳмадшоҳ ВАРДАК,
Кобулдаги "Боғи Бобур"
трести иш бошқарувчиси
(Афғонистон)

"БОҒИ БОБУР": КЕЧА ВА БУГУН

1. "Боғи Бобур" трести Бобурнинг тарихий боғларини таъмирлаш мақсадида ташкил этилган.

2. "Бобур Боғи" Кобул жанубидаги Гозургоҳ ҳудудидаги Шер дарвоза адирликларида жойлашган бўлиб, умумий майдони 12 гектарни ташкил қилади.

3. Боғи Бобур ҳақида маълумот

- Шердарвоза адирликлари
- Узунлиги 450 метр
- Кенглиги 297 метр
- Майдони 12 гектар
- 111.000 кв. Метр
- 16 та кўшк
- Денгиз сатҳидан 1 816 метр баландда
- Кўндаланги 240 метр

Шоҳ Бобур тарихи

- Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти (1483-1530 йй.)
- Кобулдаги ҳукмронлик даврлари
- Бобурийлар сулоласи (1526-1856 йй.)
- Бобурнинг вафоти, (1530 Аграда)
- Бобур кабрининг Кобулга олиб келиниши (1540)

4. Боғи Бобур ўз даври гўзаллигини намоён эттиради.
5. Бобур курдирган боғлар:
6. Боғи Бобур (Кобул)
7. Боғи Вафо, Чаҳор Боғи (Кобул)
8. Боғи Шахроро (Кобул)

9. Боғи Эсталиф (Эсталиф, Кобул)
10. Боғи Бинафша (Кобул)
11. Боғи Подшойи (Кобул)
12. Боғи Чинор (Кобул)
13. Боғи Паймон (Кобул)

Ўзгартиришлар

Бу жой Бобурийларнинг кейинги авлодларига ҳам мукаддас бўлиб қолди. Жумладан, Жаҳонгир боғнинг атрофини девор билан ўраб, Бобур қабри устида қабртош ўрнаттирди. Шохжаҳон эса кўплаб ҳовузлар ва қўшимча бинолар билан биргаликда алоҳида мармар масжид ҳам қурдирди.

Бефарқлик

Бобурийлар давридан кейин бу боғлар эътиборсиз қолдирилиб, вайронага айлана борди. Бу жараён айниқса 20-аср бошларида, яъни 1905 йили Амир Абдураҳмонхон бу жой ўрнида ўз оиласи учун сарой қурдириб жойнинг ландшафтини тамоман ўзгартириб юборганида яққолроқ сезилиб қолди.

Кейингги ўзгаришлар

Кейинги ўзгартиришлар 1930 йилда Муҳаммад Нодиршоҳ томонидан амалга оширилиб, у айрим биноларни буздириб ташлаб, Европа услубида қайта қурилди. Айни шу дамдан бу боғ омма учун очиқ деб эълон қилинди.

Боғнинг 1991-1994 йилларда бузиб ташланиши

Боғнинг бино ва иншоотлари вайрона ҳолга келган бўлишига қарамай, боғнинг асосий қисми 1991 йилгача сақланиб қолган эди. 1991 йилдаги қуролли тўқнашувлар пайтида боғнинг сув таъминотига зарар етказилиши ва атрофнинг миналаштирилиши оқибатида боғ тамоман йўқ бўлиб кетди.

- 1991-1994 йилларда мужтаҳид жангарилари Кобулга ҳужум қилганларида хонақолар ёқиб юборилди.
- Бобурнинг қабри ҳам аянчли ҳолга келиб қолди.
- Қайта тиклаш ва сақлаб қолиш масалалари.

А) 2002 йилдан Афғонистон ҳукумати ва Оға Хон Тараққиёт Тармоғи ўртасидаги келишувга кўра Боғи Бобур реконструкцияси дастури ишлаб чиқилди.

Б) Қайта тиклаш 2002-2008 йиллар давомида амалга оширилди.

В) Реконструкцияга деярли 6 млн. доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Кўзда тутилган вазифалар:

- Жойнинг ҳақиқий ландшафтини тиклаш
- Муҳим тарихий биноларни сақлаб қолиш
- Тарихий обидаларга зарар етказилиши ва бузилишининг олдини олиш
- Кобул ва бошқа жойдан келган зиёратчиларнинг дам олишлари учун муносиб шароитлар яратиш
- Бевосита тарихий обидалар билан боғлиқ иш жойларини яратиш.
- Тарихий обидаларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш юзасидан малакали ишчи ходимлар тайёрлаш.

Боғи Бобурнинг умумий кўриниши.

Бобур қабри.

Бобур қабри ўзининг васиятига кўра севган маскани Боғи Бобурда очиқ осмон остида жойлаштирилган. Бобур қабрга қўйилган пайтда қабр устига мармар лавҳа ўрнатилган бўлиб, 1607 йили набираси Жаҳонгиршоҳ қабр устига катта тош ўрнаттирган эди. Аммо 1832 йилга келиб, Чарлз Массон саёҳат қилиб келган дамлардаёқ қабр устидаги тошлар талаб кетилган эди. Бу жой 20-асрга келиб қабрга тош ўрнатилиши ва девор билан ўралгандан кейин қайта тикланди.

Хонақоҳнинг деворлари битказилгач, 2004 йили мақбаранинг том қисми ҳам уларга мосланиб қайта ёпилди. Бобур мақбарасининг 2006 йилдаги қайта таъмирланиши турли даврларда олинган суратлар ва фотолар асосида обидаларнинг асл ўлчамлари асосида қайта тикланган эди. Боғнинг асл ландшафтини қайта яратиш мақсадида кўплаб арғувон дарахтлари ҳам ўтқазилди.

Шохжахон масжиди

Шохжахон томонидан 1647 йили Бобурга атаб курдирилган масжид бўлиб бизнинг давримизгача етиб келган ноёб обидалардан биридир. Йиллар давомида ўз маҳобатини йўкотган масжид 1960 йили Италия археологик миссияси ташаббуси билан қайта таъмирланган бўлсада, 1991-93 йиллардаги можаролар пайтида кучли зарар кўрган эди. 2003 йилда бошланган реконструкциялар давомида масжиднинг кайта тикланиши давом эттирилиб, хусусан унинг том кисми мустаҳкам бетон билан копланган, мехроб кисмидаги мустаҳкамловчи элементларга зарар етказганлиги сабабли, улар енгилрок охак асосли коплама билан алмаштирилди. Мехробнинг тош копламалари ўрнига мармар коплама ёпиштирилди. Олинган копламалар сув каналлари ва йўл четлари учун безак сифатида фойдаланилди.

Малика Саройи

Бу мажмуа 20 асрда Амир Абдурахмон оиласи учун курилган бўлиб, кейинчалик касалхона ва мактаб сифатида фойдаланилган ва ўз навбатида 90-йиллардаги урушлардан катта зарар кўрганди. Малика Саройининг жойлашуви кулайлиги туфайли бошка максадларда фойдаланиш имконияти катта бўлиб, бу унинг таркибий кисми бўлган богларининг йўколиб кетишига шароит яратди. 2007 йилдан бошланган кайта куриш ишлари мажмуани асл холида тиклашга каратилган.

Очиқ айвон

20 аср бошларида курилган дам олиш ва сарой ахлининг кўнгил очиш маскани бўлган Айвон хам 1992-йиллардаги урушда тамом ёкиб юборилди. 2003 ва 2005 йиллардаги Америка элчихонасининг кўллаб кувватлаши билан бошланган реконструкцияларда кайта тикланиб, расмий идоралар сифатида фойдаланила бошланди.

Карвонсарой

"Ғариблар макони" сифатида 1646 йил Шохжахон томонидан Карвонсарой работи курилган эди. 20-асрга оид фотосуратларда унинг ғиштдан курилган мажмуа эканлиги

кўриниб туради. Ҳозирда эса бу мажмуа қайта тикланиб маъмурий бино сифатида фойдаланилмоқда.

Ташқи деворлар

2002 йилда Боғи Бобур атрофини ўраш мақсадида тикланган деворлар анъанавий тарзда пахсадан кўтарилган. Бу ўз навбатида маҳаллий аҳоли ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини берган. Мажмуа атрофини ўраган 1300 метр узунликдаги пахса Германия ҳукумати ёрдами билан амалга оширилган.

Ўк девор

Мажмуадаги марказий ўқ девор 1647 йили Шохжаҳон томонидан қурдирилган.

Бассейн ва фавворалар.

Шимолий томондаги тепаликка қурилган замонавий ховузлар ландшафт кўринишига халақит берганлиги туфайли 2004 йили бузиб ташланган. Омманинг ҳордиқ чиқариши ва кўнгилочар жойларни кўпайтириш мақсадида мажмуанинг жанубий чеккасида, сарой ташқарисида қўшимча ҳовузлар қурилган.

Ландшафт дизайни

Боғ каналлар орқали олиб келинган юза ариқлардаги оқин сувлар орқали суғорилган. Уларнинг вақт таъсирида емирилиши боғнинг қуришига олиб келган. Боғнинг бутун сарфини қоплаш ва сув йўқолиш сарфини камайтириш мақсадида суғориш тизими ёпиқ тизимга алмаштирилган. Сув таъминоти эса боғнинг юқори қисмида қурилган ёғин сувларини йиғувчи иншоотлари орқали амалга оширилади. Майдон юзасига ўрнатилган қўшимча қувурлар сувни керакли жойга етиб боришини таъминлайди.

Боғи Бобурнинг бугунги кундаги кўриниши:

- Бобур қабри.

- Шоҳжаҳон масжиди.

- Очиқ айвон.

- Марказий девор.

- Малика саройи.

- Ҳовузлар.

- Боғи Бобур Фонди идораси

Боғи Бобур Фонди 2008 йилнинг 16 январида МОУ ва Афғонистон Ахборот ва Маданият вазирлиги, Кобул шаҳар маъмурияти ўртасидаги шартномага асосан ташкил этилган.

Ташкил топган сана 2008 йил 16 январда.

Фаолият муддати 2019 йилнинг декабригача.

Умумий ходимлари 9 киши.

Самарали бошқарувни амалга оширади.

Таъминот билан шуғулланади.

Молиявий рағбатлантиради.

Иш билан таъминлайди.

Оммага кўнгил очар тадбирларни хавола қилади.

Умумий ходимлар сони -103

1. Бош директор-1
2. Иш бошқарувчи-1
3. менежер-3
4. Шартнома билан ишловчилар -73
5. Вактинча ишловчилар -24

- 2008 дан 2017 йил сентябригача бўлган муддатда Боғи Бобурга ташриф буюрганлар сони – 6.5 млн нафар.

- 2008 йилдан 2017 йил сентябригача бўлган муддатда олинган фойда 210.3 млн афғоний.

- 2008 йилдан 2017 йил сентябригача бўлган муддатда сарфланган маблағ 188.9 млн афғоний.

Боғга ташриф буюрувчилар

2017 йилнинг август ойида ҳар жума куни 7 000-10 000 нафар одам ташриф буюргани қайд қилинди. Қолаверса, Янги йил ва Ҳайит байрамларида 15 000-20 000 нафар киши ташриф буюрди.

Боғга ташриф буюрганлар:

- Зиёратчилар
- Талабалар
- Ўтказилган тадбирлар
- Малика Саройида ўтказилган тадбирлар.
- Малика Саройидаги мусиқали чиқишлар
- Малика Саройидаги концерт дастури
- Малика Саройидаги фото кўргазма.

Раҳиммамет КУРЕНОВ,
Туркманистон ФА
Миллий қўлёзмалари
институти бўлим мудири,
филология фанлари номзоди

"БОБУРНОМА" АСАРИДА ТУРКМАН ҲАРБИЙЛАРИ ТАЛҚИНИ

Туркманларнинг Ҳиндистон тарихида муҳим рол ўйнаганлари ва уларнинг сиёсий воқеалардаги фаол ҳаракатлари, Ҳиндистон билан унга қўшни давлатлар сиёсий ва дипломатик муносабатларида қатнашганликлари ҳамда Бобур ва бобурийлар сулоласи ички ва ташқи сиёсатига таъсир этганликлари, айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида яхши акс эттирилган.

З.М.Бобурнинг "Бобурнома" асари кўп асрлар давомида Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон олимларининг диққатлари марказида бўлгани бежиз эмас. Чунки у ушбу мамлакатлар тарихини ўрганишда энг ишончли манба бўлиб келгандир.

Бобур ва бобурийлар салтанатининг ўрнатилиши ва гуллаб-яшнашида туркманларнинг ҳам ўрни борлигини Бобурнинг шоҳ асарида маълумотлари қайта-қайта қайд этилади."Бобурнома"да туркман ҳарбий саркардалари ва жангчиларининг Бобур қўшини сафига кириб келишлари воқеалари, уларнинг жанглардаги қаҳрамонликлари тасвири диққатга сазовордир.

Уларнинг асарда номлари қайд этилганига келсак, Каримдод Худойдод туркман ўғли, Ёрали Билол бек, Абулфатҳ Туркман, Ҳасан Али (у кейинроқ Бобурнинг қимматбаҳо совғаларига мушарраф бўлган,1528 йилда у бир вилоятга ҳоким этиб тайинланган), Мансур бошчилигидаги туркманларнинг отлиқ дастаси, Рустам Али ва унинг қариндошлари гуруҳи, Шоҳназар ва Суюндик туркманларнинг жангда кўрсатган жасоратлари Бобур

сўзлари билан тарихга ёзиб қолдирилган. Булардан ташқари ҳам Бобур қўшинида кўплаб туркманлар хизмат қилганлар.

"Бобурнома"да туркманларнинг ёв қалъа деворларига тирмашиб чиқишлари, айниқса, 1519 йилда Бажур қалъаси ёнидаги жангда туркманлар шижоати, 1526 йилдаги машҳур Панипат жангги арафасида йирик турк тўп ўқларининг 1600 қадамга қадар отилгани воқеалари ғоят диққатга моликдир.

Ушбу шоҳона эсдаликларда туркман жангчиларига Бобурнинг ҳиммати уларнинг даражаларини юксалтиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Ушбу асар маълум маънода ўзбек-туркман халқларининг қадимий алоқалари ва қон-қардошлиги ҳужжати сифатида бугун ҳам ўзбек ва туркман ёшлари тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор

УЛУҒ АДИБИМИЗ ФРАНЦУЗ ШАРҚШУНОСЛИГИ САҲИФАЛАРИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиёт, санъат, тарих ва илму фаннинг турли жабҳаларида бебаҳо асарлар яратди. Унинг энг йирик ва юксак дид билан ёзилган асари "Бобурнома" китобидир. Европалик шарқшунос олимлар П. де Куртейль, Ҳ. Вамбери, Эльфинстон бу асарни қадимги рим императори Юлий Цезарнинг "Хотиралар" (асар "Галлия уруши тарихи" ва "Гражданлар уруши тарихи" номли икки кисмдан иборат – М.Х.) китоби билан бир қаторга қўйиб баҳолаган эдилар.

Европа илм аҳлига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида илк бор маълумот берган француз шарқшуноси Бартолеме д'Ербело (1621-1695) ҳисобланади. Д'Ербело ўзининг "Шарқ кутубхонаси" (La Bibliotèque orientale. – Raris, 1697) қомусидаги "Бобур ёки Бобар" номли мақоласида Бобурнинг ҳаёти, унинг давлати ва саркардалик маҳорати, адабиёт ва санъатга қизиқувчи илғор фикрли киши бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтади. Бобурнинг "Бобурнома" асарини Европага биринчи бўлиб танитган голландиялик олим Витсен бўлди. Витсен "Бобурнома"дан олинган парчаларни таржима килиб, 1705 йилда нашр эттиради.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у хакида тадқиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1773 йилда шарқшунос А. де Лонгперйе ўзининг "Асарлар" ("Oeuvres") тўпламида "Хатт-и Бобур ҳақида" мақоласини эълон қилди. Муаллиф "Хатт-и Бобурий" хусусида фикр юритаркан, Бобур алифбоси мураккаб араб алифбосидан ўзининг соддалиги ва ёзувга қулайлиги билан фарқ килишини таъкидлаб ўтади.

XIX асрга келиб Европа, хусусан француз шарқшунослигида Бобур меросини ўрганиш, унинг

асарларини таржима қилиш борасида янги давр бошланади. Бу йилларда "Бобурнома"ни француз тилига таржима қилиш, унинг матн хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тарихий аҳамиятини баҳолашда француз олимлари эътиборга молик тадқиқотлар яратишди.

"Бобурнома"ни француз тилига таржима ва тадқиқ қилишга шарқшунос Анри Жюль Клапрот (1783-1835) биринчилардан бўлиб киришади. 1824 йил Клапротнинг "Султон Бобур ёхуд "Бобурнома" тарихига оид кузатишлар" номли мақоласи босилиб чиқади. Марказий Осиё ва Сибирда яшаган халқлар тарихи, маданияти ва адабиётини яхши билган Клапрот Европа шарқшунослигида "Бобурнома" хусусида илк бор тўлақонли фикр юритган эди. Муаллиф "Бобурнома"нинг айрим бобларини француз тилига ўгириб, ўз таржималарини асл нусха билан қиёсий таҳлил қилади ва асар матнининг лисоний жиҳатлари ҳақида тегишли хулосалар чиқаради.

1854 йилда Парижда "Ҳозирда ва қадимда яшаган тарихий шахслар ҳаёти" номли каттагина китоб чоп қилинади. Мазкур китобдан шарқшунос М.Ланглэ (1763-1824)нинг "Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижоди" номли мақоласи ҳам ўрин олган эди. Мақолада Бобур ҳақидаги аввалги манбаларга нисбатан анча бой материал берилган бўлиб, ўқувчи ундан адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида чуқуррок билим олишга муваффақ бўлади.

XIX асрнинг олтмишинчи йиллари машҳур француз лексикографи Пьер Ларусснинг "XIX аср катта француз қомусий луғати" ("Grand Larousse universel du XIX siecle")нинг кўп жилдлиги нашр этилади. Луғатнинг иккинчи жилдидан ўрин олган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" мақоласи диққатга сазовордир. "Заҳириддин Бобур Амир Темурнинг набираси бўлиб, 1483 йилда туғилган, – деб бошланади мақола, – 1494 йилда татарлар (бу ерда ўзбеклар маъносида – М.Х.) юртининг ғарбида, кейинроқ Хуросонда тахтга ўтиради. 1525 йилда ўн минг отлиқ суворийлари билан Ҳиндистонни эгаллаб, Кандаҳор, Кобул, Деҳли, Агра

шаҳарларини ўзига бўйсундиради. Сўнгра Ҳиндистонда Буюк империяга асос солди. XVIII асрнинг охирига қадар Ҳиндистонда бобурийлар династияси ҳукмронлик қилди. Бобур 1530 йилда вафот этди".

Ушбу сатрлардан сўнг мақолада "Бобурнома" китоби хусусида фикр юритилади. Мақола муаллифи китобнинг ёзилиши ва бошқа тилларга таржима қилиниши тарихига тўхталиб, "бу асар, дарҳақиқат, жуда қизиқарли бўлиб, ҳали Францияда қарийб маълум эмас. Туркий-чиғатой тилида ёзилган бу китоб дастлаб форсийга таржима қилинди ва Ҳиндистон мусулмонлари орасида шуҳрат топди", – деб ёзади.

Пьер Ларусс қомусидаги мақола муаллифи "Бобурнома" матнининг бадиийлиги хусусида мулоҳаза юритаркан, реал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. "Услуби жиҳатидан, – ёзади муаллиф, – асарнинг биринчи ва иккинчи қисмининг бошланиши жуда қизиқарли ёзилган, воқеалар деталларга бой, хронологик изчил, ифода соддалиги ва равонлигига катта эътибор берилган". Шунингдек, мақолада "Бобурнома"га чизилган миниатюралар хусусида ҳам ижобий фикрлар билдирилади, Бобурнинг Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари ранг-тасвирларда жуда жонли ифода этилганлиги ҳам қайд қилинган.

Дарвоқе, венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери 1873 йил Санкт-Петербургда нашр қилинган "Бухоро ва Транссаксония тарихи" асарида "Бобурнома"ни "Шарқ Цезарининг хотиралари" дея баҳолайди. Диққатга молик томони шундаки, Пьер Ларусс қомусидаги мақолада эса бу ҳақда Вамберидан олдинроқ қуйидагича таъриф берилган: "Ўқувчида "Бобурнома" худди Рим императори Юлий Цезарнинг "Хотиралар" китобини эслатади. Ҳа, Цезарь "Хотиралар"и билан бу асар ўртасида кўп ўхшаш жиҳатларни кузатиш мумкин. Иккала муаллиф ҳам воқеалар баёнига, ҳаққонийлигига бир хил тасвирда ёндашадилар, иккаласида ҳам уруш тактикаси бир хил аниқликда, талабчанликда ёритилган, географик жойлар тасвирини беришда айрим

якиниликлар ҳам мавжуд. Бироқ, турк ҳукмрони (Бобур – М.Х.) қаламида қаҳрамонлар кайфиятини, ички ва ташқи дунёсини чизишдаги маҳорат Рим императориникига қараганда бадиий жиҳатдан устунроқ. Яъни, биринчиси ўз китобида турли хил мароқли ва жозибали саргузаштларни ривоят ва латифалар, халқ юмори, мақол ва маталлар иштирокида бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Мақола сўнгида "Бобурнома"нинг форс ва инглиз тилига қилинган таржималари, бу таржималардаги айрим камчиликлар хусусида ҳам фикр билдирилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш, "Бобурнома"ни таржима ва лисоний таҳлил қилишда француз туркологи Анри Паве де Куртейль (1821-1889)нинг хизматларини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Француз коллежи (Colle'ge de France) туркий тиллар кафедраси мудири, Француз академияси аъзоси, Санкт-Петербург фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейль ватани Францияда туркология илмининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Профессир А. Паве де Куртейлнинг олимлик фаолиятида у тузган "Шарқий туркий тиллар луғати" ёхуд "Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиш учун изоҳли луғат" алоҳида аҳамиятга моликдир.

Олим ўз луғатини тузишда Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девони, "Хамса"си, Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома"си, Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асарлари матнидан манба тарзида фойдаланади. Луғатда келтирилган олти мингдан зиёд қадимги ўзбек тилига оид сўзларни француз тилига ўгиришда олим ижодий ёндашиб, ҳар бир сўзнинг маъносини аниқ, атрофлича изоҳлашга ҳаракат қилади. Академик А. Н. Кононов таъкидлаганидек, мазкур луғат эски ўзбек тили ва адабиётини ўрганишда то ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Профессор А. Паве де Куртейлдаги бу катта тайёргарлик, эски ўзбек тили ва адабиётидан эгаллаган пухта

билими уни "Бобурнома"ни таржима қилишга ундаган эди. 1871 йилда "Бобурнома"нинг Паве де Куртейль таржимаси икки жилдда нашрдан чиқади. Биринчи жилдда таржимоннинг ўн олти саҳифалик сўз бошиси берилган. Сўз бошида "Бобурнома"нинг ёзилиши тарихи, унда тасвир этилган даврлар, Бобуршоҳнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда барпо этган қудратли империяси хусусида маълумотлар берилган. "Мен таржима қилган бу асар фақат шаркшуносlар учунгина эмас, – ёзади профессор Паве де Куртейль, – балки тарих ва география илми билан шуғулланувчи кишилар учун ҳам фойдалидир. Унда XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган арбоблар ва ҳукмдорлар ҳаёти, шарқий турк адабиётининг олтин даври таърифи, шаҳзодалар, беклар ҳамда фуқаронинг турмуши ўз тавсифини олгандир". Шунингдек, сўзбошида Бобурнинг тахтга ўтириш давридан то Ҳиндистонни забт этгунига қадар босиб ўтган ҳаётий йўли ҳикоя қилинган, айниқса "Бобурнома" таърифига кенг ўрин берилган.

Маълумки, "Бобурнома"нинг тили халқ тилига, қолаверса ўша даврда ижод қилган йирик шоирлар ва адиблар тилига якиндир. Бу хусусида профессор А. Паве де Куртейль шундай ёзади: "Бобур тили усмонли турк тили эмас, балки соф туркий тил (ўзбек тили – М.Х.) бўлиб, ҳар қандай араб ва форсий иборалардан холидир. Бу тил шоир Лутфий ва Навоий, Султон Ҳусайн ва Мир Ҳайдар тили бўлиб, жуда содда, бой хамда ифодалидир".

Ғарблик бир қатор олимлар "Бобурнома"нинг яратилишини Бобур Ҳиндистонда ҳукмрон бўлган давр билан боғлайдилар. Француз таржимони бу борада қуйидаги фикрни айтади: "Агар мендан "Бобурнома" қайси даврда ёзилган, деб сўрасалар, мен китоб Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, яъни 1526 йилдан бошлаб ёзилган ва Бобуршоҳ ҳаётининг охиригача давом этган, деб жавоб қилардим". Профессор Паве де Куртейль бундай хулосага келишда, асарнинг дастлабки бобларида ҳам Ҳиндистон даври воқеаларининг учраб туришини кўзда тутган эди.

Шунингдек, сўзбошида профессор Паве де Куртейль ўзига қадар амалга оширилган "Бобурнома"нинг икки машҳур таржимаси хусусида ҳам мулоҳаза юритади. Булар, Акбаршоҳ замонида унинг топшириғи билан қилинган Мирза Абдураҳимхон ибн Байрамхоннинг форсий таржимаси ҳамда шарқшунос олимлар Жон Лейден ва Вильям Эрскиннинг инглизча таржимасидир. "Париждаги Миллий кутубхонада, – ёзади Паве де Куртейль, – Мирзахон, яъни Абдураҳимхон таржимасидан иборат қўлёзманинг икки нусхаси сақланади. Олим таъкидлаганидек, Абдураҳимхоннинг форсий таржимаси "Бобурнома"нинг Шарқда кенг тарқалишига йўл очиб берди ва Европа шарқшуносларининг ҳам диққатини ўзига жалб этди. Мазкур таржиманинг миниатюралар билан безатилган нусхалари ҳозир Лондон, Париж, Калькутта кутубхоналарида сақланиб келинади. Профессор Паве де Куртейль Ж.Лейден ва В.Эрскин бажарган инглизча, А.Кайзер ўгирган немисча таржималарга юқори баҳо бериш билан бирга, улардаги нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтади.

"Менинг олдинги таржимонларга бирдан-бир эътирозим, улар асл нусха матни устида форс тилига қилинган таржимачалик (Мирза Абдураҳимхон таржимаси кўзда тутилмоқда – М.Х.) кунт билан ишлашмаган... Инглизча ва немисча таржималар аслидан бир қадар узоқлашгандир, кўпчилик ҳолларда географик номлар форсийда қандай берилган бўлса, шу ҳолда такрорланган. Айниқса, Шимолий Ҳиндистондан келадиган даромад хусусида гап кетганда бу нуқсонлар яққол кўзга ташланади".

Паве де Куртейлнинг бу танқиди ўринли эди. Дарҳақиқат, Бобурнинг қўл остида бўлган жойлардан келадиган даромад ҳисоби тўғрисида гап борганда инглизча таржимада анчагина чалкашликларнинг мавжудлиги шу таржимани таҳлил қилган мунаққидлар томонидан ҳам таъкидланиб ўтилган.

1888 йил "Осиё журнали" (Journal asiatique)нинг иккинчи жилдида шарқшунос Жюль Дармстетье ўзининг "Кобул ёзувлари. Бобуршоҳ ва бошқа мўғул

шаҳзодаларининг қабртошларидаги битиклар" номли мақоласини эълон қилади. Ушбу мақолада олим Бобур ва бобурийлар мақбарасидаги битиклар ҳақида атрофлича маълумот бериш билан бирга, уларни француз тилига таржимаси ва талқинини ҳам келтириб ўтади.

Бобурнинг "Аруз рисоласи" асари қўлёзмасининг бир нусхаси Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётгани ҳақида 1923 йил турк олими М.Ф.Купрулузода илк бор маълумот берган эди. Француз шарқшуноси Эдгар Блоше ўзининг Париждаги "Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги" китобида "Аруз рисоласи" асарининг ушбу қўлёзмасига ҳам тўхталиб, кенг тавсиф бериб ўтади. Таниқли олим, профессор Ҳамид Сулаймонов 1968 йил Парижда бўлганида Э.Блоше каталогида зикр этилган "Аруз рисоласи" қўлёзмасининг микрофильмини олишга муваффақ бўлган эди. Шунингдек, Э.Блоше каталогида Бобур "Девони" қўлёзмаси ҳам кутубхона фондининг 1230 инвентарь рақами остида сақланаётгани тавсиф қилинади. Блоше таърифича 1515 йилда Кобулда кўчирилган ушбу "Девон"га Бобур ғазаллари ва рубоийлари киритилган бўлиб, ниҳоят чиройли миниатюралар билан безатилган экан.

XX асрда ҳам француз шарқшунослари тарафидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш, "Бобурнома"ни таржима қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Француз қомусларида Бобур ҳаёти, ижоди ва "Бобурнома" китоби ҳақида умумий маълумот берувчи мақолалар ўрин олди.

1930 йил француз олими Фернанд Гренарднинг "Бобур. Ҳинд империясининг асосчиси" (Baber. Fondateur de l'Empire des Indes. – Paris: 1930, 179 p.) номли рисоласи нашр этилади. Китоб ўн бобдан иборат бўлиб, унда Бобурнинг болалик вақтидан то умрининг сўнги даврига қадар бошидан кечирган воқеалар тарихий-бадиий аснода ҳикоя қилинган. Гренарднинг ушбу рисоласи "Бобурнома"га ҳамоҳанг ёзилган бўлиб, ундаги воқеаларга монанд келувчи илмий-оммабоп

очерклардан иборатдир. Масалан, рисоланинг "Юртсиз ҳукмдор" деб номланган бобида Бобурнинг Самарқандни ташлаб чиққан, Андижонни қўлдан чиқарган пайтдаги ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: "Орзу-умидлари чилпарчин бўлган Бобур орқага қайтади. Баҳор фасли эди, у тоғаси юрти (Тошкент – М.Х.) томон йўл олади. У эзилган кўнглига таскин бериш ниятида ўзининг қуйидаги мисра билан бошланувчи ғазалини битади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим.
Кўнглумдин ўзга махрами асрор топмадим" .

Хуллас, Ф.Гренард китобида "Бобурнома" ўз муаллифи ҳаёти ва фаолиятини ўзида акс эттирувчи комусий манба тарзида талқин қилинган ва юқори баҳоланган. Шоҳ Бобур эса "ўзига хос ритмга эга бўлган хассос шоир, ўз "Эсдаликлар"и билан моҳир ёзувчи" киёфасида гавдаланади. Шунингдек, рисолада берилган маълумотлар ҳам ўқувчи диққатини ўзига жалб қилади. Унда Бобур фаолиятининг турли даврларини ўзида акс эттирган, ҳамда Самарқанд, Кобул, Ҳирот шаҳарларининг ўша даврдаги қиёфасини тасвирловчи саккизта миниатюра мавжуд. Рисоланинг охирида Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг ўша вақтдаги чегарасини ифодаловчи географик харита ҳам берилган. Ф.Гренарднинг бу китоби 1971 йил инглиз тилига таржима қилинди.

1983 йил ЮНЕСКО қарори билан Бобур таваллудининг 500 йиллиги кенг нишонланди. Бу қутлуғ санага француз олимлари ҳам ажойиб туҳфа тайёрладилар. Париждаги "Пюбликасион ориенталист де Франс" (РОҒ) нашриёти "Бобурнома"нинг янги французча таржимасини "Бобур китоби" (Le livre de Babour) номи билан чоп этди. Мазкур таржима йирик туркшунос олим, доктор Жан Луи Бакье-Граммон қаламига мансуб бўлиб, у 478 саҳифадан иборатдир. Таржимага таниқли француз шарқшуноси, профессор Луи Базен сўзбоши ёзган эди. Сўзбошида Бобурнинг Буюк Мўғул империясини барпо қилиш йўлидаги кураши, "Бобурнома"нинг ёзилиш тарихи, бу асарнинг жаҳон

адабиётида тутган ўрни хусусида атрофлича маълумот бериб ўтилади. 1981 йил "Бобурнома"нинг доктор Бакье-Граммон таржимаси FIT (Халқаро таржимонлар федерацияси)нинг бош совринини олди.

Доктор Бакье-Граммон таржимаси "Бобур Мовароуннаҳрда", "Бобур Афғонистонда", "Бобур Ҳиндистонда" деб номланган уч қисмга бўлинган. "Бобур Мовароуннаҳрда" қисмига Ўзбекистонлик олима Сабоҳат Азимжонова сўзбоши ёзган. Олима "Бобурнома"ни тарихий манба тарзида таҳлил қиларкан, даставвал, Бобурнинг Фарғона вилоятида тахтга ўтиришидан бошлаб, унинг Самарқандни эгаллаши, Шайбонийхон билан тожу тахт учун олиб борган жанги ва Афғонистон томон йўл олиши тафсилотларини қизиқарли ёритиб беради. Шунингдек, олима "Бобурнома"ни ўша даврда ёзилган бошқа манбалар билан солиштириб, ўз даври сиёсий, иқтисодий воқеаларини тушунишда, маданий ҳаётини ёритишда асардаги маълумотларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. Сўзбошининг сўнггида "Бобурнома"нинг мавжуд қўлёзмалари, форсий, инглиз ва француз тилларига қилинган таржималари ҳақида, Ғарб ва Шарқ олимларининг асар устида олиб борган тадқиқотлари хусусида ҳам қисман тўхталиб ўтган.

Таржиманинг "Бобур Афғонистонда" қисмига кириш сўзининг муаллифи афғонистонлик олим, профессор Абдулҳай Ҳабибий бўлиб, у Бобур фаолияти ва ижодини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқотлар яратган. Бобурнинг Афғонистонда ўз давлатини мустаҳкамлаши, бир неча бор Мовароуннаҳрни қайта олиш учун қилган юришлари ҳақида ҳикоя қиларкан, олим Кобулдаги Бобур ва унинг авлодлари дафн қилинган мақбаралардаги сағаналарга битилган хатлар ҳақида ҳам маълумот беради, бу ёзувларни форсийдан француз тилига таржима қилиб келтиради.

"Бобур Ҳиндистонда" сарлавҳали ўн олти саҳифадан иборат кириш сўзини ҳинд олими, Кашмир университети профессори Муҳиббул Ҳасан ёзган. Кириш сўзида Бобурнинг

Ҳиндистонга юришлари, бу ерда унинг давлатни мустаҳкамлаш соҳасида олиб борган тадбирлари, ҳинд халқи билан дўстона муносабати, маърифат ва адабиётни ривожлантиришдаги хизматлари эътироф этилган.

Муҳиббул Ҳасан "Бобурнома" хусусида тўхталаркан, бу асарнинг фақат Бобуршоҳ шахсияти ва давлат тузумини ўрганишдагина эмас, балки Ҳиндистон тарихи, географияси ва маданияти ўтмишини ўрганишда ҳам қимматбаҳо манба эканини, Ҳиндистонни, унинг халқи ҳаётини тасвирлашда муаллиф идрокининг нақадар ўткирлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. "Бобурга қадар бironта мусулмон тарихчиси ёки географи (ал-Беруний бундан мустасно) Ҳиндистонни бу қадар жонли ва тўғри тасвирлаган эмас," – ёзади муаллиф. Шунингдек, Шоҳ Бобурнинг ўз фуқароси – ҳинд халқи билан дўстона муомалада бўлганини, ҳиндлар ҳам шоҳ тузумидан мамнун яшаганликларини қайта-қайта таърифлаб ўтади.

"Бобурнома"нинг доктор Бакье-Граммон таржимаси француз ўқувчисининг дидига ҳар томонлама жавоб берарли даражада амалга оширилган. Унда Бобур хукмронлиги даври Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ерларининг хариталари берилган. Бу эса ўқувчини юқоридаги ўлкаларнинг ўтмиш географик ўрни билан таништиради.

Китоб охирида қирқ саҳифадан ортиқ жой номлари, миллий атамалар ва киши исмларига шарҳлар ҳам берилган.

1985 йил "Бобурнома"нинг французча таржимаси қайта нашр қилинди. Иккинчи нашр биринчисидан ўзининг ҳажми, қоғози ва сифатининг афзаллиги билангина эмас, балки унга киритилган янги илмий манбалар, баъзи тузатишлар, кўп сонли миниатюра безаклари билан ҳам ажралиб туради. Бу нашрга профессор Анри Микэль қисқача кириш сўзи ёзган. Профессор Анри Микэль унда қуйидаги фикрни билдиради: "Жанглар, ғалаба ва мағлубиятлар, келишувлар... булар шубҳадан холи албатта. Шунингдек, хотиралар, фикрлар, заифликлар, юрак дардлари ҳақида ниҳоятда соддалик билан, ҳеч бир муболағасиз ҳикоя қилинади. Буларнинг ҳаммаси

юксак даражада тузилганки, гўё китоб эмас, жозибали бир лаҳза дейсиз".

1985 йилги французча нашрга Дехли музейида сақланиётган "Бобурнома" қўлёзмаси учун ишланган элликдан ортиқ миниатюралар ва ўттиздан зиёд замонавий фотосуратлар ҳам киритилган бўлиб, улар асар мазмунида ифодаланган ёки ўша давр миниатюраларида тасвирланган воқеалар, манзаралар, кўринишларнинг нақадар ҳаётийлигини тасдиқлаб туради. Шунингдек, янги нашрга бир қатор иловалар ҳам киритилгандир. Масалан, Бобур аждодларининг шажараси, С. Азимжонова тарафидан ёзилган "Хатти Бобурий" ҳақидаги мақола, шу асарнинг қўлёзмаси фотофаксимилеси ҳам ўрин олган.

Кўринадики, "Бобурнома"нинг А.Ж. Клапрот, А.Лонгперье, М.Ланглэ, А. Паве де Куртейль, Ф.Гренард, Бакье-Граммон каби тадқиқотчи ва таржимонлари Бобур меросини тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик жиҳатдан тавсиф қилиш билан Европада бобуршуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Дилором САЛОҲИЙ,
Самарқанд давлат университети
кафедра мудири,
филология фанлари доктори

РАСМАН ШОҲУ ҚАЛБАН ДАРВЕШ

Шоҳ ва дарвеш тушунчалари, улар орасидаги муносабат масалалари шарқ мумтоз адабиёти меросида катта ўрин эгаллайди, бунга адабиётшуносликнинг ҳам чуқур илмий муносабати мавжуд.

Айни масала таҳлилида Бобур Мирзо ҳаёти тафсилотлари ва илмий-бадиий ижодига мурожаат этадиган бўлсак, бевосита «шоҳ ва шоир» каби «шоҳ ва дарвеш» таърифи ҳам бир тарихий шахс тимсолида намоён бўлганини кўрамиз.

Шоҳ ва дарвеш масаласини ҳал қилишда аввалги ўтган мутафаккирлардан фарқли ўлароқ, ўз замонаси учун ғоят аҳамиятли қарашлар силсиласини олға сурган Алишер Навоийнинг «Ҳар гадоким бўриёи фақр эрур кисват анга, Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга» матлаъли ғазалини таҳлил этган атоқли олим Н.Комилов буюк шоирнинг бу борада ҳам янги, ўзига хос йўл тутганлигини эътироф этади. Олимнинг кузатувларига кўра, сўз юритилаётган ғазалда улуғ мутафаккир тасаввуф таълимоти ғояларидан бири – дарвеш шоҳдан афзал ва улуғ, дарвеш шоҳга эмас, шоҳ дарвешга муҳтож, деган фикрни маъқуллаб, анъанани давом эттириб, шоҳ ва дарвеш ўртасидаги тафовутни далил-мисоллар билан ажойиб тарзда қиёслаб кўрсатади. «Аммо …ғазалнинг тўққизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса шоирнинг позицияси ўзгаради – у салафлар фикрига зид ўлароқ шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни илгари суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради».

Навоий Ҳусайн Бойқаро сиймосида шоҳу дарвешлик мужассамлигини турли муносабат билан аксар асарларида қайд этган бўлса, Бобур Мирзонинг ҳам «шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳи, ки бор, Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлиқ сийрат анга» эканлигини унинг ўз замондошлари эътироф этишган.

Рубоийларидан бирида

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Руҳимни чу тан уйига келтирдунг пок,
Мундин нори элтма касофат бирла

дея муножот этар экан, шоир «офат» деганда нафс юкини, яъни шоҳликни назарда тутади. Шоҳлик руҳни пок сақламоқ учун катта офат бўлса, танида юз берган кичик офатлар – «мараз», яъни касалликларни ҳам шоир руҳий табибга мурожаат этиб даволайди. Карамати бир ҳодиса сабаб бўлиб, танида юз берган иллатдан қутулган, шифо топган Бобур Мирзо бунинг сабабчиси – муолажаси бўлмиш руҳоний пири Хожа Аҳрори Валининг «Волидиййа» асари таржимасини яна бир ихлос қўйган пири муршиди Маҳдуми Аъзам Косоний Даҳбедийга юборади. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаккири аҳбоб» (1566 й.) асарида Бобур Мирзо Шайх Хожагий, яъни Маҳдуми Аъзамга ҳадя сифатида олтин юборганлигини, унга бир китъа илова этганлигини қайд этади.

Аммо, асар ҳақида ҳеч нарса демайди: «Подшоҳнинг накшбандия олий хонадонига иродат нисбати бор эди. Юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрат Хожа Аҳрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуғлар хонадонига нисбатан иззат икромни соатма-соат оширар ва бирон дақиқа бу ишни канда қилиб ғафлатда қолмас эди. Барча дарвешларга лутф эшигини очиб, ниёзмандлик юмушини бажо келтирарди. Ҳазрати Маҳдумий мулло Хожагий Косонийга (қ.с.) бир бўлак олтин ёмбисини ниёз тариқасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу китъасини ҳам шоҳид қилган эди. Қитъа: ...». Шундан сўнг шоирнинг «Дар

ҳавои нафси гумраҳ...» деб бошланувчи қитъаси келтирилади.

Бобур Мирзо фазилатлари ва камолоти хусусида сўзлаб, муаллиф шоир ёзган асарларга тўхталади. Подшоҳнинг арузга доир рисоласи, туркий ва форсий тилда ёзилган шеърларини таъриф этиб, ислом арконлари тавсифидан иборат маснавийларини ҳам тилга олади ва шу ўринда бир маълумот келтиради: «Ўшал фиқҳ рисоласининг номи «Мубаййин»дур. Подшоҳ учун ҳам бир киши рисола ёзибди экан, унинг асари ҳам «Мубаййин» деб аталади».

Вокеанинг тўлиқ тафсилоти Ҳазрат Махдуми Аъзам (қ.с.)нинг Бобур Мирзо юборган ҳадя муносабати билан ёзилган «Рисолаи Бобурия» асарида келтирилади. Бу рисола муаллифининг энг катта асарларидан бири бўлиб, «Мажмаъ ар-расоил» номли рисолалар тўплами таркибига киритилган. Асар XVI аср бошларида ёзилган бўлиб, 30 га яқин рисолани ўз ичига олади. Бу нисбатан мукаммал бўлган қўлёзма Самарқандлик тарихшунос олим Комилхон Каттаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Олимнинг маълумот беришича, тўпламнинг нусхалари дунёнинг барча йирик Шарқ қўлёзмалари маъхазларида мавжуд.

Мажмуа таркибидан жой олган инсонни маънавий камолотга ундовчи тариқий масалаларга бағишланган рисолалар қаторида 1533-1539 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллохон ибн Маҳмуд Султоннинг «Убайдий» тахаллуси билан ёзган шеърларига ҳам шарҳлар ёзилган. Муаллиф бу асарларини «Рисолаи шарҳи рубоиёт» (бошқа номи «Шарҳи рубоиёти Убайдий»), «Шарҳи як ғазали Убайдуллохон» ва «Шарҳи 12 рубоиёти форсий» номлари билан атайди.

«Рисолаи Бобурия», олим таъкидлаганидек, «...номидан ҳам маълум бўлаётирки, Бобур Мирзонинг илтимосига кўра ёзилган».

Муаллифнинг мулоҳазаларига кўра, подшоҳ Хожа Аҳрори Вали (қ.с.)нинг «Волидия» асари таржимаси, рубоийлари ва совға-саломга қўшиб пирига яна бир алоҳида

хат юбориб, ундан зикрга доир баъзи масалаларни ҳал қилиб беришни илтимос қилган. Чунки, «...рисоланинг аксарият қисми зикр масаласига бағишланган. Шунинг учун ҳам пиру муршиднинг бу асарини аввало Бобур Мирзонинг тариқат соҳасида қўйган саволига жавоб тариқасида ёзилган китоб, деб қарашимиз лозим кўринади».

Асарнинг юксак илмий ва амалий қимматини олим асосли тарзда қуйидаги жиҳатлар билан белгилайди:

– моҳиятан бир мазмунга эга бўлган икки тариқат-накшбандия ва яссавия ўртасида зикр масаласи туфайли келишмовчиликлар бўлиб, вазият анча таранглашган, масала сиёсат даражасига кўтарилиб, катта нотинчликларга сабаб бўлиши мумкин эди. «Ана шундай вазиятда, – деб ёзади олим, – накшбандия пешвоси Махдуми Аъзам муриди Бобур илтимосидан фойдаланган ҳолда хуфия ва жаҳрия зикрларининг ҳар иккаласи жоизлиги борасида илк марта илмий асосда чиқиш қилади... Тариқатларнинг бу ажойиб келишуви ёки бир-бирига ҳурмати ... «Рисолаи Бобурия»нинг маҳсули эди»;

– асар ўша замон мутасаввуф олимлари, пиру муршидларига қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, тариқий келишувчиликни амалга оширa оладиган асосан икки шахсга – Бобур Мирзо ва Убайдуллохонларга мўлжалланган эди. Нуктадон тирихшуноснинг мантақий хулосасига кўра, бу иш иккала подшоҳни яраштириб қўйиш ҳамда «Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида бўлган эди» (32-б.).

Рисола шарқ адабиёти анъаналарига кўра бетимсол Яратгучига Қуръони карим оятлари билан зийнатланган ҳамд, инсонларнинг комили Муҳаммад (с.а.в.)га наът билан бошланади. Шундан сўнг асарнинг ёзилиш сабаби баён этилади. Мавлоно Хожагий сўзининг бошидаёқ «Ҳазрати салтанатшиор, Худонинг мақбул бандаси, дарвешлар мухлиси ва эътиқодманди, уларнинг маҳбубул-қулуби» деб эъзозланган Бобур Мирзонинг назаркардалигига урғу беради. Шоҳнинг Яратгучи назаридагилар – хусусан, Хожа Аҳрори

Вали (қ.с.) – назарида бўлгани вақт ўтиши билан унинг қалбида шундай бир дард пайдо қилдики, бу дарднинг давосини тариқат аҳлидан ўзга тополмас эди. У ўз аҳволини Ҳазрат Хожа Аҳрор (қ.с.)нинг «Рисолаи волидиййа»ларини шеърий таржимаси орқали баён этган ва баъзи рубоийлари билан пирга юборган эди. Шу сабабдан «... бу тоифанинг камтар ходимларидан бўлганимиз учун биздан бир нусха (рисола) ёзиб бериш истаги билдирилди, токи ул зот (Бобур Мирзо) хотири шарифига таскин берсин ҳамда сармояи саодат бўлмиш талаб дардига дармон бўлсин, иншааллоҳ» – (40-б.), деб ёзади пир.

Шоҳ қалбида дард пайдо бўлгани саодат нишонасидур, дейди пир («Сармояи саодати мо дарди ёр буд»). Энди бу кўнгил оинасига сайқал бермоқ лозим. Сайқал топган кўнгил ойнасида Зоти шариф барча сифатлари билан зуҳур этади. «Одамнинг комиллиги, – деб ёзадилар пир, – кўнгил оинасида Дўст – маҳбубнинг зуҳур этиши натижасидир».

Аммо, шуни билмоқ зарурки, «маҳбубнинг Зотига ниҳоя йўқлиги каби, муҳаббат камолига ҳам ниҳоя йўқдир». Пир шоҳнинг ҳурмат-эътибори, ихлоси, суҳбатга умидворлигини унинг маърифат пиллапояларидан комиллик сари кўтарилиши деб билади: «Ҳарчанд, тобеълик ва пайравлик зиёда бўлса, демак маърифат ҳам зиёда бўлгусидур, ҳарчанд маърифат зиёда бўлса, демак комиллик ҳам зиёда бўлгай» (43-б.).

Мавлоно Хожагий (қ.с.) Бобур Мирзо каби пир этагидан тутмоқлик камолот йўлидаги йўлчи учун энг тўғри қарор эканлиги, тарбияда моҳиру комил кишининг тажрибаси, билими жуда зарур эканини таъкид этади. У ўзининг муршиди Хожа Аҳрори Вали (қ.с.) ўгитларига пайравлик билан қуйидаги байтни келтиради:

Пир бояд, роҳро танҳо марав,
Аз сайри умқ дар ин дарё марав.

(Мазмуни: Пир бўлса, йўлни танҳо юрма, Кўр-кўрона чуқур дарёда сайр этма).

Маънавий раҳнамо, яъни тарбиячи, муршид худди ҳозиқ табиб сингаридур, дейди муаллиф. Ҳар бир одамнинг мизожи табиати турличадир. Илоҳий ҳозиқ табиблар толибнинг маънавий касаллиги, истеъдодига қараб ташхис қўядилар, парҳез буюрадилар. Парҳездан мурод-тавбадир. Сўнг ғизои солиҳ тайин этилади. Ғизои солиҳ – лукмаи ҳалолдур.

Толибларнинг истеъдодлари турлича бўлганлиги сабабли пир уларнинг ҳар бирига ўзига муносиб муомалада бўлади. Агар кишида умуман истеъдод бўлмаса-чи?

Бу саволга Хожа Аҳрори Валининг (қ.с.) «Рисолаи волидиййа» асарида жавоб келтирилади. Бу асарни таржима килган Бобур Мирзога масала аён: гарчи кишида истеъдод заиф бўлса, ҳол мақомини забт этган эл суҳбатида бўлсин, улар олдида адаб сақласин, бу унинг васл йўлидаги шуурига сабаб бўлади. Агар мабодо тарки адаб этса, «бу эл кўнглидин ул тушгусидур», эгаллаган ҳолидан зарра асар қолмайди. Чунки, унинг кўнглидаги файз «ўша кўнгуллар» воситасида хосил бўлган эди. Ҳазрати Ҳақ ва унинг севган бандалари назар ва карам этмасалар, гар толиб фаришта бўлса ҳам дафтари коп-кора бўлади. Бобур Мирзо таржимасида ёзади:

Беиноёти Ҳаку хосони Ҳақ,
Гар малакдур қорадур анга варақ.

«Рисолаи Бобурия»да ҳам шу мазмундаги панду насиҳатдан сўнг, мазмунан якин байт келтирилади:

Беиноёти Ҳаку хосони Ҳақ,
Гар малак бошад, сиёҳаст варақ.

Яъни:

(Ҳақ иноятисиз ва пирлар ҳиммatисиз, Гар фаришта бўлса-да, номаъи аъмоли қорадур.) (157-б.).

Бир ўринда «Ориф кишига бир ишора кифоя қилади», деган мазмунда сўзланганда, пир сўзининг исботи учун Бобур Мирзо таржимасига мурожаат этиб, бу ҳақда «дарвешлар қалбининг маҳбуби росту дуруст айтган, камолу латиф баён шу бўлса керак», дейди (66-б.).

Шу тариқа, камолот йўлининг мураккаб масалалари таҳлили ва талқинида уч маърифатпеша шахс бир-бирларига ҳамфикру ҳамроз бўлиб уч асарда мушоҳада юритадилар.

Пир толибларига намуна қилиш мақсадида Хожаи Бузруг – Хожа Баҳовaддин Балогардон (қ.с.) ҳоллари ҳақида сўзлайди ва ул зотнинг ўзларига «маломат уришни хайр кўришларини» қайд этади. Мисра келтирилади: Ошиқлар жонининг қуввати маломатдур. Шу ўринда Бобур Мирзо рубоийсидан аввалги байт тазмин қилинади, яъни: «... дарвешлар қалбининг маҳбуби (яъни, Бобур Мирзо) таважжуҳ ва надомат бобида дедиларким, байт:

Дар ҳавои нафси гумраҳ умр зоеъ кардаем,
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем» (85-б.).

Рубоийнинг иккинчи байти

Як назар ба муфлисони хастадил фармо, ки мо
Хожагиро мондаему Хожагиро бандаем

мазмуни шарҳида пир Бобур Мирзони маломатийлардан дея улуғлайди: «Ул зотларнинг (маломатийларнинг – С.Д.) наздида надомат изҳорини қилиш, умрни зоеъ кетказмай касб учун сармояи саодатга етиш – бу камолга етиш демакдир». Пир сўзини давом эттириб, подшоҳнинг пирдан мадад сўраганлигини мамнуният билан маъқуллайди ва бу саодат нишони деб айтади: «Ҳиммат юзасидин пирлардан мададу қўллашни сўраш, боқий қолган жароҳатлардан ёрмандлик тилаш ва мўъмин биродарларидан бу мададни олиб, кўнгил шикасталикларидан қутулишлари (Худо томонидан) марҳамат маҳали деб тушунилиши лозимким, халқнинг касбу камолга эришиш йўли ушбудир» (86-б.).

Рисола муаллифи Бобур Мирзо байтида келган «хожагий» атамасининг эътибори барчага дохил бўлса-да, аммо Ҳаққа яқинлар ва «ул жаноб» (яъни, Бобур Мирзо)нинг наздида ҳеч бир эътибори йўқдур, дейди. Байтдаги кейинги сўз «бандалик» сўзини изоҳлар экан, пир подшоҳ ҳаёти ва эътиқодига тааллуқли катта бир тарихий ҳақиқатни аён этади. Мана, беназир шоҳ ва шоир шахсиятини мукаммал намоён этувчи ҳужжат:

«Ва яна ул жаноб (Бобур Мирзонинг) бул томондагиларга (яъни, муаллифга) «бандалик» хоҳиши, унинг жамии аъмолини англатган ҳолда амалга ошди (яъни, Бобур Мирзо муаллифга банда – мурид бўлиш ниятига етди)» (87-б.).

Аён бўлаётирки, Бобур Мирзо 935-ҳижрий (1529-мил.) йилларда нақшбандия тариқатига расман кирган ва Мавлоно Хожагий (қ.с.) томонидан мурид деб қабул қилинган. Фикримизни қувватлаш учун атоқли олим Н.Комиловнинг қуйидаги сўзларини келтирсак, мақсадимиз аён бўладигандек кўринади: «...биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Суфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, кашфу каромат эди. Аттор, Румий , Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли хаёлий оламни тасаввурда яратиб, идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган». Янада ойдинроқ таъкидламоқчи бўлган мулоҳазамиз шундан иборатки, Бобур Мирзо ҳам Ҳазрат Алишер Навоий сингари хонақоҳларда ўлтирмай, хирқа ва кулоҳ киймай нақшбандия тариқатининг расмий вакили бўлган. Алишер Навоийнинг 1476-77 йилларда «Туҳфат ул-афкор» қасидасини ёзиб Ҳазрати Жомийга юбориши ва унинг жавоби воқеасини адабиётшунос олимлар улуғ шоирнинг бу тариқатга расман кириши, деб баҳолайдилар. Бунга сабаб – Жомий мактуб ва унга қўшиб туҳфа тариқасида Навоийга «такаллуф тожини тарк этиш» рамзи бўлган бир бўрк ва «жаҳондан қўл ювган киши қўлининг сувини артадиган» бир бўз рўмолча юборади. Нақшбандий пирнинг бу эътирофи севимли дўстининг тариқатдан бенасиб қолишини истамаганлиги ва уни мурид сифатида қабул қилганлиги белгиси эди. Аён бўлаётирки, икки йирик мутафаккир ижодкор ўз даврларининг етакчи мафкураси саналмиш нақшбандия тариқатига ўзларининг юксак бадиий тафаккурлари маҳсули – асарлари воситаси билан қабул қилинадилар. Бу ҳодиса уларнинг пирларининг истаги билан амалга ошади.

Мавлоно Хожагий (қ.с.) «дарвешлар қалбининг маҳбуби» Бобур Мирзони банда-муридликка қабул қилиниши муносабати билан унга бир рубоий бағишлайди:

Бандагишон хулосаи амал аст,
Ҳар ки рўшон бидид, дар амал аст.
Эй бародар, ғуломи мардон бош,
Гирди эшон чу чархи гардон бош.

(Мазмуни: Бандаликлари амаллари хулосасидир, Юзларини кўрган киши – орзу, умидлар ичрадир. Эй биродар, мардлар ғуломи бўл, Улар атрофида айланувчи фалак бўл) (87-б.).

Дарвеш Ҳақни кашф этган одам, дейди атоқли олим Н.Комилов «Хизр чашмаси» номли китобида. Шунинг учун шоҳ уни истаб бориши, дуосини олиши, унга итоат этиши шарт, шунда иши ривож топади. Бобур Мирзо худди шундай қилди ва пири айтганидек, «кўнгил шикасталикларидан қутулди». У дин ва дунё ишларини нақшбандия сулуки билан мувофиқ тарзда бирга олиб борди. Унинг куч-қудрати, ақлу фаросати, сиёсати дунё ишларини ҳал этиш билан банд бўлган бўлса, кўнгли дин ва тариқатни дўст тутди. Бир фардида шоир шундай илтижо қилади:

Ё раб, хавос жамъида Бобурни хос қил,
Ёхуд авом тафриқасидин халос қил.

Шоир дарвешларга нисбатан ихлосу ҳавас билан, баъзан дарвешликни орзу қилиб яшади. Бу унинг кўнглидаги пинҳоний ғаму ғусса, пири айтмиш «илоҳий дард» эди:

Адам йўлига кўнгул кирди ишқ доғи била,
Бу йўлдин ўтмади ҳар кимки бенишон келди.
Фароғат истар эсанг бўл жарида, эй Бобур,
Ки, жону танга ғаму ғусса хонумон келди.

У ўзи ҳавас қилган «назири йўқ киши» – Навоий шеъриятида бўлгани каби суфиёна мушоҳадаларини ғазаллари сўнгги байтларида пардалаб баён этди, мумтоз шоирлар анъаналарида берилган орифона фикрларни ривожлантирди:

Тан хижобин рафъ қил, гар ёр васлин истасанг,
Эй кўнгул, билким арода хойил ушбу бурдадур.
Борму эркин ишқ элинда, балки олам аҳлида,
Мунча чоғлиқ ҳасрату андуҳким Бобурдадур.

Хуллас, пири лутф қилмиш «дарвешларнинг маҳбубул-қулуби» шоҳ суратли, дарвеш сийратли, миллатнинг севимлиси Бобур Мирзо уни севганлардан бир олимнинг таърифига кўра: «... сийратида жавонмардлик сифатлари билан туғилган Бобур нақшбандия сулукининг ҳақиқий солики бўлди ва ниҳоят, маломатия кулоҳини бошга қўйиб, тожу тахт ва умуман, оламнинг ҳою ҳаваслари бандидан озод бўлди. Лекин, бу йўл узоқ ва машаққатли эди».

Навоий орзусидаги расман шоҳу қалбан дарвеш Бобур Мирзонинг буюк шахсияти унинг фарзандларига бўлган муносабати, хатлари, бағишлов китобларида ҳам намоён бўладики, бу энди ёритилиши лозим бўлган катта мавзу.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори, филология фанлари доктори

СИРОЖИДДИН САЙЙИДНИНГ БОБУР ҒАЗАЛЛАРИГА ТАХМИСЛАРИ ҲАҚИДА

Бошқа адибларга мурожаат ҳар доим бир неча мақсадларни кўзда тутади. Уларнинг биринчиси, сўзсиз, шу адибга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром бўлади. Аммо ўз кучини синаб кўриш, рақобат майдонига кириш, кўнглидаги нодир ва нозик туйғуларга ҳамоҳанглик аломатларидан илҳомланиш сингари омиллар ҳам бор. Ардоқли шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг Бобур ғазалларига боғлаган мухаммасларида, назаримизда, буларнинг барчаси мужассамлашган. Буни бир қатор мисоллар ёрдамида кузатишимиз мумкин. Сирожиддин Саййиднинг мумтоз адабиётимиз вакилларига, хусусан, Алишер Навоийга, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга нисбатан алоҳида меҳр билан қарашлари шу пайтгача бўлган ижодида тўла намоён бўлган. Бу муносабатлар фақат бадиий йўсинда эмас, балки илмий ҳамда публицистик йўсинда ҳам ўз аксини топиб келаётганини адабиёт аҳли яхши билади. Бошқа нарсаларни гапирмаганда ҳам, фақат "Юз оҳ, Заҳриддини Муҳаммад Бобур" китоби бу фикримизнинг ёрқин намунасидир.

Бобурнинг бутун ижоди шоир учун манзур. Аммо мухаммас боғлаш жараёнида биз Сирожиддиннинг ўзига хос дунёқараши ҳамда бадиий-эстетик дидининг айрим қирраларини ҳам кузатгандек бўламиз. У "Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулиқ бахтимни уйғотсам", "Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим", "Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак", "Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни", "Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшиткаймен", "Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати", "Чиқса куёш фалакка, сен отқа

чикканингдек", "Қачон бўлғай, мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингга" сингари ғазалларни танлаб олади.

Мухаммас боғлаш кўнгилдаги ҳавас ва иштиёқдан, бошка бир ижодкорга ижодий рақобат қила олишдан ташқари, дастлаб, ниҳоятда кучли руҳий яқинликни илғаш, шу яқинлик руҳининг ичида яшаш ҳамдир. Сирожиддин Саййид мухаммасларининг деярли барчаси айни мана шу лирик муҳит ичида дунёга келган.

Бобурнинг машҳур "Қачон бўлғай, мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингга" мисралари билан бошланадиган ғазали том маънодаги лирик кайфиятнинг ажойиб самарасидир. Унда ҳижрон қийноғидаги ошиқ изтироблари, яқин кишиларга, кўнгил интилаётган манзил ва замонларга бўлган соғинч, нурли келажак иштиёқидаги умид ва илтижолар фавқулодда содда, самимий ва таъсирчан мисраларда ўз ифодасини топган. Ундаги сўз ва товушлар такрори, ёрга мурожатдаги эркаловчи бир сўз ("жоно")нинг ниҳоятда жозиб ҳолдаги иштироки ифоданинг гўзал ва марғуб бўлишига омил бўлган. Олдинданоқ айтиб қўя қолайлик, жавобга шайланган шоир уларга мос ва муносиб мисралар яратишни, оддийгина айтганда уддалаган:

Ёмонларнинг кўзи тегмасин қадди камолингга,
Бўлубман зор сочинг ислари эсган шамолингга,
Сени бир кўрмайин ўтсам, қолурман деб уволингга,
Қачон бўлғай, мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингга,
Қутулғаймен фироқингдин, етишгаймен висолингга.

Кўриниб турибдики, бундай жавоблар бугунги китобхон учун ҳам тўлалигича маъқул ва манзурдир. Ғазалнинг навбатдаги байтида мана шу фаслдаги саҳроларнинг лола билан гўзаллашиши, чаманзор эса гулнинг таъсирида чирой касб этишини тасвирлайди. Биринчи мисрада саҳро юзасининг (у "саҳро узори" истиораси билан ифодаланган) лола шаклини кўрганидан кейин хижолат бўлганидан қизариб

кетишига, чаманзор рангининг арғувон ранги сари ўтиб боришига эътиборни тортади:

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонийдур.

Сирожиддин бу бандда янгича шакл танлайди. Энди шоир Бобур қўллаган сўзларнинг иккитасини радифга айлантиради.

Нигорнинг чеҳраси гоҳ ишқ наклидин эрур гулгун,
Гаҳи ҳусну латофат, гоҳи ақлидин эрур гулгун,
Букун боғим менинг ёр қадди нахлидин эрур гулгун,

Кўриниб турганидек, Сирожиддин Саййид шаклий жиҳатдан Бобур мисраларига оҳангдошликни таъминлай олган. Аммо бу мантиқий алоқадорликда чекиниш юз берган, дегани эмас. Мантиқ ҳам ўз тадрижини топган. Фақат у бирданига назарга тушмаслиги мумкин. Эътибор берилса, Бобур мисраларида ҳам маъшуқа тимсоли ("гул чеҳрасидин") иштирок этмоқда. Фақат бу иштирок жуда эҳтиёткорона, сезилар-сезилмас. Тахмис боғлаган шоир мана шу яширин маънони яхши ҳис этган. Шунинг учун у китобхонга ёрдам маъносида маъшуқанинг ўзига урғу беришни маъқул кўрган. Натижада учта мисрада унинг уч хислати алоҳида-алоҳида тарзда қаламга олинган.

Албатта, мухаммасларнинг барчаси бирдек илҳомнинг юксак қанотида яратилган эмас. Уларнинг айримларида гоҳ-гоҳида сунъийлик, зўрма-зўракилик, шакл олдида мазмуннинг мулзамроқ ҳолга тушиб қолган вазиятлари ҳам кўзга ташланиб қолади. "Чиқса қуёш фалакка, сен отқа чиққанингдек" мисралари билан бошланадиган ғазалга боғланган мухаммас ҳам жуда оҳорли мисраларга, янги поэтик топилдиқларга бойлиги билан ажралиб туради. Унда ғазалда кўзда тутилган бош поэтик концепция тўғри

илганган. Аммо айрим ҳолатларда мазмуннинг сал орқарокка ўтиб қолгани ҳам бўй кўрсатиб қолади:

Аҳду вафони қўйгил, бошдин оёқ макр дайр,
Хоҳ ерда юргилу кез, хоҳ кўкда айлагил тайр,
Уч кунмидир ва ё беш – оламда ушбудир сайр,
Ул ёр ҳазратинда бисёр яхшидур ғайр,
Мен ҳам ёмон эмон, лек яхши эмон анингдек.

Бу ерда "нимадир" етишмаётганини шоирнинг ўзи ҳам илғайди. Шунга кўра, у бир неча сўзларнинг луғатини ҳавола қилади. Уларнинг орасида "тайр" сўзи ҳам мавжуд. Зукко китобхонимиз бу сўзни эрта болалагидан яхши билади. У Навоийнинг "Лисон ут-тайр" ("Қуш тили") асари воситасида тилимизга яхши ўзлашган. Аммо китобда бу сўзга "учмоқ" деган изоҳ ҳавола этилган. Афсуски, бу ҳавола вазиятни ўзгартирган эмас. Аслида мумтоз адабиётимизда "тай айламак" ифодаси мавжуд. У муайян масофани босиб ўтмоқ маъносини билдиради.

Агар у қўлланганида мазмун тиклангани билан қофияда кемтиклик пайдо бўлар эди. Шоир буни ҳис қилади. Лекин унинг ўрнига раво кўрган сўзи мазкур ҳолатга муносиб бўлолмай қолади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тахмис боғлаш анъанасини Сирожиддин анча янгилайди. Тахмислар орасида фақат ғазаллар эмас, балки фардлар, қитъаларнинг ҳам борлиги бежиз эмас.

1. Бобурнинг барча ғазалларига эмас, балки айрим ғазалларига мухаммаслар боғланган. Бу ниҳоятда юқори талаб ва нозик дид билан амалга ошириладиган ижодий жараёндир.

2. Ҳар бир мухаммасга тортилган ғазал, аслида шоирнинг тегишли баҳоси ва муносабатининг натижасидир. Шунинг ўзиёқ объектга нисбатан кучли ички таҳлил ва муносиб таснифнинг амалга оширилганини, бундай "танланиш"нинг ўзига хос қонуниятлари мавжудлигини кўрсатади.

3. Бир ижодкорнинг бошқа бир ижодкордан ўрганиши, илҳомланиши табиий ва кўп учрайдиган ҳодиса. Аммо бунда ҳар икки ижодкор ўртасидаги кесишадиган нуқталарнинг мавжудлиги, уларнинг кўлами, табиийлик даражаси, матн ва унга берилган жавобларнинг уйғунлик ҳолатлари ижодий мусобақа натижасига кучли таъсир қиладиган омиллар сифатида юзага чиқади.

4. Таъсирланиш ва илҳомнинг, бунинг устига бадиий-эстетик принципларнинг, поэтик идеалнинг яхлит ва умумий жиҳатлари, айни пайтда мавжуд поэтик ҳодиса замиридаги янги ва кутилмаган бадиий кашфиётларнинг юзага келишига пойдевор вазифасини адо этади. Мана шундай ҳолатларда янги иморат ҳам яхши иморатлар қаторидан муносиб жой олади. Сирожиддин Саййид қурган поэтик иншоотлар мана шу ақиданинг чиройли намуналари бўлиб хизмат қилади.

5. Буларнинг натижаси ўлароқ пойдевор қўйган адибларнинг номлари янада умрбоқийлик касб этади. Янги иморат эгаси эса қадим анъаналарнинг муносиб давомчиси сифатида ўз замонининг мавжуд адабий анъаналарини миллий-маънавий қадриятлар ҳисобидан янада юқори босқичга олиб чиқувчи ижрочи, зиммасидаги тарихий миссиянинг муносиб бажарувчиси сифатида эътирофларга сазовор бўлади.

Мавлюда Аминжановна ЮСУПОВА
Доктор архитектуры, член-корр. МААСВ, Зав. отд. «Архитектуры» Института Искусствознания АН РУз

"БАБУРНАМЕ" КАК ЦЕННЫЙ ИСТОЧНИК ПО АРХИТЕКТУРЕ МАВЕРАННАХРА

Узбекистан – одна из немногих стран Центральной Азии обладающих столь древним и богатым архитектурным наследием. Здесь официально под государственной охраной находятся более двух тысяч сохранившихся средневековых памятников зодчества. Историческая застройка центров четырех древних городов – Хивы, Бухары, Самарканда и Шахрисябза включены в Список всемирного Наследия ЮНЕСКО, как объекты общемировой культурной значимости.

Однако по материалам исследований нам известны и другие – ныне утраченные сооружения, которые также являлись истинными шедеврами архитектуры. Многие из них служили важными звеньями в эволюции зодчества Узбекистана и в формировании особенностей того или иного типа зданий. Поэтому при углубленных и всесторонних фундаментальных исследованиях по истории архитектуры Узбекистана к обобщению и анализу необходимо привлекать не только сохранившиеся, но и значимые утраченные сооружения.

Незаменимую роль в этом играют данные средневековых источников. Среди них особой ценностью обладают сведения Захр ад-Дин Мухаммада Бабура, приведенные им, как очевидцем, в его выдающемся труде «Бабурнаме». Записки Бабура, в отличие от других современных ему средневековых трудов, изложены простым ясным, и в то же время выразительным языком.

Данные Бабура весьма ценны для исследователей средневековой архитектуры. В своей рукописи он дает беглое описание не только поныне сохранившихся, но большей частью, и уже утраченных памятников зодчества. Говоря о постройках, Бабур приводит четкую характеристику их самых главных и впечатляющих признаков. К примеру, он вкратце освещает основные черты фортификации некоторых городов и крепостей, характер архитектуры ряда сооружений, а также данные о заказчиках и донаторах их строительства. Много беглых сведений представлены им о садах и чарбагах времен Амира Темура, Улугбека и других Темуридов.

В данном докладе мы ограничимся рассмотрением и анализом сведений Бабура лишь по двум из описанных им сооружений. Это – располагавшиеся некогда в центре Самарканда, четырехэтажный дворец Амира Темура Куксарай и ханака Улугбека, являвшиеся уникальными сооружениями своего времени.

Говоря в целом о Самарканде Бабур пишет, что это удивительно благоустроенный город, в котором для каждого промысла отведен отдельный базар, что там есть хорошие пекарни и харчевни.

Самарканд был выбран Амиром Темуром и оставался столицей на протяжении всей жизни Захр ад-Дина Мухаммада Бабура. Отсюда в Бухару столица была перенесена Шейбанидами лишь в 1530-е гг.

В нескольких местах своих записок Бабур упоминает крупный дворец Куксарай. Он был основан Темуром в 1370 г. внутри крепости Самарканда – Арки Олий, занимавшей около 34 га на естественном холме в западной части города. Бабур сообщает, что «Тимурбек воздвиг большое строение в четыре яруса, Коксараем называется. Очень высокая постройка». Это было крупное четырехэтажное сооружение, редкое для архитектуры Мавераннахра. Вероятно, фасады его были богато украшены синими и голубыми изразцами, что и

послужило именованию здания Куксараем – голубым дворцом. Бабур отмечал, что это здание, снискавшее при Темуридах недобрую славу, имело удивительную особенность. Дворец служил местом заточения и тайных казней ряда представителей темуридской династии, претендовавших на власть. И в то же время здесь в тронном зале Куксарая венчали на царство всех ханов, приподнимая их на белой кошме на тронный камень Темура – Кукташ. На месте Коксарая Амира Темура, вероятно в XVIII - XIX вв. был выстроен дворец Самаркандского бека, также названный Куксараем, в тронном зале которого продолжали хранить Кукташ. После разрушения дворца в конце XIX в. колониальными властями, тронный камень Кукташ перенесли в мавзолей Темура Гури Амир. Об интерьерах позднего дворца дают впечатление несколько исторических фото и картины В.Верещагина. Изображения фасадов дворца Темура Куксарай отсутствуют, и о том, что он первоначально был четырехэтажным, мы узнаем лишь из данных Бабурнаме.

Второе из описываемых Бабуром утраченных крупных зданий – это суфийская ханака. Улугбек в 1420-е гг. с трех сторон площади на площади Регистан, а напротив нее он выстроил медресе, напротив него в композиции «кош» – здание ханака и с третьей – северной стороны, замыкая площадь – караван-сарай Мирзои. Из них поныне сохранилось лишь медресе Улугбека. Остальные два сооружения Улугбека на площади спустя два столетия начали приходить в упадок. Поэтому правитель Самарканда Ялангтуш бий Баходир в XVII в. соорудил на месте караван-сарая Мирзои – медресе Тилла Кори с соборной мечетью, а не месте ханака Улугбека – медресе Шир-Дор с красочным изображением на его тимпане львов с человеколиким солнцем за спиной и настигающим джейрана.

Бабур об этих зданиях XV в. писал «Из построек Улугбек мирзы внутри крепости [сохранились] медресе и

ханака. Купол ханаки – очень высокий купол; во всем мире показывают не много таких высоких куполов».

Отметим, что сведения о том, что Улугбек выстроил в Самарканде противолежащие медресе и ханака приведены также Абдураззаком Самаркандий и Фасих Ахмадом Хавафий. Однако данные о характере архитектуры ханака мы встречаем только у Бабура.

Для специалистов и, в частности исследователей архитектуры, связанной с суфизмом, эти две строчки о крупной ханака существовавшей в XV–XVII вв. дают весьма важную информацию. Они восполняют утраченные звенья в эволюции архитектуры зданий суфийских ханака в Центральной Азии.

В развитии суфийского зодчества, которое формировалось здесь почти тысячу лет (примерно в IX – XIX вв.) мы выделяем 4 периода развития. Из них – в третий этап, охватывающий конец XIV–XVII вв. наблюдался наивысший расцвет суфийской архитектуры Мавераннахра. Первая половина (конец XIV – начало XVI в.) этого периода являлась эпохой Темуридов, включая время жизни и деятельности их потомка Захр ад-Дин Мухаммада Бабура.

Отметим, что к XIV в. на территории Узбекистана уже были сформированы суфийские мемориально-культовые комплексы при захоронении почитаемого суфийского шейха (пира, муршида). В них вокруг внутреннего двора с водоемом – хаузом выстраивали: мавзолей святого; обрядовый зал (зикрхона), иногда совмещавший и функции мечети; жилище шейха и его семьи; комнаты для чтения Корана и обучения; кельи муридов; кельи для паломников с бесплатным приютом и пищей и др. Таким, к примеру, был комплекс Сайф ад-дина Бохарзи в Бухаре. Эти комплексы, как и входящее в их состав здание с обрядовым залом суфиев здесь называли ханака.

В XV–XVII вв. сами правители и другие донаторы, являвшиеся последователями суфизма благоустраивали эти

древние обители – зиаратгохи, перестраивая или выстраивая в них крупные здания ханака.

Среди трех типов зданий ханака этого времени наиболее монументальными и выразительными по архитектуре были портально-купольные сооружения с крупным центральным залом и худжрами в 2-3 яруса на углах постройки. Вероятно, такой тип и представляла собой ханака Улугбека, имевшая очень высокий купол, каких, по мнению Бабура, было мало на свете.

Традиционно в XV–XVII вв. такие ханака выстраивали в мемориально-культовом суфийском комплексе, расположенном за городом (ханака Ходжа Ахрара Вали близ Самарканда, Баха ад-Дина Накшбанда близ Бухары и др.). Однако от XVI в. (ханака Яр-Мухаммад Аталык) и от XVII в. (ханака Надир Диван Беги) в Бухаре сохранились нетрадиционные по расположению крупные ханака, возведенные на главных площадях города, как отдельные сооружения без прилегающего мемориально-культового комплекса.

Возведение ханака в центре города мы объясняем тем, что широко распространившийся в это время суфийский орден Накшбандия с девизом

«Дил ба Ёру, даст ба кор», означавшим «Отдай сердце – Богу, а руки – труду» не требовал от муридов - последователей отстранения от повседневной жизни. Им разрешалось полноценно жить в семье, зарабатывая собственным трудом. При этом они регулярно собирались для молений, радений и проведения иных суфийских ритуалов в близлежащих городских зданиях с зикрхана. Из них постройка Улугбека, являлась наиболее крупной и значимой городской ханака Мавераннахра.

Таким образом, данные Бабура о ханака Улугбека в Самарканде свидетельствуют о том, что в Мавераннахре уже в начале XV в.

– строили крупные портально-купольные здания ханака с огромным купольным залом-зикрхана,

– а также о том, что не позднее данного времени уже существовали городские ханака, возводимые, не традиционно в загородной суфийской обители, а в виде отдельного здания в центральном городском ансамбле.

В данной работе мы осветили значимость сведений Захр ад-Дин Мухаммада Бабура на примере лишь двух крупных утраченных сооружений. Не менее ценными являются его данные и о ряде других типов зданий, о чарбагах Темуридов, которые могут явиться предметом будущих интересных исследований.

Қаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ,
Фарғона давлат университети
фалсафа доктори (PhD)

БИРЛИК – МУМТОЗ ЖАНР

Замонавий ўзбек шеъриятида нисбатан фаоллашган бирлик шеър жанрининг тарихий асосларини ўзбек мумтоз адабиётидан излаш керак. Хусусан, Хожа Убайдулло Аҳрор, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимиз ўз вақтида бирлик шеърнинг тарихий илдизи бўлган мисрага мурожаат қилишган. Бунда улар у ёки бу воқеани изоҳлаш, бирор фикрни исботлаш мақсадида бирликдан фойдаланишган.

Аслида бирлик шеърларда бадиий воқеликнинг кульминацион нуқтасигина тилга олинади. Воқеликнинг қолган қисмларини тасаввур қилиш ва хулоса чиқариш ўқувчи ихтиёрига қолдирилади. Мумтоз адабиётда эса воқеликнинг ўзи ҳам бериб борилган. Чунки "матндан ташқаридаги структуралар ўзининг у ёки бу элементининг аҳамиятини ўзгартиради: бу элементларнинг сўзловчи структура – муаллиф ёки эшитувчи структура – ўқувчига мансублигидан келиб чиқадиган мураккаб муаммоларга боғлиқ". Ана шу муаммо юз бермаслиги учун Бобур ҳам бирор воқеани баён қилиб, сўнгра бирлик келтирган.

"Бобурнома"да уч марта бир қаторли шеър келтирилгани маълум. Биринчи марта у ҳижрий 925 / мелодий 1518 йил воқеалари баёнининг саҳифаларидан бирида хазон сайли билан боғлиқ воқеалар таркибида, Мулла Маҳмуд Халифа билан боғлиқ ўринда, асли форсча бўлган ва "Кимга қарасанг шу дардга мубтало" деган мисрани келтиради. Мисра Мулла Маҳмуд ва Абдулло деган кишининг мастлиги билан боғлиқ суҳбатда айтилади. Сўнгида Абдулло кечирим сўрайди. Бироқ асосий эътибор Бобур ва унинг аъёнларига қаратилган эди. Уларнинг одоб-

ахлоқи миллат ва давлат тақдирига таъсир этишига урғу берилган.

Кейинроқ эса Бобур ўзининг заҳарланиши билан боғлиқ воқеалардан сўнг икки марта мисра келтиради. Бири форсча бўлиб, "Бир бало етишган эди, бироқ яхшилик билан кечди" деган мисра, иккинчиси эса туркийда: "Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини" деган хулосавий шеърдир.

Мазкур шеърни ёзувчи Пиримқул Қодиров икки мисра шаклида ёзган. Бу тўғри эмас. Биринчидан, мисра асл манбада бир қатор қилиб ёзилган. Иккинчидан, аруз шеър ўлчов тизимининг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнининг биринчи мисрасига мос тушади:

Ким-ў-лар- ҳо / лат-қа-ет-са, / ул-би-лур-жон / қад-ри-ни
– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Бобур мисралари ўзининг афористиклиги билан эътиборга лойиқ. Ундаги ҳикмат Бобурнинг заҳарланиши ва ўлим оғзидан қайтгандан кейин ҳаёт ҳақидаги хулосасидир. Лирик қаҳрамон, яъни Бобурнинг теран кечинмаси сезилиб туради.

Шунингдек, "Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини" мисраси тузилишида поэтик унсур – инверсия бор. Шеър матнидаги гап тилшунослик нуқтаи назардан "ким ўлар ҳолатга етса, ул жон қадрини билур" шаклида бўлиши керак. Аммо, Бобур бадиий нуткка таъсирчанлик, ифодавийлик сингдириш учун сўзларнинг ўрнини алмаштириб қўллаган. Аввалги мисолларда ҳам инверсия фаол қатнашган.

Бу анъана шарқ адабиётида кенг тарқалган бўлиб, машҳур олим ва шоир Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг "Бадойиъ-ус-санойиъ" асарида бир нечта мисралар келтирган: "Чунки устоддин юксакрак дўкон солиб бўлмас". Атоуллоҳ Ҳусайний мисраларни сўзларнинг нотўғри қўлланишига оид фикрларини исботлаш учун келтиради.

Юқоридаги фактларнинг ўзиёқ бирлик шеърлар четдан ўзлашмаган ёки йўқ ердан пайдо бўлмаганини исботлайди.

Шунинг учун Анвар Обиджон, Фарида Афрўз, Фахриёр каби бир қатор шоирларимиз бирлик ёзишганда, уларни Ғарб адабиёти таъсирида шаклланган, анъаналарни бузган шоирлар қаторида эмас, балки шаклий-услубий изланиш олиб бораётган ижодкорлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки мумтоз адабиётимизда мазкур жанр мавжуд.

Демак, замонавий ўзбек шеъриятидаги кичик лирик жанрлар қаторига кирган бирликнинг бадиий такомилида буюк шоир Бобурнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шунинг учун Бобур лирикаси таркибини ғазал, рубоий, туюқ, муаммо каби жанрлардан иборат деб санаганда, албатта, бирлик (мисра)ни ҳам қўшиб айтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муродкосим АБДИЕВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

"БОБУРНОМА"ДА ҲИНДИСТОН МЕВАЛАРИ ТАСВИРИ

Атоқли давлат арбоби, шоир ва таржимон Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунё тамаддунига ўзининг салмоқли хиссасини қўшган маълум ва машҳур маданият арбоби ҳам хисобланади. Хусусан, унинг "Бобурнома" мемуар асари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Бу асар комусий асар бўлиб, унда тилшунослик, адабиётшунослик, география, биология, минералогия, картография, тарих, мусиқа, ҳарбий сингари илмларга оид қиммматли маълумотлар моҳирлик билан тасвирланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида Андижон, Ўш, Марғинон, Ахси, Исафара, Косон, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Конибодом, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Қарши, Ғузор, Кармана, Қоракўл, Ҳирот, Кобул, Ғазна каби шаҳарлар ҳамда Ҳиндистон ўлкаси бир қатор вилоятларининг табиати, иқлими, фойдали қазилмалари, этнографияси, набобат ва ҳайвонот дунёси ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилган.

Адиб "Бобурнома"да Ҳиндистон тасвирига тўхталиб, хусусан ҳижрий 932 (милодий 1526) йилгача Ҳиндистонга етти-саккиз йил ичида беш навбат қўшни тортганлигини, бешинчи навбат тангри таоло ўз фазлу карами билан Султон Иброҳимдек ғанимни макҳур ва абтор қилиб, Ҳиндистондек васе мамлакатни унинг ихтиёрига муяссар этганлиги тарихини келтиради. Сўнг ўлканинг табиий жуғрофий ўрнини, у ердаги ҳукмдорлар, элатлар, ҳайвонот ва наботот олами ва табиати ҳақида қизиқарли фактик материалларни баён қилади.

Бобур Ҳиндистонда ўзини бошқа бир оламга кириб қолгандек ҳис этади. Бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

“Шайбон ойидан офтоб далв буржида эдиъким, Кобулдин Хиндистон азимати била отланилди. Бодом чашма Жигдалик йўли била ора олти кўлуб Одиналур келилди. Гармсер вилоятларини ва Хиндистон навоҳисини ҳаргиз кўргулган эмас эрди. Нингнаҳорга етгач туюр ўзгача, эл ва улусининг роҳ ва расми ўзгаче ҳайрате бўлди, филвоқеъ жойи ҳайраттур”[“Бобурнома”, 204-205].

Мана шундай ҳайратланиш адибнинг Ҳиндистон тасвирига бағишланган барча тасвирларида, жумладан, унинг наботот олами тасвирларида ҳам ўз ифодасини топган. Унда ўлканинг мевалари, мевали дарахт номлари: нағзаки, кайла, анбули, маҳва, кирни, жоман, камрак, кадҳил, бадҳал, бийр, карунда, панёла, гулар, мила, чирунчи, хурмо, норгил, тор, норанж, лиму, фал, амрадпал, карна, амалбед, сингарилар тасвирида кўриш мумкин.

Ҳайратланарли томони шундаки, номлари ва тавсифи келтирилган 30 га яқин мева ва мевали дарахтлар ҳар бирининг шакли, барг тузилиши, ранги, мевасининг таъми, шифобахшлиги, қайси ҳудудда кўпроқ ўсиши, халққа қай даражада фойдаси тегиши масалалари жиддий эътибор билан ёритилади ва китобхонда ушбулар бўйича мукаммал маълумот ва тушунча ҳосил қилдиради.

Бобур Хиндистон набототи хусусидаги тасвирни “нағзак” мевасидан бошлайди. Ҳатто Хожа Хисрав (Хисрав Дехлавий)нинг шу мева ҳақидаги:

Нағзаки мо нағзкуни бўстон,
Нағзтарин меваи Ҳиндустон.

Мазмуни: “Нағзак”имиз бўстон безаги ва Хиндистоннинг энг гўзал мевасидур” мақтов байтини ҳам келтиради. “Аксар хом узадилар, – деб давом эттиради муаллиф, – уйда пишадур, хоми хуб ош қатиғи бўладур. Ғўрасининг мураббоси ҳам хуб бўладур. Баъзи эл анбани (нағзакни) андоқ таъриф қилиб эдиларким, қовундин ўзга жаъми мевага таржиҳ қилиб эдилар. Эл таъриф қилғонча худ эмастур, кордий шафтолига шабоҳати бор. Пашкол вақтида пишадур. Икки навъ ейилур бири сиқиб, пўла қилиб,

терисини тешиб, сўруб сувини ичарлар, яъни бир шафтолуйи кордийдек терисини аритиб ерлар. Барги шафтолу баргига андаке ўхшар, танаси баднамо ва бад андомдур. Бангола ва Гулжаротта яхши бўлур эмиш" ["Бобурнома". 260].

Муаллифнинг маҳва ёки гулчикон деб аталувчи мева, мевали дарахт ҳақидаги лавҳалари ҳам китобхонни ҳайратлантиради. Бу йиғоч – дарахт ҳам ҳиндистонликлар учун жуда ардоқли экан. Чунки унинг маълумотича, дарахтдан Ҳиндистон эли ҳам иморат учун ёғоч сифатида, ҳам емиш сифатида фойдаланар эканлар. Чунки маҳванинг гулидан арақ, шароб ҳам қилиш мумкин экан. Бундан ташқари унинг гули қуритилиб, ейилса фойдали экан. Бугина эмас, маҳва дарахти меваси мағзидан ёғ-мой ҳам тайёрланар экан. Бобур кирни, жоман, камрак, гулар каби бир неча хил мева ва мевали гул тасвирини келтиради. Бундай дарахт меваларининг шифобахшлигини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, Ҳиндистон хурмоси ҳақидаги кузатишлари ўқувчинигина эмас, балки мутахассислар – ботаник олимларнинг ҳам диққатини ўзига тортиши шубҳасиздир. У хурмонинг Ҳиндистонга кейин келтирилганлигини қайд этади. Сўнгра ёзади: " Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар, бир улким, нечукким, ҳайвонот бошин кесарлар ҳаёти мунқатиъ бўлур. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахти қурур. Яна бир улким, нечуким, ҳайвоноттин бенар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дарахтига ҳам нар хурмодин шохини келтуруб, тегирмасалар яхши бар бермас. Хурмонинг бошиким мазкур бўлди, ул паниридин ибораттур. Хурмо панири андоқ бўлурким шох ва барги чиқар ери панирдек оқ бўладур. Бу оқ панирдекдин шох ва барг чиқадур. Шох ва барг узағон сайи барги сабзроқ бўладур. Бу оқ нимани хурмонинг панири дерлар. Тавредур, ямон эмас. Ул ёнғоқнинг ўл мағзига хейли ўхшар..." деб тавсифда давом этади Бобур. Шунингдек, хурмо сувидан шифобахш шарбат ҳосил бўлишигача у эринмай ёзади. ["Бобурнома", 262].

Бобур арабларда норжил, Ҳиндистонда нолир деб аталувчи норгил ўсимлиги, шифобахш суви хусусида ҳам аниқ тушунчалар беради. Ҳиндистонда гижжакнинг косаси, кора кўшкулар, дарёбоп жиҳозлар, кемаларнинг таноби норгилнинг арчиб олинган пўстидан қилинар экан. Унинг шарбати хурмо шарбатига ўхшашлигини ҳам айтиб ўтади. Ҳозирги пайтда асарда қайд этилган норгил дарахти кокос пальмаси деб юритилмоқда. Бобур норгилнинг пўстидан ип-арқон эшилишини, ёнғоғи ичидаги шарбатининг ўзига хос хусусияти борлигини ҳам қайд этади.

Адиб норинж ва лиму(лимон) мевалари ҳам Ҳиндистонда машҳур эканлигини алоҳида таъкидлаб, уларни ҳар жиҳатдан тўлиқ тавсифлайди. Назаримизда, унинг ўлка ҳудудларида етиштирилувчи мазкур мевалар ҳақидаги ҳайратомуз тасвирлари қомусий олимнинг наботот олами сирларини англашда нечоғлик диққат ва эътибор билан ёндашганлигини намоён этади. Шунингдек, асарда Ҳиндистонда яна норинж(апелсин) ҳамда лиму(лимон) машҳур мевалардан эканлиги айтилади. Унда битта лимунинг чамбарий, садофил, амродпал, амалбу, амалбел, карна каби навлари ҳақида алоҳида-алоҳида тавсифлар берилади. Демак, Ҳиндистон ҳудудларида нағзаки, хурмо, лимуларнинг навлари кўп бўлган. Бобур уларнинг ҳар бир нави орасидаги фарқларни аниқлаб, сўнг батафсил тасвирни беришга муваффақ бўлган.

Бобур норанж мевасининг Афғонистоннинг Ламғонот, шунингдек Бажур ҳамда Савод вилоятларида кўп бўлишини эслатиб ўтади, сабабларини изоҳлайди. Ламғонот апельсини кичикроқ, нозикроқ бўлишини таъкидлайди. Бироқ Хуросон норанж-апельсинларининг ўзгача таъми борлигини ҳам унутмайди. Ҳатто Афғонистон, жумладан, Астробод норанжлари Самарқандга ҳам олиб кетилишини, машҳурлигини айтиб ўтади. Бундай апельсинларнинг териси ва кам сувлигидан узоқ сақланишга Бобур эътибор беради. Шундан Бажурда ўсадиган норанжларнинг катталиги беҳича бўлар экан, сувлироқ бўлиб, чучук таъм экан. Бобур Хўжа

Калон деган кишиси орқали бир норанж дарахтида етти мингта мева борлигини аниқлаттиради. Бу ҳам Бобурнинг мевалар дунёсига нисбатан ўзгача муҳаббати, чуқур тасаввури бўлганлигини кўрсатади. Бобур бу меваларнинг номланишига қизиқади. «Бажур ва Савод эли норанжни тамом норанг дейдурлар», – дейди.

Лиму эса Бобур ўлчовида катталиги юмуртқа – тухумдай экан. Бу ўсимликнинг илдизини қайнатиб ичса мазарратни даф қилур эмиш.

Норанжга ўхшаш мевалардан бири турунж (цитрон) экан. Бу мева Бажур ва Солингда болинг деб юритилар экан. Улардан мураббо тайёрланиши, айниқса Ҳиндистон турунжларининг шарбати ўта хушмаза ва хуштаъм бўлиши, бундай меваларнинг катталиги хисравий қовунча бўлиши қайд этилади...

Адиб норанжга яқин мевалардан улуқ лиму хусусида ҳам сўз юритади. Уни Ҳиндистонда галгал лиму (лимон) дер эканлар. Шакли ва андоми ғознинг тухумига, худди тухум икки томонидек икки боши ингичкароқ бўлмаган бу мева шифобахшдир. Қизиғи шундаки, у лимон навлари ҳақида ёзар экан, амалбел деб аталувчи лимон ичига игнани солсалар эриб кетишини айтади ва сабабини аниқлашга ҳаракат қилади. Бобур жумлалари айнан шундай "Игнани унинг ичига солсалар эриб кетади, турушлигиданми ё хосияти шундайми экан. Туруш норанж (апельсин) ва лимуча (лимонча) бўлғай" ["Бобурнома". 264].

Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда мавжуд ўсимликларнинг, хусусан меваларнинг (йигирмадан ортиқ) навлари ҳақида маълумот беради. Табиатни жон дилидан севувчи Бобур уларнинг хусусиятлари тўғрисида эринмасдан мароқ билан ҳикоя қилади. Бу эса асарда тасвирлаб берилган меваларнинг хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этишда биологлар учун қанчалик фойдали бўлгани каби тилшуносликда терминология масалаларини тадқиқ этиш ишларида ҳам ўта зарурий манба вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ЎРГАНИШГА МУНОСИБ МАВЗУ

Девонима не рабту не тартибдудур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибдурур.
З.М. Бобур

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари, хусусан, «Вақоеъ» – «Бобурнома» ва шеърий девонлари билан китобат ва тасвирий санъат – нафис мўъжаз расмлар тараққиётига жуда катта таъсир ўтказган, дейиш мумкин. Ваҳоланки, ўз даврида у афсус билан юқоридаги байтларни ёзган эди. Чиндан ҳам, шоир ҳаётлигида унинг асарлари муносиб тарзда безатилган эмас ёки ундай қўлёзмалар бизгача етиб келган эмас. Ўз замонида «Вақоеъ» асаридан бир қўлёзма яратилиб, Мовароуннаҳрга жўнатилганини Бобурнинг ўзи ёзиб қолдирган. Бугунги кунда Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган, шоҳ ва шоирнинг она ватанида битилган шеърлари жам бўлган «Девон» қўлёзмасига эса фақат битта расм ишлангани маълум.

Бобур ўзининг шоҳ асари «Бобурнома»ни ҳали тугалламасдан уни сафдоши ва садри бўлган Шайх Зайн Хавофий форс тилига таржима қилишга киришган ва китобдан таъсирланиб, алоҳида бир тарихий асар ҳам яратган. Аммо орадан вақтлар ўтиб ушбу дурдона асар деярли унутилиб, муаллиф нусхаси шаҳзода Султон Салим (1569-1627) учун ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилар эди. Китобни тасодифан кўриб қолган шаҳзоданинг оталиғи Бехрузхон Наврангхон уни форс тилига Мирзо Поянда Ҳасан Ғазнавий ва Муҳаммадқули Ҳисорий ёрдамида таржима қилдириб, 1586 йили Жалолиддин Муҳаммад Акбарга тақдим этади. Мана шундан кейин ўз даврида маънавият раҳнамоси бўлган Акбар йирик шоир ва давлат арбоби Абдураҳим Мирзохонга бобоси китобини форс тилига таржима

қилдириб, унинг кўплаб кўлёзмаларига суратлар ишлатади. Таъкидлаш жоизки, «Бобурнома» расмларини ўрганишга С.И.Тюляев, Ҳамид Сулаймон, М.С.Рандҳава, С.Ҳасанов каби олимлар катта ҳисса қўшганлар[1].

«Бобурнома»нинг расмли қўлёзмалари ўз даврида ўндан ортиқ бўлиб, бизга ўн учта қўлёзма ва айрим вараклар етиб келган. Бундай расмлар беш юздан ортиқ бўлиб, ҳозирча тўрт юз эллик саккизтасининг мавзуси аниқланган[2], қолганлари ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

"Бобурнома" расмлари деб аталган расмлар туркумини яратган юзта рассом номи аниқ бўлса, кўплаб расмлар тагига рассом номи ёзилмагани учун уларнинг ижодкорларини аниқлаш ҳам санъатшунослар олдидаги муҳим муаммолардан биридир.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда Бобур ҳаёти ва ижоди кўплаб рассомлар учун мавзу бўлиб хизмат қилмоқда. 2010 йили Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллиги муносабати билан ёш рассомлар танлови ўтказилган эди. Бундан икки йил аввал моҳир миниатюрачи рассом Зилола Сулаймонова ва унинг Республика рассомлик коллежида таҳсил олаётган шогирдларининг асарлари кўргазмаси аввал Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейда, кейинчалик Темурийлар тарихи музейида намойиш этилди. Улардаги аксарият миниатюраларда ҳам Бобур ҳаёти, «Бобурнома» мавзуси алоҳида ўрин тутган эди.

Шу йилнинг бошида ҳам Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейда «Шарқ нафис санъати ёшлар нигоҳида» мавзусида кўргазма ўтказилди. Унда иштирок

---

[1]Бобур ва Бобурнома расмлари тўғрисидаги адабиётлар «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқалар – Тошкент: Шарқ, 2014. Захриддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография / составитель Ш.Ш.Рустамходжаев – Москва: Восточной литературы, 2016.

[2]Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва ранг тасвир санъати тарихига чизгилар Мадраимов А – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2015, 356-376 бетлар.

этган рассом Бехзод Ҳожиматов ва унинг ўн икки нафар шогирдларининг энг сара асарларидан иборат ажойиб альбом-каталог чоп этилди. Устознинг икки асари ва шогирдларининг бешта асарининг асосий қаҳрамони Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бехзод Ҳожиматов асарларида шоҳ ва шоирнинг мураккаб ҳаёт йўли тасвирлаган. Истеъдодли шогирдларидан Гулҳаё Абдуллаева «Толеъ йўқи жонимга балолиг ўлди» мисраси билан бошланадиган машҳур рубоий мазмунини уч алоҳида лавҳа расмлар, тасвирий санъат воситасида ифодалашга интилган. Бу лавҳаларда етук саркарданинг ёшлиги ўтган она Ватани, Кобулдаги ҳаёти ва Ҳиндистондаги бунёдкорлиги тасвирланган. Саида Жалилова ўз асарида «Бобурнинг юрт соғинчи»ни кўрсатган. Элёр Комилов ижодида «Ҳумоюннинг туғилиши» воқеаси, Дилфуза Исоқова расмида унинг жанговар воқеалардаги иштироки ва Зилола Исроилова миниатюрасида буюк давлат арбоби сиймоси очиб берилган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Республика рассомлик коллежи талабалари асосан «Бобурнома» расмларини айнан қайтариш асосида рассомлик маҳорат сирларини ўрганишга интилган бўлса, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти устози ва талабалари асарларида янгича ёндошув, мумтоз миниатюра ва замонавий изланишлар самарасини кўрамиз.

Умуман, бу мавзу алоҳида ўрганишга муносиб. Мухими шуки, буюк шоир ва олим Мирзо Бобур ўз асарида Темурийлар даври маданиятини тасвирлаган бўлса, Ҳиндистондаги рассомлар Бобурийлар даври маданий, хусусан, тасвирий санъати тараққиётини намойиш эта олишган. Тадқиқотчилар-нинг якдиллик билан таъкидлашича, Бобур Ҳиндистон табиати, ҳайвоноти, паррандалари, дарахтлари, гулларини рассомона тарзда тасвирлаганки, натижада нафис мўъжаз расм санъатида жониворларни тасвирлаш – анималистика, паррандаларни тасвирлаш каби соҳалар тараққиётига катта туртки бера олган.

«Бобурнома» асари Марказий Осиё тарихнавислик анъаналарини Ҳиндистонга олиб келган бўлса, Бобурийлар ҳомийлигида ривожланган нафис мўъжаз расм-миниатюралар жаҳон маданияти хазинасига ҳисса бўлиб қўшилди. «Тарихи хонадони Темурия» номли тарихга оид асар ва «Бобурнома»га ишланган кўплаб суратлар фикримизнинг яққол исботидир.

Бобур мирзонинг авлодлари шоҳ ва шоирнинг давлат арбоби, олим, шоир сифатидаги меросини ўрганиш билан бир қаторда, Бобурийларнинг тасвирий санъат соҳасидаги ютукларини ўрганишга ҳам эътибор бериши зарур деб ўйлайман. Чунки «Бобурнома» расмлари ҳам Ўзбекистон, ҳам Ҳиндистон халқларининг муштарак обидасидир. Шу маънода «Бобурнома» расмли қўлёзмаларининг факсимиле туркумини нашр этиш нур устига нур бўларди.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
Андижон машинасозлик институти профессори, тарих фанлари доктори

МУҲИМ ЭТНОГРАФИК МАНБА

"Бобурнома" асари фаннинг турли соҳа вакиллари каби этнографларни ҳам кўпдан бери қизиқтириб келмоқда. "Бобурнома" этнографик манба сифатида шунинг учун ҳам муҳимки, унда Бобур яшаган даврдаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи, аҳолининг этник таркиби, моддий ва маънавий маданиятига оид кўплаб маълумотлар келтирилган. Чунончи, "Бобурнома"да ўрта аср Андижон аҳолиси ҳақида тўхталиб, Бобур шундай ёзади: *"Эли туркдир. Шаҳар аҳолиси ва бозорига келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ"*.

Бундан маълум бўладики, ўша даврда Андижон, қолаверса Фарғона водийси аҳолисининг асосий қисмини туркий тилли этнослар ташкил қилган. Бу ҳолатнинг ўзи ўзбек халқининг шаклланиши туркий этник асосда кечганлигини кўрсатади.

Яна бир мисол. Бобур ёзади: "*Андижон вилоятининг даштда яшовчи аҳолисидан бири одами кўп Чакрак элидир. Беш-олти минг уйлик эл. Улар Фарғона билан Кошғар орасидаги тоғларда истиқомат қиладилар*".

Тадқиқотлардан маълум бўладики, "Бобурнома"да тилга олинган ушбу чакраклар туркий қавмлардан бири бўлиб, XI-XII асрларда Хоразм воҳасида яшаб бу ўлканинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Чакракларнинг катта бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимларига кўчиб бориб ўрнашганлар. "Бобурнома"да ёзилганидек Фарғона водийси билан Қашқар оралигидаги тоғли ҳудудларда яшаганлар. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. "*Отлари кўп ва қўйлари беҳисобдир*" деб ёзган эди Бобур.

Асарда бундан ташқари кўплаб туркий уруғ-қабилаларнинг номлари келтирилган. Одатда туркий уруғ-

кабилалар номлари Бобуршоҳ хизматида бўлган шахсларнинг исмларига қўшилган ҳолда келтириб ўтилган. Масалан, Шайх Абдулло *барлос*, Маҳмуд *барлос*, Мирзошоҳ *қавчин*, Али Мазид *қавчин*, Пир Аҳмад *арғун*, Ҳасан Али *жалойир* ва бошқалар.

Маълумки, юқорида номлари келтирилган уруғ-кабилалар ўзбек халқининг шаклланишида фаол иштирок этган этник компонентлар ҳисобланади. Шу боис, бундай маълумотлар халқимизнинг этник тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

"Бобурнома"да муаллиф ўзи маълум вақт яшаган Кобул вилояти аҳолисининг этник таркибини жуда яхши таҳлил қилиб берган. *"Кобул вилоятида хилма-хил қавмлар бордир. Тоғ оралиқлари ва текисликларда* турклар, аймоқлар, саҳройи араблар, *шаҳар ва баъзи кентларда* сортлар *истиқомат қилишади. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида* пашойи, парожий, тожик, бараки ва афғонлар *яшашади. Ғарбий тоғларида* ҳазора ва нақдарийлар *яшайдилар"*, – деб ёзади Бобур.

"Бобурнома"да ўша даврда кенг тарқалган кийим-бошлар, улар тайёрланадиган мато турлари ҳамда кийиниш одатлари каби муҳим этнографик маълумотлар ҳам келтирилган. Бобур отаси Умаршайх мирзо ҳақида тўхталиб ёзади: *"Тўнни роса тор кияр эди. Шунчаликки, белбоғ боғлаганда қорнини ичига тортиб боғлатар, боғлангандан сўнг ўзини қўйиб юборса кўпинча боғлари узилиб кетарди... Саллани махсус салла ўрайдиган киши ўраб қўяр эди. У замонда саллалар бутун тўртўрама бўларди. Текис чирмаб, учини осилтириб қўярдилар"*.

Бобур ўз асарида Султон Ҳусайннинг шакл ва шамойили ҳақида гапириб, *"...Улуғ ёшга етиб, соқоли оқарган бўлса-да, хушранг, қизил-яшил ипак матолардан кийим кияди. қора қўзи терисидан қилинган бўрк ё қалпоқ кияди"*, деб ёзади.

Шунингдек, "Бобурнома"да *"чакмон"*, *"тугмали қундуз тўн"*, *"туя жунидан тўқилган тўн"* ва бошқа турли шойи сарполарнинг номлари ҳам келтирилганки, бу албатта

анъанавий кийимларни ўрганишда муҳим этнографик маълумотдир.

"Бобурнома" асари Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халкларининг урф-одат ва маросимлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. Чунончи, Бобур ўз асарида ўша давр аёллари орасида кенг тарқалган, бола туғилиши билан боғлиқ бажарилган бир расм-русм ҳақида шундай ёзади: *"Аёллар орасида расм бўлган бир фол кўриш усули бор: ўғил бўладими ё қиз бўлармикин, деб икки қоғозда – бирида Али ё Ҳасан ёзиб, яна бирида Фотима битиб, икки юмалоқ лой ичига қўйиб, у лойларни бир коса сув ичига соладилар. Ҳар қайси олдин очилса, ўшандан далил кузатадилар".*

Шу жойда айтиб ўтмоқчимизки, Фарғона водийси бўйлаб уюштирилган дала экпедицияларимиз давомида аҳоли орасида ўтган асрларда шунга ўхшаш архаик иримлар сакланиб колгани маълум бўлди.

"Бобурнома"да Ҳиндистонда бўлиб ўтган бир тўй маросими тасвирланган. Унда тўйда иштирок этган турли халкларнинг вакиллари, уларни маросим давомида ўтириш тартиби, мехмонларга тарқатилган тортиклар, дастурхонга тортилган таомлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобур ўз асарида ушбу тўйда ҳиндистонлик лўлилар томонидан кўрсатилган кўнгилочар томошалар ҳақида ҳам жуда қизиқ маълумотларни берган. Бобур ёзади: *"...Лўлилар келиб томоша кўрсатдилар Ҳиндустон лўлилари шундай томоша кўрсатдики, бизнинг вилоятлардаги лўлилардан бундай ишларни кўрган эмасдик. Масалан, бири шундайки, улар етти ҳалқани олиб, биттасини пешонасига ва иккинчисини тиззасига жойлаштиради. Қолган тўртта ҳалқадан иккитасини қўлининг бармоқларига, иккитасини оёғи бармоқларига кийдириб тез ва тўхтовсиз айлантиради. Яна бир томошаси шундаки, бизнинг ўлкалардаги лўлилар икки ёғочни оёгларига боглаб "пойи чўбин" – "ёғоч оёқ" қилиб юрадилар. Ҳиндустонлик лўлилар эса бир оёғи билан*

"ёғоч оёқ" қилиб, уни ҳатто оёқларига боғламасдан ҳам юра оладилар".

Асарда бундан ташқари яна кўплаб этнографик маълумотлар жой олган. Бу эса асарни мухим этнографик манба эканлигини тасдиқлайди. Хулоса шуки, Андижон фарзанди Бобурнинг "Бобурнома" асари хали кўплаб тадқиқотлар, хусусан этнографлар томонидан ёзиладиган илмий ва илмий-оммабоп асарлар учун қимматли тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Неъматилла ОТАЖОНОВ,
Филология фанлари доктори, профессор.

ТОЛМАС БОБУРШУНОС ОЛИМ – ҲЕНРИ БЕВЕРИЖ

Европа илм аҳлига "Бобурнома"ни биринчи марта таништирган олим голландиялик Витсен 1705 йилда асардаги Фарғона водийсининг жўғрофиясига оид тасвирларни таржима қилиб Амстердамда нашр эттиради. Ушбу таржима туфайли бир томондан, ўзбек халқининг бой мероси билан Европа халқлари таниша бошлаган бўлса, иккинчи томондан, инглиз шарқшунослари таърифлаган "бобурийана" даври ҳам бошланади.

Лекин Бобурнинг Европадаги чинакам шуҳрати роппа-роса юз йилдан кейин, XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқшунос олимларининг хизмати катта бўлди. Улар "Бобурнома"ни таржима қилиб, нашр эттиришдан ташқари, уни тадқиқ этиш, Бобур ҳаётини ўрганиш ишини ҳам қизғин давом эттирдилар.

Умуман, Бобурнинг ҳаёти, шахсий қобилиятлари Европа тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирган эди. Бобур сиймосида улар улкан саркарда, моҳир давлат арбоби, дилбар ва дилкаш инсонни кўрдилар.

Инглиз шарқшуноси А.С.Бевериж хоним айтгандек, Жон Лейден форс, эски ўзбек ва хинд тилларини мукаммал ўзлаштирган машҳур шарқшунос олим бўлса, форс адабиёти бўйича бир қанча тадқиқотлар муаллифи Вильям Эрскин эса "Европалик бобуршунослар" ичида **"биринчи кашшоф", "дунё китобхонлари"** олдида катта хизматни адо этган йирик шарқшунос-тарихчи ва таржимон эдилар.

XX аср бошларига келиб "Бобурнома"га бўлган қизиқиш янада кучайди. Китобнинг асл нусха қўлёзмаларини излаш ишлари авж олди. Бу борада шарқшунослардан Аннет Бевериж хоним ва Ҳенри Беверижнинг олиб борган тадқиқот ишлари диққатга лойиқ. Айниқса, А.С.Бевериж хонимнинг

изланишлари **бобуршунослик фани** учун ўта аҳамиятлидир. Улар юзасидан махсус илмий –тадқиқот ишлари, уларни таржимонлик маҳоратини яратиш вақти келганлигини айтиш муҳим.

Бобур асарларини ва қўлёзмалари, бобурийлар тарихи, меросини ўрганишда катта тажрибага эга, Буюк Британиянинг Ҳиндистондаги фуқаролик хизмати ташкилотида ишлаган, отасини таъсири туфайли форс ва бошқа тилларни яхши ўзлаштирган Ҳенри Бевериж 1887 йилдан бошлаб биринчи бор "Ройал Азиатик" журналида "Жаҳонгирнинг онаси" номли мақоласи билан қатнашиб бобуршунос олим сифатида танила бошлайди.

Ҳенри Беверижнинг вафоти муносабати билан ёзилган таъзияномада унинг "Калькутта Ревю" ҳамда "Ройал Азиатик" журналларида мунтазам қатнашиб, "Бобурнома" ва унинг номаълум саҳифалари, улардан парчалар бостириб, 30 дан ортиқ қизиқарли, бахсталаб мақолаларни эълон қилганлиги мамнуният билан қайд этилади.

Ҳ.Беверижнинг мақолалари мазмунининг ранг-баранглиги, тил ва услубининг гўзаллиги туфайли, турли матбуотларда Бобур ҳаёти ва фаолиятига оид бадиий асарлар яратилишига туртки бўлиб хизмат қилаётганлиги билан ажралиб туради.

Бевериж Абулфазл Алломийнинг Бобурийлар сулоласига бағишланган "Акбарнома" асарини форс тилидан инглиз тилига ўгириб, Англия ва Ҳиндистонда чоп қилиш учун 13 йил меҳнат қилганлигининг ўзи таҳсинга сазовордир.

Бобурийлардан Акбарнинг ўғли Жаҳонгиршоҳнинг "Жаҳонгирнома" (Жаҳонгир тузуклари) асари инглиз, урду ва бошқа тилларга ўгирилган эди. Ҳенри Бевериж уни шарқшунос олим Александр Рожерс билан ҳаммуаллифликда форсийдан инглиз тилига таржима қилиб, 1909-1914 йилларида Ҳиндистонни Калькутта шаҳрида чоп эттирган.

Буюк подшоҳ Акбар ҳақидаги бу асар инглиз китобхонларининг энг севимли китобига айланган, десак муболаға бўлмайди.

Йирик тарихий олмос "Кўҳинур" ҳақидаги "Бобурнинг олмоси: Кўҳинурми?" (1899 йил), "Афғон афсонаси" (1901 йил), Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарида соҳибқирон Бобур тимсоли" (1906 йил), "Акбар" каби 30дан ортиқ илмий мақола ва таржималари "Бобурнома"ни янада чуқурроқ ўрганишда муҳим омил ҳисобланади.

Олимнинг 1897 йили "Калькутта Ревю" журналида босилган 35 саҳифадан иборат "Бобур подшоҳ ғозий" деб номланган мақоласи оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган, буюк ва истеъдодли шахс, саховатли, мард, бутун умрини фанга, санъатга бағишлаган инсон, унинг "Бобурнома"си ҳақида батафсил маълумот беради.

Олим Ҳиндистонга қилган ҳар галги сафари чоғида "Бобурнома" қўлёзмаларини жамлашга ҳаракат қилар, кўлга киритилган ноёб манбаларни рафиқаси Анетта Бевериж хонимга етказар, шу йўл билан "Бобурнома"ни янги инглизча нашрини тўлдиришга ўз ҳиссасини қўшарди.

Толмас бобуршунос олим рафиқаси билан бобурийлар тарихини яратиш ишига 35 йиллик умрларини баҳшида қилдилар.

Беверижларнинг фарзанди - Вильям Бевериж ҳам ота-онасининг изидан бориб, бобурийлар салтанати тарихини ўрганишга ўз ҳиссасини қўша олди, уларнинг ҳаёти ҳақида "Уларни Ҳиндистонга чорлаган" деб номланган асар ярата олди.

Хуллас, "Бобурнома" – инглиз ўзбек илмий ва адабий алокалари тарихида етакчи манбага айланиб қолди.

Жумабой РАҲИМОВ,
тарих фанлари номзоди

АМИР ТЕМУР "ТУЗУКЛАР"ИДА АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ МЕЗОНИ

Улуғ шахслар ўз халқини буюк ишларга бошлар экан, уларнинг тарих олдидаги хизматлари ҳам, албатта, буюкдир. Бу ҳолат сиёсат майдонида Соҳибқирон Амир Темур намоён этган бетакрор даҳолик хусусиятлари таҳлил этилганда янада якқолроқ намоён бўлади.

Ҳозирги кунга қадар жаҳон ижтимоий фанларида андозага айланиб улгурган евроцентризм ғоясига асосланган қарашлар орасида барча дарслик, қўлланма ва услубий йўриқномалардан тортиб, тарихий, ҳуқуқий илмий адабиётлар мазмунидан чуқур жой эгаллаган бир тушунча мавжуд. Унга кўра, Парламент ва Конституция тушунчаларининг илк бора Англия, АҚШ ва Францияда пайдо бўлган. Эътиборли томони, мазкур тушунча дунё халқлари онгидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Биз илк марта шу тушунчага қарама-қарши илмий қарашни "Нур ғарбдан эмас, Шарқдан таралади" ғоясига таяниб, ўтган йили нашрдан чиққан "Амир Темур. Адолат ва қудрат тимсоли" альбом-китобимизда (Тошкент, Ўқитувчи, 2017) Соҳибқирон ҳазратларининг "Тузуклар"и бу том маънодаги Конституция асослари эканлигини инкор қилиб бўлмайдиган мисоллар асосида ҳар жиҳатдан далилладик.

Айтиш керакки, бу – илмий фикримиз зўрма-зўраки тарзда фанга тиқиштирилаётган ғоямиз эмас. Бу ҳолат тарихий адолатнинг ҳақиқат билан ҳимояланган кўринишидир. Тўғри, жамоатчиликда шундай фикр туғилиши ва олимлар ҳамда мутахассислар ўртасида баҳсга замин яратиши табиий. Аммо, биз бу фикрни тарих ҳақиқати ва унинг рад этиб бўлмас манбаларини тилга олиб, хоҳлаган илмий ташкилот минбарларида айтишга, шунингдек, чет эллик олимлар билан ҳар қандай мунозарага тайёрмиз. Фақат

Конституциянинг илк илдизларидан бири бу Ўзбекистон эканлигини фахр билан эътироф этиш ва уни халқимиз онги ва шуурига сингдириш учун бир оз вакт лозим. Негаки, ҳар қандай янгилик бирданига қабул қилиниши ёки неча асрлар биринчилик мавқеини эгаллаб келаётган фикрлар ўз ўрнини янгиликка дарҳол бўшатиб бериши қийин. Янги ғояни қабул қилиш ҳам худди муз эришига ўхшаш аста-секинлик билан рўй берадиган ҳодисадир. Энди тарихий далил ва манбалар билан Парламент ва Конституция ижтимоий институтларининг Европа ва АҚШда эмас, айнан Амир Темур салтанати ва даврида давлат бошқаруви жараёнида шаклланиб, сиёсий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олганлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этсак.

Европа уйғониш давринининг улуғ мутафаккири Жонн Локкнинг Амир Темур "Тузуклар"ини маъно ва мазмун жиҳатидангина эмас, мантиқан ҳам Конституция бўлганилигини, ҳар бир инсоннинг эркинлигини таъминлаган, ташаббус ҳамда истеъдодларини рўёбга чиқаришни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи Бош қонун бўлганлигини қуйидагича изоҳлаб, ғоят юқори баҳо беради: **"Амир Темур чиқарган қонунлар, аввало, барча табақаларнинг тинчлиги, фаровонлиги, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг ташаббус ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эди".** Бу эътироф моҳиятига таҳлилий ёндашадиган бўлсак, фикр эркин жамиятнинг эркин фуқаролари ва уларнинг ҳуқуқлари тамомила қонунлар билан ҳимояга олингани ҳақида бормоқда. Жонн Локк Амир Темур қонунларини соф маънодаги Конституция эди демаса-да, "Тузуклар"га берилган баҳонинг ўзи унга Конституциявий ҳужжат маъносини бериб турибди.

Айтайлик, узоқ тортишувлардан кейин, ЮНЕСКО ташкилотининг аралашуви билан "Авесто"нинг Ватани қадим Хоразм эканлиги қайд этилиб, 2000 йилда жаҳон миқёсида 2700 йиллиги нишонланди. Шу ташкилот ҳисобидан

"Авесто" боғи ва унинг рамзий маънодаги ёдгорлиги тантанали очилди.

"Авесто"да ҳам давлат ва жамиятнинг Бош ва катъий қонунлар мажмуи маъносини бериб, шу асосида фуқароларнинг эркинлиги, тинчлиги, касбий фаолияти мухофазасини таъминлайдиган қонунлар чиқарилган. Ҳар бир инсоннинг озодлиги, эркинлиги, ижтимоий фаолияти қонун билан ҳимояга олинган. Демак, шу жиҳатдан олсак, Конституция яратилишининг илк тамал тоши юртимизда қўйилган. Комил, маънавий етук инсонлар тарбияси оркали озод, эркин, тараққиётга етаклайдиган жамият куришдек олийжаноб ва улуғвор вазифани мозий тонгидаёқ ўртага қўйиш "Авесто"нинг буюк кашфиёти эди. Буни орадан 2700 йил вақт ўтиб, эътироф этилиб, Халқаро ташкилот томонидан қарор билан мустаҳкамланиши ҳам катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ана шундан, яъни "Авесто" яратилганидан буён Конституциянинг ҳуқуқий биносини шакллантириш асрлар давомида Шарқда, жумладан, Ватанимизда ҳам давом эттирилди. Мозий манбаларида давлат ва жамиятни идора этиш қонунлари номланиши ва уларнинг турли даврларда Бош қонун вазифасини ўтаганлигини қуйидагиларда кўрамиз.

"Тўра-тузук" сўзининг қадимий даврда истеъмолдаги ҳуқуқий маъноси урф-одат, тартиб, қонун-қоида, ойин дея аталган бўлса, бугунги кундаги синоним сўз маъноси эса кодекс, доктрина ва барча ҳуқуқий йиғмаси Конституция маъносини беради. Унинг тарихий даврлар жараёнида турлича ном билан аталишига диққатингизни қаратамиз. "Тўра-тузук"нинг сиёсий ёхуд бошқа соҳалардаги ҳуқуқий мақомдаги ўрни ва вазифаларини қуйидаги йўналишларда кўришимиз мумкин: у подшоҳ ва ҳукмдорлар таржиман ҳоли, сиёсий фаолиятлари, давлатни бошқариш қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқлар баёни, турмуш-тармуши, ахлоқ-одоби, давлатни идора қилиши, турли мансаб эгаларига белгиланадиган ҳуқуқлару бурчлар, вазифалар, халқ билан муомала-муносабатлар, хайр-саховат, амалдору фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги хизматлари учун тақдирлаш масалалари,

солиқ тизими, жазо бериш, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги ёки юришлар олиб бориш тартиби каби қонун-қоидалар мужассамидан иборат Олий ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг турли даврларда номланиши эса турлича бўлган. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Бобурнинг ("Бобурнома") "Тузуки Бобурий", Абулфазл Алломийнинг "Ойини Акбарий", Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгирнинг "Тузуки Жаҳонгирий", Ғиёсиддин Хондамир ёзган "Қонуни Ҳумоюн" каби қатор хукукий асарларини ҳам келтириш мумкин. Улар орасида салтанатнинг Конститутцияси мақомидаги – Бош қонун-қоидалар мужассами бўлмиш Амир Темур "Тузуклар"и энг мукаммали бўлиб, барча даврлар учун андоза бўладиган хусусиятларга эгадир. Амир Темур айнан шу "Тузуклар"ига таяниб ўрта асрлар шароитида мўғуллар вайрон этган Мовароуннаҳрни жадал ривожлантириб, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатига айлантира олган. Адолат ва барча фуқароларнинг эрки таъминланиб, тинчлиги кафолатланган юртдагина худди шундай жамият барпо этиш мумкин бўларди. "Тузуклар" Соҳибқирон Амир Темурнинг аклий заковати ва сиёсий тафаккурининг юқори – олий чўққиси бўлди. Унинг "Тузуклар"и ёхуд Конституцияси энг илғор ғояларни ўзида мужассам этган, адолат ва ҳақиқатга хизмат килувчи ҳуқуқий бош ҳужжат эди.

Соҳибқирон ҳазратларининг бемисл тараққиётга йўл очган давлат бошқаруви ўша пайтдаги заиф Европа давлатлари қироллари ва жамиятининг кўзини очди. Зеро, у даврда Ватикан олий Руҳонийсига мутлақ қарам; маърифат йўли бўғилган эди. Бу вақтда Амир Темур исломнинг йирик вакилларини маънавий-руҳий тарафдан ўзи қураётган адолатли тузумни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларига сафарбар килиб бўлган эди. Натижада дунёвий давлат ҳам, дин ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалиш сари барча кучларини бирлаштирган ҳолда конунчилик доирасида ҳамнафас бўлдилар. Табақалар, гуруҳлар ўртасида чинакам бирлик, иттифоқдошлик содир

бўлди. Қайси соҳа бўлмасин, ким бўлмасин, салоҳият ва истеъдодлари қўллаб-қувватланди, рағбатлантирилди. Ким давлат ва жамият равнақига фидойилик қилиб хизмат кўрсатса, давлат назаридан четда қолмади. Кимки меҳнатсиз йўл билан, яъни алдамчилик, ғирромлик, ўғрилик, босқинчилик, йўлтўсарлик билан жамият ҳаётига тўсиқ бўлса ёки зид иш қилса, жазосиз қолмади. "Тузуклар"даги қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш барчадан – оддий халқдан то олий амалдорлар табақаларигача бир хил талаб этилди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур эркин ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини жаҳонда биринчи бўлиб бунёд этган эди. Бу унинг жаҳон сиёсий ҳаётидаги буюк хизмати бўлди.

Амир Темур эркин фуқаролик жамиятини шундай ҳуқуқий асослар билан муҳофазаладики, нафақат Конституциянинг илк ижодкори, балки дунёда мукаммал фаолият юритувчи Парламент – Олий Мажлиснинг бунёдкорига айланди. Айримлар Англия Парламенти Қироллик тузумидаги фаолиятини Амир Темурдан анча олдин, яъни 1265 йил – XIII асрнинг иккинчи ярмида бошлаган эди-ку дея бизнинг фикримизга эътироз билдириши табиий. Бирок Англия Парламентининг тузилиши ва қиролга нисбатан мавқеи фақат маслаҳат ҳуқуқига эга бўлиб, ижтимоий табақаларнинг барчасидан вакиллар қатнашмас эди. Парламент аслида французча "parle", яъни гапирмоқ сўзидан олинган бўлиб, "кенгаш" маъносини билдиради. Англия Парламенти қиролнинг майлига қараб чақирилган. Унинг фаолияти мунтазам давом этмаган. Фақат XVII асрдан кейингина қонунлар чиқаришда фаол иштирок этган. Шунга қадар Лордлар палатасида епископлар, йирик ер эгалари, қирол томонидан махсус таклиф қилинганлар мажлис ўтказишарди. Умумпалатада ҳар бир графликдан чақирилган икки рицар ва йирик шаҳарларнинг иккитадан вакиллари иштирок этардилар. Улар фақат молиявий масалаларни муҳокама қилишда иштирок этганлар. Умуман олганда, Англия Парламенти ўрта асрлар даврида қиролга тамоман қарам ва фаолияти ниҳоятда заиф эди.

Амир Темур "Олий Мажлис"и ундан тубдан фарқ қилиб, ўз даврининг мукаммал Парламенти эди. Олий Кенгаш ёки Олий Мажлис йиғинлари Машварат ёки Қурултой, Катта Кенгаш ёхуд Кичик Кенгаш шаклида чақирилиб, унинг ҳозирги икки палатали парламентдан деярли фарқи йўқ эди. Амир Темур бундай Олий Мажлис йиғинларида иштирок этувчи ўн икки табақа вакилларидан бирортасининг қўйилаётган масала хусусида сўзини бирор марта ҳам тўхтатиб қўймаганлигини ўз "Тузуклар"ида қайд этган ва шу билан бирга кўрилаётган масала қайси соҳага дахлдор бўлмасин, обдан пишиб етилмагунга қадар қарор қабул қилинмаган. Қарор Олий Мажлис – Машварат, яъни Парламентда қабул қилингандан Амир Темур фармони Олий бериб, уни зудлик билан салтанат бўйлаб амалга ошириш йўлга қўйилган. Қонун ва унинг ижроси бир хил кучга эга бўлгани ва ғоят ҳаётий бўлгани учун ҳам Амир Темур даврида мамлакат қисқа даврда юксак тараққий этиб, дунёнинг барча мамлакатларига андоза бўлди, довруқ таратди.

Амир Темур йўлбошчилигидаги бу ғалабалару муваффақиятлар тўлқини Европани оёққа турғазди. Хулоса шуки, барча халқларга дини, тили, жинси, ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқли қонун устувор бўлган салтанат барпо этди. Мамлакат тинчлиги, хавфсизлиги ва эркинлиги, фаровонлигига кафолат берувчи Бош Қонун – Тузуклар – Конституциявий давлатни вужудга келтирди. Қолаверса, Осиё, Африка ва Европа ўртасида Чингизхон ва Чингизийлар барбод қилган уч қитъа ўртасида узилган сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларни тўла қайта тиклаб, бу қитъалар ва мамлакатлар ўртасида тинч-тотувлик, тараққиёт, фаровонлик байроғини дадил кўтарди. Бу жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг сиёсий обрўсини ҳамиша кўтарадиган ва тарихимиз орқали ўзлигимизни янада теранроқ англашга имкон берадиган жаҳоншумул маданий-маърифий ҳодисадир.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ
ЎзР ФА Я. Ғуломов номли
археологик тадқиқотлар институти ректори,
тарих фанлари номзоди

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Жуда қадим замонлардан бошланган, халқлар ва мамлакатларни иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатлардан ўзаро бирлаштирган, қитъалараро ўтувчи савдо-карвон йўли – Буюк Ипак йўлининг давлат тараққиётидаги муҳим аҳамиятини яхши англаган Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ бу йўлнинг тикланишига ҳамда ривожига катта эътибор берди.

Негаки, XIII асрнинг бошида юз берган катта ҳалокат – мўғуллар босқини туфайли бу йўл деярли тўхтаб қолган эди. Йўлнинг ҳаракатланиб турган қисми ҳам савдо карвонлари учун хавфли, йўл ёқасида пайдо бўлган сан-саноқсиз ўғри-қароқчилар карвонларни талар эди. Амир Темур биринчи навбатда савдо-карвон йўлининг хавфсизлигини таъминлашга киришади, Натижада, савдо-карвон йўллари бутунлай хавфсизлантирилади. Буни Амир Темурнинг "Дунёнинг ярмини эгалладим, салтанатимнинг у четидан – бу четига бирор болакай бошида бир лаган олтин кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим" – деган сўзларидан англасак ҳам бўлади.

Савдо-карвонларининг Буюк Ипак йўлида бемалол, машаққатсиз ҳаракатланишлари учун хавфсизликдан ташқари қулай карвонсаройлар, дам олиш манзилгоҳлари, сувсиз ҳудудларда эса махсус сув тўплайдиган иншоотлар-сардобалар лозим эди. Амир Темурнинг кўрсатмаси билан савдо-қарвон йўлининг ёқасига бир неча ўнлаб шинам ва қулай карвонсаройлар барпо қилинди. Бу карвонсаройларда савдогарлар ва карвонбошилар учун барча қулайликлар мавжуд эди.

Шундай карвонсаройлардан айримлари археологлар томонидан очиб ўрганилган бўлиб, у Самарқандлан Шаҳрисабзга борадиган йўлдаги довонда барпо қилинган ва "Тахти Қорача" карвонсаройи деб аталган. Йирик карвонсаройлар нафақат карвонлар ва савдогар дам оладиган жой бўлган, балки бу ерда савдогарлар ўзаро мулокотлар килганлар, мол айирбошлаганлар ҳамда дунё бозорларидаги нарх-наволардан бохабар бўлганлар.

Қорахонийлар ҳамда Темурийлар даврида ҳам фаолият кўрсатган карвон- саройлардан бири бу Самарқанд-Бухоро карвон йўли устидаги Работи Маликдир.

Бу ҳашаматли карвонсарой савдо карвонлари дам оладиган, мол-мулкларини асрайдиган хоналар, ҳашаматли ҳаммом ва масжиддан иборат бўлган. Айрим олимларнинг фикрларича, бу ерда то XIII асрнинг бошларигача корахонийларнинг даштдаги резиденцияси бўлган, мўғуллар боскинидан сўнг резиденция вайрон қилингач у Ипак йўли устидаги йирик карвонсарой сифатида фаолият кўрсатган.

Карвонсаройни қазиб ўрганиш пайтида Амир Темур ва темурийлар даврига мансуб жуда кўплаб кулолчилик идишлари, тангалар топилган, бу карвонсаройнинг темурийлар даврида ҳам жуда гавжум бўлганлигини кўрсатади.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу карвонсарой шайбонийлар даврида ҳам фаолият кўрсатган.

Буюк Ипак йўлини ривожлантириш ва уни қулай савдо-карвон йўлига айлантириш учун Амир Темур ва темурийлар томонидан қўлланилган тадбирлардан бири бу карвон йўлининг чўл ва даштлардан ўтган қисмида махсус сув сақлайдиган иншоотлар – сардобаларнинг курилишидир.

Сардобалар асосан савдо карвон йўлининг чўл худудларида, ичимлик суви танкис ерларда бунёд қилинган гумбазли ҳовуз бўлиб, жой рельефига кўра маълум бир масофада жойлаштирилган.

Карвонлар узоқ йўл юриб белгиланган вақтда манзилларида бўлиши учун ҳам сардобалар ўртасидаги масофа бир хил қилинган.

Ўзбекистондаги Буюк Ипак йўли устидаги барпо қилинган сардобалар ҳар томонлама қулай ва чўл ҳудудлаги мавжуд барча талабларга мос равишда қурилган.

Марказий Осиёда бунёд қилинган сардобаларнинг қурилиш материаллари пишиқ ва хом ғишт, йўнилган тош, ганч ва бошқа компонентлардан иборат махсус қоришмалардан иборат бўлган. Марказий Осиёда сақланиб колган сардобаларнинг кўпчилигининг асоси, девори, гумбази туртбўрчак шаклидаги пишиқ ғиштлардан иборат бўлган. Усти гумбаз кўринишидаги сардобалар асосан Марказий Осиёнинг қуруқ саҳро ҳамда чўл мавзеларида бунёд қилинган. Ҳозирги кунда Марказий Осиёда мавжуд сардобаларнинг 44 таси яхши сақланган ҳолда бизгача етиб келган.

Булардан 16 таси Туркманистон ҳудудида, 12 таси Қарши чўлида, 10 таси Бухорода, 3 таси Жиззах-Сирдарё оралиғида ва 3 таси Хўжанд-Тошкент ораликларида жойлашган. Сардобаларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг айримлари темурийларгача, темурийлар ва шайбонийлар даврларида бунёд қилинган. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак сардобалар Мовароуннаҳр ва Хуросонда савдо-сотиқни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Буюк Ипак йўлини ривожлантириш учун шаҳарлар ичида ёки атрофларида барпо қилинган бозор, раста, тоқ ва тимлар каби савдо иншоотларининг аҳамияти катта бўлган. Буни яхши англаган темурий ҳукмдорлар катта-кичик шаҳарларда юқорида номлари тилга олинган савдо нукталарини кўплаб курдирганлар.

Шак-шубҳасизки, ички ва ташқи савдонинг ривожланишида бозорларнинг аҳамияти катта бўлган. Шарқ бозорларининг ривожланиш даври антик даврлардан то сўнгги ўрта асрларгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Катта

ва кичик шаҳарларда кўплаб бозорлар, дўконлар, расталар, тимлар ва ҳунармандлар устахоналари мавжуд бўлган. Савдо расталари Марказий Осиё ҳудудида қадимдан шаҳар марказларида, катта йўллар туташган чорраҳаларда жойлашган. Катта магистрал чорраҳалар кесишган жойларда мураккаб тузилишга эга, ҳамма томонлари очиқ гумбазлардан ташкил топган иншоотлар бўлиб улар "тоқ" деб номланган. Бундай иншоотлар Бухоронинг эски шаҳар қисмида кўплаб сақланган. Бу гумбазларнинг ҳар бири ўзига хос ҳунармандчилик устахоналари борлиги, расталар, темирчилар, заргарлар, кулоллар, гилам ва кашта тўқувчилар каби соҳалардаги ҳунармандлари билан фарқланади.

Шаҳарларнинг бош кўчаларининг кесишган чорраҳаларида бозор иншоотлари – "чорсу"ларнинг жойлашиши, шаҳар марказида Регистонларнинг бўлиши тарихий шаҳарларнинг алоҳида хусусияти бўлган. Бу манзара темурийлар даври шаҳарсозлигида яққол намоён бўлади.

Буюк Ипак йўлини ривожлантириш учун аввалambор Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандчиликни ривожлантириш зарур эди. Чунки пишиқ, сифатли ва бежирим ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда жуда харидоргир бўлган.

Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиёда тараққий этган ҳунармандчилик соҳаларига эътибор берадиган бўлсак, бу даврларда тўқимачилик гуркираб ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. Зодагонлар, аслзодалар, савдогарлар ва дин пешволарининг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун катта миқдорда қимматбаҳо газламалар керак бўларди. Темурийлар давридан бизнинг кунларимизгача етиб келган ёзма манбалар, миниатюралар ва газламаларнинг қолдиқларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўша пайтларда зодагонлар бахмал, сиқарлот, кимхоб, катон, фута, тафта, занданачи каби қимматбаҳо, нафис газламалардан либослар кийганлар. Ипак, пахта ва жундан тўқилган бу газламалардан нафақат либослар тикилган, балки чойшаблар, кўрпа- тўшаклар, белбоғлар ҳамда саллалар,

тўнлар тикилган. Шу ўринда занданачи газламаси ҳақида алоҳида тўхталмоқ лозимдир.

Антик даврининг охири ва илк ўрта асрларда Буюк Ипак йўлида жуда харидоргир ва машҳур бўлган, савдогарлар томонидан Шарқ ва Ғарб мамлакатларига олиб кетилган бу газлама Темурийлар даврига келиб ҳам ўз машҳурлигини йўқотмаган эди. Тарихий манбаларда ёзилишича, XIV-XV асрларда пахтадан тўқилган занданачи газламаси Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларига ҳам таркалган, кўплаб европалик бой-зодагонлар бу матодан либос тиктиришни ёктирганлар.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда яхши ривожланган ҳунармандлик соҳаларидан бири бу қоғоз ишлаб чикариш эди. Темурийлар даврида айникса Самарканд қоғози жуда машҳур ва харидоргир бўлган. Эронда нашр этилган. "Девони Манучеҳр" номли манбада айтилишича, XI асрда жуда кўплаб эронлик шоирлар Самарқанд қоғозига бағишлаб шеърлар битганлар. Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланади" – деб ёзган эди.

XVI асрда яшаган машҳур хаттот Султон Али Машҳадий ўз рисоласида: "Самарқанд қоғози қандай ажойиб. Агарда сен ақлли инсон бўлсанг унга бефарқ бўлма. Унга ёзилган хат равон ва чиройли чиқади, аммо у тоза ва оппоқ бўлмоғи лозим. Бу хоҳ оддий, хоҳ Султоний қоғоз бўлсин, яхшисини олишга ҳаракат қилгин" – деб ёзган эди. Ҳиндистонда ёзилган "Бурҳони Қотеъ" номли форс тилидаги луғатда: "Самарқанддан ажойиб қоғоз келтирилади" – деб ёзилган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, Самарқанд қоғози ўз сифати билан Шарқ ва Ғарб мамлакатларида жуда машҳур бўлган эди. Европалик олим Адам Мец ўзининг "Мусулмон Ренессанси" номли асарида: "Самарқанд қоғозининг кашф қилиниши буюк ўзгаришларни бошлаб берди" – деб ёзган эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд қоғозига бўлган эҳтиёж янада ортади. Чунки пойтахт Самарқанд ва

давлатининг барча томонларида илм-фан, хаттотлик гуркираб ривожланади. Хукмдордан тортиб, маликалар, шахзодалар ва барча катта-кичик амалдорлар ўз кутубхоналарига эга эдилар.

Амир Темур ва бошқа темурийзодалар даврида кутубхоналар нафақат китоблар сақлайдиган жой бўлган, балки бу кутубхоналар айни вақтда нашриёт ва босмахона вазифасини ҳам бажарганлар. Бу ерда моҳир хаттотлар ноёб китобларни Самарқанд қогозига кўчирганлар. Савдо карвонлари Самарқанд қоғозини дунёнинг турли томонларига олаб кетганлар. Моҳир хаттотлар ўз даврининг нодир ва ноёб асарларини Самарқанд коғозига кўчирганлар, шу сабабли ўша қўлёзмалар то бугунги кунларгача етиб келгандир.

Булардан ташқари, XIV-XV асрларда Темурийлар салтанатида кулолчилик, кандакорлик, заргарлик, кўнчилик, гиламчилик, чодир тўқиш, этикдўзлик, ҳар хил қурол-яроғлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Бунинг натижасида Мовароуннаҳрда ички ва ташқи савдо яхши ривожланади, одамларнинг ҳаёти фаровонлашади. Самарқандга, Амир Темур саройига ташриф буюрган Испан қиролининг элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг ёзишича, Мовароуннахрдаги йирик шаҳарларнинг бозорларида дунёнинг турли томонларидан келган, ҳар хил динларга эътиқод қилувчи, турли тилларда сўзлашувчи савдогарларнинг сўзларини эшитиш мумкин бўлган. Клавихонинг ёзишича, бозорларда озик-овқатлар ҳам, кийим-кечаклар ҳам ўта арзон бўлган.

Тарихий манбаларнинг таҳлили ва топилган ашёвий далилларнинг кўрсатишича, темурийлар давлатининг савдогарлари Буюк Ипак йўли орқали Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия, Араб мамлакатлари, Кавказ юртлари, Олтин Ўрда, Рус князликлари билан яқин савдо-сотиқ алоқаларини олиб борганлар.

Булардан ташқари Амир Темур Европа қироллари билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилганлиги маълумдир. Соҳибқирон Франция ва Англия қиролларига ёзган номаларида ҳар икки мамлакатлар

ўртасида яқин савдо алоқаларини ўрнатишга истаги борлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Амир Темур ва темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги иқтисодий-сиёсий алоқаларга алоҳида тўхташ жоиз. Сақланган тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Хитой билан Темурийлар давлати ўртасида савдо-маданий алоқалар жуда яхши йўлга қўйилган. Хитой императорларининг темурий ҳукмдорларга - Мовароуннахрга нафис чинни буюмлар, ов қушлари, ипак матолар, олий навли қоғозлар, кийим-кечаклар жўнатганлар. Темурий ҳукмдорларнинг Хитой билан олиб борган дипломатик алоқаларини ўрганган козоғистонлик олима Клара Хафизованинг аниқлашича, Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар даврида Хитойга 49 марта элчилик карвонлари жўнатилган экан.

Бу карвонлар сиёсий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга ҳар икки ўртада маданий, илмий ва иқтисодий муносабатларни ҳам ўрнатганлар. Бу элчилик карвонлари Амир Темур, Мирзо Шоҳрух, Халил Султон, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бойсунқур ҳамда Андижон, Шероз, Ҳирот ҳокимлари томонидан жўнатилган эди.

Маълумки, Буюк Ипак йўлидан нафақат савдогарлар ва савдо карвонлари қатнаганлар, балки ҳар икки мамлакат ўртасида юзага келган сиёсий муаммоларни ҳал қилиш, икки давлат ўртасида яхши муносабатларни ўрнатиш мақсадида элчилар ҳам қатнаганлар.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўрта асрларда тижорат билан дипломатия ўзаро уйғунлашиб кетган эди. Узоқни кўра биладиган давлат арбоби Амир Темур ҳар икки соҳанинг ривожига алоҳида эътибор берган эди.

Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар юқорида айтиб ўтганимиздек. Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Сурия, Ирок, Испания, Англия, Франция каби давлатлар билан элчилик алоқаларини олиб борганликлари маълумдир. Бу элчилик алоқаларининг самаралари, мақсадлари турлича бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида қитъалараро ўтган, савдо-карвон йўли – Буюк Ипак йўли, ҳукмдорларнинг бу йўлнинг ривожига катта эътибор берганлиги сабабли яхши ривожланган эди.

Темурийлар давлатида яратилган сифатли ҳунармандчилик маҳсулотлари Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларига тарқалиб кетган. Бу йўл орқали Амир Темур ва темурийлар давлатида пайдо бўлиб ривожланган илм-фан, санъат ва маданият жаҳонга тарқалиб инсониятнинг тафаккур хазинасига муносиб, салмоқли ҳисса бўлиб қўшилгандир.

Аҳадхон МУҲАММАДИЕВ,
филология фанлари номзоди

БОБУРШУНОСЛИККА БИР НАЗАР

Ўзбек адабиёти тарихи жуда узоқ даврларни ўз ичига олса-да, XV-XVI асрлар Низомиддин Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди боис алоҳида мавқе касб этади. Бобур Навоий билан жисман учрашмаган, бироқ Навоий ижоди ва унинг эзгу ишларидан яхшигина хабардор бўлган. Бобур "Бобурнома"да 1500-1501 йил воқеаларини баён қилар экан, Навоий билан хат ёзишганини, унга илк туркий шеърларидан юборганини қуйидагича ёзади: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эрди. Бир навбат манга китобати (хати) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа (бўлиниш) ва ғавғо бўлди».

Демак, Бобур Навоийдан мактуб олиб, унга жавоб йўллаганда бор-йўғи 17 ёшда эди. Унинг баъзи форсий ва қисман ўзбекча байтлари эндигина пайдо бўла бошлаган пайтда, Навоийнинг бу Темурий шаҳзодага эътибор бериши унинг келажаги бор ижодкор эканини англаб етганидан далолатдир.

Бобур ҳаётни севувчи, ҳар жиҳатдан етук, ғоят истеъдодли шахс бўлган. Бетиним нотинчликлар, саргардонликларга қарамасдан ижод қила олгани бунинг исботидир. У йигирма ёшида «Хатти Бобурий»ни кашф қилди. «Бобурнома»да Бобурнинг илк шеър машқларидан тортиб, йирик асарларигача ёзилиш тарихи, улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида маълумот берилган. Бобур ўз асарининг «909 (1503-1504) йил воқеалари» деган саҳифасида: «Ушбу маҳалларда «Бобурий хатни ихтиро қилдим» деб ёзади. Умр бўйи ижоддан тўхтамади, девон тартиб қилди. «Бобурнома»дай улкан тарихий-бадиий асарни яратди. У дастлаб «Вақоеъ» («Воқеалар») деб аталган.

Сўнгроқ «Воқеоти Бобурий», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Бобурия» номларини олди. Ниҳоят «Бобурнома» номи билан шуҳрат топди. «Бобурнома» Заҳириддин Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. «Бобурнома» XVI асрдаёқ турли Шарқ тилларига таржима килина бошлаган. Жумладан, 1586 йилда форс тилига ўгирилган. Ёднома Оврупога XVIII асрнинг бошида кириб борди.

Шунингдек, у мусиқа билан шуғулланиб, «Чоргоҳ» мақомига «савт»лар битди. Бобур 1520-1521 йилларда мусика билан шуғулланган ҳақида маълумот беради. У ватандан узокда хам она тили равнакини ўйлади. Туркий тилдаги ижодни рағбатлантиради. Тилни соф сақлаш учун курашди. Шарьий масалаларга бағишлаб «Мубаййан» асарини ёзди. 1523-1525 йилларда аруз вазнига бағишлаб «Муфассал» номли рисола битди. Бобурнинг «Ҳарб иши», «Мусиқа илми» номли асарлари ҳозиргача топилган эмас. Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асарини шеърий йўл билан ўзбек тилига таржима килди.

Бобур дастлабки ижодини форсийча байтлар машқи билан бошлаган бўлса-да, ўз асарларини ўзбек тили (эски ўзбек тили)да ёзди. Унинг ижоди ўз давридан бошлаб ҳозирга кадар тинимсиз ўрганиб келинмоқда. Бобур ижоди мустақиллигимизга қадар ва ундан кейин ҳам самарали ўрганилди. Фикримизни С.Мирзаев, Ҳ.Ёқубов, Н.Маллаев, В.Абдуллаев, П.Шамсиев, Ғ.Каримов, С.Азимжонова, А.Қаюмов, С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Отажонов, В.Зоҳидов, С.Шукруллаева, Б.Мамедов, Б.Валихўжаев, А.Абдуғафуров, Р.Орзибеков, Қ.Тоҳиров, Р.Муқимов, А.Абдураҳмонов, Ж.Аҳмаджонов, Б.Йўлдошев, М.Холбекова, Л.Хожаева, Ғ.Абдураҳмонов, М.Расулзода, Ж.Жўраев, С.Жалилов, З.Машрабовлар томонидан амалга оширилган илмий нашрлар тасдиклайди.

Мазкур илмий асарлардан А.Қаюмовнинг тадқиқотлари ҳақида икки оғиз сўз. Биламизки, олим асарларининг 10 томлигининг 5-томи Бобур ижоди билан бошланади. Унда

"Истиқлол ва бобуршунослик", "Бобурнома" ва "Бобур шеърияти", "Олтин бешик воқеаси" каби мавзулар атрофлича ёритилган. У баъзан афсона, баъзан тарихий ҳақиқат тарзида тлкин этилади. Нодирабегим шеъриятида "Олтин бешик" воқеаси билан боғлиқ қарашларга дуч келинади. Бу воқеа тафсилотига кўра, Олтин бешик Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлиб, Қўқон хонларининг шажараси ундан бошланади:

Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,

Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни, – деб ёзган Нодирабегим ўзининг ҳам Бобур авлодидан эканини айтиб фахрланади.

Бу байт машҳур бўлгани сабабли бир катор тадқиқотчилар унга эътибор қаратганлар. Жумладан, Ибратнинг "Тарихи Фарғона" асаридан, Н.Абдулҳаким ва Т.Алимардоновлар тадқиқотларидан бу маълумотларни ўқиш мумкин. Қолаверса, Ш.Юсупов ҳам мазкур воқеа Қўқон тарихига оид бир қанча тарихий ва илмий асарларда баён этилгани, уларда ҳеч қандай манфаат кўзланмаганлигини таъкидлаган. Олимнинг фикрича, бу воқеани тарихий ҳақиқат сифатида қабул килиниш ўринли. Бироқ "Бобурнома" ва унга замондош бўлган кўплаб тарихчиларнинг асарларида бу воқеа тилга олинмаган. Ш.Юсупов эса бунга: "агар бундай маълумот ўша давр асарларида учраганда, Бобурнинг душмани бўлган шайбонийлар фарзандини омон қўймасликлари аниқ бўлган", дея изоҳ беради.

Бобур ижодини ўрганишга бағишланган яна бир мўътабар манба профессор А.Абдуғафуровнинг "Қалб қаъридаги қадриятлар" номли асаридир. Унга олимнинг 1992-1997 йиллар оралиғида Бобур ижодига бағишлаб ёзган мақолалари ҳам киритилган. Асарда Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид кўпгина муаммоли мавзулар ҳақида баҳс юритади.

Бобурнинг мемуар асари "Бобурнома" рус, инглиз, немис, француз тилларида таржима қилинган. Бобур ижоди асосида катор номзодлик ва докторлик диссертациялари

ёкланди. Мазкур тадқиқотларда Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид энг мўътабар маълумотлар келтириб ўтилган. "Бобурнома"нинг мамлакатимизда ва хорижда ўрганилиши масалалари ёритилган. Профессор Ҳ.Кудратуллаевнинг докторлик диссертациясида эса "Бобурнома"нинг тарихий, адабий ва услубий таҳлили масалалари ўрганилади. Олим мавзуни ёритишда Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифийларнинг насрий асарларини қиёслаб ўрганиш йўлидан боради.

Бобур ижоди хорижда ҳам яхшигина ўрганилган. Бунга Л.Пеньковский, М.А.Салье, Н.И.Илминский, А.Бевериж, И.В.Стеблевалар томонидан амалга оширилган илмий асарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса шуки, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди барча давр тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган ва бундан кейин ҳам Бобур ижодини ўрганиш, ўргатиш ишлари давом этаверади.

Гофуржон САТИМОВ,
бобуршунос, таржимон

БОБУР ШОҲ САЛТАНАТИДА ПОДШОҲ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Ислом дини тарихида давлатни бошқариш сиёсати дин сиёсати билан биргаликда амалга оширилиб келингани бизга яхши маълум. Улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида мусулмонлар уни янги эътиқод асосчиси ва янги шаклланган жамоа раҳбари сифатида тан олганлар. У ҳазратнинг олдида раият онгига янги диний таълимотни сингдиришгина эмас, балки ривожланиб келаётган бу таълимотдан хавфсираб турган атрофдаги ғанимларнинг таҳдидидан аҳолини ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш вазифаси ҳам турарди. Пайғамбар ҳаёт пайтида унинг қўл остидаги раиятда ажралиш ва бошбошдоқлик ҳаракатлари мутлақо кўзга ташланмайди. Чунки унинг давлатни бошқариш сиёсати мутлақо муқаддас Қуръони Карим талаблари асосида ташкил этилган эди. Бу пайтларда мусулмонлар жамоаси бошлиғи халифа ҳисобланиб, у мусулмонлар сардори ва олий ижроия ҳокимияти раҳбари вазифасини бажарар эди. Бобурийлардан аввал Ҳиндистонда ўз ҳукмини ўрнатган афғон султонлари ҳам халифани ўзининг ҳомийси сифатида тан олиб, унинг номи билан танга пуллар зарб қилардилар ва унинг номини хутбага қўшиб ўқитар эдилар.

Темурий шаҳзодалар ҳукмронлик қилган пайтларда халифалик турк султони қўлига ўтди. Маълумки, ўша пайтда темурийлар билан турк султонлари ўртасида кескин ғанимлик муносабатлари мавжуд эди. Бу ҳақда турк султонларига қарши олиб борилган жанглар гувоҳлик бериши мумкин. Шу боис темурийлар халифани умуман тан олмас ва қўл остидаги мамлакатлар ҳудудида энг юқори мавқеда турадиган ҳукмдор деб ўзларини ҳисоблар эдилар ва ўз навбатида, ўз номи билан танга пуллар зарб қилишар ва ўз номлари билан хутба ўқитар эдилар. 1517 йилга келиб турк

султони тасарруфидаги халифалик барҳам топгандан кейин бобурийлар салтанатида халифалик тушунчаси бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди.

Ҳиндистонга дастлаб келган бобурийлар давлати бошқаруви тизими соҳибқирон Амир Темур томонидан жорий этилган маъмурий тизим асосида ташкил этилган эди. Амир Темур ҳақида ёзилган "Малфузоти Темурий" асарида айтилишича, Амир Темур саройида бош вазир лавозимида ўтирган Девонбеги қўл остида еттита вазир ишлаган. Улардан вазири мамлакат, вазири сайёр, вазири сипоҳ ва вазири корхона лавозимидаги вазирлар бевосита молиявий масалалар билан шуғулланганлар.

Вазири мамлакатга раиятда ҳукм сураётган вазият, вилоятлардан олинадиган йиғим ва солиқлар, умумий кирим ва чиқим ҳамда аҳоли турмуши ва мамлакат тараққиёти билан боғлиқ масалаларни бошқариш вазифаси юклатилган.

Вазири сипоҳ навкарларнинг маошлари, уларни рағбатлантириш ва ҳарбий жиҳозлар ҳолати, қўшин таркиби каби масалалар ҳақида Амирга маълумот тайёрлар эди.

Солиқ ва йиғим манбалари, яъни бож, закот, вафот этганлар мулки, чорвачилик, яйловлар, сув ва ем-хашак тайёрлаш, мамлакат ҳудудига кириб-чиқаётганлар рўйхати, бедарак йўқолганлар масаласи кабилар вазири сайёр зиммасига юклатилган эди.

Вазири корхона эса мамлакат ҳудудидаги ишлаб-чиқариш корхоналари фаолияти, уларнинг кирим ва чиқими, чорвачилик учун сарфланадиган умумий ҳаражатларни назорат қиларди.

Бобурийлар салтанати маъмуриятида юқорида зикр этилган давлат бошқаруви идораларидан ташқари яна, вазири арз, вазири девон, вазири муширф каби лавозимлар кўзга ташланади. Бунда айрим ислоҳотлар ўтказилиб, маъмурий бўлим бошлиқлари ишига аниқликлар киритилганига ишонч хосил қилиш мумкин.

Бобурийлар давлатининг маъмурий идора тизими ўз табиатига кўра соҳибқирон Амир Темур салтанатида мавжуд бўлганидек, ҳарбий ҳокимият бўлиб, мамлакат марказлашган

якка ҳукмдорлик тамойили асосида, ўзи моҳир ва жасур саркарда ва давлат арбоби бўлмиш подшоҳ томонидан бошқарилар эди.

1507 йилга келиб Бобур мирзо расман "Подшоҳ" унвонини олиши заруратини сеза бошлади. Чунки атроф мамлакатлардаги сиёсий вазият шуни такозо этарди. Бу пайтга келиб у Кобул тахтини арғунлардан тортиб олиб, унга мустаҳкам ўрнашиб, давлатни бошқариш тизимини маҳкам тутиб турган пайт эди. Абусаид мирзо авлодларидан тақдир шамолларига бардош бериб ўз мавқеини сақлаб турган ягона темурий шаҳзода Бобур мирзо эди. Унинг мўғул тоғалари билан олиб борган сиёсий алокалари барҳам топган, чунки Шайбоний уларни тор-мор қилган эди. Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин ягона темурий сардор Бобуршоҳ эди.

Бундан ташқари атроф мамлакатлардаги сиёсий вазият ҳам танглик келтириб чиқариш таҳдидини солиб турарди. Шарқда Усмонли турклар, Эронда сафавийлар, Марказий Осиё (Мовароуннахр)да Шайбонийхон темурийларни сиёсий саҳнадан супуриб ташлаш таҳдидини сездириб турарди. Ваҳоланки, яқин тарихда темурийлар уларнинг барчаси устидан ҳукмрон бўлиб турган эди.

Ўша пайтда турк султони ўзига "қайсар", Муҳаммад Шайбоний "хон", сафавийлар сардори Исмоил эса ўзини "шоҳ" унвони билан атардилар. Бобур ҳам улардан кам эмаслигини кўрсатиш мақсадида ўзига "подшоҳ" унвонини олди.

Абулфазл Алломийнинг изоҳлашича, “подшоҳ” сўзи “под” - “мукимлик, эгалик килиш” ва “шоҳ” – “аслзода, ҳукмдор” маъноларни англатар экан. Демак, “подшоҳ» сўзини “доимий ҳукмдорлик қилувчи аслзода” деб тушуниш мумкин экан. Бобуршоҳ айнан ана шундай улуғ унвонга муносиб ҳукмдор эди.

Бобурийлар давлати бошқаруви тизими марказлаштирилган тизим бўлиб, унинг асосий таянчи подшоҳ ҳисобланарди. Унинг розилигисиз ҳеч қандай маъмурий карор кабул қилинмас эди. Давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир ҳужжат подшоҳ назаридан ўтиши ва

тасдикланиши лозим эди. Подшоҳнинг розилиги олингач, бу ҳужжат ижро этиш учун мутасадди идораларга юборилар эди. Маъмурий идораларнинг биронтасининг фаолияти подшоҳ назаридан четда қолмас ва идора бошлиқларига уларга берилган ваколат доирасидагина фаолият кўрсатишга рухсат бериларди.

Подшоҳ бир вақтнинг ўзида бош қўмондон ҳисобланиб, ҳарбий юришларни кўпинча ўзи бошқарар, айрим ҳоллардагина бу вазифа шаҳзодалардан бирига ёки шоҳнинг ишончли вакилига топширилар эди. Бундай ҳолларда подшоҳ қўшиннинг ҳар бир ҳаракати ва бу ҳаракатнинг натижасидан муттасил хабардор бўлиб турар, зарур бўлган ҳолларда юришга ўзи раҳбарлик қиларди. Давлат аҳамиятига молик барча масалалар, қўшин ва унинг таркиби, молия ишлари, маҳаллий ҳокимият фаолиятига тааллуқли масалалар, алоқа воситалари хавфсизлиги, деҳқонлар ҳаёти, савдо ва нарх-наво, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш, таълим ва тарбия масалалари, олиму уламолар фаолияти, уларнинг моддий таъминоти, хуллас, раиятнинг барча турмуш икир-чикирлари подшоҳнинг синчков назаридан четда қолмас эди. Қўл остидаги мансабдорларнинг фаолияти, улар мартабасининг ортиши ёки пасайиши, уларнинг маошлари ҳажми фақат шоҳнинг фармони асосидагина ўзгартирилиши мумкин эди. Мансаблар отамерос қолдирилмас, фақат ражпутлар ва маҳаллий ҳиндлар ҳокимлик қиладиган хонликлардагина ҳокимлик мансаби отамерос тарзида фарзандларга берилиши мумкин эди. Лекин шунда ҳам подшоҳнинг розилигини олиш шарт эди. Бу чора, афтидан, уларнинг садоқатини ошириш мақсадида қабул қилинган эди.

Ҳинд тарихнависи Л. П. Шарманинг таъбири билан айтганда "Подшоҳга асосан иккита масъулият - "жаҳонбоний" - яъни давлатни бошқариш тизгинини қўлда маҳкам тутиш ва "жаҳонгирий" - яъни салтанат ҳудудини кенгайтириш маъсулияти юклатилган эди. Бундан ташқари улар қўл остидаги фуқаронинг турмуш фаровонлигини ва маданиятини яхшилаш чораларини тинмай қидириб топар ва амалга оширар эдилар.

Бобурийлар давлати сиёсатининг яна бир хусусияти шунда эдики, улар давлатни бошқаришда фуқаро эътиқод қиладиган динларга нисбатан бегаразлик билан холисона сиёсат олиб борар эдилар. Бобуршоҳ ва Ҳумоюншоҳ фаолиятида бирон бир диний жаҳолатпарастлик кўринишлари намоён бўлмади. Акбаршоҳ эса мавжуд барча динларни муросага келтирди, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиб янги диний назария "Дини илоҳий" назариясини ҳам яратиш пайида бўлган эди. Жаҳонгиршоҳ билан Шоҳ Жаҳон фаолиятида эса Акбаршоҳ бошлаган диний сиёсат давом эттирилганини кўрамиз. Фақат Аврангзеб ҳукмронлиги давридагина Акбар тутган сиёсатнинг аксича иш юритилиб, номусулмон эътиқодлаги фуқаро таъқиб остига олинган ҳоллар кўзга ташланиб туради. Мана шу хислатлари билан бобурийлар давлати сиёсати ўзидан аввалги бу мамлакатда мавжуд бўлган тизимга, яъни афғон султонлари маъмурияти сиёсатидан тубдан фарқ қилади.

Бобурий подшоҳлар ўз ҳукмронликлари даврида давлатни бошқариш тизимида муайян ислоҳотлар ўтказиб турилар эди.

Туркий халқларда қадимдан ҳукмдорни "Худонинг ердаги сояси" деб тан олинади. Бу назарияга, айниқса, Ҳумоюн алоҳида ихлос билан риоя қиларди. Унинг тарихчиси Хондамир Ҳумоюнни ҳукмдорликнинг дунёвий ва руҳий ифодаси, яъни "Жамоаи салтанати ҳақиқий ва манози" деб, подшоҳни эса Худонинг ердаги сояси "Ҳазрати Подшоҳ Зилли – Илоҳий" деб атайди. Подшоҳга Худодан илҳом ва вахий келишига ва бу кўрсатмалар унинг дилига жо бўлишига ишонардилар. ("Илҳомоти, Раббони ва Воридоти Субҳоний").

Бобур ва Ҳумоюннинг ҳукмдорлик фаолиятидан яхши хабардор бўлган Хондамирнинг "Ҳумоюннома" асарида кўрсатилишича, Ҳумоюн ҳам ўз навбатида ҳокимият ишлари тизимда маълум ислоҳотлар ўтказган. Давлат бошқаруви тизимини уч катта қисмга ажратган. Улар "Давлат", "Саодат",

ва "Мурод" бўлимларига ажратилган эди. Бу бўлимлар ягона раҳбар кўрсатмаси асосида иш юритадилар.

"Саодат" бўлими асосан, шариат масалалари - таълим, илм, маданият масалалари билан шуғулланиб, бу бўлим фаолияти Бобур давридаги "Садорат" бўлими вазифасига якин турарди. Бу бўлимни Шараф-ул-мулк Мавлоно Мухиддин бошкарар эди.

"Саркафи Давлат" бўлими Бобурнинг салоқатли бекларидан бўлган Ҳиндубек қўл остида эди. "Саркори Мурод" эса Амир Увайс зиммасига юклатилган эди. Бу бўлимларнинг фаолияти махсус тайинланган киши томонидан назорат этиб турилларди.

Акбаршоҳ хукмронлиги даврида маъмурий идоралар ва уларга юклатилган масъулият ва вазифалар ўз моҳияти жихатидан энг такомиллашган нуқтасига кўтарилган эди. Ундан кейинги бобурий подшохлар ҳам ана шу тизимга кисман ўзгартиришлар киритиш билан уни давом эттирдилару, бирок Аврангзебдан кейинги ношуд шаҳзодалар давлатни бошкариш тизимини бўшаштириб юбордилар ва пиравардида бу тизимни қўлдан чиқариб юбориб, мамлакатда кўтарилаётган исёнларни бостира олмай қолдилар. Натижада салтанат узра ҳокимият учун курашлар авж олиб, мамлакат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий таназзулга юз тутди ва 19-асрнинг иккинчи ярмига келиб бу тизим бутунлай парчаланиб кетди. Бундан усталик билан фойдаланган маккор инглизлар бу мамлакатда осонгина ўз хукмронликларини ўрнатиб олдилар.

Ҳиндистонда барпо этилган бу салтанатнинг уч асрдан кўпрок муддат давомида гуркираб ривожланиши ва гуллаб яшнаши бу мамлакатга ғайирлик ва ғаразгўйлик назари билан карайдиган атроф мамлакатлар хукмдорларини ҳамиша хайратга солиб келган ва уларда бу мамлакатдаги давлатни бошкариш тизими ва айниқса, ҳарбий тизими сирларини ўрганиш иштиёқи кучли бўлган.

Бобурийлар салтанатида мамлакат хукмдори бўлмиш подшоҳ (император) яккаю-ягона ҳокими мутлақ бўлиб, қонун чиқариш иши ҳам, қабул қилинган қонуннинг ижро

этилишини назорат қилувчи ижроия ҳокимияти ҳам, мунозарали масалалар бўйича охирги ҳукмни чиқарувчи олий ҳакам (судлов ҳокимияти бошлиғи) ҳам, бош ҳарбий саркарда ҳам подшоҳ шахсиятида мужассам этилган эди. Ҳукмрон доираларнинг диний эътиқоди бўлмиш мусулмончилик масалалари (шариат қоидалари) ҳамда раиятнинг сезиларли қисмини ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар ташкил қилишини эътиборга олинса, подшоҳ диний масалалар бўйича олий ҳакам, амири мусулмон, "Амир ул-мўминин", яъни "ҳоқони ислом" ҳисобланар эди. Бу ҳол эса подшоҳнинг нуфузини яна ҳам орттириб юборар эди.

Давлат аҳамиятига молик ишларни ҳал этишда подшоҳга вазирлар маслаҳатгўйлик қилар эдилару, бироқ охирги ҳукмни подшоҳнинг ўзи чиқарар эди.

Назарий жиҳатдан олганда диний уламолар ўз фатвоси билан подшоҳнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин эдию, лекин подшоҳ ихтиёридаги ҳарбий кучлар қудрати олдида уларнинг фатвоси катта аҳамият касб эта олмас эди.

Бобуршоҳ ва Ҳумоюн салтанатни исломий назария талаблари асосида бошқардилар, лекин Акбаршоҳ ўз мавқеини буларга нисбатан янада кенгайтириш пайида бўлди, яъни у фақатгина мўмин-мусулмонларнингтина эмас, балки, диний эътиқодидан қатъий назар мамлакат ҳудудида яшовчи барча фуқаронинг эътиборини қозонмоқчи бўлган эди.

"Акбарнома"да айтилишича, Акбаршоҳнинг фикрига кўра, подшоҳ ўзининг барча олийжаноб фазилатлар эгаси бўлиши билан бирга, ўз қўл остидаги фуқаронинг барчасини ва барча диний эътиқоддаги фуқарога бир хил назар билан қарамас экан, уни бу олиймақом лавозимга муносиб деб бўлмайди. Туркий халқлардаги подшоҳга нисбатан Аллоҳнинг ердаги сояси, деб қараш айниқса, Акбаршоҳ даврида амалда муҳим аҳамиятга молик бўла бошлади. Бу назария ҳимоячиси Абулфазл Алломий бўлиб, унинг таснифида подшоҳлик Аллоҳнинг улуғ марҳаматидир, яъни "Тож-тахт эгаси бўлиш, куёшдан келиб бутун коинотга таралаётган нур каби Аллоҳдан келаётган марҳаматдан баҳраманд бўлиш, адолат китобининг энг мукаммал ва одил

қоидасини ўзида мужассамлаштирган муқаддас даргоҳ эгаси бўлиш демакдир".

Акбаршоҳнинг эътиқодига кўра турли қарашдаги динлар ва уларнинг мазҳаблари ягона мақсад йўлида бирлаштирилиши ва улар устидан одилона раҳбарлик ўрнатилиши лозим эди ва бу маъсулиятни у ўз зиммасига олган эди. 1579 йилда дин уламолари томонидан Акбаршоҳга "Имоми-одил", "Амир-ул-мўминин", "Мужтаҳиди-аъло" унвонлари берилган эди. Бу унвонлар подшоҳнинг ҳурмат-эътиборини янада орттириб юборган эди.

Соҳибқирон Амир Темур давлатида мавжуд бўлган таомилга кўра, умрининг охири кўриниб қолган пайтда подшоҳ ўзига ворис тайинлар ва тахт тинч йўл билан ўз эгасига топширилар эди. Бобуршоҳ ва Ҳумоюн ҳамда Акбаршоҳ вафоти олдидан ана шундай бўлди. Бироқ Шоҳ Жаҳон ва унинг ўғли Аврангзебнинг тахтга чиқиши қаттиқ жанглар ва аразу-ғаразларга сабаб бўлиб, тахт учун курашлар салтанат қудратига сезиларли путур етказган эди.

Одатда тож кийиб тахтга чиқиш *(инагурация)* маросими тантанали равишда, байрамона тарзда "Подшоҳ омон бўлсин" каби қичқириқлар остида ўтказилар эди ва подшоҳ исми намоз пайтида хутбага қўшиб ўқилар эди. Бундай ҳолларда подшоҳ ўз исми ёхуд тахаллуси ва унвонларини қўшиб айттирар ва муомаладаги пул бирлиги унинг номи билан зарб этиларди.

Бобуршоҳ номи одатда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи-Ғозий" деб, Ҳумоюншоҳ номи эса "Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн Подшоҳ" деб, айтилар эди. Акбар Мирзо тахтга чиққанда уни "Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ" деб эълон қилинган эди. Шаҳзода Салим тахтга чиққанда эса, у ўзини "Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ" деб, Шаҳзода Хуррам тахтни эгаллаганда ўзини "Шоҳ Жаҳон" деб эълон қилган эди. Аврангзеб тахтга чиққанда эса ўзини "Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Оламгир" деб аташни буюрган эди.

Бобурий подшоҳлар чекланмаган ҳуқуқ ва катта имтиёзларга эга бўлиб, бу ҳуқуқ ва имтиёзга ҳеч ким даъво қила олмас эди. Ана шундай имтиёзлардан бири "Жароҳан-

даршан" деб аталмиш маросими бўлиб, бу удум Аврангзеб даврига келиб тақиқлаб қўйилган эди. Бу одатга кўра подшоҳ ҳар куни эрталаб Агра ёки Дехли саройининг шарқий болахонаси айвонидан туриб халққа кўриниш берар ва фуқаро унинг ёркин юзини кўриб олиш имкониятига эга бўлар эдилар. Бу маросим давомида фуқаро подшоҳга Аллоҳнинг ердаги вакили (сояси) сифатида сажда қилар, унинг сиймосида ўзининг ғамхўри ва халоскорини кўрар ва бутун вужуди билан унинг сиймосига берилиб, бу дунё ташвишларини унутиб қўяр эди.

Ана шундай қутлуғ маросимлардан бири "Таслими шавқий" деб аталиб, бунда аркони давлат - юқори табақадаги сарой аъёнлари навбат билан қуролланган ҳолда сарой атрофида айланиб юриб, соқчилик қилар ва хизмат давомида куннинг белгиланган соатларида саройга қараб таъзим бажо айлар ва бу билан подшоҳга ўзининг садоқатини ифодалар эдилар.

Яна бир имтиёзли маросимлардан бири "Наққора" деб аталиб, унга кўра подшоҳ саройга кириб келаётганда ёки саройдан чиқиб кетаётганда улкан ноғоралар чалиниб, унга ҳурмат бажо келтирилар ва бу ҳол элга маълум қилинар эди.

Ўз кўл остидаги хизматчиларга унвонлар бериш ва юқори лавозимларга тайинлаш фақат подшоҳнинг ўзигагина тегишли бўлган ҳуқуқ эди. Амир ва беклар вазирлар орқали унвонга лойиқ кишиларни подшоҳ эътиборига ҳавола этар, унвоннинг берилиш ёки берилмаслигини подшоҳнинг ўзи ҳал этар эди.

Салтанатдан чиқарилган фармонларга фақат подшоҳ муҳр қўйиб имзолар, зарур ҳолларда бармоқ ҳам босиб қўяр эди. Айбдорларни ўлимга буюриш ёки тана аъзоларини кесиб жазолаш ҳақидаги фармонларни имзолаш ҳам фақат подшоҳ ихтиёрида эди.

Подшоҳнинг иш вақти одатда чекланмаган бўлиб, у ҳеч қандай таътилсиз кечаю-кундуз тиним билмай ишларди. Подшоҳ бажарадиган ишлар тўрт хил усулда олиб борилар эди. Давлат маъмуриятига тегишли масалалар муҳокамаси ва турли қабул маросимлари аркони давлат иштирокида

"Девони-ом" деб аталган махсус хонада амалга оширилар эди. Сарой аъёнлари аралашиши шарт бўлмаган давлат аҳамиятига молик бўлган махсус масалалар вазирлар ёки шунчли кишилар иштирокида "Девони-хос" деб аталган махсус хонада муҳокама этилар эди. Бу хонага кўпинча махсус ҳарбий юришга отланаётган ҳарбий қўшин бошлиқлари ва таниқли саркардалар таклиф қилинар эди. Подшоҳ сиёсатини жойларда амалга оширишга мутасадди мансабдорлар бўлмиш вилоят ҳокимлари ва султонлар ҳам махсус топшириқлар олиш учун шу хонага таклиф этиларди.

"Девони-хос" ишларининг умумий назорати учун махсус доруғалар тайинланиб, у киши бу хонага таклиф этилганларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиш ва шоҳ олдига киришда бажарилиши лозим бўлган удумлар (этикет қоидалари)га риоя этилишини таъминлар эди. Бу қоидаларни бузганларга қаттиқ жазо белгиланар ёки катта жарима солинар, жарима тўланмагунча бу ердан чиқарилмас эди.

Акбаршоҳ даврида баъзи диний мавзудаги баҳс ва мунозаралар ҳам мана шу хонада ўтказилар эди.

Ҳафтада бир марта жума намозидан сўнг (айрим манбаларда) чоршанба куни подшоҳ "Девони-ом"да адлия ишлари билан шуғулланар ва бу маросимда жабрланувчилар сарой доруғаси ҳамроҳлигида подшоҳ олдида тиз чўкиб ўз арзини баён қилиш имкониятига эга бўлар эди. Уларнинг шикоятини подшоҳ кўриб чиқиб одилона ҳукм чиқарар эди.

Подшоҳ буйруқлари махсус фармонларда қайд этилиб "Фармони олий" тусини оларди. Фармон матни ниҳоятда катта маъсулият билан тузилар ва унинг хулосаларида икки хил маъноликка йўл қўйилмас эди. Бу эса девонхона котиблари ва бош муншийдан катта маъсулият ва билим талаб этар, фармоннинг тегишли шахс ёки мансабдорларга етказилиши ва ижроси қаттиқ назорат қилинар эди.

Фармонлар ёзилган ҳужжатларга қўйиладиган муҳрлар 5 хил тоифага бўлинар ва турли мақсадларда фойдаланилар эди. Улардан биринчиси, амир ва бекларга ва аркони давлатга унвонлар бериш, лавозимларга тайинлаш ва мукофотлар хакидаги ҳужжатларга қўйилар, иккинчиси эса хорижий

мамлакатлар давлат бошликларига ёзилган хатлар ва бошка дипломатик хужжатларга қўйиларди. Учинчи хил мухр аллия ишлари борасидаги хужжатларга қўйилар, тўртинчиси эса, сарой маъмурияти бўлимларига тегишли хужжатларга ва ниҳоят бешинчиси умумий характердаги унчалик муҳим бўлмаган хужжатларга қўйилар эди.

Бу мухрлар орасида энг муҳими узук мухр бўлиб, бу мухр энг ишончли шахсларда сакланар, айрим шохларнинг бу мухри уларнинг суюкли маликасида сакланар эди. Мухим фармонлар матнининг охирида подшоҳ мухри қўйилар эди.

Машҳур Ҳинд тарихнависи Шри Рам Шарманинг ёзишича, "Бобурийлар Ҳиндистонга фотиҳ сифатида келган бўлсалар ҳам, улар қўл остидаги маҳаллий ҳиндларнинг ҳурматини қозона олганлар ва уларга маъқул бўлган анъана ва удумларни йўлга қўйа олдилар. Ҳар куни эрталаб подшоҳнинг "Жароҳаи даршон" маросимида фуқаро олдида кўриниш бериши (саломга чиқиши), арздорларнинг подшоҳ қабулига шикоят билан кира олиш имкониятига эга бўлиши, маъмурий идоралар раҳбарлари бажариши лозим бўлган вазифаларнинг аниқ ва равшан белгилаб берилиши, мансабдор шахснинг ўз вазифасини қай даражада ҳалол бажараётганини оммавий тарзда назорат қилиб турилиши, ҳокими мутлақ бўлмиш подшоҳнинг мамлакатни бошқаришдаги адолатли ишларидир деб қараш керак".

Омонилло БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик
институти катта илмий ходими

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА АКС ЭТГАН ВОДИЙ

Фарғона водийси географик жиҳатдан тарихан Мовароуннаҳрнинг шарқий қисмига тўғри келади ва унинг қадимий ҳамда ўрта асрлардаги, айниқса, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлиги чоғида, ўзига хос сиёсий кечмишлари, иқтисодий ривожи ва маданий тараққиёти бўлган. Ўз вақтида Амир Темур улкан давлат барпо этиб, катта бунёдкорлик ишларини олиб боргани, айниқса Мовароуннаҳрда, шу жумладан, Фарғона водийсида, шаҳарсозлик ва ободончилик ишларига махсус эътибор қаратгани тарихдан маълум.

Амир Темур ҳукмдорлик тахтини эгаллаганда, Фарғона водийсига бевосита чегарадош собиқ Чиғатой улусининг шарқий қисми – Мўғулистонда ички низолар авжига чиққан эди ва бу нотинч вазият Амир Темур давлатининг хавфсизлиги ва халқаро муносабатлари ривожига салбий таъсир кўрсатарди.

Гап шундаки, XIV асрнинг 70-80-йилларида дуғлот уруғи амирларидан бўлмиш Қамариддин исён кўтариб, 1363 йили Мўғулистон хони Илёсхўжахонни ўлдиради, зўравонлик билан тахтни эгаллайди ва хон авлодини йўқ қилишга киришади. Фақат бир киши – ўша пайтда ҳали жуда ёш Хизрхожа ўғлонни яшириб, ўлимдан сақлаб қоладилар. Қамариддин тахтга тажовуз қилиш билан бирга, Мовароуннаҳрга – Фарғона водийсининг шарқий томонидан чопқинлар қилиб турган ва аҳолини талаган. Шу сабабдан, Амир Темур 1371-1389 йиллар оралиғида бир неча бор Мўғулистонга юришлар қилган; гоҳ қўшин жўнатган бўлса, кўпинча бевосита лашкарга ўзи бошчилик қилиб борган.

Амир Темурнинг Мўғулистонга юришларининг биринчи сабаби, Мовароуннаҳрнинг шарқий қисми, яъни Фарғона водийси ва Тошкент вилоятини Мўғулистон томондаги ҳужумлардан хавфсизлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси, Мўғулистондан ўтиб Хитойга борадиган қадимги Буюк Ипак йўли орқали халқаро савдо-элчилик алоқаларини йўлга қўйиш эди. Зеро мазкур савдо йўли иккита йўналишда Мовароуннаҳрни Хитой билан боғлаган; биринчиси – ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари ва иккинчиси эса Фарғона водийси орқали ўтган.

Сохибқирон бошқарув тизимида турли вилоятлар ва шаҳарларда ўз вакилларини белгилаб иш юритган. Жумладан, Андижонга Ҳамадийни доруға этиб тайинлаган. Бу шахс Тошкент вилоятида бўлган "Лой жанги"да (1365 йил, май) Сохибқирон томонда жанг қилиб, унга садоқат изҳор қилган эди. Бироқ 1376 йили Сори Бўға ва Одилшох жалойирларнинг Амир Темурга қарши фитнасига қўшилгани сабабли, эгаллаган мавқеидан маҳрум этилди.

Амир Темур Андижон вилоятини бошқаришга ўғли амирзода Умаршайхни тайинлайди ва Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да бу жой унга мулк (*иқтои хосса* – махсус ҳадя) сифатида берилганини таъкидлаб ўтган.

Мирзо Умаршайх ўта жасоратли бўлиш билан бир қаторда, кучли саркардалик маҳоратига ҳам эга эди. Амир Темур уч йиллик ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразмдаги чингизий кучлар бирлашиб, Мовароуннаҳрга бостириб кирганида, Мирзо Умаршайх ўзининг Андигон лашкари билан ғанимга қарши мардонавор жанг қилади ва ғалаба қозонади. Амир Темурнинг 1389 йили Мўғулистонга ҳал қилувчи юришида ва 1391 йили Дашти Қипчоқда Тўхтамишхон билан Қундузчадаги жангида ҳам Мирзо Умаршайх Андигон қўшини билан фаол қатнашган.

Амир Темурнинг 1389 йили Мўғулистонга юришидан сўнг, бу ўлка тўла забт этилди, у ерда ҳокимият яна Чингизхон авлодига ўтди ва Хизрхожахон (1389–1400)

Мўғулистон хони бўлди (айни пайтда у Амир Темурга бўйсунарди). Эл-улус одатда хон ҳукмдорлигига хайрихоҳ бўлганликлари сабабли, Хизрхожахоннинг тахтни эгаллаши Мўғулистонда сиёсий барқарорлик ўрнатилишини таъминлади. Кейинроқ, аниқроғи ҳижрий 800 йил раби ул-аввал ойининг бошларида (милодий 1397 йил 22 ноябрь) Амир Темур, иккала томонни қариндошлик иплари билан боғлаш мақсадида, Хизрхожахоннинг қизи Тугал хонимга уйланди.

Мазкур талбирлар натижасида Мўғулистон орқали Хитойга борадиган савдо йўли иккала йўналиш–шимолда Еттисув ва жанубда Фарғона водийси орқали тикланди, савдо-элчилик муносабатлари йўлга қўйилди.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Соҳибқирон етти йиллик юришга (1399-1404) сафар қилганида Андигонни бошқариш ва ул томон чегарани қўриқлаш учун Мирзо Умаршайхнинг ўғли амирзода Искандарни тайинлагани айтилган.

Амирзода Искандар Андигонни бошқариб турганида Мўғулистонда Хизрхожахон вафот этади ва унинг ўғиллари ўртасида ҳокимият учун кураш бошланади. Шу муносабат билан амирзода Искандар Андигондан лашкар йиғиб Мўғулистоннинг жанубий қисми саналмиш ва Мирза Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида "Манглай Субе" деб аталган ҳудудга юриш қилади. У мазкур юришда Кошғарга бориб, шарқда Оқсу ва жанубда Хўтан атрофларигача жойларни чопқин ясаб қайтади ва унинг тафсилотлари Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида берилган.

Амир Темур 1404 йил кузида Конигилдаги катта тўйда Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни Мирзо Шоҳрухнинг ўғиллари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилади ва бу ҳақда махсус ёрлиқ имзолайди. Унга кўра Андигон, Ахсикат, Кошғар, Хўтан Иброҳим Султонга тегишли бўлган.

Амир Темур вафотидан сўнг, Мирзо Шоҳрух Темурийлар давлати ҳукмдори бўлади ва Хуросондан шарқдаги ҳудудларга ўғли Мирзо Улуғбекни тайинлайди.

XV аср биринчи ярмида Темурийлар давлати билан Хитой ўртасида савдо-элчилик алоқалари янада жонланди. карвон қатновининг жанубий йўналиши Фарғона водийсидан ўтарди. Чунончи Хитой императорининг таклифи билан 1419-1422 йиллар давомида Темурийлар давлатидан катта элчилар гуруҳи Хитойга бориб келгани маълум ва ушбу сафар қатнашчиси Ғиёсиддин Наққош шаҳзода Бойсунғур Мирзо топшириғи билан барча кўрган-кечирганларини кундалик шаклида ёзиб борган. Бу ёзма ёдгорлик бизнинг давримизгача етиб келган ва унда қайд этилишича, элчилар боришда Еттисув орқали юриб, қайтишда Мирзо Улуғбек элчиларининг Самарқанд томонга сафарлари Фарғона водийси орқали ўтган.

Фарғона водийсининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи нафақат Мовароуннаҳр, балки Марказий Осиёда анча кенг кўламда юз берган тарихий воқеаларга ҳам бевосита алоқадор бўлган. Бу даврда қисқа муддат тахт учун курашлардан сўнг, ҳукмронлик Мироншоҳ авлодидан Султон Абусаид ва унинг авлодларига ўтди. Уларнинг ҳукмдорлиги то бу ерда Шайбонийлар салтанати ўрнатилгунгача (1500 й.) давом этди. Уч нафар ўғилдан бири – Султон Аҳмад Мирзонинг қароргоҳи пойтахт Самарқандда жойлашган ва у бош ҳукмдор эди; Султон Маҳмуд Мирзо Ҳисор, Қундуз ва Бадахшонни ўз тасарруфида сақларди.

Султон Абусаид Мирзо энг кичик ўғли **Умаршайх мирзо**га (855/1451 – 900/1494) отаси аввал Кобулни берган, сўнгра бобоси Амир Темур ўз вақтида Андижонни бошқаришни ўғли Умаршайхга топширганини эътиборга олиб, бу ҳам ўғли Умаршайхга Андижонни белгилади.

Бобур бу ҳақда "Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзоға бериб, Бобои Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатдин Дараи Газдин ёндуруб, Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра, ул

муносабат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзоға Фарғона вилоятини бергандур, Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди", – деб ёзади.

Умаршайх мирзо Фарғона вилояти ҳокими бўлган. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳи – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони саналган.

Умаршайх Мирзо 1494 йили Ахси қўрғонида жар қулаши туфайли ҳалок бўлади. Бу воқеани эшитиб, Самарқанддан Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад мирзо Қува томондан Андижонга, катта тоғаси Султон Махмудхон Тошкентдан чиқиб Ахсига, Кошғар ҳокими Абубакр дуғлат Ўзгандга ҳужум қиладилар. Умаршайх Мирзонинг аскарлари мардоналик намойиш этадилар ва Андижон тахтига унинг ўғли Заҳириддин Бобурни ўтқазишга муваффақ бўладилар.

Заҳириддин Бобурнинг Фарғона водийси ва умуман Марказий Осиёдаги фаолиятини икки қисмга ажратиш мумкин; биринчиси – 1494–1504 ва 1511–1512 йилларда Мовароуннаҳр ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлари, иккинчиси– 1504 йилдан Кобулда давлат тузгани.

Бунёдкорлик ишлари Амир Темур ишлаб чиққан аниқ режа асосида олиб борилган ва улар учта асосий йўналишни ташкил қилган: 1)шаҳарсозлик, турли обидалар, ободончилик масканлари барпо этиш; 2) ҳунармандчилик ва халқаро савдо; 3) илм-фан ва маданият ривожи. Маъмурий марказлар, халқаро савдо йўлларидаги шаҳарлар ва ҳарбий аҳамиятга молик шаҳар-қўрғонлар қурилишга катта эътибор қаратилган.

Айрим шаҳарлар, аниқроғи шаҳар-қўрғонларни барпо этишда кўпроқ уларнинг мудофаа аҳамияти кўзда тутилган. Жумладан, Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги Сиғноқ, Саброн, Ўтрор, Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида қурилган Ашпара қўрғони, Фарғона водийсида Андигон, Ахси, Ўш, Ўзганд қўрғонлари ана шулар жумласидандир.

Бу анъана XV аср иккинчи ярмида ҳам давом этди. Абдураззоқ Самарқандий "Матлаи саъдайн" асарида Умаршайх мирзонинг Фарғона вилоятида Мўғулистонга

ёндош қалъаю шаҳарларини мустаҳкамлагани, у вилоятга киришу чиқиш мажоли мўғул лашкарининг хотиридан ҳам кечмай қолгани ва раият мухолифлар зарар-заҳматидан эмин бўлганини ёзади.

Бобур "Бобурнома"да Андижон ҳақида ёзганида унинг қўрғони мустаҳкамлиги бўйича Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидан кейин учинчи ўринда туришини таъкидлаб ўтган. Қўрғонининг арки ва учта дарвозаси, хандақи борлиги, унга хандақ устидан тўққизта тарновдан сув оқиб кириши, хандақ ташқаридан айланасига катта тош йўл билан ўралгани, сўнгра маҳаллалар жойлашгани айтилган.

Андижон вилоятидаги мўл-кўлчилик ва унинг табиий шароити ҳақида аниқ маълумот келтиради: " Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас. Ови куши доғи кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши сб тугата олмайдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур".

Темурийлар даврида Фарғона водийси яхши ривожланган ҳудуд саналган. Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да ёзишича, Амир Темур Андигонни ўғли амирзода Умаршайхга мулк сифатида берганида, у вилоятдаги қўрғонларни мустаҳкамлайди, ободончиликка ҳам эътибор беради; Андигон қўрғони ташқарисида Гулистон номи билан машҳур бир боғ ҳам яратган экан.

Фарғона водийсида ободончилик анъанаси Темурийлар салтанатида ҳам давом этди. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн» асарида XV аср иккинчи ярми воқеалари баёнида Султон Абусаиднинг ўғли Умаршайх мирзо ҳукмронлигида, у вилоятнинг барча ерлари шаҳзоданинг адолати кўмагида маъмур ва ободон бўлди, деб ёзган.

Бобур "Бобурнома"да Андижон ташқарисида Қўштегирмон деган жойда она томондан бувиси Эсан Давлатбегимнинг боғи бўлганлигини ҳам эслатиб ўтади.

Ахси хусусида ёзилганларда эса, Ахсининг табиати ва кишлоқ хўжалиги ҳақида янада аниқроқ мисолларни кўрамиз. Ахсига оқиб келадиган сой "Бобурнома"да "Ахси суйи" деб аталган (ҳозирги номи Косонсой): Ахси суйи Косондин келур, қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, "Миртемурий" дерлар (ҳозирги номи "Амирий"), андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Амир Темур номи билан аталган мазкур қовун тури ҳозиргача бор ва "Амирий" деб аталади. Заҳириддин Бобур Ахсининг мазкур қовунини Бухоро қовуни билан ҳам солиштирган.

Ахси атрофининг табиатини таърифлаб, ови куши бисёр яхши бўлур. Сайҳун дарёсининг Ахси тарафи даштгур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангал (тўқай, чангалзор) дур. Буғу марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур, деб ёзган.

Дарҳақиқат, Фарғона водийси азалдан минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ва бу воқеликлар тарих зарварақларида муносиб акс эттирилган.

Гулноза ХОЛЛИЕВА,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети доценти

XX АСР РУС БОБУРШУНОСЛИГИНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган адабий, тарихий, илмий меросни ўрганиш дунё илмида бобуршунослик соҳасини вужудга келтирди ва фан тарихини янги тадқиқотлар билан бойитди.

Бобур қўлёзмаларини тўплаш, унинг ижодий мероси билан қизиқиш Россияда XIX асрдан бошланган. Рус олими И.Берёзин 1857 йилда чоп этилган 3 жилдли «Туркий хрестоматия»га «Бобурнома» ва «Мубаййин» асарларидан ҳам айрим парчаларни киритган.

Кузатишлар XX асрнинг биринчи ярмига қадар Бобур ижоди билан жиддий қизиққан олим А.Н.Самойлович бўлганини кўрсатди. Унинг бу борада бир қанча тадқиқотлари мавжуд. Улардан айримлари ҳали-ҳануз илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб, Россия архивларида сақланиб келмоқда. Бундан ташқари Санкт Петербургда, Россия миллий кутубхонасидаги олимнинг архивида «Бобурнома»нинг Қозон нашри асосида йиғилган, 3 папкадан иборат тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва этнографик йўналишдаги маълумот ҳамда қайдлар сақланади.

А.Н.Самойлович даставвал эътиборини «Бобурнома»га қаратади, асарнинг барча таржималари билан яхши таниш бўлгани боис уларни қиёсан ўрганади, инглиз, француз, рус тилига қилинган таржималари билан боғлиқ ишларга бир қатор тақризлар ёзади. Бу тақризлар ўзининг объективлиги, принципиаллиги, талабчанлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг В.Л.Вяткин, С.И.Поляков, А.Бевериж каби олимларнинг таржималарига, илмий ишларига ёзилган тақризлари фикримиз далилидир.

А.Н.Самойловичнинг «Бобурнома» таржимаси билан боғлик нашр қилинмаган тақризларида таржиманинг муваффакиятини таъминлайдиган тамойиллар белгилаб берилган, матнни хато ўқиш аёвсиз танқид қилинган. Масалан, унинг инглиз олимаси А.Бевериж хоним таржимасига ёзган 22 саҳифадан иборат тақризида 4 та зарур мезоннинг фаолиятга баҳо беришдаги ўрнига диққат каратилган:

1. Таржимон тилни барча нозикликлари билан мукаммал билиши керак (знание языка памятника во всех деталях и тонкостях);

2. В.В.Радлов тузган луғатга ўхшаш луғатлар билан ишлаш малакаси бўлиши;

3. Ўзигача қилинган таржималарни қиёсий-танқидий таққослаши;

4. Бу борадаги илмий адабиётлар, айниқса, рус олимларининг тадқиқотлари билан ҳар томонлама танишиш керак.

Россия Миллий кутубхонаси архивида Санкт-Петербург университети Шарқшунослик факультети толиби бўлган Б.М.Гурьевнинг А.Н.Самойлович раҳбарлигида ёзилган «Фарғона» номли курс иши ҳам сақланади. Ишда «Бобурнома»нинг туркий қўлёзма нусхалари таққосланган ва форс, Европа тилларига таржималари асосида Фарғона тасвири қиёсий ўрганилган.

Олима Г.Благованинг таъкидлашича, А.Н.Самойлович умрининг салкам йигирма йилини «Бобурнома»ни ўрганишга бағишлаган. Олимнинг юзага чиқмаган илмий меросини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганган олима қатор изланишларида А.Н.Самойловични Бобур ижодининг билимдони сифатида эътироф этади.

Олимнинг архивидаги тадқиқотларидан бирида яна бир муҳим хабарни – «Мубаййин» асарини нашрга тайёрлаётганлигини маълум килади: «...в Казани была отпечатана третья часть крупного труда Бабура «Мубейин» Полное издание «Мубейин а» по единственной рукописи И.Берёзина подготовляется мною». Ҳақиқатдан ҳам,

А.Н.Самойлович архивида асарнинг у нашрга тайёрлаган нусхаси сақланмоқда. Олимнинг ишга жиддий киришганини архивдаги унинг ўз қўли билан кўчирган «Мубаййин» (266 бет) асари, унга қайдлари, шунингдек, «Бобур ижодига доир кораламалар»и ҳам тасдиқлайди.

1917 йилда А.Н.Самойлович Бобур девонининг Париж ва Ҳиндистон нусхаси асосида «Собрание сочинений императора Бабура» номли тўпламни нашр эттиради. Бу факт баъзи нашрларда 2 та қўлёзма нусха ва «Бобурнома»даги шеърлар асосида деб нотўғри талқин қилинган. Чунки олим «Бобурнома»даги шеърларни алоҳида ўрганган. А.Н.Самойловичдан сал олдин, яъни 1910 йилда инглиз олими Д.Росс Бобур девонини Рампур (Ҳиндистон) нусхаси асосида қўлёзма факсимили билан бирга Калькуттада нашр қилдиради. 1911 йилда А.Н.Самойловичнинг бу ҳақдаги мақоласи эълон қилинади.

Мақоладан маълум бўлишича, девоннинг Рампур нусхаси икки қисмдан: «Волидия» асарининг Бобур қаламига мансуб туркий таржимасидан ва шеърлардан ташкил топган. Қўлёзма таркибидаги шеърлар Бобурнинг Ҳиндистондаги даврининг маҳсули эканини Д.Росс сўзбошисида қайд этмаганини ёзган А.Н.Самойлович ўз фикрини «Бобурнома» орқали тасдиқлайди. «...Ҳумоюнга таржиманиким, Ҳиндустонга келгали айтқон ашъорни йиборилди. Ҳиндолға ва Хожа Калонга ҳам таржима ва ашъор йиборилди. Мирзобек тағойидин ҳам Комронга таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар юборилди...» Демак, бошқа асарлари қаторида «Бобурнома»да бу девон ҳақида ҳам маълумот берилган.

Жиддий кузатишлардан кейин А.Н.Самойлович мазкур тўпламда бошқа қўлёзма девонларда учрамайдиган 379 та шеър борлигини ҳам аниқлайди. Шунингдек, Париж ва Рампур нусхасидаги шеърий жанрлар тили, таркиби ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилади. Унга кўра Рампур нусхаси Париж нусхасидан фарқли равишда туркий шеърлардан ташқари форс ва урду тилида ёзилган шеърларни ҳам ўзида жамлайди.

Рампур қўлёзмаси якунловчи шеърининг Бобурнинг ўз қўли билан ёзилгани туфайли ҳам мўътабар саналади. Буни А.Н.Самойло-вич Д.Росс сўз бошисида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб маълум қилади. Рампур нусхаси хотимаси ҳошиясида Бобурнинг қуйидаги мисралари келтирилган: «Ҳар вақтки, кўргосен менинг сўзумни, сўзумни ўқуб ёд қилгосен ўзумни». Бобур, душанба 15 рабиул охир, сана 935» Шу бетда Бобур мисралари билан ёнма-ён Шоҳжаҳоннинг, мазкур қайд Бобурга тегишли эканлигини исботловчи форс тилидаги қуйидаги фикри келтирилган: «Ин рубоий турки ва исме муборак батхақиқ оли ҳазрат фирдавс макони Бобур подшо ғози анор Олло бурҳона аст Хуррам Шоҳжаҳон ибн Жаҳонгир подшоҳ ибн Акбар подшоҳ ибн Ҳумоюн подшоҳ ибн Бобур подшоҳ» (яъни, ушбу туркий рубоий ва исми муборак ҳақиқатан ҳам Бобур қўли билан ёзилган. Буни Шоҳжаҳон битдим...)

Кўриниб турганидек, Бобур битган рубоий манбада тўлик ҳолича сақланмаган. Д.Росснинг тахминига кўра, қўлёзма муқоваланаётган пайтда, чеккарокдаги рубоийнинг кейинги икки мисраси кирқилиб кетган бўлиши мумкин. Бу фикрга А.Н.Самойлович бошқа қўшимчаси йўқлигини қайд килиб, Д.Росс сўзбошисида эътибордан четда қолган баъзи масалалар, матндаги текстологик хатолар устида тўхталади.

Мақола сўнгида А.Н.Самойлович камчиликлар бўлишига қарамасдан, Д.Росснинг Рампур нусхасини топиб, нашр килиши таҳсинга лойиқлиги, у туфайли дунё туркологлари Бобур девонининг яна бир янги нусхаси билан танишганини алоҳида қайд этади.

Мақола ёзилганидан кейин А.Н.Самойловичда барча камчиликларни бартараф қилган ҳолда Бобур шеъриятини Париж нусхаси билан биргаликда қайта нашр этиш истаги туғилади. 1911-1917 йиллар давомидаги изланишлар натижасида А.Самойлович нашри юзага чиқади Мазкур нашр «Император Бобур шеърлари тўплами. I қисм» деб номланган. Демак, олимда ишни давом қилдириш, II қисмни ёзиш истаги ҳам бўлган. Шу эҳтимол билан А.Н.Самойлович

архиви кузатилганида ишнинг иккинчи қисми топилди ва таҳлил қилинди.

Мазкур манба «Император Бобур шеърлари ва А.Н.Самойлович таржималари» деб номланади. Мундарижадан маълум бўлишича, иш кириш, 5 қисм, кўрсаткичлар, матн ва таржимадан иборат бўлиб, муаллиф қуйидаги масалаларни ўрганишни режалаштирган.

Ишнинг кириш қисми мулоҳазаларга ниҳоятда бой. У шундай бошланади: «Биз учун бу нашрни юзага чиқариш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш ҳам бурч, ҳам фахр, ҳам бахтдир. Бундан 60 йил олдин (1857) академик Кер қўлидаги нусха асосида Н.И.Ильминский Қозонда биринчи бўлиб «Бобурнома»ни нашр қилдирди. Ҳайдаробод нусхаси асосидаги иккинчи нашр Бевериж хоним саъй-ҳаракати билан юзага чиқди. И.Н.Берёзин «Мубаййин» асарининг учдан бир қисмини чоп қилдирди (Teufel ёзганидек ярмини эмас). Мазкур асарни И.Н.Берёзин қўлидаги нусха асосида тўлиқ нашрини камина амалга ошириш ниятидаман». Шундан кейин олим «Волидия» асарининг таржимаси ҳамда арузга бағишланган «Муфассал» асарига қисқача тўхталади. Д.Росс инглиз тилига таржима қилган «Тарихи Рашидий» китобида Бобурнинг бошқа асарлари ҳам тилга олинганини ёзади.

Шундан кейин А.Н.Самойлович Париж нусхасидаги бошқа ғазалларнинг яратилиши билан боғлиқ лавҳаларни «Бобурнома» асосида таҳлил қилади, шеърларни ҳам арабий имлода, ҳам таржимада келтиради. Париж нусхасидаги жами ғазаллар сони 89 та деб кўрсатилган. 69-ғазал рубоийлардан кейин такрор келганлиги қайд қилинган. «Ғазаллардан кейин тўртликлар: рубоий, қитъа, туюқлар бошланган», деб ёзган А.Н.Самойлович улардан ҳам баъзиларининг яралиш тарихига тўхталади.

Хулосада, Париж нусхаси жами 89 та ғазал, 77 та тўртлик, 50 та иккилик (олим фардларни шундай номлайди), 8 та маснавийдан ташкил топганлиги, бу шеърларнинг шакл ва вазн таснифи илмий иш охиридаги кўрсаткичларда келтирилгани қайд қилинади.

Мазкур ишнинг III қисмида Бобур девонининг Рампур нусхаси тавсифи келтирилган. Муаллиф мақола бошида бу нусхадаги барча шеърлар Бобурнинг Ҳиндистондаги даври билан боғлиқлиги, унда туркий назмдан ташқари форс ва урду тилидаги шеърлар ҳам мавжудлигини қайд қилади. Кейин бу нусхада мавжуд рубоийларнинг яралиши билан боғлиқ воқеаларни «Бобурнома» асосида бирма-бир тавсифлайди.

Тўртинчи қисм «Бобурнинг девонларида учрамайдиган шеърла-ри ҳақида» деб номланади ва унда «Бобурнома»даги шоир девонига кирмаган бир қанча шеърлар таҳлил қилинган. Бунда олим эътиборни даставвал «Абушқа» луғатида келтирилган Бобур шеърларига қаратади. Унинг аниқлашича, «Абушқа»да Бобурнинг 8 та рубоийси-дан иқтибос киритилган. Кейин шоир девонларида учрамайдиган, «Бобурнома»даги форсий ва туркий шеърлар хусусида тўхталади.

Хуллас, А.Н.Самойлович ўзининг нашр қилинган ва қилинмаган илмий ишлари билан бобуршунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшди ва «Бобур ижодини ўрганиш ҳам бурч, ҳам фахр, ҳам бахт эканини исботлади». И.В.Стеблева, Л.Тугушева, Г.Ф.Благова каби бобуршунос олималар А.Н.Самойлович бошлаган илмий ишларни муваффақият билан давом эттирдилар.

Янглиш ЭГАМОВА,
Бобуршунос олима,таржимон
Халқаро Бобур мукофоти совриндори
Камола РАҲМОНОВА,
Гулистон давлат университети,
"Инглиз тили ва адабиёти"
кафедраси инглиз тили ўқитувчиси

ЭЛ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ МУМТОЗ НАМУНАСИ

Ҳар бир давлат бошлиғи давлатнинг тарихан узоқ яшаши учун эл билан мулоқот қилиш усулларидан кенг фойдаланган. Бу хизматга давлат бошликлари, муҳтарам зодагонлар, диний арбоблар, амалдорлар, адиб ва шоирлар, сухандонлар, нотиқлар, таниқли санъаткорлар сафарбар қилинган. Улар бевосита айрим қавм, жамоа ва гуруҳлар билан бевосита, юзма-юз мулоқотга киришиб, шу давлат сиёсати нечоғлик адолатли, элпарварликка асосланганини тингловчига сўз санъати орқали тушунтирадилар.

Мулоқот таъсирчанлиги бир неча омилларга боғлиқ:

Биринчиси, мулоқотга келган кишининг давлатдаги ўрни, вазифаси (шоҳми, вазирми, вилоят ёки туман ҳокимими, жамоат арбобими, санъаткорми, шоирми, ўқитувчими...).

Иккинчиси, мулоқот мавзусида олға сурилган ғоя – мақсад натижасининг амалиётда, ҳаётда рўёбга чиққан ва чиқмагани.

Учинчиси, рост ёки демагогия – оддий, қуруқ ваъдабозликка асосланган.

Сирасини айтганда, энг таъсирчан ва муҳим мулоқот давлат бошлиғининг бевосита халқ билан юзма-юз учрашув-мулокотидир. Бунинг нақадар тўғрилигини биз бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятлари ёркин мисолдир.

Энди ўтмиш шонли тарихимиздаги хукмдорларнинг эл билан мулокоти усулларини эслаб кўрайлик. Соҳибқирон Амир Темур замонида мулоқотнинг олий даражадаги кўриниши қурултой бўлган.

Ҳусайн Бойқаро, Навоий ва Бобурлар замонларида бундай мулоқотлар пойтахт Ҳиротнинг Мусалло майдонларида, Андижон намозгоҳларида бўлган.

Мулоқотларнинг энг муҳими сиёсий бўҳронлар, давлат барқарорлигига путур етаёзган қалтис пайтларда амалга оширилган. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарканд шаҳри ёнидаги Сарипул мавзесида Муҳаммад Шайбонийхон билан жангга киришиб, мағлубиятга учрагач, чекинади ва Самарқандга кириб олиб, қалъа дарвозаларини бекитиб, ҳимоя тактикасини қўллашга мажбур бўлади. Энди ягона нажот Самарқанд шаҳри халқи билан бевосита мулоқот эди. Ўн етти яшар хукмдор халқ томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож эди. Ана шундай вазиятда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шаҳар шайхулисломи Абулмакоримни ёнига олиб, кенг майдонда шаҳар халқи билан мулоқотга киришади.

Биз бу издиҳом тасвирини темурийлар душмани, Шайбонийхон маддоҳи Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" достонидан ўқиб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Қизиғи шундаки, Муҳаммад Солиҳ "Мен темурийларни ўргани келган ўрокман!" деб айюҳаннос солган Шайбонийхоннинг тарихчиси эди. Бобур ҳам Муҳаммад Солиҳни умрида бир маротабагина кўрган ва унинг шахсига ўта салбий баҳо берган эди: "Ярамас, золим табиатли ва берахм киши эди" ("Бобурнома", 2008, 140-бет).

"Шайбонийнома" достонини ўқиб, воқеа-ходисалар талқинида Муҳаммад Солиҳнинг очеркчи ҳалол мухбирдай ҳақгўйлигига гувоҳ бўламиз. Достондаги воқеалар талқинига кўра аввал Самарканд шайхулисломи Абулмакорим шаҳар халқи билан мулоқотга киришади. У Шайбонийхон асоратидан элни озод этувчи ягона халоскор Бобур Мирзо

эканлигини элга тушунтириб, сўнг Бобурни мулокотга таклиф этади.

"Шайбонийнома" достонидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур тимсолига келсак, ёш ҳукмдорнинг Самаркандни саклаб колишдаги хатти-ҳаракатлари жуда ҳаққоний берилган. Муаллиф Бобурнинг Самарқанд халқи билан мулокотида айтган юрак сўзларини кўриб, эшитиб, қалбига жойлаганлиги учун жуда аник, ҳаққоний талқин эта олган.

Бобур ўз аскарларининг озлигини айтиб, шаҳар халқидан уни қўллаб-кувватлашларини илтимос қилган; буюк Сохибқирон Амир Темур ва Абусаъид мирзо, амакиси Султон Ахмад мирзо Самарқандни бошқарганликларини эслатиб, ўзининг уларга ворис эканлигини таъкидлаган:

Отоларимни кўриб колғонсиз,
Иззу жоҳим (шон-шавкат)га назар солғонсиз.
Авбоком (катта бобом) шоҳи жаҳондор Темур,
Хусрави маъдалатосор (адолатли) Темур...
Ким не турлук эди Султон Саъид,
Ким Қаробоғ аро бўлди шаҳид.
Ул менинг жаддиму (бобом) бечора отом,
Андижон мулкида хунхора отом.
Шоҳу сардор Умаршайх эрди,
Тиғи хунбор Умаршайх эрди.
Абоғом (амаким) эрди топиб фазли Аҳад,
Шоҳи динпарвар Султон Аҳмад...
Қирк йил шоҳ эрди бу кишварда...
Шоҳи огоҳ эрди бу кишварда.
Истабон рухларидин ҳиммат,
Тортингиз банда учун бир заҳмат.
Ҳам алар рухларин шод қилинг,
Ҳам мени қайғудин озод қилинг.

Мулокотда фавкулодда вазиятни баён этиб, илтимосини айтган Бобур, минг чоғли навкари борлиги, бугина куч билан шаҳарни мудофаа қилиш қийинлигини эътироф этади, агар шаҳар эли каттаю кичик бир ёкадан бош чикарса, қалъани саклаш мумкинлигини уктиради. Муҳими, шаҳар

шайхулисломи Абулмакоримдан бошлаб ҳамма йиғилганлар Бобур нутқидан таъсирланадилар.

Достондаги икки бобнинг сарлавҳаси бу жиҳатдан диққатга сазовордир: "Бобур мирзо сўзидин мутаассир бўлиб, шайхулислом ва шаҳар эли қалъани беркитганлари", "Самарқанд эли Бобур мирзо била аҳду шарт қилғонлари".

Шартлар айладилар мустаҳкам,
Қилдилар қалъаларни маҳкам.

Кўряпмизки, Бобур мирзо мулоқоти туфайли Самарқанд халқи бир жон бир тан бўлиб, шаҳар мудофаасини уюштирадилар. Бу ҳодиса достонда ҳаққоний тасвир этилган.

"Шайбонийнома" достони Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг – ўн етти яшар ҳукмдорнинг бадиий ҳаққоний сиймосини яратган ва унинг ёш бўлишига қарамай мулоқотда халққа таъсир ўтказа олганини кўрсата олган биринчи асар сифатида диққатга сазовордир.

Достондаги Бобур тимсоли ва мулоқотида Самарқанд мудофаасига куюнган темурийзоданинг ички ва ташқи туғёнлари, мулоҳаза ва андишалар кенг ўрин олган шоҳ сиймоси мужассамлашган. Унинг нутқидаги қатъият ва самимиятга, таъсирчанликка, тарихий ҳаққониятга ҳар қандай китобхон ҳам тан беради.

Бугун биз "Шайбонийнома"ни мутолаа қилиб, Бобурнинг Самарқандга бўлган меҳри, самарқандликлар билан шаҳар мудофаасини уюштиргани, ўн етти ёшли подшоҳнинг эл билан муомала маданияти, самимияти шайхулисломдан бошлаб бутун шаҳар аҳлига ёққани, унинг нутқи халққа қаттиқ таъсир кўрсатганини аниқ тасаввур этамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лашкарининг 1526 йил 25 май куни Панипат жанги олдидаги аҳволи ғоят ночор, кайфиятлар тушкун эди. Бу ҳақда муаллиф-шаҳаншоҳ Бобур "Бобурнома"да муҳим маълумотларни берган: "Шу кунларда бўлиб ўтган воқеалардан, аввал ҳам фикр этилганди, каттаю кичикда кўркув ва хавотир ошди. Ҳеч кимдан мардона сўз ва шижоатли фикр эшитилмасди. На сўзамол вазирлар ва вилоят

сўраётган амирларнинг на сўзларида, на тадбирларида мардоналик бор эди, на ўзлари ва қарорларида ҳиммат бор эди". Бундай тушкун кайфиятни орадан кўтариш, лашкарни рухлантириш лозим эди. Ана шунинг чорасини Бобур эл-лашкари билан мулоқотда топди, беклари ва лашкари олдида оташин нутқ сўзлади: "Охири, одамларнинг бундай қўрқоқлик ва сустликларини кўриб, бир режа ўйлаб топдим. Барча бек ва йигитларни чақириб шундай дедим: Беклар ва йигитлар! Ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охири йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Оллоҳдир. Ҳаёт мажлисига кирган одамнинг ҳар бири охир-оқибат ажал қадаҳидан ичади ва тириклик манзилига келган ҳар бир киши охири дунё ғамхонасидан кечиб кетади. Ёмон ном билан тирик юргандан, яхши ном билан ўлган афзал. Яхши ном билан ўлсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса ўлим учундир. Тангри таоло бундай саодатни бизга насиб қилибди ва бундай давлатни бизга якин айлабди. Ўлган – шаҳид, ўлдирган – ғозий. Барчангиз Тангрининг каломи номи билан бу урушдан ҳеч ким юз ўгиришни хаёлига келтирмаслиги ва то танасидан жони чиқмагунча бу жанг ва урушдан чиқиб кетмаслигини айтиб, онт ичмоғингиз керак.

Бек ва навкар, каттаю кичик – ҳаммаси истак билан Қуръонни қўлига олиб, ана шу мазмунда қасам ичиб, ваъда бердилар. Бу жуда яхши режа эди. Якин йироқдаги дўсту душманнинг кўзи ва қулоғи эшитиши учун яхши бўлди".

Бу чора-тадбир ва эл билан мулоқот ўз хайрли самарасини берди. Беклар ва лашкар бир тан, бир жон бўлиб ҳарбий сафдан ўрин олдилар. Панипат кишлоғи ёнидаги жангда Бобурнинг руҳланган ўн икки минг кишилик лашкари Султон Иброҳим Лўдийнинг мингтача филга эга бўлган 103 минг кишилик лашкарини ярим кунда ер билан яксон қилди.

Халқ билан мулоқот демократик тамойилларга асосланган давлатларда тарихан тадрижий равишда ривожланиб келган. Фақат абсолют монархия – якка хокимликка асосланган давлат тузумларида эл билан

мулоқотнинг ваъдабозликка асосланган усули кўпроқ қўлланилгани сир эмас.

Кўплаб долзарб, муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий масалаларни халқ билан мулоқотда ҳал қилиш бизнинг давримизда ҳам, айниқса, XXI асрда умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган халқаро муаммолардан бирига айланди. Тараққий этган мамлакатлардаги бошқарув тизимида партиялар ва давлат арбобларининг роли тобора ошиб бораётгани ҳам бунинг ёркин далилидир.

Мулоқот биргина давлат ҳудудидаги тинч-тотувлик гаровигина эмас, балки ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили ҳам эканлигини билсак, Президентимизнинг 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номлаганлари бежиз эмаслиги маълум бўлади.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти ходими.

"БОБУРНОМА" ВА "ТАРИХИ РАШИДИЙ" ТАРИХИЙ-МЕМУАР АСАРЛАРИДАГИ ТИПОЛОГИК ЎХШАШЛИКЛАР

"Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий" асарлари, аввало, тарихий-мемуар характерда яратилганлиги билан муштараклик касб этади. Ҳар икки асар XIV-XVI асрлар Марказий Осиё, шу жумладан, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, шунингдек, Тибатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, адабий ҳаёти, давлатчилик тизими, мазкур халкларнинг география, этнография, этногенезисини ўрганишда муҳим тарихий манба бўла олиши билан типологик жиҳатдан бир қатор ўхшашликларга эга. Қолаверса, асар муаллифлари қариндош саналади. Улар тоғажиянлардир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур холаси Хубнигор Хоним ҳақида ёзар экан, унинг ўғли Ҳайдар Мирзо ҳақида ҳам маълумотлар берган: "...Учунчи қиз Хубнигор Хоним эди, Муҳаммад Ҳусайн Кўргон дуғлатқа бериб эдилар, бир қизи, бир ўғли бўлуб эди. Қизни Убайдхон олиб эди. Мен Бухоро ва Самарқандни олғонда чиқмай қолиб эди. Султон Саидхондин амакиси Сайид Муҳаммад Мирзо Самарқандға манга элчиликка келганда анга қўшулуб борди. Султон Саидхон олди. Ўғул Ҳайдар мирзо эди. Отасини ўзбак ўлтурганидан сўнг келиб, менинг мулозаматимда уч-тўрт йил туруб, сўнгра ижозат тилаб Кошғарға, хон "қошиға борди" – дейди.

Умуман олганда, Бобур Ҳайдар мирзони ўқ отиш, хат ёзиш, расм чизиш, шеър ёзишда иқтидорли деб таърифлайди. Ҳатто "иншоси ҳам ямон эмас" деб баҳолайди.

Айни пайтда Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўзининг "Тарихи Рашидий" асарининг кўплаб фасларини Бобур подшох тарихини ёритишга бағишлаган. Муаллифнинг Бобурга бўлган шахсий муносабатини унинг қуйидаги таърифидан ҳам сезиш мумкин: "Бобур подшоҳнинг яхши оти подшохларнинг орасида боқий қолди".

Ҳар икки асар муаллифи таниқли тарихчи олим, истеъдодли лирик шоир ва давлат арбоблари эканлигида ҳам ўзаро ўхшаш жиҳатлар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, Мирзо Ҳайдар Султон Саидхон ҳукмронлиги даврида (1514-1533) вазир, ҳарбий саркарда каби лавозимларда ишлайди. Хон ўз фарзанди Абдурашид Султонни тарбиялашни Мирзо Ҳайдарга топширади. Мирзо Бобур "Бобурнома" асарини яратишда ўзи кўрган, жанг қилиб, тахт эгаллаган ҳаётий кечмишларини, кўрган-кузатган халқлар-элатларнинг географик, этник, этнографик жиҳатлари ҳақида хотира йўсинида асар ёзган бўлса, Мирзо Ҳайдар ҳам Бобурнинг мемуар асар ёзиш анъаналарига эргашиб, икки дафтардан иборат "Тарихи Рашидий"ни ёзади. Аммо ҳар икки муаллиф "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий"ни ёзишда ўзларининг туғма иқтидорлари ва ижодкорлик қобилиятларига таянганликлари аниқ. Хусусан, Бобур воқеалар, тарихий шахслар, жанглар, табиат иқлими, ҳайвонот, набобат, турли халқлар ва миллатларнинг маиший ҳаётини акс эттиришда асосан, эссега хос самимий тасвир, ўз қалбидан ўтказилган ҳиссий тасвирларга кенг ўрин беради. Шу боис "Бобурнома" марок билан ўқилади. Эҳтимолки, шунинг учундир, европалик кўплаб шарқшунос олимлар ҳам "Бобур"ни "дилбар шахс", "буюк тарихчи", "адолатли ҳукмдор" сифатида баҳолашади.

Мирзо Ҳайдар "Тарихи Рашидий"да тарихий воқеликни акс эттиришда кўпгина ўринларда ўзидан олдинги муаррихлар яъни Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ҳамда Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой" асарларидан зикр этади. Бу айни пайтда ўрта асрлар тарихчилик анъаналари доирасида қолиб кетганини тасдиқлайди. Аммо

шунга қарамасдан, баъзи бир саҳифаларда, хусусан, китобнинг иккинчи дафтаридан ўрин олган "Кашмир", "Тибат" каби мамлакатлар ва уларнинг одамлари, табиати, иклими ҳақида ёзилган ўринлар бағоят таъсирчан, муаллиф тилидан эркин, жонли тилда ёзилганлиги билан Мирзо Бобур услубини ёдга туширади.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"ни туркий тилда яратган бўлса, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий"ни форс тилида ёзган. Бу асарларнинг икки тилда ёзилганлиги уларнинг айричалигига бир далолатдир. Ҳар икки тарихий асарда Амир Темур ва унинг авлодлари, темурийлар шажараси кенг планда ёритилган. Бу жиҳатдан улар муштарак асарлар ҳисобланади. "Бобурнома" муаллифнинг кундалик сатрлари асосида яратилган буюк ва улкан тарихий-мемуар асардир. Худди шунингдек, "Тарихи Рашидий"нинг иккинчи дафтари муаллифнинг саргузаштлари, замонасининг буюк сиймоларидан эшитганлари асосида ёзилгани билан "Бобурнома"га ўхшаб кетади. Бу жиҳатдан ҳар икки асарда кундалик жанрининг элементлари тўла маънода ("Бобурнома"да) ёки қисман ("Тарихи Рашидий"да иккинчи дафтарда) акс этганлиги билан уйғунлик кўзга ташланади.

"Бобурнома" ҳам, "Тарихи Рашидий" ҳам Марказий Осиё маданий-адабий ҳаёти, шу даврнинг энг буюк намояндаларига алоҳида саҳифалар ажратилгани билан типологик ўхшашликларга эга. Жумладан, ҳар икки асарда Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Камолиддин Биноий каби таниқли шахслар ҳақида маълумотлар берилган. Ҳар икки асар бир жаҳон тарихий-адабий, географик, этнографик маълумотларни кенг планда қамраб олгани жиҳатдан ўхшаш асарлардир. Айни пайтда мазкур жиҳатлар ғарб олимларини "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий"дек гўзал асарларни ўрганишга ва дунёнинг турли тилларига таржима этилишига сабаб бўлиб келмоқда. Ҳар икки асар инглиз, рус,

турк, козоқ ва бошқа кўплаб тилларга таржима этилиб, қайта-қайта нашр этилган.

Қолаверса, ҳар икки асар Марказий Осиё халқларининг буюк адабий ёдгорлиги сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўрта асрлар тарихнавислик анъаналарига кўр-кўрона эргашмайди. Балки, уларнинг хатоларини ҳам кўрсатиб ўтади. Ўзининг кўрганлари билан солиштириб, камчиликларини айтиб ўтади. Масалан, муаллиф китобнинг 181 фаслида "Кашмир авзоъларининг зикри"да Шарафиддин Али Яздийнинг нотўғри маълумотини қайд этади: "Зафарнома"да Мавлавий Шарафуддин Яздий Кашмир таърифида неча нарсалар исбот қилиб футубдур. Тавофути шумға ўхшаш воқеъ эмас. Анинг учунки Мавлавий ўзи кўрмабдур. Борганлардан сўраб, анинг тақрири бирла футубдур. Ул халқ ростини билмай айтған бўлғай".

Кузатиб турганимиздек, муаллиф улкан муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг Кашмир ҳақида ёзганларидаги камчиликни унинг ўз кўзи билан кўрмасдан, бошқаларнинг оғзаки гапларига асосланиб, нотўғри маълумот ёзганини қайд этади. Бу айни пайтда Мирзо Ҳайдарнинг ўз замондошларидан бир қадар олдинга кетган тарихнавис эканлигини яна бир бор исботлайди.

Мирзо Ҳайдарнинг Бобурга нисбатан камоли эҳтироми, илиқ муносабати асар саҳифалари бўйлаб сезилади.

Умуман олганда, Мирзо Ҳайдар Бобурни ҳам подшоҳ-ҳукмдор, ҳам тарихнавис-шоир сифатида юқори баҳолайди. Хулоса шуки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Бобурнома", "Тарихи Рашидий" асарлари Марказий Осиё халқлари тарихини мукаммал ёритишда катта манба бўла олувчи аҳамиятли асарлардир.

Замирахон ИСҲОҚОВА,
Наманган давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ПОДШОҲ ВА ГУЛБАДАН БЕГИМ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим (1522-1603)га тегишли "Ҳумоюннома" "Бобурнома"нинг давоми, Бобурдан сўнг унинг авлодлари Акбар подшоҳ ҳукмронлигигача бўлган даврни қамраб олган тарихий асардир. Асарда Бобур билан боғлиқ бўлган воқеалар муфассал тасвирланган. Бу эса Бобур шахсининг ноёб жиҳатларини очишга хизмат қилади. Гулбаданбегим "Бобурнома"ни ўқиган ва асардан кенг фойдаланиб, бу ҳақда "... гарчи бу сўзлар подшоҳ Бобом ҳазратларининг "Воқеанома"ларида айтилган бўлса ҳам, уларни табаррук тутиб, қисқача ёзилди" дейди. Бобур подшоҳ қисқа умр кўриб, қирқ етти йил ҳаёт кечирган. Гулбаданбегим эътироф этганидек, Амир Темур замонидан то Бобур замонигача ўтган султонлардан ҳеч қайсисининг ҳаёти Бобурнинг ҳаёти каби нотинч ва хатарли бўлмаган. Ўн икки ёшида подшоҳлик тахтига ўтириб, ўн бир йил давомида Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатой, темурий ва ўзбек султонлари билан жанг ва мудофаалар олиб борган.

"Ҳумоюннома"ни ўқиш жараёнида машаққат ва хатарларга тўла ҳаёт кечирган Бобур назарида фалокат ва ҳалокатдан омон қолишнинг бирдан-бир йўли бирлашиш экани таъкидлангандек бўлади. Зеро, Бобур мирзо икки марта Самаркандни фатҳ қилишга уринган бўлса ҳам, амакилари ва тоғаларининг мадади ва ёрдамидан мосуво бўлган ҳолда мақсадига ета олмаган. Ўз опаси Хонзодабегимни сулҳ учун Шайбонийхонга тортиқ қилиб, Кобулга йўл олган. Бу вақтда Бобур мирзонинг "икки юз пиёда қўшини елкаларида чопон, оёқларида чориқ, "беяроқ", қўлларида таёқ бўлган".

Гулбаданбегим Бобурнинг фазилатлари ичида кечирувчанликни аниқ ва асосли маълумотлар билан баён

қилган. Бобур ўзига жафо келтирган, хоинлик қилган, мунофиклик йўлини тутган кишиларнинг гуноҳларини кечириб юбориш билан чекланмай, бадкиркор, баднафс, нокас бандаларни яхшиликка рағбатлантирган ҳам. Шунингдек, уларга катта лавозимларни ишониб топширган. Бадахшонни қўлга киритган Бобур амакилари Шоҳ Бойсунғур мирзони қатл этган, Султон Масъуд мирзонинг кўзларига мил тортган Хисравшоҳнинг ёмонликларига қарамай, ундан ўч олиш ўрнига мардлик, одамгарчилик ва мурувват юзасидан "гавҳар, олтин ва қуроллардан кўнгли хоҳлаганча олсин" деб буюрган. Хисравшоҳ ўзи билан беш-олти туя ва хачирга бойликларини ортиб, соғ-саломат Хуросонга жўнаб кетган.

1506-1507 йилларда Бобур мирзо Ҳиротга кетганидан фойдаланган Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кобулда қўзғолон кўтариб, шаҳарни қамал қилиб, Кобул тахтини эгаллаган. Бобур жонини гаровга қўйиб, Кобулни қайтадан қўлга киритган. Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг хоинлигига қарамай унга эҳтиром кўрсатган. "Ҳумоюннома"да ёзилишича, "Бобур мирзо "...хола (Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг хотини Бобур мирзонинг кичик холаси Хубнигор Хоним бўлган – З.И.)нинг хотирини қилиб, Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг гуноҳини кечдилар. Холаларининг кўнглида бўлиб ўтган кулфат ғубори қолмасин деб илгаригидан ортиқроқ ҳурмат қилдилар".

Гулбадан Бегим отасини кўнгли юмшоқ, мурувватли шахс сифатида кўрсатганки, Бобур подшоҳ ўзининг авлоду аждодлари, қариндош-уруғлари, беку навкарлари, юрти ва элининг тақдирига бефарқ қарамаган. Ҳар бир қариндошининг ҳаёти, тақдири, камоли уни ўз тақдири каби қизиқтирган, ўйга толдирган, улар учун қайғурган. Бобурнинг тож-тахт учун олиб борилган курашларда умри хазон бўлган мирзоларга бўлган қариндош-уруғлик туйғуларида ҳам қаҳр, ҳам меҳр, ҳам ачиниш, ҳам нафратланиш, ҳам шараф ҳам мурувватсизлик, ҳам келишув, ҳам тарқоқлик, ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик мужассамки, бундан "яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз" – "ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир" деган фалсафий хулоса келиб чиқаради.

"Ҳинд сори юзланган" Бобур 1526 йил 21 апрель куни Панипат остонасидаги Дехли султони Иброҳий Лўдий билан бўлган жангда ғалаба қозонган. Шу муносабат билан Кобул, Дехли, Агра шаҳарларида уч кун байрам ўтказилган. Теварак-атрофдаги вилоятларга элчилар жўнатилиб, "кимда ким бизга келиб, мулозамат қилса, ҳар томонлама раъият қиламиз, агар улар ичида ота-боболаримизга хизмат қилган кишилар бўлса, катта мукофотга сазовор бўладилар. Соҳибқирон ва Чингизхон авлодидан бўлган ҳар бир киши бизнинг даргоҳимизга қайтиб келсинлар" деган буйруқ юборилган.

Бобур шаҳоншоҳнинг "Худо бизга Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келсинлар, то бу давлатни бирга сўрайлик" деган сўзларидан англашиладики, темурийлар сулоласининг мағлубияти туфайли турли тарафга тарқаб кетган Бобурнинг ҳам ота, ҳам она авлодлари Ҳиндистонга қараб йўл олишган. Жумладан, Султон Абу Саъид, Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг қизлари, бегимлар ва хонимлар Бобур подшоҳ саройига келишган. Бобур уларнинг ҳар бирига жой ер, кўнгиллари тилаган инъомлар тайин қилган.

Бобур мирзо дунё азоблари жонига тегса ҳам, қисматига ёзилган дарбадарлик, жаҳонгаштalик, ватангадоликка чидаган, нафақат чидаган – қаерда бўлмасин, ўша юртни обод қилишга, халққа ғамхўр бўлишга интилган. Ҳиндистоннинг Бажавр кентини қўлга киритган Бобур Мирзо бу юрт ҳокимининг қизи Афғоний Оғачага уйланиб, унга қимматбаҳо сарполар тақдим этган ва халққа омонлик бериб, ўз ватанларини обод қилишга ҳукм қилган.

Гулбаданбегим "Ҳумоюннома"да Аградa яшаган чоғида шаҳаншоҳ отаси ҳақида ўз кўзлари билан кўрган воқеаларни тилга олган. Гулбаданбегимнинг ёзишича, бу вақтда шаҳаншоҳда дарвешлик кайфияти кучайган. Тахтни ўғли Ҳумоюнга топшириб, ўзи Аградаги "Зарафшон" боғида узлатда ўтиришни ихтиёр қилган: "Кўнглим салтанат ва подшоҳликдан олинди, шу боғда бир бурчакда ўтирсам, менинг хизматим учун Тоҳир офтобачи ҳам етиб ортади".

Шоҳ сифатида хам Бобур мирзо давлат амалдори сифатида тасаввур қолдирмайди. Зеро, фукароларни нафс қуллигидан қутқариш, маънавият оламига етаклашни мақсад қилган шоҳнинг ўзи ўз нафсининг қули бўлса халқни қандай қилиб тўғри йўлга бошлай олсин!? Дарвешлик белгилари – Ҳақни таниш, илмга ташналик, ўзини фақиру ҳақир ҳисоблаш, мулойимлик, хокисорлик, огоҳлик шаҳаншоҳ Бобурда мужассам эди. Давлат арбоблари шаҳаншоҳ Бобурнинг саъй-ҳаракатларига норозилик билдириб, уни бу фикридан қайтаришга уринганлар.

Табиийки, шаҳаншоҳ Бобурнинг асл ҳолати, руҳий тушкунлигини англамаганлар:

Неча даврон ғуссаси бўлғой менинг жонимга хос,
Кошки ўлсам, даги бу ғуссадин бўлсам халос.

Гулбаданбегимнинг ёзишича, Бобур мирзо Агра шаҳрида тўрт йил умргузаронлик қилган. Ҳар жума куни аммаларини кўргани бориб турган. Қуёш қиздиришига қарамай, зиёратга йўл олган Бобур мирзога эътироз билдирган Дилдорбегимга берган жавоби унинг нақадар олийжаноб ва меҳрибон жиян эканидан далолатдир: "... улар ўз ота ва бирадарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?"

Гулбаданбегим эътироф этишича,шаҳаншоҳ Бобурнинг эзгу фармонларидан бири 1526 йилда чоғир, яъни шароб ичишдан тавба қилиб, мамлакатда ичкиликбозликни расмий тақиқлаганидир. Бобур Дебалпур шаҳрида бир бўлак бутун тошдан ўн газ квадрат ҳажмдаги ҳовуз қуришни буюриб, "шароб билан тўлдираман" деган. Шароб ичишдан тавба қилгани сабабидан шаҳаншоҳ Бобур ҳовузни "лимон шарбати билан тўлдириш" ни амр қилган.

Бобур мирзо тенги йўқ саркарда, моҳир дипломат, буюк йўлбошчи сифатида тилга олиниши бежиз эмас. "Ҳумоюннома"да келтирилишича, Султон Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашкар Бобур мирзо қўшинлари ичида саросималик ва хавотир, қўрқув ва ҳадикни кучайтириб, парокандаликка олиб келган. Шунда Бобур мирзо тафаккур қилиб, қўшинни жамлаган ва оташин сўзлар

билан уларни рухлантирган: "... шуни унутмангки, Ватанимиз ва шахримиздан бир неча ойлик йўл ажратиб турибди. Икки йўлдан бирини танлаб олиш керак. Агар душманни ўлдирсак, ғозий бўламиз, ўлдирилсак, шахид бўламиз. Шу хар икки тақдир хам ўзимизникидир. Бизнинг улуғ даражамиз ва олий мартабамиздир". Бу жангда Бобур мирзо ғолиб бўлиб, "ғозий" шарафига муяссар бўлган.

"Хумоюннома"да Бобур мирзонинг намунали ота тимсоли хам ёркин акс этган. Гулбаданбегим онаси Моҳимбегим билан 1528 йилда Кобулдан Ҳиндистонга келади. Аграда катта зиёфат уюштирилади. Зиёфатдан сўнг Гулбаданбегим Бобур мирзонинг олдига бориб, оёкларига ўзини ташлаган. Бобур мирзо кўп ҳол-аҳвол сўраб, бир неча вакт тиззасида олиб ўтирган. Гулбаданбегим бу ҳолатни "шу вактда ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвир килиб бўлмайди" деб ифодалаган.

Шаҳаншоҳ Бобурнинг фарзандларига фидойилиги ўғли Ҳумоюн мирзонинг дардини ўзига олиши ва фарзанди учун ўзини қурбон қилишида намоён бўлганки, ҳеч бир подшоҳ фарзандига бу каби мурувват кўрсатмаган. Ҳаттоки яқинлари Ҳумоюн мирзонинг жонини асраб қолиш учун "Кўҳинур" олмосини Худо йўлида садақа қилишни маслаҳат беришганида бу таклифга рози бўлмай, ҳеч бир нарса, хатто у қимматбаҳо бўлса ҳам, ўғлининг ҳаётидек қимматга эга бўлмаслигини айтган. Ўғли Ҳумоюн мирзонинг дардига шифо сўраб илтижо қилган. Ҳазрат Али (р.а.) нинг мозорига борувчи кишини кўришни истаб, ундан "Менки Бобурман, умри-жонимни Ҳумоюнга бағишлайман" деб дуо қилишни сўраган. Бу вокеа тарихда "Тасаддук вокеаси" номи билан мухрланган. "...Шу куниёқ жаннатмакон Ҳазрат (Бобур мирзо – З.И.)нинг тоблари қочиб қолди. Ҳумоюн Подшоҳ эса бошларидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва кўргани келганларни қабул қилдилар". Бобур мирзонинг ўз ҳаётини фарзанди аржуманди Ҳумоюнга бағишлаши – унинг ота сифатидаги мавкеи нақадар буюклигини кўрсатади.

Гулбаданбегимнинг ёзишича, шаҳаншоҳ Бобур шахсиятидаги яна бир ноёб неъмат – унинг ҳаётига таҳдид

қилган, уни ўлдиришни ният қилган Иброҳим Лўдийнинг онасига мурувват кўрсатиб, омонлик беради. Гулбаданбегим бу ҳақда муфассал тўхталиб, "... Байда бир тўлча (жиндек) заҳарни канизагига бериб, Аҳмад чошнигир қўлига бериб айтсин, уни қандай қилиб бўлса ҳам, подшоҳнинг хос ошига солсин деди ва унга кўп ваъдалар қилди. Заҳар нонга қўшиб берилган, ундан подшоҳ озгина еган эдилар. Подшоҳ ҳазратлари бу бадбахт Байдани "онам" деб, ер ва жойлар бериб, жуда каттиқ ҳурмат ва риоя қилардилар. Унга мени Султон Иброҳимнинг ўрнида деб билгин дер эдилар".

Гулбадан Бегим отасининг ўлими хусусида батафсил ҳикоя қилиб, айрим чалкашликларга чек қўйган. Бўлган воқеа ва жараёнларга холисона ёндашиб, вазиятни тўғри баҳолаган Гулбадан Бегим "подшоҳнинг кундан кунга заифлашиб, озиб кетаётганларининг сабаби заҳар таъсири" дейди. "Ҳумоюннома"да Бобур мирзонинг ўлими раъият тинчлиги учун сир тутилиб, жарчиларга "Бобур подшоҳ ҳазратлари дарвеш бўлдилар, давлатни Ҳумоюнга топширдилар" деб хабар қилиш буюрилган. Бу хабардан халқнинг кўнгли таскин топиб, мамлакатда тинчлик-осойишталик хукм сурган. Сўнг Ҳумоюн мирзо тахтга ўтириб, Бобур мирзонинг сиёсатини давом эттирган, яъни "ким қандай мансабда, хизматда бўлса, қанча жой ва ерга эга бўлса, ҳаммаси ўз ўрнида бўлади ва ўз ишини олдингидек давом эттира беради".

Шаханшоҳ Бобурнинг буюклиги шундаки, босқинчилик тамғасини бунёдкорлик ва инсонпарварликка айлантириб, меҳр-шафқатда барчага намуна бўлган. Бобур мирзо келажак авлод аждодларини унутмай, ҳамиша ёдида сақлашини теран англагандек, шундай ашъор битган:

Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни,
Унутмогил яна бу номурод Бобурни.

Эътироф этиш ўринлики, Гулбадан бегим асарда ўзи ҳақида ҳеч нарса ёзмаса ҳам, атрофидаги барча шахсларнинг таърифу тавсифини тўлиқ келтирган. "Ҳумоюннома" Ҳиндолнинг ўлдирилиши ва Комрон мирзонинг кўзига мил тортилиш воқеаси билан узилиб қолган. 1548 йилда Ҳумоюн мирзо Балхга – шайбонийларга қарши курашга отланган.

Жангда маглуб бўлиб, яраланган Ҳумоюн мирзо тақдирнинг иккинчи зарбасига учраган. Комрон мирзо вазиятдан унумли фойдаланиб, Кобулни қўлга киритган. Ҳумоюн мирзо Бадахшон ҳокими Иброҳим мирзо ва унинг онаси Ҳарамбегимнинг ёрдами билан Кобулни эгаллаган.

Гулбаданбегимнинг бундан кейинги ҳаёти (1548-1575 йиллар оралиғи эътиборга олинган – З.И.) ҳақида маълумот йўқ. "Акбарнома" да 1575 йилда Гулбаданбегимнинг ҳаж сафарига отланғани ҳақида эслатиб ўтилган. Унга кўра, Гулбаданбегим 45-50 ёшларда ҳаж зиёратига отланган. Жияни Акбаршоҳ рухсат қилиб, йўл харажатлари, раҳнамо ва кўрикчилар тайинлаган. Гулбаданбегимнинг хурмати учун соч-соқолини олдириб, Агра шаҳридан то Ажмир шаҳригача пиёда кузатиб борган. Гулбаданбегимга Ҳожибегим (Ҳумоюн мирзонинг катта хотини – З.И.), Бобур мирзонинг канизаги Гулнора, Сарвқад исмли хонанда, Акбар мирзонинг яна бир хотини, Аскарийнинг (Бобурнинг кенжа ўғли – З.И.) Акбар мирзони тарбиялаган беваси, Умми Гулсум (Гулбаданбегимнинг набираси – З.И.) ҳамроҳлик қилишган. Бу сафар қарийб етти йил давом этган. Ҳожи оналар Арабистонда уч ярим йил яшаб, 1582 йилда ҳаждан қайтишган. Акбар мирзо ҳожи оналарни тантанали кутиб олган. Бу воқеа шарафига халқни баъзи солиқлардан озод қилган. Гулбаданбегим узоқ умр кўриб, 1603 йилда 80 ёшида вафот этган.

Гулбаданбегимнинг Шарқ аёллари ичида биринчи бўлиб тарихнависликка қўл уриши ноёб ҳодиса бўлиб, "Ҳумоюннома" тарихий, этнографик, маданий маълумотларга бойлиги билан "Бобурнома"га ўхшайди. Шунга қарамай, асар тўлиқ илмий муомалага киритилмаган. Бунинг сабаби асарнинг кам нусхада экани билан изоҳлаш ўринли.

"Ҳумоюннома" гарчи форс тилида ёзилган бўлса ҳам, унда кўплаб ҳинд, урду тилларидан кирган иборалар мавжуд. Бу эса асарнинг ҳам тарих, ҳам адабиёт, ҳам этнография, ҳам тил тарихи, шунингдек, Бобур мирзо яшаган давр ва бобурийлар сулоласи тарихи бўйича илмий тадқиқотлар учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Мирмахмуд МИРСАЙДУЛЛАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор, тадқиқотчи

НОДИР ОСОРИ-АТИҚАЛАР – ТАРИХ КЎЗГУСИ

1. Бобурнинг дубулғаси

Россия давлатининг пойтахти Москва шахрида жойлашган "Қурол-аслаҳалар" палатасидан ўрин олган дубулға адабиётда хатолик билан Бобур подшоҳнинг "Монгол шлеми" деб аталган, лекин бу дубулғани Мўғул давлатига хеч қандай алоқаси йўқ. "Монгол" номли куроллар палатасининг эски қайдларидан. 1677 йилги рўйхатда никобнинг кимдан ва қандай йўл билан, қайси шароитда сотиб олингани берилмаган.



Қуроллар палатасида 4404-рақам остида сақланаётган Ҳиндистоннинг подшоҳи Бобурга тегишли никобли дубулға

Никобларни "монголларники" деб атаб, музей ходимлари рўйхатда сўзни нотўғри талқин қилишган. Ҳақиқатдан, "монголский" сўзидан агар биз "Н" харфини тушириб қолдирсак, у ҳолда "моголский" бўлади ва унда ҳамма нарса жойида тутади. Музей ходими бу сўзни тасодифан талқин қилмаган – унинг олдида тўғри бошланғич транскрипция турган. Албатта, "мўғуллар" никоби таърифида Ҳиндистон кўзда тутилган. Буюк могол салтанати бу Мўғилистон эмас. "Буюк мўғуллар" сулоласига 1526 йили фарғоналик Бобур томонидан асос солинган. Шунинг учун Бобур европалик замондошлар учун мўғул ҳисобланган ва бу династия бошида мўғул деб аталган, сўнг жаҳон адабиётида транскрипция-лаштириш бошланганда моголская, деб юрита бошланган.

Дубулғанинг бундай кўриниши, аниқроғи, унинг қисми, личена (ниқоб) деб аталган. Ниқоб жангчи юзини енгил зарбадан ҳимоя қилиб, душманга руҳий таъсир ўтказган. Ниқоблардан Шарқда, Хитойда, Европада ҳам кўп фойдаланишган. Дубулғанинг бошқа номи "шишак"дир.

Ҳиндистон подшоҳи Бобурга қарашли 4404-рақамли дубулғанинг тавсифи қуйидагича: ўлчамлари: юқори кенглиги (пешона қирраси бўйича) 160 мм, жағ ости 165 мм, умумий узунлиги 220 мм.дан иборат.

Бодомкўзлар, кўз дўмбоқчаларида 20 мм тешик қилинган, 17 мм кенглиги бўлиб, қошлар кенг ёйсимона эгилган. Чаккалар охирида озгина юқорига эгилган. Пешона шаркона безак билан юқори қисми чегарасида ниқоб билан дубулғани бирлаштирувчи ошиқ-мошиқ сақланган. Букирли бурун пасти тик чизиқ бўйлаб йиртилган, бурун қирралари кесик чизиқ билан белгиланган. Бурун тешиклари тўсилган. Бурун узунлиги эса 65 мм.

2. Бобурнинг узуклари

Ҳозирда Бобурнинг икки узуги Техрондаги Марказий банкда сақланади. Зумрад кўзли узук ва бобоси Амир Темурдан қолган ёдгорлик саналган қора кўзли тилло узукни

хозиргача сакланиб колгани барчани хайратга солади, албатта. Бу узукларнинг тарихи куйидагича.

Зумрад – юкори даражали кимматбахо тош бўлиб, унинг энг яхши кристаллари олмосдан хам киммат турали. Синикларсиз, бегона кўшилмаларсиз, хира бўлмаган тиник яшил рангли зумрадларнинг 1 карати жахон бозорида бир неча ўн минг доллар туриши аник.

Тарихда зумрад, алохида кимматбахо тошлар ичида ўз ўрнига эга бўлган. Айтишларича, малика Савская зумрадни бошка кимматбахо тошлардан устун кўйган. Унинг энг кимматбахо кийимларига зумрад билан безак берилган. Бундай кийимларни 100 дан ортик хизматкорлар кўлда тикишган. Яна бир тарихий манбада келтирилишича, малика Клеопатра хам зумрадларни жуда яхши кўрган. Маликанинг севгилиси Рим императори Антоний "Нил гўзали"ни кимматбахо зумрад тошларга кўмиб ташлаган.

Пфальц – Цвейбрюкен шажарасига карашли Швеция кироличаларидан бири Ульрика Элеонора XVI асрда турли ўлкаларга зумрад тошларини топиб келиш учун экспедициялар юборган экан.

Рим тарихчиси Тациднинг ёзишича, ўта бешафкат ва бузук бўлган император Неронни бир неча марта захарламокчи бўлишган, лекин унинг кадахида катта бутун зумрад тоши бўлгани сабабли, захар ўз кучини йўкотар ва император тирик колар экан.

Турк аёллари урушга кетаётган ўгилларининг от эгарларига ва аскар кийимларига майда зумрадлардан тикиб кўяр эканлар. Уларнинг таъбири билан айтганда, зумрад ёмонликлардан асрар, галаба билан кайтишларига сабаб бўлар экан.

Мусулмон оламининг тумор-тошига айланган зумрад Европага араблар оркали етиб келган. Шарк табобатида зумрад тошидан медитация килишда фойдаланишган, чунки табиблар зумрад рухий тозаланишга ёрдам беради, деб ишонишган.



Бобурнинг зумрад кўзли узуги

Бобур Мирзонинг севимли зумрад кўзли узуги ҳақида нафақат Европа ва ҳинд ёзувчилари, балки Ўрта Осиё давлатларидаги бобуршунослар ҳам ёзиб қолдиришган. "Бобурнинг ўнг қўлидаги зумрад кўзли узуги уни бамисоли бало-қазолардан асрайдигандек, тинчликда ҳам, жангда ҳам тақиб юрар эди", – деб ёзишган. Кейинчалик бу узук Нодиршоҳ томонидан бобурийлардан тортиб олиниб, Эронга олиб кетилган. Узукнинг табаррукликги ҳозирда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган.

Эрон Марказий банкида Бобурга тегишли яна бир узук бор. Бу бобоси Амир Темурдан қолган **тимқора қимматбаҳо тошли тилла узук.** Қадимги манбаларда ёзилишича, бобосидан қолган бу узук Бобурнинг қўлига бир оз катта бўлгани сабабли, узукнинг ичига ип айлантириб, чап ўрта бармоғига мослаб, тақиб олар экан.



Бобурнинг Амир Темурдан қолган қора тошли тилла узуги

3. Бобур тасвири туширилган гилам

Ҳиндистонда ҳамадонлик буюк сўфизм асосчиларидан бири ҳазрат Мир Сайид Али Ҳамадоний (1341-1385) Эрондан энг яхши гилам тўқийдиган усталарни Кашмирга олиб келиб, у ерда катта гилам тўқиш устахонаси очтириб, дунёнинг барча давлатларига Кашмирнинг ипак гиламларини тарқата бошлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, 1529 йилда Кашмир гиламчилари унга атаб фил устида кетаётган Бобур суратини гиламга тўқиб совға қиладилар. Расм атрофига Ҳинд ўлкасидаги барча ҳайвонот оламига оид расмлар битишади. Бобур бу гиламни яшаётган хонаси деворига осиб қўйган, деган маълумотлар ҳам бор.

Ҳумоюн Ҳиндистонни қайта жанг қилиб олгандан сўнг Эроидан энг яхши гилам тўқийдиган усталарни олиб келади ва Агра, Лаҳор ва Фотеҳпурда гилам тўқийдиган устахоналар очтиради. Шу даврдан бошлаб Ҳиндистонда гиламчиликнинг янги асри бошланади.

Бобурнинг фил устидаги тасвири туширилган гиламни Акбар 1580 йили Аграда (аввалгиси эскириб кетгани боис) қайта шундай кўринишда тоза ипакдан тўқитади.

4. Бобурнинг олмослари

Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Ҳумоюн касал бўлиб қолган вақтида унинг бошидан Кўҳинур олмосини садақа қилишини ёнидагилари айтмаганида, бизнингча, олмоснинг тарихи ҳақида ҳозиргача кўп маълумотларга эга бўлмаган бўлар эдик. Бобур Мирзо ана шундай камтар, бойликка ҳирс қўймаган инсон бўлган.

Лекин тарихга назар солиб, унинг Ҳиндистонда яшаган даврига эътибор қаратганимизда, Бобур Мирзога Иброҳим Лўдийнинг оиласини омон қолдиргани учун Кўҳинур олмосининг ҳадя қилиниши билан бутун ҳинд бойлари томонидан ҳам дунёда қимматбаҳо саналган олмос, зумрад ва ёқутлар омон қолиш учун ҳадя қилинган. Бу ҳақда ҳозиргача кам маълумот бўлганига шоҳид бўлдик.

Бобурнинг Ҳиндистондаги подшоҳлик даврига разм солсак, жуда кўп бойликлар қаторида хозир ҳам дунёда машҳур бўлган қимматбаҳо тошлар, ўз вақтида унинг бойлиги бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Бобурда бир вақтнинг ўзида **Кўҳинур, Дарёи-нур, Шоҳ**, **Агра** ва бошқа дунёдаги энг қимматбаҳо бўлган олмос, зумрад, ёқутлари бўлган. Бу олмосларнинг тарихи Бобурга совға қилиниши маросимлари ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Кейинчалик олмос ва қимматбаҳо тошларни Бобур Мирзо ўғли Ҳумоюнга тириклик пайтида ўз қўли билан топширган. Вақти келиб, бу бойликлар Акбар, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳонларнинг мулкига айланган.



Ҳиндистон ҳайвонот олами туширилган, ўртада Бобур мирзони фил устида ўтирган ҳолати, 1580 йил Аграда қайта тўқилган гиламда ўз аксини топган

Тарихда 1739 йили Эрон шоҳи Нодир шоҳ катта лашкарлар билан шимоли-ғарбий Ҳиндистонни забт этиб, бобурийларга тегишли жуда кўп бойликларни Эронга олиб кетгани ҳақида ёзилган маълумотлар бор. Бу бойликларнинг

бир қисми сотилган бўлса, бир қисми Эрондаги музейларда ҳанузгача сақланиб келмоқда.



Британия музейининг кутубхонаси Or.3714, f.320v. рақами остида сақланаётган тахминан 1590-1593 йилларга оид рассом Кесу Кхурд томонидан Ҳиндистонда чизилган миниатюрада Бобур томонидан Ҳиндистон забт этилгач, маҳаллий бойлар, махарожа ва ибодатхона роҳиблари омон қолиш учун туҳфалар бериш жараёни тасвирланган.

1984 йили Москвада чоп қилиниб, каталогга киритилган **"Самые известные алмазы мира"** китобида Бобур ва унинг авлодларига тегишли бўлган олмослар ҳақида батафсил тарихий маълумотлар берилган.

5. Бобурнинг машҳур ёқутлари

Ушбу ёқутлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобулда подшоҳлик даврида унга тегишли бўлган. Бўйинга

тақиладиган тақинчоқ 11 та ишлов берилган ёқутлардан иборат бўлиб, умумий оғирлиги 1.131,59 каратга тенг. Улар ўзаро тилла занжирлар билан бирлаштирилган. Тақинчоқнинг узунлиги 52 см бўлган.



Учта ёқутга уларнинг эгалари: Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб, деб танилган Оламгирнинг номи ёзилган. Бобурийлар номининг қимматбаҳо тошга ёзилиши, бу тошга нисбатан унинг чиройини тан олиш, деб билинган.

1857 йилда бобурийлар империяси салтанати инқирозга учрагач, барча қимматбаҳо тошлар тақинчоқ сифатида олтин занжирлар билан бирлаштирилган.

Бобурийлар ёқутларни ё бўйинда, ё билакузук сифатида, ёки қўлларида маҳкам ушлаб юришган, чунки уларнинг қизил ранги шу тош эгасининг ҳаётини ҳар қандай балолардан асраб қолади, деб ўйлашган.

Афсоналарга кўра, учта ёқут тақиб юрувчи подшоҳ жангларда ярадор ҳам, ҳалок ҳам бўлмас экан. Шу сабабли олтин тақинчоқдаги учта бобурийлар ёзуви ҳам тасодиф бўлмаса керак.

Тошларнинг топилиш жойи Помир ҳудудидаги Бадахшон конлари, яъни Афғонистон билан Тожикистон чегаралари деб тахмин қилинади.

Ёқутларнинг оғирлиги каратларда (камайиш бўйича): 164,09; 160,37; 158,19; 138,85; 128,77; 74,28; 73,52; 73,35; 54,64; 53,62; 51,91 га тенг.

Бу тақинчоқ 2011 йил май ойида Женевада Кристи аукциони-да сотувга қўйилган. Бошланғич нархи 1,6 – 2,5 млн. доллар (АҚШ) бўлиб, 5 214 348 долларга сотилган.




Амир Темур ёқути

Британия қироллиги хазинасида яна бир машҳур ёқут бор. Бу шарқда 600 йиллик тарихга эга **"Ажаррах-и-алам"** (Ғамлар жарроҳи) номи билан танилган қимматбаҳо тошдир. Ёқут ўзига ҳукмдори номи ёзилган тошлар жумласига киради. Унинг номланиши Амир Темур билан боғлиқ.



Темур ёқути Британия қироллиги хазинасида сақланади. Оғирлиги 352,50 карат бўлиб, ишлов берилмаган.



1851 йилгача Темур ёқути дунёдаги энг катта ёқут ҳисобланган. Кейинчалик ёқутларнинг 3 каратдан ортиқ вазнга эга бўлгани камдан – кам бўлиши аниқланиб, у йирик ёқутлар сирасидан ўрин олди.

Темур ёқути ёқутлар орасида учинчи ўринда туради. Биринчи ўринда 500 каратли Эрон хазинасидаги "Самария ёқути", иккинчи ўринда Кремль олмос фондида сақланаётган 398,72 каратли Буюк император Екатерина II нинг тожига ўрнатилган, учинчиси Темур ёқутидир.

Темур ёқутидаги энг катта ёзув форс тилида ёзилган бўлиб: "Бу ёқут шохлар шоҳи султон Соҳибқироннинг йигирма беш минг қимматбаҳо тошларидандир. У 1153 ҳижрий йилда Ҳиндистон хазинасидан Исфаҳонга келтирилган". Исфаҳон ўшанда Эрон

пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёда Султон Соҳибқирон (дунё ҳукмдори), деб Амир Темурни айтишган. Буюк саркарда бу тошга 1398 йилда Дехлини забт этганда эга бўлган.

Ҳинд подшохлиги хазинасида сақланган бу қимматбаҳо ёқут тошни Амир Темур Ҳиндистон тахтига ўтирганда ҳинд хазинабони ҳамманинг олдида баркут мато устига қўйиб олиб киради ва тортиқ қилади.

Ёқут Амир Темурдан кейин унинг ўғли Шоҳрух Мирзога ўтган. Аввалари унинг номи ҳам тошга ўйиб ёзилган эди, лекин бобурийлардан Жаҳонгир даврида бу ёзув ўчириб ташланган.

Ёқутнинг кейинги эгаси Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек бўлади. Вақтлар ўтиб ёқут тошга Заҳириддин Муҳаммад Бобур Кобулда эга бўлган. Бобур Ҳиндистон подшоҳлигини Ҳумоюнга топшираётган вақтда бобосидан эсдалик бўлган Темур ёқутини ҳам топширади.

Манбаларда ёзилишича, қимматбаҳо тошни Ҳумоюн Эронга кочган даврида Эрон зодагонларидан бирига ўша ерда оиласининг соғ – омон қолиши учун инъом қилган.

Тошдаги кейинги ёзувни Эронда 1587 – 1629 йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Аббос Сафавий қолдирган. 1021 ҳижрий йили (1612 мелодий йил) Эрон шоҳи Темур ёқутини "Бузилмас дўстлик рамзи" сифатида Ҳиндистон ҳукмдори Жаҳонгир шоҳга совға қилади. Эрон шоҳи ёқутни темурийлар аждодларидан қолган ёдгорлик эканини айтган.

Жаҳонгир шоҳ аввалги барча ёзувларни ўчириб, уларнинг ўрнига отаси Буюк Акбарни ва ўз номини ўйиб ёзишни буюради.

Ёқут Жаҳонгирдан қимматбаҳо тошларни севувчи ўғли Шоҳ Жаҳонга ўтади. У қимматбаҳо тошларнинг энг катта коллекциясини йиғибгина қолмай, балки тошларга ишлов беришни ҳам билган. Буюк Соҳибқирон Темур тошига ўз номини эмас, балки **"Соҳибқирони Сони"**, яъни "Соҳибқирон Иккинчи", деб ёздириб, ўзини буюк Амир Темур билан тенглаштирган. Шоҳ Жаҳон планеталар ичида Юпитер ва Венерани ўзига ёрдам берувчи, деб билган. Лекин

бу планеталар унга хиёнат қилишади. Шоҳ Жаҳоннинг севимли хотини Мумтоз Маҳал бегим дунёдан эрта кўз юмади.

Ғамга чўмган эрнинг муҳаббати рамзи сифатида Аграда қурилган дунёнинг етти мўъжизасидан бири "Тож Маҳал" қурилади.

Шоҳ Жаҳон ўз ўғли Аврангзеб томонидан тахтдан қулатилади. Тошда эса **Оламгир** (Дунёни забт этувчи) ёзуви пайдо бўлади.

XVII аср охирида буюк бобурийлар салтанати таназзулга учради. XVIII аср бошларида Шимолий Ҳиндистонга афғонлар бостириб кирди. Маълум вақт улар ҳокимиятни эгаллаб туришди. Шу 1713 йилда ёқутга **Ғози Муҳаммад Фаррух Сийяр** номи битилади.

Вақтлар ўтиб Ҳиндистон Буюк Британия томонидан босиб олингандан сўнг Темур ёқути уларга ўтиб кетди.

Бобурнинг Самария ёқути



Ёқут ўз номини Фаластиннинг марказий қисмида жойлашган қадимги яхудийлар шаҳри ҳозирда Иордания давлатининг шимоли – ғарбига жойлашган Самариядан олган.

Афсоналарга кўра (тарих ҳам инкор этмайди), диний китоблардан бири Инжил китобида ёзилишича, олтин сигирни бу тош безаб турган экан. Тарихга назар солсак, подшоҳ Иеровоам I ўз давлатини иккига бўлиб, бирининг пойтахтини Иудей, иккинчиси-ни Исроил деб атайди. Ўзини Исроил авлодининг боши ва асосчиси, деб эълон қилади. Ўз обрўсини ошириш учун икки давлат чегараси, Иудей

чегарасига жойлашган Байт – Эли ва Исроилнинг шимолий томонида жойлашган Данига икки олтин сигир ҳайкалини ўрнаттиради. Уларни қимматбаҳо тошлар билан безайди.

Самария олмосида тешик борлиги уни ҳам ипга ўтказилганидан далолат беради. Шу олмос Иудей чегарасидаги олтин сигир бўйнига осилган дейилади. Демак, олмосга 3 000 йил бўлган. Самария олмоси ўз номини Исроил шоҳлиги маркази бўлган Самари (Шомрона) дан олган.



Исроил давлатидаги олтин сигир ҳайкали Лондон шаҳрининг Британия музейида сақланади.

Самария ёқути Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўлига Ҳиндистонни забт этиб, Агра шаҳрини олганда теккан. Бобур мирзо тошнинг тарихини эшитгандан сўнг, уни кўз-кўз қилмаган ва хазинасида сақлаган.

Тошнинг кейинги тарихи номаълум, баъзи экспертларнинг тахмин қилишларича, Нодир шоҳ Ҳиндистонни босиб олганда бу тош ҳам унга ўтган.

Самария ёқути дунёдаги энг катта ёқутлардан бўлиб, 500 каратга тенг. Ҳозир бу ёқут Теҳрон Марказий банкидаги Эрон миллий хазинасида сақланади. Тош қизил қўнғир рангда бўлиб, нотўғри шаклда, қўпол, ишлов берилмаган.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди.

МУШТАРАК АДАБИЙ ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДА

Алишер Навоий ва Бобур Темурийлар Уйғониш даврининг йирик вакилларидир. Бу холат ва эътироф улар ижодидаги айрим адабий, тарихий, фалсафий муштарак нуқталарда яққол сезилади. Мақолада мазкур мавзу қуйидаги тезисларда очиб берилади:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да ёзиб қолдирган қимматли маълумотларига кўра, 1506 йил Ҳиротда Алишер Навоийнинг уйида, яъни "Унсия"сида йигирма кун яшайди. Бу муддатда у "Унсия"да сақланаётган улуғ шоирнинг архив фонди, кутубхонасидан унумли фойдаланади, унинг шахсий муҳри босилган қўлёзмаларини ўрганади. Натижада Бобур навоийшунос сифатида "Бобурнома"да Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ҳамда Темурийлар Уйғониш даврининг улуғ мутафаккири сифатидаги фаолияти ҳақида лавҳа, изоҳ, чизги характеридаги йигирмага яқин ишончли ва нодир маълумотларни ёзиб қолдиради. Унинг бу бебаҳо маълумотлари бугунги ўзбек ва хориж навоийшунослари ҳамда бобуршуносларии учун энг ноёб маълумотлар ҳисобланади.

2. Мақола муаллифи томонидан Алишер Навоий айрим асарларида ва Бобур "Бобурнома"да ёдга олган ёки тасвирлаган Илк Шарқ уйғониш даври ва Темурийлар уйғониш даврининг Имом Бухорий, Марғиноний, Амир Темур Шоҳрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Али Яздий ва Лутфий, Абдураҳмон Жомий каби вакиллари алоҳида мақола ёки мақола ичида махсус ўрганилгани қайд этилади.

3. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида ва Бобур "Бобурнома" асарида ёзган айрим маълумотлар бири-бирига жуда яқин бўлиб, бундай маълумотларни бир муштарак адабий ҳодиса сифатида баҳолашимиз мумкин.

Хусусан, ҳар икки улуғ ижодкорлар ўзларининг темурий шаҳзода Кичик Мирзо ҳақида битган маълумотларида таворуднинг жуда гўзал намунасини яратган ва таворуд атамасини қўллаган ҳамда таворуд сабаб Абдураҳмон Жомий ижодига юксак баҳо берганидан воқиф бўламиз. Яъни таворуд – адабиётда мисра ёки байтни бир-биридан хабарсиз ҳолда икки шоир томонидан яратилиш ҳодисасини билдиради. Тасодифан Кичик Мирзонинг бир рубоийси Абдураҳмон Жомий рубоийси билан бир-бирига ўхшаб – таворуд воқе бўлганини Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг Кичик Мирзо зикрида ва Бобур "Бобурнома"нинг Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги "Валодат ва насаби" номли фаслда алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Алишер Навоий ёзади: "...Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур... Баъзи дерларким, бу рубоий ҳазрат Махдумий Нуран била таворуд воқе бўлубтур. Андоқ дағи бўлса, улуғ давлат турур". Ёки Бобур "Бобурнома" да Кичик Мирзо рубоийсини айнан келтиради ва шундай ёзади: "...Дерларким, донишманд бўлуб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур:

Умре басалоҳ месутудам худро,
Даршеваи зуҳд менамудам худро,
Чун ишқ омад кадом зуҳду, чи салоҳ?!
Ал-миннатулиллоҳ озмудам худро.

Муллонинг рубоийси била таворуд бўлубтур".

4. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг "Аввалғи мажлиси"да ўз ҳурмати ҳамда эътиқодини изҳор қилган Хоразм халқи "Ер фариштаси" деб эъзозлаган (14-асрда, Шоҳрух Мирзо замонида яшаб, ижод қилган шайх ва шоир) Хожа Абулвафойи Хоразмий ҳақидаги фикрасида унинг форс тилида ёзган бир гўзал рубоийсини намуна сифатида келтиради. Алломанинг ёзишича, Абулвафойи Хоразмий ўз рубоийсининг биринчи "Бад кардаму, эътизор батар зи гуноҳ" мисрасида шарқда машҳур бўлган, ҳозир ҳам тилимизда мавжуд бўлган "Узри гуноҳидан ёмонроқ" мақолини маҳорат билан қўллаган ва назмда ирсоли

масалнинг бетакрор намунасини яратган. Тадқиқот натижасига кўра, Бобур ҳам "Бобурнома"нинг 1500-1501 йил воқеалари баёнида ушбу мақолни айнан қўллаб насрда ирсоли масал санъатини яратган. Яъни Самарқандни олган Шайбонийхон Хожа Аҳрор Валийнинг ўғли Хожа Яҳёнинг икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқийни Хуросонга юбориб, қатл эттиради. Шайбонийхон бу қотилликни мен эмас, балки Қамбарбий ва Кўпакбийлар қилди, деб ўз узрини дағаллик билан билдиргандек бўлади. Бобур "Бобурнома"да бу ўлим жазосининг тафсилотини битар экан, шу ўринда "Узраш батар аз гуноҳ", яъни "Узри гуноҳидан ёмонроқ" масалини қўллайди ва ўз фикрига, "таҳқиқ"ига маҳорат билан далил сифатида келтиради. Беклар бундай ўлим жазосини хон ёки подшоҳнинг амру фармонисиз яширин қилмайди, деган хулосасини шу ҳикмат билан асослайди ва ислом ҳуқуқида жиноят ва жазо масаласида, асосан, ўлим жазоси ҳукмдорлар муҳри билан тасдиқланишига (Абдулатиф Мирзо муҳри урилмаганда Улуғбек Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро муҳри урилмаганда Мўмин Мирзо ўлимига йўл қўйилмаган бўларди - Б.Р.) ишора ҳам қилган.

5. Уйғониш даврининг марказий кентлари бўлган Самарқанд, Ҳирот, Кеш каби шаҳарларнинг Навоий "Хамса" сидаги лирик тасвирлари, "Бобурнома"да насрда берилган тарихий маълумоту изоҳларидаги муштарак жиҳатлар ҳамда уларнинг шаҳарсозлик маданияти борасидаги қимматли фикрлари, ибратли фаолиятлари очиб берилади.

Тошмирза ХОЛМИРЗАЕВ,
Филология фанлари номзоди

ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБ

Ҳиндистонлик таниқли адабиётшунос, танқидчи олим Қамар Раис 2002 йили Дехлида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур: шахс, шахсият ва шеърияти» номли китобини чоп этди. Бу асар биринчи бор ҳинд халқига ватандошимизнинг янги қирраларини очиб берди. (Бу китобнинг номидан ҳам кўриниб турибди). Китоб Ҳиндистонда ниҳоятда илиқ кутиб олинди. (Кейинчалик урду тили ёзувидан бехабар бўлган ҳиндлар учун китоб мамлакатда кенг тарқалган *деванагари* ёзувида ҳам чоп этилди. Унинг бир нусхаси Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида сақланмоқда). Мазкур асарни ёзиш мобайнида муаллиф жуда кўп манбадан фойдаланди. Шулар орасида Ўзбекистоннинг Воҳид Зоҳидов, Илёс Ҳошимов. Саидбек Ҳасанов каби йирик олимларининг илмий ишларидан ҳам истифода қилинган. Лекин «Бобурнома»нинг турли нусхалари ва Бобурнинг девони асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Бобурнинг шахсияти ёритилган бўлса, иккинчи қисмда шеърларининг урдудаги таржимаси берилган. Бу ерда муаллифга жуда катта ёрдам берган шахс урдушунос олима Муҳайё Абдураҳмонова бўлди. Ҳар бир шеърнинг хусусияти, унинг вазни, бадиийлиги ва маъноси чуқур таҳлил қилиниб, урду тилига ўгирилди.

Менинг Қамар Раисни жуда яқиндан билишимнинг боиси: у билан дўстлигимиз ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бошланган . Ўша пайтда биз уч нафар ўзбек талабаси Ўзбекистондан биринчи бор хорижга ўқишга юборилган эдик. Дехли университетида биз урду ва ҳиндий тилларидан ўн ойлик курсни ўтадик. Устозларимиз орасида эндигина университетни тамомлаган ёш, навқирон Қамар Раис ҳам бор эди. Шундан кейин тақдирнинг тақозоси билан

дўстлигимиз Ўзбекистонда давом этди. Қамар Раис 1962 йилдан бошлаб Тошкент давлат университетида бир неча йиллар мобайнида урду тили ва адабиётидан бизнинг талаба ва устозларимизга дарс бериб келди. Ундан кейин 1999 йили Тошкентда Ҳиндистон маданият маркази очилганида унинг биринчи раҳбари сифатида айнан Қамар Раис тайинланди. Қамар шу лавозимда ҳам анчагина ишлади. Ўша пайтда у мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожига жуда улкан ҳисса қўшди.

Қамар Раиснинг Тошкентдаги фаолияти Ўзбекистон – Ҳиндистон адабий алоқалари учун ниҳоятда самарали бўлди. Айнан ўша даврда у катта-катта ишларга қўл урди. Шулар орасида Амир Хусрав Деҳлавийга бағишланган илмий мақолалари, ўзбек урдушуносларн фаолиятига бағишланган китоби, Алишер Навоий шеъриятининг урдуга таржималари, «Ўзбекистон инқилобдан инқилобгача», «Ўзбекистон шоирлари " каби китоблари фикримнинг яққол далили бўла олади.

1993 йили Тошкентда урду тилида «Ўзбекистон шоирлари» номли китоби нашрдан чиқди. Унда йигирмадан ортиқ ўзбек шоирининг шеърий намуналари жой олган. Бу асар ўзбек урдушунос олими Раҳмонберди Муҳаммаджонов билан ҳамкорликда ёзилди.

Қамар Раис Ўзбекистондан ўз юртига қайтгач ҳам маданий алоқаларимизни янада ривожланишига кўп хайрли ишлар қилди. Шулардан энг йириги Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган асари бўлди. Деҳлида Буюк Ипак йўлига бағишланган халқаро илмий конференцияда иккаламиз учрашиб қолдик. Шунда мен унга «Бу китобингиз Покистонда ҳам чоп этилса, жуда яхши бўларди. Ўзингиз яхши биласиз, покистонликларнинг Бобурга эътиқоди ниҳоятда баланд. У ерда деярли ҳар бир киши Бобурни ўзининг каҳрамони деб билади",дедим. Шунда Қамар Раис "Ўзим ҳам шу фикрдаман. Шунинг учун китобимни Покистонда чоп эттириш ҳуқуқини якиндагина у ердаги кадрдон дўстим, таниқли адиб Ҳасан Обидга ёзма равишда

бердим» деб қолди. Бир йилдан кейин биз яна Ҳиндистон пойтахтида кўришдик. Ўша пайтда Қамар Дехлидаги «Урду академияси» раҳбари бўлиб ишлар эди. Мен ундан "китобингиз Покистонда чиқдими? Агар чиққан бўлса, унинг бир нусхасини менга тортиқ қиларсиз» деб ҳазиломуз сўрадим. Қамар чуқур хўрсиниб, «Покистонлик дўстимнинг умри қисқа экан. У тасодифан вафот этиб қолди» деди. Бироз сукут сақлагач, гапида давом этди "Сиз Покистонда бир неча йиллар мобайнида ишладингиз. У ерда кўпчилик сизни яхши танийди. Агар шу китобимни Покистонда чоп эттириш рухсатномасини сизнинг номингизга ёзиб берсам, нима дейсиз?" Бу таклифни мен ўзим учун шараф деб ,уни иккиланмасдан қабул қиламан, дедим. Эртасига мен Тошкентга қайтаётган эдим. Шунинг учун бу хужжатни Қамар менинг номимга электрон почта орқали жўнатадиган бўлди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Дехлидан Қамар Раис оламдан ўтди, деган мудҳиш хабар етиб келди. Марҳум дўстимнинг охирги гапларини ўзим учун бир васият деб билиб, уни қандай бўлмасин, охирига етказишга қарор қилдим. Шундан кейин бу борада Қамарнинг яқин дўстлари ва шогирдлари билан боғландик, лекин масала ечилмай қолаверди. Ахири Қамар Раиснинг жияни орқали унинг аёли Раис Бонуга мурожаат қилганимизда мақсадим ҳосил бўлди. Улар 2016 йил 16 октябрда ёзилган ижозат хатида жумладан қуйидаги сатрларни битганлар:

"Мен Тошмирза Холмирзаевни жуда яхши биламан. У менинг марҳум умр йўлдошим Қамар Раиснинг яхши дўсти эди. Мен уларга "Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва шеърияти" номли китобини Покистондами, Тошкент ёки бошқа жойдами, чоп этишига рухсат бераман». Бу ҳужжат Покистон Адабиёт Академияси раҳбариятига тақдим этилганидагина мазкур китоб у ердан нашр этилишига йўл очилди.

Бу китобни нашрга тайёрлаш жараёнида мен икки жиҳатга эътибор қаратдим. Биринчидан, бу китобнинг Дехлида чоп этилганидан буён 15 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу

орада бобуршунослик соҳасида Ўзбекистонда ва хорижда талайгина ишлар қилинди. Жумладан, 2014 йили Бобур номли халқаро жамоат фонди ташаббуси ва ҳомийлигида ўзбек тилида 700 саҳифадан ортиқ "Бобур энциклопедияси" чоп этилди. Унда биринчи бор бу буюк шахс ҳақидаги жамики маълумотлар бир жойга жо бўлди. Китобнинг 5000 нусхаси қисқа муддатда ўз мухлислари қўлига етиб борди. Чунончи жорий йилда бу китобнинг иккинчи нашри яна 5000 нусхада чоп этилди. Бу асарни инглиз тилида нашр қилиш ниятида. Мазкур маълумотлар Покистонда чоп этилажак асарнинг сўз бошисида баён қилинган.

Иккинчидан, бобурийлар даври, хусусан, Бобур шахсига оид ўндан ортиқ энг яхши миниатюра асари илова қилинди.

Буларнинг бари электрон нусхада Покистон Адабиёти Академиясига жўнатилди. Мен жавобан улар устида ишланаётгани хусусида хат олдим.

Умидим борки, 2018 йилда бу китоб Покистонда нашр қилинади ва бу дилбар шахснинг шайдолари ўз она тилида унинг беназир меросидан баҳраманд бўладилар.

Абдувахоб ҚАЮМОВ,
Фарғона давлат университети илмий ходими

БОБУРНИНГ ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Ҳозирги замон ўзбек насрида характер назарияси, характернинг миллий коллорит ифодасидаги ўрни, миллий характернинг бадиий такомили ва умуминсоний тамойиллардаги аҳамиятини белгилаш, характернинг бадиий асар моҳиятини очишдаги аҳамияти ҳамда адабиётнинг умуминсоний ва миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу маънода саналган муаммоларнинг адабиётшунослик тарихидаги илмий-назарий асосларини ўзбек мумтоз адабиётидан излаш ва аниқ мисоллар орқали илмий исботлаш керак. Зотан Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов каби олимларнинг қайд этишларича, "характер образнинг мукаммаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган, индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир. Ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади. Демак, характер ўзининг бошқалардан фарқланувчи индивидуал хусусиятларига, муайян иродавий йўналишларига эга бўлган образдир".

Миллий характер яратиш муаммоси тадқиқида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди биринчилардан бўлиб тилга олинади. Айниқса, буюк ижодкорнинг ғазал, рубоий ва туюқларидаги лирик субъектнинг характерига хос нозик жиҳатлар ўзининг бадиий мукаммалиги ҳамда юксак идеали билан эътиборга лойиқ. Бу борада "Бобурнома" насрий асарининг аҳамияти ҳам ўзига хосдир. Ўзида Бобур характерининг қатъиятли, жозибали, кескин, қудратли, иродали, топқир каби қатор қирраларини намоён этадиган мазкур асарда муаллифнинг характер қирралари турли кичик воқеаларда тасвирланади ва улар кейинчалик бир бутун

бадиий композиция сифатида бирлашиб, Бобур характерининг ҳам умуминсоний, ҳам миллий томонини аниқ чизгиларда ифодалайди. Масалан, 1506 милодий санада Ҳиротдан Кобулга қайтаётиб Қосимбекнинг қистови билан Чахчарон орқали ўтадиган йўлдан юрган Бобур ўз характерини кўрсатади. "Қосимбек номусқа тушиб, ўзи ва ўғлонлари-ўқ қор тепиб йўл топиб, илгари юрурлар эди. Бир кун ҳам қор асру улуғ бўлди, ҳам йўл номушаххас. ... Таваккул қилиб, султон Пешойини илгари солиб, ушбу йўлға-ўққим топа олмай ёнилиб эди, бўлдук. Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоққим, муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўшал фурсатға айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму?

Мазкур парчадан Бобурнинг ўзи қор кечиб йўл очишга киришгани ва унда келтирилган байт ёзилганИ айтилган. Воқеа бош персонажнинг реал характерга эгалиги билан диққатга сазовор. Келтирилган парчада Бобур характерининг икки қирраси, биринчиси, подшоҳнинг ўз мулозими Қосимбек гапига кириши ва бунинг натижасида бутун аъёнлари билан қийин аҳволга тушгани рўй-рост баён қилинган. Иккинчиси, бағрикенглик қилиб чарчаган кишиларини кечиради, учинчиси эса ўз иродасини намоён этиб, ўзи қор тепиб йўл очишида кўринади. Бобур характерининг бир нечта нозик нуқталари айнан мазкур лавҳада очиб берилиши асарнинг юксак бадиий савиясини таъминлайди.

Бошқа бир ўринда эса, ўз отаси Умаршайх мирзонинг ахлоқ ва атворини баён этар экан қуйидагиларни ёзади: "Адолати бу мартаба эдики, Хитой карвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг

ўйлук карвонни андоқ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳарчандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтируб, молларини солим топшурди".

Кўринадки, Умаршайх мирзода умуминсоний характерга хос: мусибатдагиларга раҳм-шафқат ҳисси мавжуд бўлган. Шунингдек миллатимизга хос бўлган, ўзгаларнинг мулкига хиёнат қилмаслик фазилати ҳам етук бўлган. Яъни, қор остида қолган кишиларнинг мол-мулкларини бир икки йил эҳтиётлаб сақлаб, сўнгра эгалари келмагач, уларни топтириб келиб, барчасини ворисларига топшириш учун кишида катта ирода, қатъият, ижтимоий адолат бўлиши лозим.

Бобур миллий характер яратишда юқоридаги каби аниқ воқеалардан ташқари, тарихий шахсларнинг портретларини яратиш усулидан ҳам унумли фойдаланган. Хусусан, ўз отаси Умаршайх Мирзонинг ташқи қиёфаси ва характерини қўйидагича таърифлайди: "паст бўйлук, тегирма соқоллик, қўба юзлук, танбал иши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлагондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймакта ва емоқта бетакаллуф эди".

Бу ерда биз Умаршайх мирзонинг портрети орқали унинг характеридаги қусури ўзаро мувофиқликда тасвирлаганини кўришимиз мумкин.

Андижон қасабаси ҳақида сўз юритилаётиб, миллатимизга хос яна бир характер жуда гўзал тарзда кўрсатилган: "Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас".

Ҳаволадаги сўнгги гапга диққат қилинса, унда миллий характеримизга хос етакчи қирралардан бири оддий гап

тарзида баён қилинган. Мазкур фикр асарни ўқишида англанмаслиги мумкин. Бироқ, остида бутун бошли миллатга тегишли меҳмондўстлик, бағрикенглик, сахийлик каби фазилатларни ўзида жамлаган.

Демак, Бобурнинг миллий характер яратишдаги маҳорати воқеаларни келтириш ва шу орқали бирор шахс характерини ифодалаш ҳамда персонажларнинг хулқ-атворини, портретини чизишда яққол намоён бўлган. Унинг мазкур усуллари замонавий ўзбек насри вакиллари учун ҳам ўзига хос мактаб вазифасини бажармоқда.

Zarifa ALIMOVA,
Farg'ona davlat universiteti katta o'qituvchisi

"BOBURNOMA" – INDIVIDUAL SO'ZLARGA BOY ASAR

Til birliklarining serqirra tomonlarini yoritishda adabiy tilda qo'llanilayotgan "okkazionalizm" va "individualizm" tushunchalari ham o'zining munosib o'rniga ega. Individual nutq neologizmi odatiy, normativ so'zga aylanishi uchun u avvalo, umumtil faktiga o'tishi lozim bo'ladi. Individual nutq neologizmlari alohida adiblar, shaxslar tomonidan favqulodda yaratilgan so'zlardir. Shu tufayli bunday so'zlar tilshunoslikda okkazionalizmlar (okkazional so'zlar, okkazional leksika) deb yuritiladi. Rus tilshunosi A.G.Likov okkazional so'zlarga quyidagicha ta'rif beradi: "Okkazional so'zlar o'zida tasodifiylik, nutqqa tegishlilik, sinxron-diffuzlilik, ijodiylik, normativlashmaganlik, nutq stili yoki muloqotning ayni shu holatda yuz beradigan, funksional bir marta qo'llanishlik, so'z yasashlik xususiyatlarini mujassam etgan nutqiy ekspressiv birliklardir".

Okkazionalizm haqida o'zbek tilshunosi A.Mamatov shunday deydi: "Badiiy asarlarda okkazional so'zlarning qo'llanilishi tez-tez uchrab turadigan hodisadir. Okkazionalizmlar o'zida ongli ravishda til normalaridan chetlashishni mujassamlashtiradi. Ular adabiy normaning til vositalariga taalluqli emas, ular haligacha leksikografik va boshqa bir manbalarda qayd etilmagan".

Zahiriddin Muhammad Bobur ham o'zining "Boburnoma" asarida shunday individual so'zlarni qo'llaydiki, bunday so'zlarni muallif iste'dodining yorqin namunasi deyish mumkin. Xususan, ushbu asarda Bobur tarixiy shaxslar haqida yozish jarayonida ham bebaho individual so'zlarini qo'llashi bilan kitobxon diqqatini o'ziga tortadi. Jumladan, o'z otasi Umarshayx mirzo haqida shunday yozadi:

"O'qni o'rta chog'liq otar edi, bisyor zarb mushti bor edi, aning mushtidin yigit yiqilmog'on yo'qtur, mulkgirlik

dag'dag'asi jihatidin xeyli yarashlar urushqa va do'stluqlar dushmanliqqa mubaddal bo'lur edi" ("Boburnoma", 10-bet).

"Yana bir Mir G'iyos Tag'oyi edi... Sulton Abusaid Mirzoning chorsu muhri munda edi. Umarshayx mirzoning ***oxirzamonlarida*** ko'p muqarrar bo'lub erdi" ("Boburnoma", 17-bet)

Ushbu jumlalarning nihoyasida keltirilgan ***oxirzamonlarida*** so'zi ham adib tomonidan yaratilgan individual so'z bo'lib, "umrining oxirgi yillarida" degan ma'noni anglatmoqda.

Bobur asarlarida qo'llanilgan individual so'zlar boshqa adiblar asarlarida uchramagani uchun ham jozibali, betakror va serqirralidir. "So'zlar har bir xalq ma'naviyatining bebaho xazinasi, javohiri, bitmas-tuganmas boyligi sifatida asrlar davomida shakllanib, sayqal topadi, barqarorlashadi".

Asarda o'sha paytda yashab o'tgan mashhur kishilar, xususan, xonlar, amirlar va amirzodalar haqida, ularning nasl-nasablari, axloq va atvorlari haqida juda ko'p qimmatbaho ma'lumotlar berilgan. Shuningdek, Bobur tarixiy shaxslarning olamdan o'tganliklarini quyidagicha tasvirlaydi:

"Yana bir Boqi Tarxon edi. Abdulali Tarxonning o'g'li va Sulton Ahmad Mirzoning amakizodasi edi. Xorliq va zorliq bila Axsi viloyatida **olamdin bordi"** ("Boburnoma", 22-bet).

"Muhammad Husayn Mirzo xonimning **to'shakxonasiga** qo'rqunchdin bosib kirib, to'shakning bo'g ' jamasiga o'zini bog'latibdi" ("Boburnoma",181-bet).

Ushbu jumladagi "to'shakxona" so'zi ko'rpa-to'shak taxlanib turadigan joy ma'nosini ifodalab, **yotoqxona** so'ziga qiyoslanganligi tabiiydir. Shunga ko'ra "yotoqxona" so'zi ana shu "to'shakxona" so'zi asosida vujudga kelgan bo'lishi ham mumkin.

"Ahmad bizning **bovurchixonadag'i** Hindustoniy bovurchig'a berib, to'rt pargana va'da qilurkim, har tavr qilib mening oshimg'a zahrni solg'ay". ("Boburnoma", 281-bet).

Bovurchixona so'zi joy nomini bildiruvchi okkazional so'z bo'lib, turkiy "**bovurchi** – oshpaz" va fors-tojikcha "xona–uy, xona" so'zlaridan iborat.

"Boburnoma"da **dag'dag'a** so'zi ko'p qo'llangan. Mazkur so'zning okkazional ma'noda qo'llanilgan quyidagi jumlalarga diqqatni qaratsak.

"Sayid Yusuf Majam aning ulug'i edi.... Ishi ulug'luqtin o'tub edi. Beklik **dag'dag'a** va da'vosi bor edi". ("Boburnoma", 67-bet).

Dag'dag'a so'zi "qo'rqinch, dahshat, tinchsizlik, tashvish; xohish, moyillik" (Bobur asarlariga qisqacha lug'at, 35-bet), "qo'rquv, vahima, vasvasa; maylu xohish, orzu-havas" (Farhangi zaboni tojiki, 356-bet) kabi ma'nolarga ega. Ushbu jumlada esa dag'dag'a so'zi **xohish, istak, orzu** kabi ma'nolarni ifodalamoqda. Bu o'zidan keyin kelayotgan da'vo so'zidan ham ma'lum bo'lmoqda.

"Musavvirlardan Behzod edi, musavvirliq ishini bisyor nozuk qildi. Vale soqolsiz elning **chehrasini yomon ochadur.** G'abg'abini ko'p ulug' tortadur. Soqolliq kishini yaxshi chehra, **kushoyliq** qiladur" ("Boburnoma", 164-bet)

Bobur o'z asarida ko'plab okkazional so'zlar qo'llaydiki, bunday so'zlar o'zining soddaligi, tushunarliligi bilan yuksak ahamiyatga molikdir. Jumladan:

"Jahongir mirzo kelib, qulog'imga dedikim, **xilvat so'zim** bor" ("Boburnoma", 137-bet).

Mazkur jumladagi xilvat so'zi "xoli joy, maxsus turar joy; yolg'izlik" (Navoiy) kabi ma'nolarga ega. Bu keltirilgan ma'nolar jumlaning mantiqiga to'g'ri kelmasligi tabiiy. Bobur ushbu so'zni okkazional ma'noda qo'llagan va bu so'z "sirli so'zim bor" yoki "faqat o'zingizga aytadigan so'zim bor" kabi ma'nolarni ifodalayotir.

"Boburnoma"da so'z birikmalari va iboralar mavjudki, ular individual ma'noda qo'llanilgan. Masalan:

"Yana Sayid Badr edi. Bisyor zo'r va asru **shirin harakot** kishi edi" ("Boburnoma",156-bet).

"Shirin harakot" so'z birikmasi sifat so'z turkumiga oid so'z birikmasi bo'lib, Bobur "shirin harakot" iborasini keltirish bilan Sayid Badrning yaxshi muomalali kishi bo'lganligiga ishora qiladi.

"Bu asnoda xabar keldikim, Humoyun Dehlig'a borib, Dehlidag'i xizonalardan bir necha uyni ochib, behukm mutasarrif bo'libtur. Men andin hargiz mundoq **ko'z tutmas edim. Ko'nglimga bisyor dushvor keldi**" ("Boburnoma", 302-bet).

Mazkur jumlalardagi "ko'z tutmas edim" iborasi "kutmagan edim", "ko'nglimga bisyor dushvor keldi" iboralari esa "ko'nglimga qattiq tegdi" yoki "qattiq xafa bo'ldim" kabi ma'nolarni bildirayotgani jumlaning mazmunidan ma'lum bo'lmoqda.

Zahiriddin Muhammad Bobur tomonidan qo'llanilgan individual so'zlar juda ko'p miqdorda uchraydiki, ularning son-sano'gi yo'q. Bobur asarlari bugungi avlod uchun temuriylar davri tarixi, madaniyati, falsafasi, ma'naviy-axloqiy qarashlariga oid yodgorliklarni o'rganishda katta xizmat qiladi.

Муқаддас ТЎЖИБОЕВА,
Андижон давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

"БОБУРНОМА"НИНГ ЖАДИД АДИБЛАРИ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ

XX асрнинг бошларида ўзбек насрида роман-хотиранинг пайдо бўлишида "Бобурнома" каби давр воқеаларини кенг акс эттирувчи асарларнинг аҳамияти катта.

"Бобурнома" миллий адабиётда мумтоз тарихий-бадиий насрнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилган. Асардаги тарихий воқеаларнинг бадиий тасвирий унсурлар воситасида ифодаланиши, эпик кўламнинг кенглигига мос тарзда сюжет, композиция яратиши, ўз ўрнида воқеликни ҳаққоний кўрсатиб бериши жиҳатидан XX аср бошларида яратилган асарларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Хусусан, Мўминжон Тошқиннинг (1883-1964) "Турмуш урунишлари" (1926)га ўзининг илмий-адабий, тарихий хусусияти билан "Бобурнома" типидаги асарлардан бири сифатида ёндашиш мумкин.

"Турмуш урунишлари" асарида болалик, ўсмирлик ва ўрта ёшлик даври билан боғлиқ бўлган хотиралар, қолаверса, ўзи шоҳид бўлган давр воқеаларининг тасвири яққол кўзга ташланади. Асардаги тарихий воқеалар тасвири бадиийлик билан уйғунлашган ҳолда тасвирланади, натижада асар ўтиш воқеаларини тасвирлаш билан тарих учун, бадиийлик хусусиятларига эга бўлганлиги билан адабиёт учун зарурий манба сифатида эътиборли.

Асарда 1895 йилдан бошланиб, 1921 йил сентябрь ойигача бўлган воқеалар хронологик тартибда баён қилинган, йиллар кетма-кетлигида ҳам изчилликка эришилган.

1921-1925 йиллардаги воқеалар давомийлигида эса узуқ-юлуқ ҳолатлар учрайди. "Турмуш урунишлари"даги бундай хронологик тартиб "Бобурнома"даги воқеалар баёнининг изчиллиги таъсирида юзага келган. Айни шундай таъсир ва

анъаналар ўзбек адабиётида мемуар роман-хотиранинг тугилишига йўл очган дастлабки омиллардан биридир.

"Бобурнома"даги каби "Турмуш урунишлари"ида ҳам муаллифнинг ўзи ҳақидаги маълумот ва тафсилотлар асарнинг асосини ташкил қилади. Мўминжон Тошқин роман-хотира жанрининг композицион қурилиши талабларига риоя қилган ёзувчи асарнинг прологида маълумот беради: "Мен биринчи йиллар азиз умримни эски мактаб ва эски мадрасаларда ўтқазган бўлсам ҳам 25 ёшим тўлган чоғларда ички Русиядаги Уфа деган шаҳарда очилган Мадрасаи олияга бориб ўқиб, бир оз бўлса-да, фикрим очилган эди. Шул фикрим очилиши соясида Татаристон, Озарбойжон ва Туркия адиб ва шоирлари томонидан ёзилган ҳар турли рўмон, ҳикоя китобларини мутолаа қилиб, мен ҳам ўз турмушимиздан ҳикоялар ёзиш томонига оғиб, 1911 йилларда ушбу таржимаи ҳолимни ёзган ҳам бунга "Турмуш урунишлари" деб ном берган эдим".

"Бобурнома" бошланмасидаёқ ўз маконининг таъриф-тавсифи, Фарғона вилоятига кирувчи шаҳарлар – Андижон, Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд, Кандибодом, Ахси, Косон ва уларнинг аҳолиси, табиати, иқлими, нуфузининг турмуш тарзига доир маълумотлар келтирилган. "Бобурнома"даги тасвирга кўра, Фарғона вилоятининг пойтахти Андижоннинг "ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас", Ўшнинг "ҳавоси хуб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур", "Яна бир Марғинондур. Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур. Анори ва ўруги асру кўп хуб бўлур" қабилида Фарғона водийсининг шаҳарлари тасвирини беради.

"Турмуш урунишлари"да ҳам "Бобурнома"даги географик тасвир анъаналари сақланган ҳолда муаллиф қайси шаҳар ёки қишлоққа борса, унинг табиати, иқлими кишиларининг турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. "...Паркент қишлоғи юқори-қуйи, тепа-сойларга бино қилинган каттагина бир қишлоқ. Унинг ўрта бир ерида

сой бўлиб, унда ҳар вақт сув оқиб турадир". Баҳордаги ҳаётини эса қуйидагича таништиради: "Кўклам чоғларида, қуёшнинг йссиғи билан тоғлардаги қорлар эриб суви тошқин бўладир. Қайси йиллари, бу сойга бино қилинган дўкон ва иморатларни эгаларининг дод ва фарёдига қарамасдан шул сув тошқинлари олиб кетадир". Шундай маскан маҳаллий аҳолининг дам олувчи истироҳатгўшасига айланган. Қўшкўрғон, Янгибозор, Заркент ва бошқа қишларларгача давом этган тепалик ва сойлар, Паркент аҳлининг буғдой ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари билан машғул бўлишини тасвирлаб, "шаҳарга ҳар йил келтирилиб сотиладирган ғаллалар шу ерларнинг унимлари (хосилати)дир" деган хулосани беради.

"Бобурнома"да Туркистоннинг бошқа шаҳарлари, жумладан, Бухоро учун хос бўлган хусусиятлар – географик, ботаник ва зоологик ўзига хосликларга доир маълумотлар келтирилади: "Улуғ вилоятиким, Самарқанд қаринасидур, Бухородур..." тарзида шаҳарнинг географик ўрни, аҳолининг машғулоти ҳақида маълумот берган бўлса, "Турмуш урунишларида" ёзувчи икки-уч ўринда Бухоро шаҳри тасвирини ёзган.

Бирок "Бобурнома" ва "Турмуш урунишлари"даги умумий сифатлар бир хил шаҳарлар тасвирида эмас, балки муаллифнинг ўз тасвир объектига муносабатида кўринади. "Бобурнома"нинг баён услубини ўрганган академик Б.Валихўжаев: "...икки хил баён услуби (хотираларни баён этиш ва воқеалар изидан бориб, уларни қайд этиш – М.Т.) қўлланилган экан, бу адабий-эстетик талаблар натижаси бўлиши билан бирга асарнинг илмий-бадиий қимматини оширувчи восита ҳамдир" деган назарий хулосага келган. Айни жиҳатни, яъни тасвир объектига икки томонлама ёндашувни М.Тошқин хотира-романининг услубида ҳам кўрамиз.

Адиб ўз асарида ўсмирлик таҳсил йиллари, юқори таълимни Бухорода олишга бўлган иштиёқи батафсил ёритилади ва Бухоро азалдан илм макони эканлиги

таъкидланади: "Бир ойчадан кейин "Бухоро"га бориб ўқимоқ ўйиға тушиб қолдим. Чунки, Бухоронинг оти, эл орасида катта бўлиб, "Бухоройи шариф" деб мақтар эдилар. Унга бориб ўқиған киши, илм – билим деган нарсадан бир нарса орттириб келмаса ҳам иззат ва ҳурмати халқ орасида жуда ортиқ бўлур эди"

Илм олиш мақсадида Бухоройи шарифга кириб келган ёш мулла энди шаҳар билан қизиқади: "Туркистоннинг бошқа шаҳарларидек, Бухоро ҳам "эски" ва "янги" оти билан иккига бўлинур экан; эски Бухоро шаҳри чуқурликда, кўчалари тор, чақир-чуқурлари кўб бўлиб, Қўқон араваси сиғмас ва бунда мусулмон ҳам жуҳудлар турур эканлар. Янги Бухоронинг ҳавоси яхши, баландликда бўлиб, кўчалари кенг-кенг қилиб ишланган. Бурун замонларда, бу шаҳарда дунё ва охират илмлари ўқитиб, уламо, фузалолари кўб бўлғанидан "шариф" деб оти чиққан"

"Бобурнома"да эпизодик ҳодисалар, юртда табиий офат рўй бериши билан боғлиқ воқеалар бадиий деталлар асосида ёркин ифодасини топган: "Бу аснода андоқ зилзила бўлдиким, қўрғоннинг фасиллари ва боғларнинг томлари аксар йиқилиб, шаҳарда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остиға қолиб, ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-саксон ўбдон кадхудолар том остиға қолиб ўлдилар".

М.Тошқин табиатнинг бешафқат суронларини ва уларнинг оқибатларини муҳим деталлар воситасида тасвирлайди.

Бошқирдистонга илм иштиёқида бориб, Уфа мадрасаларини кузатиш баробарида муаллиф шаҳарнинг иқлими, у ердаги тез-тез кузатиладиган "шамол шовқунлари", "ёққан қорлари", "хирмон-хирмон қилиб уйиб ташланган" ва кўча ҳаракатига халақит бераётган қор тўпламларини тилга олади. Тасвир объектига бундай ёндашувни Сайрам тасвирида ҳам кўрамиз

"Турмуш урунишлари"да ижтимоий мавқеи, дунёқараши, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва бошқа

жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилувчи шахслар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўламиз. Китобда ўз даврида ном қозонган шоирлар, илмдор мударрислар, жадидчилик ҳаракати йўлида хизмат қилаётган адабиёт аҳлларини воқеалар жараёнида таништириб борар экан, Мўминжон Тошқин буларнинг ўзига хос индивидуал, такрорланмас жиҳатларини топиб, уни алоҳида хусусият даражасига кўтаради, айрим ўринларда конкретлаштириб кўрсатади. Масалан, ёзувчи шоир Камий билан боғлиқ воқеаларни сўзлашдан аввал шоирни "бунинг асли оти Каримбек, тахаллуси Камий бўлиб, Тошкентнинг Себзор даҳа, Таг кўча маҳалласидандир" деб таништиради ва сўзининг бошидаёқ "Тошкентнинг атанган шоирларидан мулла Камий" дея юқори баҳо беради. Маълумки, давр нуқтаи назаридан "мулла" сўзи илмли, юқори савиядор кишиларга нисбат сифатида қўлланилган. Мўминжон Тошқин Камийга нисбатан "мулла" сўзини ишлатиш билан ўқувчи кўз олдида обрўли ва эътиборли шахсни гавдалантиради. "Бобурнома"да улуғ шоирлар хусусида гапираркан, масалан, Абдураҳмон Жомийни шоирларнинг "саромад ва сардафтори" деб алоҳида урғу билан ажратгани каби ижодкорларни эътироф этиш маданиятини ўз салафларидан яхши ўзлаштирган адиб Мўминжон Тошқин ҳам Камийни замондош шоирлари ичида "атанган шоирлардан" бўлганлигини айрича меҳр билан таърифлайди.

"Бобурнома"да илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлларига алоҳида эътибор берилган. "Туркий тил била кўп ва хуб шеър айтган" Алишер Навоийдан тортиб, эл назарига тушган машҳур шоирлар Биноий, Муҳаммад Солиҳ, шунингдек, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Сайфий Бухорий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Оҳий, Шоҳ Хусайн Комий, Ҳилолий, Аҳлийга оид маълумотлар берилиб, уларнинг ижодидан айрим намуналар келтирилгани ва муаллиф ўз баҳосини бергани ўқувчиларга яхши таниш.

Мўминжон Тошқин ҳам ўз асарида Юсуф Сарёмий, Авлоний, Фитрат, Мунаввар қори, Мирмуҳсин, Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Мажидий кабиларнинг номларини келтириш билан бирга бу ижодкорлар ҳақида маълумотлар батафсил, айни дамда олиб бораётган фаолияти, ижод намуналари ва хулқ-атворидаги айрим муҳим ва қизикарли фактларни топиб баён қилади. "Мана бу мадрасага келганимдан кейин Тошкентнинг атанган шоирларидан мулла Камий, Ортиқ хўжа қори ва Қудратилла қори деган кишилар билан танишиб, бориш-келиш алоқасида бўлдим. Булардан бир нечаси, мулла Камий тили билан айтганда, табиати жуда юқори – илҳомли шоир бўлиб, янги солинган меҳмонхона, масжид ҳам мадрасаларга таърих ёзиш ва катта чиройлик хат (хусни хат) хунарларига эга бўлса ҳам йўқсиллик билан кун кечирар эди".

"Турмуш урунишлари"да, шунингдек, даврнинг бир қанча ижодкорлари қаторида Фитрат ҳақида зарур маълумот беради: "Абдурауф Фитрат "тиф" касали билан оғриб кўб ётти, уни бир австрис дўқтур боқиб юриб, зўрға тузатти. "Чиғатой гурунги"нинг баҳонаси билан ёзишни нима эканлигин билмайдирган ёшларнинг қанчалари мақола ва шеърлар ёзишға ўрганиб, ўзлариға ҳар турли тахаллус қўя бошладилар. Машриқ Юнусий "Элбек", Абдулқаюм "Ўктам", Абдулманнон Мажидий "Уйғур", мен "Тошқин" ва бошқалар арабий, форсий сўзларни аралашдирмасликка уриниб шеърлар ёздик".

Мўминжон Тошқин тасвирда Бобурнинг воқеликни ростгўйлик билан очиб бериш тамойилига амал қилган ҳолда қатор ижтимоий масалаларни ёритишда, зўравонлик ҳукмрон бўлган замоннинг фитналарини кўрсатишда холис йўлни тутади. "Турмуш урунишлари"да Николай ҳукумати ва унинг генерал-губернаторларининг ҳеч нарса билан чекланмаган бедодлик ва ўзбошимчаликлари қаттиқ қораланади: "Николай ҳукумати ҳам унинг кўмакчиси бўлган қоровулидан бошлиқ генерал-губернаторларигача, мусулмонларнинг янги билимлар олиб юқори кўтарилишига сира қўймасдан, кеча-

кундуз орқасидан пойлаб юрмакда; бу йўлда юрган кишиларни билиб қолдими, дарров тутиб қамамоқда, Сибирияларга юбормоқда, отишга ҳукмлар қилмоқда эди" (211-б.).

Мўминжон Тошқиннинг роман-хотирасида ўқитиш тизими ва усули жадид мактабларнинг очилишига оид материаллар нисбатан тўлиқ берилган. Мактабдаги ҳаёт – унинг ўқув дастури, ўқитиш жараёни, талабаларнинг яшаш шароити ҳақидаги маълумотлар ўша даврнинг таълим тизими ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради. Муаллиф мадраса ва ундаги тартиб-қоидаларни реал лавҳаларда кўрсатиб берган: "Бу Бароқхон мадрасасида ўқувчи муллабаччалари бошқа мадраса муллабаччаларидан ортиқлиғи, озода кийим кийиб юриши, мусиқийдан: дутор, танбур, ғиччак ва бошқа чолғуларни чалиш илмларини билишида бўлиб, бундаги "Шарҳи Мулло" ўқувчилари мадрасанинг "Ақоидхон", балки "хатмикарда"ларини китоб ўқишганда қочирар эдилар. Буларнинг устига "Гулистон", "Бедил"дек қийин форсий китобларидан дарс қилиб ўқишиб, форсий адабиётиға ҳам анчагина таниш эди. Бошқа мадрасаларда ёз кунлари майдачуйда дарс бўлиб турғанида, бул мадрасада бўлмас эди. Кўринадики, Бароқхон мадрасаси давридаги бошқа мадрасалардан фарқли равишда адабий манбалар "Гулистон", "Бедил" асарларини ўқитишда анча эътибор топганини унинг талабларининг билимидан келиб чиққан ҳолда баҳоламоқда.

Маълумки, "Бобурнома" услубида худди даврининг бошқа тарихий манбаларидаги каби тасвирдаги ҳодисага муаллиф ўз муносабатини шеър билан билдирганини кузатганмиз. Жумладан, Боқи тархон ва ўзга беклар ҳақида гапираркан, ўзининг машҳур ғазалидан бир байт келтиради:

"Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ?
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ".

М.Тошқин асарида ҳам тасвир ниҳоясида муаллиф шу каби ўз шеърини келтиради:

Энди басдир, уйғонинг, эй Шарқ эли!
Босибон келди билимсизлик сели!

Тоғу тошларға уриб қилғай ҳалок,
Бир куни ялқовлик, онгсизлик ели!".

"Бобурнома"да халқ оғзаки ижодини яхши билган Бобур халқ ўртасида кенг тарқалган мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланади. Масалан, "Душман не демас, тушга не кирмас", "Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға", "Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурар" ва бошқалар. "Турмуш урунишлари"да ҳам халқ мақоллари ва таъбирларига катта эътибор қаратади: "Бахтсизни туя устида ит қопар", "Оти улуғ, суфраси қуруқ", Икковимизнинг юлдузимиз жуда тўғри келиб қолған; "ўхшатмасдан учратмас" дегандек бир-биримизга жуда мос тушган эдик".

Мўминжон Тошқин халқнинг урф-одатлари ҳақида этнографик маълумотлар беришда давом этади: "Бир ойчадан кейин муаллим Сиддиқ ҳожининг бир шогирди суннат тўйи киладирған бўлиб қолди. Тўй бошланди, ҳар турли ашулачилар келган, бир томонда улоқ, бир томонда курашлар бўлиб турған, улоқда отдан думаланиб неча кишининг боши ёрилған, курашда неча кишининг қўли чиқиб, оёғи оксоқланған эди". Асарда ўғил (хатна) тўйи, қиз узатиш (келин-куёв) маросимлари ҳақида алоҳида таснифлар берилган. Бу асарни "Бобурнома"га яқинлаштирувчи умумийликнинг мавжудлиги билан бирга Мўминжон Тошқиннинг тасвир услуби ва ифодаланаётган давр воқеаларига муносабат жиҳатидан, қолаверса, асардаги бадиийлик қурилиши нуқтаи назаридан хусусий жиҳатлар, анъанани ижодий ўзлаштирган ўринлар ҳам талайгина. Мўминжон Тошқиннинг асарида Туркистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт даврнинг тарихий воқеалари асосида баён қилинади. Муҳими, бу асар биргина Мўминжон Тошқин ва замондошларининг таржимаи ҳолини тиклаш ва аниқлаштиришда эмас, балки XX аср бошларидаги муҳим сиёсий воқеаларни ўрганишда ҳам асосий манба вазифасини бажаради. У даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, масалалари ва тарихий воқеалари юзасидан муаллифнинг илғор қарашлари, шунингдек, ижтимоий-

адабий фаолиятини реал фактлар асосида тасвирловчи асардир.

Ўзбек мумтоз насри ҳам худди назмдаги каби қадимги мифлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан боғлиқ. Ёзма адабиётда эса "Девону луғотит-турк" таркибидаги насрий парчалар (XI аср), Носириддин Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" (XIV аср), Алишер Навоий ижодида "Маҳбуб ул-қулуб"дай буюк асар орқали юксакликка кўтарилган насрий баён анъаналари М.Тошқин асарида янгиланади. Гарчи у "Бобурнома"даги тасвир йўсинини танлаган бўлса ҳам, бу адибга хотира-роман учун мос келадиган ўзига хос услуб танлай олишида ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Ҳамидбек ҲАСАНОВ,
Тошкент Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

"МУБАЙЙИН" – МУҲИМ АДАБИЙ-ДИНИЙ МАНБА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон маданияти ва фани тараққиётига улкан хисса қўшган буюк сиймолардан бири. Унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олгани билан ҳам ўзига хос, алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асарлари, хусусан, "Мубаййин"да аждодларимиз илмий мероси орқали юксак инсоний фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, олимнинг диний мавзуни қандай, қайси манбалар асосида ёритганлиги, эътиқодининг асосини, ички дунёсини нима ташкил этганлигини унинг адабий-диний асарлари асосида очиб бериш долзарб масалалардан биридир.

Аввало, Бобур форс тилидан туркийга шеърий таржима қилган Хожа Аҳрор Валийнинг "Рисолаи волидия", сўнгра ўзи мустақил қаламга олган фиқҳий "Мубаййин" асарлари унинг эътиқоди, дунёқараши, ҳаёт ва тафаккур тарзи, феъл-атвори, ижодий тамойиллари асосларини баҳолашда ўзига хос мезон вазифасини ўтайди.

XVI аср ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан бўлиши билан бирга, туркий тилда шеърий усулда битилган адабий-диний (ёки фиқҳий-таълимий) асар бўлган "Мубаййин"ни Бобур фарзандлари Ҳумоюн ва Комронга бағишлаган. Асар ҳанафия мазҳабига оид мўътабар манбалар асосида, бадиий маҳорат билан содда ва тушунарли тилда баён қилинган. Муаллиф диний арконлар ҳақида маълумот бериш баробарида маълум маънода уларга оид ўз қарашлари, муносабати, билим ва кўникмаларини ҳам бадиий сўз ёрдамида изҳор қилиб боради. Асарни тадқиқ этишда, назаримизда, энг аввало, унинг адабий манба сифатидаги

қийматини аниқлаш лозим, чунки у биринчи галда бадиий ижод маҳсули. Иккинчидан, Бобурнинг ислом дини ва унинг қонун-қоидаларини баён қилишда қайси манбаларга асосланган ва уларни қай даражада бадиий талқин қила олганини баҳолаш ҳам муҳим. Ўз навбатида, бу асар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган диний эътиқодини тарғиб қилишда, унга таянган ҳолда, юксак фазилатларга эга инсонни тарбиялаш, ёшларни соф динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа даъват қилишда ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.

XX асрнинг ўрталаригача шарқшунослар орасида бу асар турли хил номлар билан аталиб келинди. Хусусан, *Мубин* (Кўпрулу 1934) ва (Илья Березин 1857), *Фиқҳи Бобурий* (Спренгер) *Мубаййан* (Ислом энциклопедияси 1960), *Мубаййин* (С.Ҳасанов 1993), *Мубаййин дар фиқҳ* (Танжу Орал Сейҳан 2004), *Мубаййин* (Мирзо Кенжабек 2014) тарзида номланиб келинди.

"Бобурнома"ни инглиз тилига туркий тилдан таржима қилган ва илк бора 1922 йил чоп этган Аннет Сусанна Бевериж, ҳинд тарихчилари Абул Фазл ва Бадауниларнинг сўзларини хато ўқигани оқибатида асар номини "Мубин" дея эътироф этади. Абул Фазл ва Бадауни, асар номини "*Мубаййан*" деб аташади. Бобурнинг котиби Шайх Зайн эса форс тилида "Мубин" номи билан "Мубаййин"га атаб шарҳ ёзган. Бу фикрни Фуат Кўпрулу ҳам тасдиқлаб: "Абул Фазл ва Бадауни *Мубаййан* деб ўқигани ва Спренгер эса асарни "Фиқҳи-Бобурий" деб номлаб, Мубин аслида Бобурнинг котиби Шайх Зайн томонидан форс тилида Бобурнинг асари "Мубаййин"га ёзилган шарҳ эканини эътироф этади.

Тадқиқотчи олим Мирзо Кенжабек ҳам *"Заҳириддин Муҳаммад Бобур хазиналари. "Мубаййин ва насрий баёни". Рисолаи Волидиййа назмий таржимаси ва шарҳи"* номли китобида асарнинг номланишига алоҳида тўхталиб ўтган. Олим икки манба, Абдулҳай Лакҳнавийнинг "Нузҳат ул-хавотир" ва Покистон "Ислом энциклопедияси"да (1972)

маънавиятимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаб келган бу сингари асарларнинг тарихий тараққиёт жараёнини чуқур ўрганиш, уларга ҳозирги давр талаби асосида баҳо беришга, муҳими улардаги фалсафий-диний ва ахлоқий қарашларни умумлаштиришга хизмат қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мубаййин" асари ўз даври ва кейинги асрлар ўзбек мумтоз адабиётидаги ноёб асарлар сирасига мансуб ёзма ёдгорликдир. XVI аср аср ўзбек адабиётида фиқҳий-таълимий характердаги бундай асарнинг бунёд бўлиши ўзбек ёзма адабий тили, услуби ва бадииятини белгилашда ҳамда ўрганишда муносиб манбадир.

Бобур эътиқодий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида ҳанафия мазҳаби ва хожагон-нақшбандия тариқати муҳим аҳамият касб этган. Айтиш мумкинки, бу икки улуғ таълимот Бобур ақидаси ва шу асосда яратилган "Мубаййин" асарининг мазмун-моҳиятини ташкил этади;

Бобур санъаткор шоир сифатида исломий ақидаларнинг илмий талқинларини бадиий ифодалар экан чуқур мазмунни гўзал шакллар билан турлаб улар ўртасидаги бевосита боғлиқликни вужудга келтирган. У тасвирларни турлашда сифат ва миқдор, замон ва макон эътибори билан мувофиқлаштириб асарнинг ранго-ранглигини таъминлаган ва талқинларнинг ажойиб таърифини баён этиш орқали асарнинг ўзига хослигини таъминлаган. Санъаткор ислом дини фарзлари талқинидагина бу усулдан фойдаланиб қолмасдан ўзбек, араб, форс тилларини мукаммал билган шоир ундан маълум фикрнинг турли кўринишларини тилнинг ранг-баранг имкониятлари орқали ёркин ифодалаганлигини кузатамиз. Бу ўз навбатида шоирнинг ўзбек адабиёти майдонидаги улкан бадиий ютуқларга эришиши учун асос бўлиб хизмат қилган;

Беш китобдан иборат бўлган бу асар баёнининг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи ва унинг тили пухта ишланган. Ижодкор мавзу мазмунини тўла-тўкис очиб бериш учун адабий тил имкониятларидан самарали фойдаланганлигини кўриш мумкин. Асар тили Бобур яшаб ижод қилган давр шароити, тарихий-диний муҳит лексикасидан кенг ва унумли

фойдаланилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб қилади. Бу ўз навбатида ижодкорнинг асарда олдига қўйган вазифасини бажарганлиги, унинг диний-маърифий, бадиий-эстетик мақсади ушалганлигидан далолат беради. Бунда адабий тил диний иборалар, Қуръони каримдан келтирилган оятлар, ҳадислардан келтирилган намуналар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда берилган. Натижада ўқувчи ислом дини ақидаларидан диний-маърифий ва маънавий озиқ олади. "Мубаййин" асарларининг ўз ички оҳанги, алоҳида ўзига хос ритми борки, улар фикр ва туйғулар силсиласини акс эттиришга йўғрилган ижодкор бадиий тилининг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи ва том маънодаги диний-ахлоқий ва маърифий руҳдаги асарнинг юзага келишига хизмат қилганлигини ва Бобур бадиий оламини белгилашда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

"Мубаййин"да берилган шаръий масалалар ўз-ўзидан илмий ечимга эга бўлса-да, ўзига хос бадиият қобиғида берилгани билан ажралиб туради. Матн фиқҳий асар сифатидагина эмас XVI аср назм намунаси ўлароқ ҳам аҳамиятлидир.

Бобурнинг мазкур асаридаги бадиий такомиллик унинг ғоявий етуклигига, мақсад нуқтаи назаридан "Мубаййин"нинг тўғри ва холис ёритилишига замин яратган. Асардаги ахлоқий-таълимий қарашлар биринчи галда бағрикенглик, инсонпарварлик ва эзгулик тамойили асосида баён этиб берилган.

Ҳусайн вафотига тўхталиб, ул зотнинг яқин кишилари қаторида, Навоийни ҳам санаб, қуйидаги сатрларни битади:

„ Яна Алишер Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳиридан ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдир.Эл назокатини давлатинингуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандурСамарқандтаэканда ҳам ушмундоқ нозук экандур"

Яна Бобур Навоийнинг кўнгли жуда нозиклигига, баъзи ҳолатларда сўздан мутаассир бўлиб, йиғлаб юборишига алоҳида урғу беради. Шу билан бирга, саховатпешалигига қойил қолганлигини ҳам изҳор этади:

„ Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай" (233).

Яна подшоҳдан ҳеч нарса тама қилмаганлигини таъкидлаб ўтади:

„ ... Авойил мухрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободта ҳукумат қилди, хавоҳир сипоҳиликни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди" **(233).**

Бобур Навоийнинг бой - бадавлат одам эканлигини, аммо мол-дунёга ҳирси йўқлигини, пулларини вақф қилиб, эзгулик йўлида сарфлагани ҳақида ҳам ёзади:

„ ... Мунча бинои хайркким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлгай" **(233).**

Бундай қизиқ далиллар Ғарб ўқувчиларини бефарқ қолдирмас эди, албатта. Ғарб туркологлари, сиёсатчи олимлари шу тариқа Навоий шахсиятини ўрганишга, тадқиқ этишга киришиб кетдилар. Лекин Навоийнинг машҳурлиги оригинал ижод маъносида эмаслиги одамни ажаблантиради, ўйга толдиради.

Бобур Навоийнинг чексиз ва тубсиз уммон қадар ижоди хақида қуйидагиларни ёзган ва мазкур битиклар Ғарб тилларига тинимсиз, қайта ва қайта ўгирилган. Назаримизда, Бобур тилидан айтилган мана шу:

„иншоларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилибжамъ қилибтур...” сўзлари Ғарб ўқувчисини инглизча, французча, немисча таржималардаги ноқисликлар туфайли тўғри йўлдан адаштириб юборган бўлса ажаб эмас. Шу боис, аксарият ғарб олимлари ***„Навои - форс шоирларининг тақлидчиси”*** ёки ***„таржимони”*** деган сўзни байроқ қилиб кўтаришади.

Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти ҳамда ундаги турли адабий оқим ва йўналишларни етарлича билмаган, мумтоз сўз санъатимизни руҳан ҳис қилмаган буржуа мафкурачилари, ғарблик мунаққидлар шоир ижодига беписандларча муносабатда бўладилар.

Дарвоқе, Ғарбий Европада форс мумтоз шеърияти канчалик шухрат қозонганини кўпчилик билади. Айтайлик, Ғарбий минтақаларда буюк немис шоири Й.В. Гёте Ҳофизни ўзига устоз санагани, шеърларига назира боғлагани ҳам маълум. Кейинчалик бу шеърият таъсирида Ф.Рюккерт (1788-1866), А. Платен (1796-1835), Г.Ф.Даумер (1800-1875) дек ўз замонасининг таниқли немис шоирлари шарқона услубда ғазаллар ҳам битганлари бугун учун янгилик эмас. Натижада, немис мумтоз шеъриятида сифат ва шакл ўзгаришлари рўй берган. Германияда 1819-1836 йиллар оралиғида бу шоирлар қаламига мансуб тўртта „Ғазаллар” тўплами нашр этилгани факти фикримиз далилидир. Албатта, бунда Й. В. Гётенинг „Ғарбу Шарқ девони”нинг таъсири кучлидир. Немис адабий жараёнида содир бўлган бу адабий ҳодиса немис адабиётида шарқона рух ва шарқона услубда анча-мунча асарлар пайдо бўлишига туртки бўлган эди. Дарвоқе, шу ўринда, ўша замонларда араб - форс маданий - адабий доираларининг таниқли намояндаларидан ижодий таъсирланиб шарқона услубда шеърлар битиш урф бўлгани билан, фақат Й. В.

Гётенинг „Ғарбу Шарқ девони" гина мангуликка дахлдор бўлиб қолганини ҳам эслаш жоиз.

Фаридиддин Аттор қаламига мансуб ***„Мантиқ уттайр"*** инглиз, немис тилларида нашр этилган. Ф.Аттор ҳақида рисолалар битилган. Ҳаттоки, Лотин Америкасининг афсонавий ёзувчиси Л. Х. Борхес ҳам ўз асарларида Ф.Аттор номини тилга олиб, „Проза разных лет" асарида „Мантиқ уттайр" достонига юксак баҳо беради. Бинобарин, форс мумтоз назми нуфузи бутун дунёда устиворлик касб этгани бор гап. Жумладан, яна Бобурнинг:

„... форсий назмда „Фоний" тахаллускилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар суст ва фурудтур..."

Қабилидаги сўзлари, эхтимолки, Ғарб тилларига номукобил таржима қилингандир... Нима бўлганда ҳам, Навоийни форсигўй шоирларга тақлидчи сифатида камситиш узоқ вақтларгача давом этаверди. Бу ҳақда Н.Отажонов, У.Сотимов, М.Холбеков каби ғарбшунос олимларимизнинг илмий ишларида ҳам Англия, Германия, Франция маданий доиралари мисолида ўша давр адабий жараёнининг Шарққа муносабати қисман айтиб ўтилган.

Хўш, илмий жиҳатдан исботланмаган асоссиз бу каби тахлилу-талқинларни Ғарбий Европада ким муомалага киритди ўзи? Профессор Умрбек Сотимов ***„Инкордан икроргача"*** номли китобида бу борада қуйидагиларни ёзади: „Шарқшунослик фаолиятини дипломатликдан бошлаган ва XIX асрда Ғарбда алоҳида бир машҳурлик топган Ф. Белен ўзининг ***„Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар"*** номли тадқиқоти („Осиё" журнали, 1861,17-жилдда) да забардаст бу шоирнинг бутун ижодини тақлидчилик намунаси тарзида талқин этган. Худди шунингдек, унинг кейинги ***„Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари"*** („Осиё" журнали, 1866, 8-жилд) асарида ҳам „Навоий Низомий, Дехлавий ва Жомийларнинг тақлидчиси" деган ўринсиз даъвони зўр бериб исботлашга уринган". Олимнинг фикрича, ***„Бобурнома"*** мемуар асарининг ғарбий тилларига бузуброқ

ўгирилиши юқоридаги каби ноилмий, асоссиз талқинларнинг куртак отишига сабабчи бўлган.

Расмий маълумотларга қараганда, ***„Бобурнома"*** Англияда саккиз маротаба нашр этилгани ҳақида маълумотлар бор. Бу Шарқ дунёсига европаликлар маънавий эҳтиёжининг ниҳоятда кучлилигидан далолатдир. Асар ғарбликларнинг фақат Шарқ маънавиятига қизиқиши учунгина қайта-қайта нашр қилинмаган. ***„Бобурнома"*** мемуари ғарбликлар учун нафақат қадимги Турон, кўҳна Туркистонни ҳар тарафлама кузатиш мумкин бўлган ***дарча***бўлиб хизмат қилган, балки қадимий Ҳиндистон заминини миридан-сиригача кузатиш учун ҳам. Ахир Бобурийларни инглизлар қулатганини тарихдан биламиз-ку! Инглизлар Ҳиндистонни забт этиш ва эгаллаш учун ҳам ***„Бобурнома"***га қайта - қайта мурожаат қилганларига, керак бўлганда, бу асарга таянганларига ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, бундан беш аср илгари фақат Бобургина ***„Бобурнома"*** мемуарида Ҳиндистон халқининг этнографияси, тарихи, географик жойлашуви, табиати ва иқлимини, табиий заҳиралари ва миллий бойликларини, давлат бошқаруви, турмуш - тарзи, ерли халққа хос урф - одатларини муфассал ва аниқ мисоллар билан ёритиб берган эди. Шул сабаб, мазкур асар дунё миқёсидаги турколог ва ориенталистлар орасида узоқ йиллар шов - шувларга сабаб бўлган.

Бинобарин, хорижлик навоийшунослар ўзларига Бобурнинг Навоийга берган баҳосини (аслият матнининг бузилган таржимасини - А.Р.) асос қилиб олишган экан, уларнинг олдинги сафида *Ҳаммер Пургштал* каби Шарқдаги хамсачилик анъаналарининг уқувсиз шарқшунослари турарди. ***„Туроннинг бу улкан шоири бетакрор бадиятидан тақлидий тимсоллар излашни Ҳаммер бошлаб берган***", - деб ёзади профессор У. Сотимов. Муаллиф таъкидлаганидек, Ҳаммер икки юз нафар Шарқ шоирлари ҳақидаги ***„Нафис форс нутқ санъати"*** номли китобида Шарқ шеъриятига хос ***„татаббуъ"*** санъати моҳиятини

тушуна олмайди, оқибатда ***татаббуъ*** истилоҳини ***„тақлид"*** маъносида қабул қилади.

Шоҳ ва шоир Бобурнинг илк туркий назмларидан бири Навоийга аталганини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунончи,

„Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда, Алишербек тирик эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим,орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди", дейилган, асарнинг *„Вақойи санаи ситта ва тисъа миа"* (906 = 1500-1501 йиллар) сахифалари бобида. Ахир замондошлари унга бекорга ***„Алишер Навоийсоний"*** унвонини беришмаган. Бобур ўзбек мумтоз шеърияти оламида Алишер Навоийдан кейинги биринчи нозиктаъб шоир сифатида тан олинган.

Хулоса фикр шуки, бетакрор шоиримиз Алишер Навоийни форсийгўй шоирларнинг *тақлидчиси* ва *таржимони,* Бобурни эса мўғуллар сулоласининг султони сифатида камситиш Ғарбда узок вақтларгача давом этди. Афсуски, аҳвол ҳали ҳам ўнгланмаган, бугун ҳам илмий манбаларда шунга ўхшаш фикрларни бот-бот учратамиз. Битта ғарблик турколог ёки ориенталист мунаққид шоиримизни давлат арбоби, Ҳусайн Бойқаронинг ўнг қўл вазири, кўнгил хушлик учун шеърлар ҳам машқ қилиб туради, деб оригинал ижодкорлигини камситишга ҳаракат қилса, яна бири Бобурни мўғуллар сулоласининг султони, Ҳиндистонни забт этган буюк саркарда деб, унинг темурийлар сулоласининг султони эканлигидан кўз юмишади. Бизнингча, ғарбликлар иккала буюгимизнинг ҳам буюклигини англамаяптилар ёки англашга қодир эмаслар.

Толибжон РЎЗИБОЕВ,
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

«ЎТКАН КУНЛАР»ДА «БОБУРНОМА» САБОҚЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ўзбек мумтоз насрининг шоҳ асарларидан бири сифатида эътироф этилгани инкор қилинмайдиган ҳақиқатдир. Маълумки, бундай асарлар қалам аҳли учун катта адабий мактаб ва битмас-туганмас ижод манбаи бўлиб хизмат қилади. «Бобурнома» асосида ёки ундан таъсирланиб яратилган турли тиллардаги ўнлаб асарлар бунинг ёркин далилидир. Бунинг яна бир исботи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидир. Ундаги бир эпизод диққатни тортди:

«...Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз ҳужрасидан кийиниб чиқди-да Отабек ёнига кирди. Отабек «Бобурнома» мутолааси билан машғул эди. Баъзи бир эҳтимолларга қарши ўзининг ниятини билдирмай:

– Менда юмишингиз йўқми, бек? – деб сўради Ҳасанали. – Ҳаммомга бормоқчи эдим...

Отабек кўзини китобдан узмай жавоб берди:

– Юмишим йўқ, бораверингиз».

Маълумки, Абдулла Қодирий ўз қаҳрамони характерига хос қирраларни очишда турли бадиий деталлардан усталик билан фойдаланган. Шуни эътиборга олган ҳолда Отабекнинг айнан «Бобурнома»ни мутолаа қилиб ўтириши, ҳатто Ҳасаналининг саволига ҳам китобдан кўзини узмай жавоб қайтариши ҳам бежиз эмасмикин, ёзувчи бу детал орқали ўқувчиларга ниманидир етказмоқчи эмасмикин деган хаёлга бордик. Бу борада изланар эканмиз дастлаб Бобур ва Отабек яшаган даврлар тарихидаги муштараклик фикримизни банд этди. Чунки тарихга назар ташлар эканмиз, Бобур ҳам, Отабек ҳам мамлакатимиз ҳудудида улкан бир ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида яшаганлигини кўрамиз. Бири шоҳ

ва саркарда сифатида бу жараёнларнинг марказида турган ва бевосита иштирок этган бўлса, иккинчиси ўз даврининг ҳур фикрли зиёлиси сифатида мамлакатда вужудга келган ижтимий-сиёсий вазиятдан ташвишга тушади ва уни ўнглаш чораларини қидиради, ва ниҳоят юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлади. Агар биз романга ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, у ҳолда Абдулла Қодирий нима учун ўз қаҳрамонига «Бобурнома» мутолаа қилдирганлиги анча ойдинлашади.

Келинг, гапларимиз қуруқ бўлмаслиги учун ҳар иккала асардаги айрим парчаларни қиёслаб кўрайлик. Бобур Самарқандда қамалда қолган пайтида шундай деб ёзади:

«Ҳар неча атроф ва жавонибқа элчилар ва кишилар йиборилди, ҳеч кимдан кўмак ва мадад етишмади. Ул махалдаким зўр ва қувватимиз бор эди, ҳеч навъ шикаст ва нуқсоне бўлмайдур эди. Кўмак ва мадад қилмадилар ва мундоқ маҳалда худ не ҳисоб бирла мадад қилғайлар. Буларнинг умиди бирла қабалда қалъадорлиқ қилмоқ бетакриб экандур.

Бурунғилар дебтурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки кўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут кўрғоннинг суйи бирла захираси бўлғай. Биз бу атроф ва жавонибдағилардан кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда..."

Энди Отабекнинг марғилонлик Зиё шоҳичининг уйида бўлиб ўтган мажлисда айтган гапларига диққат қилайлик:

«– Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукмдорлиғимизни кўриб; бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, ...лекин Шамай маним фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлғанлиғини икрор этишка мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишиға ақлим етмай қолди.

Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўриснинг идора тартибини дастуриламал этишка буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам, ...аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш.

Бу ерда сўзимни эшиткучи биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: «Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?» деб мени маъюс қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам, сўнгғидан тўғри сўзни айтканларини билдим. Дарҳақиқат, мозористонда «ҳайя алалфалаҳ» хитобини ким эшитар эди».

Эътибор қаратсак, ҳар иккала парчада ҳам юрт келажаги ҳақида қайғуриш, уни ёвлардан сақлаб қолишга уриниш акс этган. Бобур ҳам, Отабек ҳам ўз даврининг хон ва беклари йўл қўяётган хатонинг мудҳиш оқибатини олдиндан ҳис эта олган ва бунинг олдини олиш чораларини излаган. Хон ва бекларнинг «ҳар қайси бир ўзга хаёлда» бўлиши ҳам, «мозористонда «ҳайя алалфалаҳ» («нажотга шошилинг») хитобини» ҳеч ким эшитмаслиги ҳам айнан шунга ишора қилади. Ҳар икки даврда ҳам нажот йўли нимада эди деган саволга ҳам бу икки асардан жавоб топишимиз мумкин. Бобур ёзади:

«Султон Ҳусайн Мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ бизга мадад қилмай ва кўмаклар бериб, элчи йибормай, Шайбоқхонга Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара овонида элчиликка йиборди...

...Ёвуқ кишилар ва мўътабар кишилар фасилдин ташлаб қоча кириштилар. Бек отоғликдин бир Вайс Шайх, Вайс Лоғарий байри эдилар, қочиб туштилар. Атроф ва жавонибтин билкулл маъюс бўлдук. Ҳеч тарафдин умидворлиқ қолмади...»

Абдулла Қодирий ўз қаҳрамони тилидан ёзади:

«– Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса керак, ...аммо бизнинг кундан-кунга оркаға кетишимизга ўз ора низоимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман... Орамизда бу кўркунч ҳолатка баҳаққи тушунадирған яхши одамлар йўқ, билъакс бузғучи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар. Бу кунги қора чопон ва қипчоқ низоларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин: ўйлаб кўрилсин, бу низолардан бизга қанчалик фойда ва қипчоқ оғайниларға нима манфаат ҳосил бўлмоқда? ...Фақат бундан фойдаланғучилар икки халқ орасиға адоват уруғини сочиб юрғучи бир неча эъвогар бошлуқларғинадир.

Масалан, Мусулмонқулни ким холис одам, деб ўйлайдир? – Унинг юрт учун қон тўкишдан бошқа нимага фойдаси тегди? Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, куяви Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди, қўй каби ёввош Тошканд ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгулади ва ўзини мингбоши деб эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб, эл елкасига минди.

Тузук, агар Мусулмонқул бу ишларни бир яхши максадни кузатиб қилғанда, золимларни ўртадан кўтариб, юртка осойиш берганда, унга ким нима дея олур эди? Ҳолбуки, Тошканд тарихида мисли кўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни фақат шу Мусулмонқул қўлидан олди. Башарти, Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсондан ваҳший туғилганини ҳеч ким эшиткан чиқмас. Модомики, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғунчилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни улар ким бўлсалар ҳам иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши холис одамларни ўтқузиш нажотимизнинг ягона йўлидир».

Юқоридаги парчалардан кўриниб турибдики, Отабекнинг бундай хулосаларга келишида ҳаётда кўрганлари билан бир қаторда унинг «Бобурнома» мутолааси туфайли англаб етганлари ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Демак, Отабекнинг «Бобурнома» ўқиши шунчаки тасодиф эмас, балки ўз давридаги ижтимоий-сиёсий бошбошдоқликларнинг асосий сабаби нимада эканлигини англаб олиши учун жуда зарур бўлган.

Кўриниб турибдики, «Бобурнома» Отабекнинг шахс сифатида камолга етишида, вужудга келган вазиятни тўғри баҳолай олиши ва ўз хулосаларини қўрқмасдан баён эта олишида муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бир қаторда ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, улуғ адибимиз Абдулла Қодирий «Бобурнома»ни чуқур мутолаа қилган ва нафақат Бобур, балки барча темурийлар даври тарихи, унинг инқирози сабабларини жуда яхши билган. Буни асардан олинган яна бир парча ҳам тасдиқлаб турибди. Абдулла Қодирий қипчоқ қирғинидан жуда қаттиқ изтиробга тушган Юсуфбек ҳожи тилидан қуйидаги гапларни ёзади:

«...Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни, не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан; мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқин қилиб топширқучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишиға ҳозирланған биз итлар яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Абу Али ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз

бечораларни бўғизлаб, болалар ятимхоналарини вайрон қилғучи золимлар – қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиқган гиёҳлар қарғишиға нишонадир, ўғлим!..»

Албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдулла Қодирий ижодидаги муштаракликни чуқуррок изланиш, ҳар иккала асарни бир-бирига қиёслаб, улар орасидаги яқинликни янада теранроқ таҳлил қилиш адабий таъсир масалаларини ўрганишда адабиётшунослигимиз учун қимматли манба бўлиши мумкин.

Бобоназар МУРТАЗАЕВ,
филология фанлари номзоди
Термиз давлат Университети

САВДО КАРВОНЛАРИ ЗИКРИДА

«Бобурнома»да савдо аҳли ва савдо карвонлари хусусида сўз юритилиб, уларнинг ўзига хос ўрни алоҳида эътирофини топади. Боиси, савдо карвонлари нафақат бозорлар алоқасида, балки савдо-сотиқ орқали ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар ўрнатилган. Ўтмиш тижорат аҳлининг фаолияти, савдо карвонларининг машаққатли меҳнати, уларнинг элларараро муносабатлардаги аҳа-мияти ва бунинг ғоят бекиёслигини яхши биламиз. Бобур мирзо қачон ва қаерда бўлмасин, албатта, бозор аҳли ва тижорат ишларига қизиқиш билан қаратади. «Бобурнома»да Андижон мевалари мақталади, айниқса, қовуни роса таъриф-ланади ва «қовун маҳали (сайили)да полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас», дея Андижон элининг сахийлиги қайд этилади. Бобур, шунингдек, бозорлардаги сўзлашув тилигача эътибор қаратади: «Шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур». Қадимда бозорларимизнинг бир-бири билан алоқасини одатан савдо карвонлари ўзаро боғлаб тургани маълум.

Элларни, бозорларни ўзаро боғловчи савдо карвонлари баъзан турли тўсиқ ёки қийинчиликларга дуч келишгани ҳам бор гап. Бобур бир воқеага урғу беради, Хитойдан келаётган минг уйлик савдо карвони Андижон шарқидаги тоғда қор кўчкиси тагида қолиб ҳалок бўлади. Карвон аҳлидан атиги икки киши омон қолади. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо бу хабарни эшитгач, махсус кишилар юбориб, карвон молини Андижонга олиб келтиради ва карвон аҳлининг қариндош-уруғларини излатади. Карвон аҳлининг қариндошлари икки йил мобайнида изланади, ниҳоят, улар Хуросон ва Самарқанддан топилади ва Андижонга келиб тегишли бисотларини зиён-заҳматсиз тўлиқ олиб кетишади.

Бобур бозор ва бозор аҳли, умуман, савдогарларнинг меҳнатини ўта қадр-лайди, Самарқанд атрофи Ём тумани

(навоҳиси)даги катта бозор ҳақида бир қизиқ ҳодиса ҳикоя қилинади. Ём туманида бозорчилар номаълум сабабларга кўра талон-торож этилади, аммо эртаси Бобурнинг фармонига биноан қўшин навкарлари бозор аҳлининг молларини қайтаради. Бобурнинг ёзишича, бозор аҳлининг бор бисоти, ҳатто, игнасигача, нафақат игна, балки игна синиғича эгаларига берилади. Бундан ортиқ мардлик, бундан ортиқ тантилик бўлмаса керак, ана сизга бозор ва бозор аҳлига эътибор, эҳтиром. Демак, бозорларимизнинг ободлиги савдо тизимининг ҳалоллиги ва унинг яхши йўлга қўйиш кўп жиҳатдан оқил раҳбариятга, жонкуяр раҳбарларга боғлиқ экан.

«Бобурнома»да Самарқанд бозорларига хос бир хусусият, яъни ҳар бир касбнинг бозори бўлак экани гапирилади, бошқа шаҳарларда бундай эмас экан. Бу табиийки, харидор учун қулайлик туғдиради, ҳар бир киши ўзига керакли нарсани қайси бозордан излаш лозимлигини аниқ билади ва ортиқча овора-гарчиликка чек қўяди. Бобур бозорларнинг нарх-навоси ва карвон аҳлининг нимани қаердан қаерга олиб боришигача қизиқади, бозор ҳолатини кузатади. Кобул ва Ғазна бозорлари ўзаро қиёсланар экан, Ғазна бозорларининг Кобул бозорларидан арзонлиги таъкиланади: «Кобулға боқа Ғазни ҳамиша арзонликтур» .

Бобур жангу жадал кезларида ҳам савдо карвонларига зарар етказмайди, балки уларни доимо муҳофаза қилади. Қандаҳорга яқин Калот деган жойда Ҳиндистоннинг катта савдо карвони олди-сотди учун келиб жанг туфайли чиқиб кетолмай қолади. Айрим лашкарбошилар жанг ҳудудидаги карвонни талаш таклифини билдиради. Аммо Бобур бунга рози бўлмайди, аксинча, карвон аҳлидан арзимас туҳфа олиб, уларнинг муҳофазаси таъминланиб, йўлда давом этишга изн берилади.

Булар «Бобурнома» бўйича қилинган илк мулоҳазалар бўлиб, танланган мавзудан шингил қатралардир. «Бобурнома» саҳифаларида турли соҳаларга оид турфа маълумотлар лиммо-лим, фақат уларни кашф этиш талаб этилади.

Жалолиддин ЖЎРАЕВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

БОБУРНИНГ МУАММО ШЕЪРЛАРИ БАДИИЯТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур туркий мумтоз адабиётнинг тур ва жанрларининг бадиият қонунлари, уларга оид назарий асарларнинг мазмун-моҳияти, бир-биридан фарқли томонларидан яхши хабардор бўлган. Унинг муаммо жанрига доир билим ва қарашлари ҳамда муаммо жанридаги шеърлари хусусида ҳам шундай фикрни айтишимиз мумкин.

Жумладан, "Бобурнома"да Ҳирот шеърият аҳли борасида гапириб "Яна Мулло Муҳаммад Бадахший", дейди ва унинг муаммо рисоласи ҳамда муаммолари юзасидан сўз юритади.

Асарнинг бир неча ўрнида муаммо жанрига бағишланган рисолалари билан яхши маълум бўлган Шиҳобиддин Муаммоий, Мулло Муҳаммад (Жунуний) Бадахший, Шарифий Мунажжим кабилар муаллифнинг доимий ҳамсуҳбатлари ва кечаларнинг иштирокчилари қаторида зикр қилинган. Чунончи, Шиҳобиддин Муаммоий ва Мулло Муҳаммад (Жунуний) Бадахшийлар кейинчалик Бобурга бағишлаб муаммо рисоласи ёзганлиги ҳам маълум.

Умуман олганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур муаммо жанри қонун-қоидалари ва бу борасидаги рисолалар билан яхши таниш бўлган.

Шарафиддин Али Яздий муаммо жанридаги шеърлар энг аввало икки жиҳатга –шеърлик ва муаммолик жиҳатига эга бўлиши шарт дейди. Шунингдек, айтилишча, яширилган исм кўрсатиш шарт ҳисобланади. Бу талабда шеърлик жиҳати деганда, муаммо шеърда мазмуннинг бўлиши муҳимлигини назарда тутган. Муаммолик жиҳати деганда эса, мазмунни баён қилиш учун қўлланилган сўзлар мазмунга путур

етказмаган ҳолда муаммо жанрига хос ишоралар вазифасини ҳам ўташи кераклигини англатади.

Турли даврларда мазкур жанрда яратилган шеърларда кўпроқ ишқ-муҳаббат мавзулари асосий ўринда эканлиги кўринади. Булар билан бир қаторда ахлоқий-таълимий мавзуларда ёзилган муаммо шеърлар ҳам учрайди.

Ҳозирда Бобурнинг 54 та туркий ва битта форс тилида ёзган муаммоси маълум. Бу муаммо шеърлар жанрга қўйилган дастлабки учала талабга тўла мос келади. Уларда ҳам бошқа ижодкорларнинг асарларида бўлгани сингари ишқ-муҳаббат, ахлоқий-таълимий мавзулар билан бир каторда ҳаётий лавҳалар ҳам қаламга олинган.

Жумладан, унинг "داییم علی" номига ёзган муаммосида шеърлик жиҳатига кўра, лирик қаҳрамон ўзининг бемеҳр севгилисини кўриш иштиёқида эканлиги, уни кўриш ва кўнгил дардларини билдиришни истаётганлиги баён қилинган. Ушбу икки мисрада ошиқнинг ёрини қидираётганлиги, уни кўриш, дардларини айтиш истаги билан боғлиқ руҳий кечинмалари етарли даражада ифодасини топган. Шу жиҳатга кўра уни поэтик фикр якунига етган тугал асар деймиз. Ундан ошиқнинг бутун дарду изтиробларини ҳис қила олиш мумкин. Ўз навбатида ошиқнинг дарду изтиробларини тасвирлашга қаратилган сўзлар муаммо жанрида ишлатиладиган имо-ишора сўзлар ўрнида ҳам қўлланган. Бу ҳол асарда мазмун ифодасига халал бермаган:

یا رب اول خورشیدرو بی مهر آییم قاندادور
کیم انگا سالسام کوزوم نی یا دیسام کنگلوم غمین

Ёраб, ул хуршидрў бемеҳр ойим қандадур
Ким, анга солсам кўзумни, ё десам кўнглум ғамин.

"داییم علی" номи қуйидагича чиқарилади: Олдин биринчи мисрадаги ишораларга асосан "خورشید" сўзининг "юз"и "د" ҳарфи "آییم" сўзига қўшилса, яширилган исмнинг "Дойам" бўлаги чиқади. Қолган бўлак иккинчи мисрадаги ишораларга чиқарилади. Яъни "کیم انگا سالسام کوزوم نی" ишорасига кўра "کوز"нинг тародифи араб тилидаги "عین" сўзи, ундан эса "ع"

ҳарфини ҳосил қилиш англашилади. "یا دیسام" ишораси билан "ی" ҳарфи олинади. "کنگل"нинг тародифи "قلب". " دیسام کنگلوم غمین" ишораси билан "قلب" сўзининг "қалб"и - "ل" ҳарфи олинади. Олдин ҳосил қилинган айн, ё ва лом ҳарфлари ўз ўрнига қўйилса, "على" бўлади. Унга "داییم"ни қўшсак "داییم على" исми чиқади.

"حسن" номига ёзилган муаммос эса ахлоқий-таълимий мавзуда:

خلقونگنی راست قیلغیل هر سازیغه که بارسانگ
احسنت دیر باری ایل گر یخشی آت چیقارسانگ

Хулқунгни рост қилғил ҳар сориғаки борсанг,
Аҳсанта дер бори эл гар яхши от чиқорсанг.

Ишораларга кўр исм иккинчи мисрадаги арабча "احسنت" сўзидан алиф ва те ҳарфлари исқот қилинса, қолган ҳарфлар "حسن" деган маънони беради.

Ушбу муаммонинг бош мавзусини маънавий камолот масаласи ташкил қилади. Муаллиф ўқувчига комилликнинг асосий белгиларидан бири яхши хулқ эгаси бўлиш муҳимлиги, ўша хулқ туфайли ҳамма ерда яхши сўз эшитиш мумкинлигин уқдирган.

"خرم" номига ёзилган мана бу муаммода майхўр кишининг турмуш тарзи, бундай турмуш тарзининг охир-оқибати ҳикоя қилинади. Шеърда бундай аянчли ҳаётий лавҳалар тасвири билан биргаликда панд-насиҳат мазмуни ҳам акс этган. Шоир бу ҳикоя орқали бундай турмуш тарзи эгаларини қоралайди:

هر کیم کیچه می ایچیب صباح آییلغای
مخمورلوغیدا هوش دین آیریلغای
میخانه غه بیتکونچه چاغیرسیز بولماس
شاید آرادا خمار زوری قیلغای

Ҳар ким кеча май ичиб, сабоҳ ойилғай,
Махмурлиғда хешдин ойрилғай.
Майхонаға еткунча чоғирсиз бўлмас,
Шояд, орада хумор зўрий қилғай.

Ечими: муаммонинг ечими тўртинчи мисрадаги ишораларга кўра топилади. Унга кўра "آرادا خمار زوری قیلغای", дейилган. Ишорага биноан "خمار" сўзинининг ичидаги мақсад қилинган исмни ҳосил қилишга халал бераётган алиф ҳарфини иқкот қилсак, "خمر" қолади. Қолган ҳарфларни қалб амалининг қалби баъз қоидасига кўра ўз ўрнига жойлаштирсак, "خرم" номи чиқади.

Бобур муаммоларида қўлланган сўзлар мазмун касб этиши баробарида имо-ишора сўзлар вазифасини ҳам бажарган. Муаллиф ўз ўрнида ўша ишораларга биноан исм бўлаклари кетма-кет ва ўз ўрнида топилишига аҳамият берган. Ана шу жиҳатлар Бобур муаммоларининг бадииятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Муаммо жанри назариясига оид рисолаларда муаммо шеърларнинг бадиият даражасини белгилашда исмни чиқаришда қўлланилган ишораларнинг кетма-кетлиги, исм ҳарфлари ёки бўлагининг тартиб билан ҳосил қилинишига алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Мавлоно Мир Ниёзий Ҳижозий Бухорий муаммо шеърларда исмни чиқаришдаги имо-ишоралар, исмдаги ҳарфлар кетма-кетлигининг ўз ўрнида келишига қараб атамм акмал, комил ва ноқис турларига бўлади. Ушбу таснифга кўра Бобур муаммоларини атамм акмал даражада дея оламиз.

Бобур муаммоларидаги исмни чиқаришга оид мукаммалликни бошқа мисолларда ҳам кўришимиз мумкин. "شهرتی" номига ёзилган муаммо:

یوز مینگ جفا اول آی اوچون مین قرار سیز
قیلغلی مین اختیار ولی اختیارسیز

Юз минг жафо ул ой учун мен қарорсиз,
Қилғаймен ихтиёр вале ихтиёрсиз.

Ечими: Дастлаб, биринчи мисрада "اول آی اوچون" дейилган ишорага кўра, ойнинг тародифи "شهر" сўзи олинади. Иккинчи мисрадаги ишоралар асосида "اختیار" сўзини бўлакларга бўлиб ўқисак, "اخ-تی-ار " бўлади. Ундан керакли бўлакни оламиз ва "شهر"га улаймиз, шунда "شهرتی" номи чиқади. Кўриниб турганидек, исм бўлакларини топишга ишоралар олдин биринчи, кейин иккинчи бўлакка қаратилган.

“عالم” номига ёзилган муаммо:

ای یار که یارلیغیدین اولدونگ غافل
دشمن کبی بابرنی کورارسین حاصل
دیب سین المیم قیلسه رفیق، ایتای یار
قیلمیش المینگ رفیق، یا آییتغیل

Эй ёрки, ёрлиғидин ўлдунг ғофил,
Душман каби Бобурни кўрарсен ҳосил,
Дебсан: “ Аламим қилса рафиқ, этай ёр”,
Қилмиш аламинг рафиқ, ёр этғил.

Муаммонинг ечими учинчи ва тўртинчи мсралардаги ишораларга кўра ҳосил қилинади. Учинчи мисрада “ المیم قیلسه رفیق، ایتای یار” дейилган бўлиб, бу ишорадан “الم” сўзи исмни чиқаришда восита бўлиши англатилмоқда. Ишорага кўра аввало, “الم” сўзининг байроқ маъносида қўлланиб, ўз ўрнида ўша сўздаги лом ҳарфи байроққа, ўхшатилган. Кейинги мисрада айтилган “байроқ”нинг ёнига яна битта “байроқ”, яъни ўшанга ўхшаш ҳарфни қўшиш кераклиги билдирилмоқда. Лом ҳарфига алиф ҳарфи кўриниши жиҳатдан мос келади. Айтилгандек, “алам” сўзидаги лом ҳарфи – “байроқ”нинг ёнига яна битта “байроқ” – алифни қўйсак, “عالم” номи чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муаммо жанрида яратган асарлари жанр талабларига мос тарзда мазмун ва шакл уйғунлигига эгалиги, уларда поэтик фикрнинг якунига етганлиги, исмни чиқаришдаги имо-ишораларнинг тартиб билан берилганлигига кўра мукаммал бадиятга эга.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

БОБУРНИНГ ДЕВОНЧИЛИК БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даври илм-фани, хусусан, адабиётшунослик соҳасида бирмунча илгарилашни юзага келтирди ва амалда исботлаб ҳам берди. Ана шундай муҳим жиҳатлардан бири – Шарқ мумтоз адабиётида аҳамиятли бўлган девон тузиш анъанасидир.

Маълумки, соҳибдевон бўлиш мумтоз адабиётда шоирдан том маънода мумтоз шеърият эгаси бўлишни талаб этадиган унсурдир. Бу эса шоирдан катта масъулият ва истеъдод талаб этади. Девон тузиш кўп асрлик анъаналарга эгаки, ана шуларни ўзлаштирган шоиргина бу ишга қўл ура оларди. Ўз даврида Бобурнинг бу анъанани муносиб давом эттиргани ва чиндан ҳам маҳоратли ижодкор бўлганлигини кўрсатувчи омилнинг мавжудлиги замонавий адабиётшунослик, хусусан бобуршунослик учун муҳим жиҳатдир. Ҳозирда дунё китоб хазиналарида сақланувчи, Бобур девони қўлёзма нусхаларининг адади – ўнта эканлиги маълум. [Шулардан тўққизтаси ҳақида "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"да хабар берганмиз.] Демак, улар – Ҳиндистонда уч (Рампур Ризо кутубхонасида ва Ҳайдаробод Салоржанг музейидаги қўлёзмалар), Туркияда уч (Истанбул Университети кутубхонасида, Истанбул Тўпкопи саройи Равон кутубхонасида ва Истанбул шаҳар кутубхонаси, Муаллим Жавдат ёзмалари бўлимидаги қўлёзмалар), Францияда битта (Париж Миллий кутубхонасидаги қўлёзма), Англияда битта (Британия музейи кутубхонасидаги қўлёзма), Покистонда битта (Исломобод Миллий кутубхонасидаги қўлёма) ва Тошкентда битта (Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи фондидаги

қўлёзма). Улар турлича: "Девони Бобур подшоҳ", "Девони туркий Бобур подшоҳ", "Девони Бобуршоҳ чиғатойи", "Девони Султон ул-аъзам Бобур мирзо", "Девони Мирзо Бобур" дея номланган эса-да, матн бир, шеърлар асосан такрор.

Тўғри, Бобурнинг девони Шарқда мавжуд бўлган мумтоз девончилик анъаналарига тўла равишда мувофиқ келмайди. Бу эса қуйидагиларда кўринади:

1) Бобур девонининг муаллиф томонидан тўла девон ҳолига келтирилган қўлёзмаси ҳануз топилмаган;

2) Бобур девонининг барча қўлёзма нусхалари ҳақиқий девон кўринишида эмас, улар шеърлар тўпламидек шаклга эга;

3) Бобур девони қўлёзмаларида девончиликда муҳим бўлган насрий дебоча, қатъий алифбо тартиби, ички жанрий тартибга риоя этилмаган.

Бироқ, Бобур шеъриятининг салмоғи, миқдори ва бетакрор бадийяти унинг девони муқаррар равишда бўлганини кўрсатади.

Кейинги изланишлар натижасида эса, қўлёзмалардаги Бобур шеърларининг деярли ҳар бири турлича ўзгаришларга эгалиги маълум бўлмоқда. Нусхалар аро бундай фарқ ва тафовутларнинг барчасини илмий тадқиқ этиш орқали эса шоирнинг ижодий лабораториясига матншунослик асосида назар солиш имконияти пайдо қилади ҳамда шоир лирикасини янада теранроқ тадқиқ этишга омил бўлади. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўлёзма нусхалардаги таҳрирларнинг қай бири муаллиф, қайсини котиблар амалга оширгани масаласи ҳам буткул ҳал қилинади, деган иддаони қилиб бўлмайди. Фақат қўлёзманинг яратилиш (кўчирилган) вақтидан келиб чиқиб тахминий фикрлар билдириш мумкин, холос. Шу тарздаги йиғма-қиёсий матн давомида Бобур лирикасининг энг нозик жиҳатлари, ўзига хос оригиналлиги, услубнинг ўзгачалиги, сўз қўллашдаги маҳорати, шоирона ўхшатишларнинг гўзаллиги каби сифатларга янада яқиндан ошно бўлиш, танишиш, ўрганиш имконияти яратилади.

Қолаверса, Бобурдай мумтоз шоиримиз девонининг саҳиҳ ва мукаммал матни юзага келади. Унда ижодкорнинг ўзбек ва форс тилидаги барча шеърлари илк бора яхлит девон ҳолига келтирилади. Нашр тартиби масаласида анъанавий девон тузилиши бўйича йўл тутилади. Бизнинг ҳисобга кўра ўзбекча жами: ғазал (123 та, 2таси нотамом), маснуъ (2 та), маснавий (14 та), китъа (23 та), туюк (17 та), фард (104 та), муаммо (54 та), рубоий (222 та); форсча: ғазал (2 та), рубоий (10 та), қитъа (8 та), таърих (1 та), фард (15 та) жанридаги шеърлар бир девонга жам бўлади.

Энди, Бобурнинг шеър тузилиши, жумладан аруз ҳақида махсус илмий асари ва унда аруз илмига оид назарий қарашлари бўлгани ҳолда девон тузилиши борасидаги илмий қарашлари акс этган ёзмалари бизга маълум эмас. Лекин, унинг битиклари орасида бу масалага бағишланган айрим ўринлар борки, улар орқали муаллифнинг бу борада ҳам мукаммал билимга эга эканлигига шоҳид бўламиз.

Масалан, "Бобурнома"нинг бир ўрнида муаллиф Самарқанд ҳокими "Фўлод Султонга девонимни йибордим" деб ёзади.

Бу воқеа эса милодий 1525 йилга тўғри келади. Шунга кўра, Бобур ўз девонини шу вақтда тузган, дейиш ҳам мумкин. Аммо кейинчалик битган яна бир рубоийсида у:

Девонима не рабту не тартибедур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибедур.
Гар санга йибордим ани, айб айламаким,
Девонингни тиларга тақрибедур. –

дея махсус таъкидлайди.

Демак, Бобур ўз шеърий тўпламини анъанавий мумтоз девончилик қолипига батамом солишга улгурмаган. Бу фикрга келишимизга сабаб бор.

Аввало, ушбу рубоий матни шоир девони қўлёзмаларининг уч нусхасидагина мавжуд. Уларнинг ҳар учаласи ҳам Истанбулда сақланаётган қўлёзмалардир. Иккинчидан, бу манбаларнинг биринчиси – Истанбул Университетидаги нусха Бобур девонларининг энг кўп шеър

йиғилгани ҳисобланади (юқоридаги рубоий эса қўлёзманинг 67^b-68^a варақларидан ўрин олган). Қолаверса, айнан шу нусха кейинги икки манба учун асос бўлиб хизмат қилган.

Масала шундаки, Бобур девонларининг энг мўътабарлари ҳисобланмиш Рампур (India, Rampur Library of Risa, №19) ва Париж (Paris, Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc. 1230) нусхаларида бу рубоийнинг йўқлиги, унинг кейинчалик – шоир умрининг охирги йилларига доирлигига далолат қилади. Чунки, юқорида таъкидланган университет нусхаси тузилиш жиҳатидан девон тузиш учун йиғилган Бобур шеърлари жамланмасини эслатади ва унинг китоб қилиниши ҳам XVI асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Яна бир муҳим тарафи шуки, Бобур ушбу рубоийсида айнан девон тузилишининг муҳим унсурлари ҳақида эслатади. Яъни, бу ўринда муаллиф тарафидан девончилик назарий асосларига хизмат қилувчи жиҳатлар ва бир неча муҳим фактларни қисқача бўлса-да таъкидлаб кетади. Бобур наздида, девоннинг шаклий жиҳатдан тўла-тўкис бўлмоғи учун қуйидагилар ижоб этиши зарур:

1. **Рабт.** Бу истилоҳ "алоқа" ва "тизим" маъносида келади. Бунга кўра девоннинг ички структурасида интизом, яъни ўзаро боғланиш бўлмоғи керак;

2. **Тартиб.** Бу истилоҳ маъноси маълум. Фақат, бу борада шоир девондаги жанрлар тартиби – кетма-кетликни кўзда тутмоқда;

3. **Жадвал.** Бу истилоҳ Шарқ китобатчилик санъати кўп қўлланилади ва муҳим ҳисобланади ("жазвал" шаклида ҳам келади). Жадвал – Шарқ китобат

санъатида энг кўп ишлатиладиган бадиий безаклардан бири. У оддий, нафис ва зарҳал бўлиши мумкин. Қўлёзманинг бир саҳифасидаги матн атрофига алоҳида жадвал ёки ҳар икки саҳифадаги матн атрофига яхлит бир жадвал тортилади. Бир саҳифада матн бир неча устундан (асосан шеърий асарлар) иборат бўлса, ҳар бир устун бир-биридан жадвал чизиқлари билан ажратиб қўйилади. Девонларда, баёзларда ҳар бир шеър ҳам жадвалга олинади.

Қўлёзмадаги сарлавҳалар ва расм (миниатюра)лар ҳам жадвал билан ажратилади. Оддий жадвал матн атрофига тортилган кўпинча бир йўлли қизил рангдан; нафис жадвал жуда ингичка ва бир неча ранглардан ташкил топган икки, уч, ҳатто тўрт йўлдан; зарҳал жадвал олтин суви берилган бир ёки бир неча йўлдан иборат бўлади;

4. **Лавҳ.** Бу истилоҳ ҳам кенг қўлланилади. Бу сўз ўзи ифода этаётган предметларга нисбатан бир-неча мазмунни ифода этади. Лекин бу ўринда, Шарқ китобат санъатидаги асосий бадиий безаклардан бири сифатида келмоқда. Лавҳа қўлёзманинг бошида, агар қўлёзма китобнинг таркибига бир неча асар кирган бўлса, ҳар бир асарнинг аввалида, баъзан эса боб ва фаслларнинг бошланишида ҳам ишланиши мумкин. Лавҳа матн бошланган саҳифанинг ярми ёки учдан бир қисмида эни бўйлаб чизилган нақшдан иборат бўлади. XIV-XVI асрлар Шарқ китобат санътида лавҳа асосан тилло сувидан ишланган. XVII-XIX асрлар қўлёзма лавҳалари кўпроқ оддий бўёқлардан иборатлиги билан ажралиб туради.

5. **Тазҳиб.** Бу истилоҳ ҳам қўлланилишига кўра қадим китобатчиликда фаол бўлган. Тазҳиб – қўлёзмаларни зарҳаллаш, олтин суви билан безатишдир. Қўлёзма безакларидан кўпинча зарварақ, қўшзарварақ, унвон, лавҳа, нақш, жадвал олтин суви билан ялтиратилган. Баъзи қўлёзмалар саҳифасининг ҳошия қисмига олтин суви сепиб (пуркаб) зийнатланган. Бундай ҳошия тазҳиби ҳошия, деб аталган.

Диққат этилса, Бобур мазкур беш истилоҳни девоннинг тугал бўлиши ва ўқувчи қўлига етиб бориши учун муҳим ёки етарли ҳисоблаган. Рубоийнинг кейинги икки мисрасига қаралса, *"Гар санга йибордим ани, айб айламаким"* дея ҳар беш – *"рабт"*, *"тартиб"*, *"жадвал"*, *"лавҳ"*, *"тазҳиб"* бўлмаслигини айб этмасликни сўрамоқда. Ўз навбатида бунинг сабаби сифатида эса *"Девонингни тиларга тақрибедур"* дея асос келтирилмоқда. Яъни, у мазкур рубоийни бошқа бир қаламкаш-шоир, девон тузган шоирга йўлламоқда ва ўзининг ҳали тугалланмаган девонини

жўнатиб, унинг тўпламини ҳам сўраб олиш истагидадир. Англашиладики, Бобур девонини дараги ва довруғи ҳали тўла тартиб бермасдан ҳам машҳур бўлган. Уни муаллифнинг ўзидан сўраб олиб ўқигувчи мухлислар охиригача-мукаммал тарзда бўлмаса-да тезроқ баҳраманд бўлиш ниятида ўзидан илтимос қилиб олиб туришган.

Бобурнинг рубоийсидан девон тузилиши билан боғлиқ ҳолда қуйидагича назарий хулоса чиқариш мумкин бўлади. Дастлабки икки истилоҳ – *"рабт"* ва *"тартиб"* девоннинг матн тузилиш структураси билан боғлиқ бўлса, *"жадвал"*, *"лавҳ"* ва *"тазҳиб"* девоннинг кўриниш, яъни бадиий китобат безаги билан боғлиқ равишдаги атамалардир.

Демакки, девон – шеърлар тўплами матн нуқтаи назаридан қатъий ички тартибга (алифбо ҳарфларининг кетма-кетлиги, қофия-радифларнинг навбати, жанрлар олдинма-кетинлиги; ҳамд, муножот ва наътларнинг келиши) эга бўлмоғи, кейин эса унинг қўлёзмаси таъкидланган ички безакларнинг ўринли қўлланиб тузилишига боғлиқ бўлар экан. Шуни ҳам эслатиш керакки, бадиий безаксиз ҳам, оддий кўчирилган девон нусхалари кўп учрайди. Лекин, бу ўринда Бобурнинг подшоҳлиги ва юксак дидли санъаткор эканлигини кўзда тутиш ўринли бўлади.

Хулоса қилганда, Бобур мирзо ўз девонини юқорида келтирилган мумтоз девончилик талаблари асосида мукаммал суръатда тартиб беришга ва бу борада ҳам ўз хассос ижодкорлик қирраларини кўрсатишга интилган шоир ўлароқ кўз олдимизда гавдаланади. Унинг девон тузиш ва девончилик борасидаги қарашлари мумтоз девончилик анъаналарини мукаммал тарзда билувчи, тажриба ва маҳорат соҳиби, салоҳиятли ижодкор эканлигини яна бир карра тасдиқ этади.

Обид ШОФИЕВ,
Термиз давлат университети
катта ўқитувчиси

МУСИҚА САНЪАТИ ШАЙДОСИ

"Бобурнома"да Андижон шаҳри таъриф этилар экан "Элининг орасида ҳусн хейли бордур. Юсуф Хожаким мусикада машҳурдур, Андижонийдур", дейилади.

Мусиқа атамаси тушунарли, аммо ҳуснининг мусиқага ёки мусиқанинг ҳуснга алоқаси ғалатироқ туюлади. Луғатларда ҳусн сўзининг бир талқини "Ҳусни савт" – ёқимли овоз, демак савт – куй, оҳанг билан боғлиқ тарзда изоҳланмоқда. Ҳусн – гўзаллик ва чирой, эзгулик, яхшилик, умуман, ҳусн эли – гўзаллик аҳли, санъат аҳли маъносини англатади. Шундай қилиб, жумланинг тўлиқ мазмуни ушбу хилда: "элининг орасида санъаткорлар анча бордир. Юсуф Хожа мусиқа илмида машҳурдир, андижонликдир".

Бу хушовоз ҳофиз хусусида Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495) "Тазкират уш-шуаро"да қизиқарли маълумот келтиради. Давлатшоҳнинг айтишича, "Хожа Юсуф Андижоний етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда" бўлиб, Бойсунғур мирзо (1397-1433) ҳомийлигида улкан ютукларга эришади. Андижон қадимда Андугон – Андигон, яъни Гургон –Журжон, Гузгон – Жузжон, гавҳар – жавҳар каби талаффуз этилган. Бойсунғур мирзонинг акаси, Форс вилояти ҳокими Иброҳим Султон (1394-1435) кўп бор номалар йўллаб, Хожа Юсуфни Шерозга жўнатишни илтимос қилади. Аммо бу илтимослар катта маблағ – юз минг динор эвазига ҳам бажарилмай, рад жавоби берилгани тарихдан маълум. Иброҳим султон ва Бойсунғур мирзолар султон Шоҳрух Мирзо (1377-1447)нинг ўғлонлари, Бойсунғур мирзо отаси Шоҳрух мирзонинг Хуросон мулкида вазир лавозимида эди. Юсуф Амирий "Даҳнома"да (асар Бойсунғур мирзога бағишланган) ва Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Бойсунғур мирзо фаолиятига юксак баҳо беради.

Давлатшоҳнинг ёзишича, Хожа Юсуф ижросидаги "Довудий" ва "Хусравоний" қўшиқларини эл севиб тинглар ҳамда чуқур таъсирланар экан. "Довудий" ва "Хусравоний" куйлари Сосоний (224-651)лар даврида яратилган ҳамда асрлар оша сайқал топиб ҳофизларнинг севимли қўшиғига айланиб боради. "Довудий" ашуласи ижроси учун Довуд (с.а.в.) сингари баланд ва ширали овоз талаб этилган, шундан бу куйнинг номи "Довудий" деб аталади. "Довудий" оҳанги ва қўшиғи, асосан, мотам онларида куйланиб, ҳаддан зиёд маҳзун ва ҳазин ижро этилиб, мусибат ифодаси устувор турган. "Довудий" куйи ўн икки мақомнинг "Ушшоқ" шуъбаларидан бири, "Хусравоний" бўлса, туркум куйлар силсиласидан иборат ва уни Хусрав Парвиз (ваф. 628) учун Борбад Марвазий (585-628) яратади. "Хусравоний" матни Сосонийлар замонида мавжуд бўлган "Авесто"нинг "Ашт" китобидан танлаб олинган. "Хусравоний" мақом ва уни куйлаш анъанасининг ибтидоси ҳисобланиб, еттита мустақил йирик куйлар мажмуасини қамраб олади. Ўз навбатида бу етти йирик оҳанг қатор қисм ва бўлакларга тақсимланиб, улар тағин бир нечта қисмларга бўлиниб боради.

Юсуф Андижонийни Алишер Навоий ҳам "Маҳбуб ул-қулуб"нинг бир ўринда эслатиб ўтади.

Бобур Ҳиротда бўлган кезлари Ҳусайн Бойқаро (1438-1506)нинг сарой мусиқачилари ва ҳофизлари тўғрисида ажойиб хабарлар беради. Булар ўзбек мусиқа ва ижрочилик тарихини ўрганишда, тадқиқ этишда, уни маълум тизимга солишда аҳамиятлидир. Бобур, ҳатто, Навоийнинг мусиқа ила шуғулланган и ва куйлар басталагани хусусида тўлқинланиб сўзлайди: "Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур". Дарҳақиқат, "Исфаҳоний" куйи янги йўналишининг юзага келиши Навоий номи билан боғланади, биламизки, Навоий мусиқа илмини Хожа Юсуф Бурҳондан таълим олади.

Бобур Ҳирот мусиқачилиги ҳақида гапирар экан, Биноий (1453-1512)нинг мусиқа илми соҳасидаги шойиста хизматларини мамнуният ила тилга олади. Бобур ва Бинойи

1500 йили Самарқандда учрашади, ўшанда Биноий "Наво" мақоми йўлида Бобурга бағишлаб бир куй ижод қилади: "Навода бир амал менинг отимға боғлаб ўткарди". "Бобурнома"да Биноийнинг отаси Муҳаммад Сабз бинокор бўлгани боис шу тахаллусни танлагани воқеаларигача гапирилади.

Бобурнинг таъкидлашича, Биноий яхшигина шоир бўлиш баробарида истеъдодли бастакор ҳам экан. Биноий "Рост" мақоми йўналишида тўққиз усулда янги ажойиб куйлар ижод қилиб, шахсан Навоийнинг таҳсинига сазовор бўлади.

Бобур хонанда ва созандалардан қонун чалишда бетакрор Хожа Абдулло Марворий, уд ва ғижжакда тенгсиз Қулмуҳаммад Удий, найчи, ғижжакчи, удчи Шайхий Нойи, ғижжакчи Шоҳқулий, удчи Ҳусайн Удий. Шу каби Ғулом Шодий, Мир Азу, Паҳлавон Муҳаммадларни санаб ўтади. Булардан ташқари, ширали овоз соҳиби Ҳофиз Ҳожи, найчи Жалолиддин Маҳмуд, чангчи Шоди ва бошқаларнинг санъатига юқори баҳо берилади. "Бобурнома"да Ҳирот ва Самарқанд ҳофизларининг усули ўзаро қиёсланиб, Ҳирот қўшиқчиларига хос майин, нозик хониш олқишланса, Самарқанд ҳофизлари-нинг баланд ва юқори овозда куйлаши қайдини топади.

"Бобурнома"да санъат аҳлига нисбатан "нағма аҳли" ёки "аҳли нағма", "аҳли соз", гоҳо "аҳли зарофат" (гўзаллик аҳли) ва "беназир эл" (беқиёс, тенгсиз эл) атамалари қўлланади. Мусиқа асарларини савт (садо, овоз) ва амал (ижро), нақш (куй, ашула), пешрав (илғор, юксак), ранг (безак, безалган) атамалари ифодалайди.

Гулбаҳор АШУРОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди
Дилором ОДИЛОВА,
тадқиқотчи.

"ҲИЖРОН ҚАФАСИДА ЖОН ҚУШИ ДАМ ҚИЛАДУР..."

Атоқли шоир, драматург ва олим Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий ва Бобур муносабатлари тўғрисида фикр билдириб: "Албатта, Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин" – деган эди. Дарҳақиқат, Бобур улуғ мутафаккир санъаткор Алишер Навоийнинг чинакам шогирди ва издоши эди. Бобур буюк замондоши Алишер Навоий билан шахсан учрашмаган бўлса ҳамки у 17 ёшда бўлганида Навоий Самарқандга ёш шоир ва шаҳзоданинг номига махсус мактуб йўллаган эди. ("Бу иккинчи навбат Самарқандни олганимизда Алишербек тирик эди. Мен ҳам бир мактуб юбориб эдим: орқасида туркий байт айтиб битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча талатўп-ғавғо тўполонлар бўлди..." "Бобурнома", 79-бет) Ушбу мактублар ҳар иккаласи ҳам бизгача етиб келмаган бўлса-да уларда Навоийнинг Бобурга, Бобурнинг Навоийга яқинлаштирган асосий фазилат хусусида олимларимиз эътиборга молик бир қанча фикр-мулоҳазаларни илгари сурганлар. Дарҳақиқат, Навоий ҳақида ўтмишда олим ва ижодкорлар томонидан кўп гаплар айтилган, лекин ҳеч қайси Бобур қадар аниқ ва билимдонлик билан Навоий шахсига ҳам, шунингдек, унинг ижодига ҳам тугал баҳо беришга эриша олгани йўқ. Мана Бобурнинг дунёга машҳур бўлиб кетган ўша сўзлари: "...Алишербек мижозининг нозиклиги билан машҳурдир. Одамлар назокатини давлатининг ғуруридан деб тасаввур қилар эдилар. Ундай эмас экан. Бу сифат унга туғма экан...Алишербек ўхшаши йўқ киши эди.Туркий тил билан то

шеър битибдилар, ҳеч ким унчалик кўп ва яхши ёзган эмас.Олти маснавий (достон) китоб назм қилган: беши "Хамса" жавобида, яна бири Мантиқ ут-тайр вазнида "Лисон ут- тайр" номли. Тўрт ғазалиёт девонини тузган: "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат", "Фавоид ул-кибар"... Фазл аҳли ва ҳунар аҳлига Алишербекчалик мураббий ва ҳомийлик қилган одам дунёда бошқа топилмаса керак...

Самимий меҳр, чин ҳавас ва зўр ҳурмат билан битилган ушбу сўзлар Бобурнинг ўзига ҳам шуҳрат келтирган эди. Шунинг учун кейинги асрларда Навоий ҳақида сўзлаган таниқли олим ва ижодкорларнинг жуда кўпчилиги Бобурнинг юқоридаги фикрларига мурожаат қилишган. Бобур Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятига ҳам, мутафаккир олим ва буюк шоир сифатидаги ижодий фаолиятига ҳам ниҳоятда чуқур эҳтиром билан ёндашган, ҳамда Навоий шаънига қайта-қайта таҳсинлар ўқиган. У ўз меъмуарида 1506-1507 йил воқеаларини баён қилар экан, Ҳиротда ўтказган кунларини эслаб, асосан, Навоий билан боғлиқ хотираларни баён қилади. "Ҳиротдан кетгунча Алишербекнинг уйларида эдим...Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардан биргина Султон Ҳусайн Мирзонинг хонақоҳидан ўзга кўрилмаган ер қолмади шекилли...Алишербекнинг «Унсия» аталмиш яшайдиган уйларини, "Қудсия" номли мақбара ва Масжиди Жомеъни, "Халосия"ва "Ихлосия"номли ҳаммомларни, мадраса ва хонақоҳни, "Сафоия" ва "Шифоия"аталмиш шифохоналарини оз фурсатда айланиб чиқдим".

Албатта, ушбу сўзлар Бобурнинг Навоийга эътиқоди нечоғлик баланд бўлганлигини ҳеч изоҳсиз англатиши табиийдир. Бобур ҳаётда ҳам, давлат бошқариши ва бадиий ижодда ҳам Алишер Навоийдан жуда кўп нарса ўрганган. У ўз лирикасида устозининг инсонсеварлик, олийжаноблик ғояларини, дўстлик, ватанпарварлик, ҳаётсеварлик каби тушунчаларини фавқулодда самимият билан давом эттирган эди. Бобур турмушдаги кўп мураккаб масалаларга айниқса,

инсон тақдирига тегишли зиддиятли ҳақиқатларга Навоий нигоҳи билан қараб, уларни Навоий асарларидан илҳомланган тарзда ҳал қилишга уринади.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади,оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Бобур бу рубоийсида гарчи ўз аҳволини тасвирлаган бўлса ҳамки,унинг ёзилишида Алишер Навоийнинг мана бу машҳур рубоийси таъсир ўтказганлигини олимлар тўғри қайд қилиб ўтишган:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Бобур эса бегона ўлкаларда ўзини "олтун қафас" ичидаги "булбул"га ўхшаб ҳис этгани учун ҳам "Ғурбатда севинмас эмиш албатта киши",-деб ёзган эди.

Маълумки, Бобурнинг "Рисолаи аруз" китоби, уни шарқ шеъриятининг нозик билимдони, улкан назариётчи олим сифатида кўрсатади. Навоийшунос Абдурашид Абдуғафуровнинг таъкидлашича, "Рисолаи аруз"ни ёзишга ҳозирлик кўрар экан, Бобур аввало Навоий тажрибасига мурожаат қилади. Унинг "Мезон ул-авзон"ини, шунингдек лирик меросини қунт билан ўрганиб чиқади. Шу жараёнда у "Бобурнома"да гувоҳлик берганидек, "Хазойин ул-маоний" девонларидан ажратиб, махсус бир тўплам тузади... Шуни айтиш керакки, Бобур ўз асарини ёзар экан, Навоий далолатига икки юздан зиёд марта мурожаат қилади, бир юз олтмишдан ортиқ, матлаъни, тўрт бутун ғазални намуна сифатида келтиради".

Хуллас, Бобурнинг мутафаккир шоир, донишманд, давлат арбоби, олим қиёфасида камол топишида Алишер Навоийнинг фалсафий, миллий ва умуминсоний тушунчалари жуда самарали таъсир кўрсатган эди. Бобур лирикасида Навоийнинг турли жанрдаги шеърларига эргашиб ёки уларнинг маъно-мазмуни, руҳи, радиф ва қофиялари таъсирида битилган ўнлаб наъмуналарни учратиш мумкин. Бу жиҳатдан айниқса шоирнинг рубоийлари алоҳида эътиборга моликдир. Академик ёзувчи ва олим Ойбекнинг таърифлашича,"Бобур поэзиясининг чўққиси, унинг рубоийларидадир,...ундан кейин бир кўп ўзбек шоирлари рубоий шаклида ёздилар. Аммо улардан ҳеч бири рубоийда Бобур чуқурлигига,мухтасарлигига,мастерлигига эриша олмадилар дейиш мумкиндир".

Ҳеч шубҳасиз, Бобурнинг ижодда бундай юқори мартабага кўтарилишида Алишер Навоий шеъриятининг ҳам ўзига хос таъсири бўлган.

Рубоий жанри, тарихи ва бадииятини ўрганган тадқиқотчиларнинг ёзишича, "Мутафаккирлик қобилияти бўлмаган шоир ҳеч вақт чинаккам рубоий ёза олмайди. Шу маънода рубоий – оламнинг бош ҳақиқатларини ахтариб яшайдиган, айни шу ҳақиқатлар қалбида туғён урган файласуфнинг ақл чироғига ўхшайди... Шунинг учун Навоий рубоийларида ҳатто ишқий кечинмалар ҳам фалсафий тарзда талкин қилингандир. Шу жиҳатдан ҳам Бобур Навоийга муносиб шогирд".(И.Ҳаққулов)

Барча етук шоир ва адиблар сингари Бобур ҳам фақат алоҳида шахс тақдири билан эмас, балки бутун халқ маънавий, ахлоқий ҳаёти билан қизиққан. Шоир айни пайтда миллий мазмундаги фикр ва тушунчалардан бахс юритар экан, уларни умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашга интилади. Бунда шоир ишқ мавзусига кенг эътибор қаратади. Ва ошиқликни инсоний фазилатларнинг энг юксаги тарзида чуқур талқин қилади. У ҳатто чин ошиқликни шоҳликдан ҳам устун қўйиб, бир рубоийсида шундай деган эди:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен,
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Бобур рубоийларида такрор-такрор ишқ-муҳаббатдан баҳс юритар экан, бу туйғу заминида олийжаноблик, саховат, ҳиммат, фидоийлик сингари ўнлаб фазилатлар инсон кўнглида кенг томир ёзишига ҳам алоҳида урғу беради. Бобурнинг назарида ёрга садоқат, қалбдаги энг самимий, энг покиза ҳис-туйғуларга содиқлик билан тенг мазмунга эгадир. Бундан ташқари, Бобур рубоийларидаги ниҳоятда ибратли ва муҳим бир жиҳат уларда ёр ишқи билан диёр, яъни Ватан севгисининг ўзаро уйғунликда тасвирланганлигидир.

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур.
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бу "ихтиёрсизлик"ни шоир "ҳижрон қафаси" деб ҳам таърифлайди ва унда одамнинг жони қандай қийинчилик ҳамда қийноқларга йўлиқишини қуйидаги тарзда дарду ҳасрат билан баён қилиб беради:

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.

Ёки:

Ҳижрон ғамидан заиф жоним сўлди,
Ғурбат алами бирла ичим қон тўлди.

Баъзан рубоийларда гап ёр ҳижрони ҳақидами, ёки Ватандан жудолик тўғрисидами, уни ажратиш қийин кечади. Шоир хусусан узоқ диёрларда туриб, жонажон Ватанини қўмсаб, кўп рубоийлар ёзган. Бунда муҳим бир жиҳат шуки,

шоир ички дард ва изтиробларини ифодалашда Алишер Навоий тўртликларидан ҳам илҳомланади. Навоий бир рубоийсида:

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ.
Жонимға балову дард ўқин урди фироқ, –

дея айрилиқ ва ҳижрондан нолиса, Бобур буни гўё давом эттириб:

Андин бериким қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламни менга еткурди фироқ, деб ёзади.

Маълумки, инсоннинг ахлоқини безаб, унинг қадр-кимматини юқори кўтарадиган фазилатларнинг асосийларидан бири дўстликдир. Инсон дўстликнинг маъно-мазмунини қанчалик чуқур англаб, уни амалда нечоғлик кўп намоён эта олса, бу бошқаларга шунчалик ибрат бўла олади. Бобур худди муҳаббат сингари дўстлик туйғусини ҳам кўп нарсадан, жумладан мол-мулк ва давлатдан ҳам устун қўяди. Дунёнинг эзгу ишлари дўстлик туфайли илгарилаб, ривожланишига тўла ишонгани учун ҳам у рубоийларидан бирида:

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма

Борғонни кел эмди ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма.

дейди. Бу мисралардаги маънонинг содда баёни шундай: Эй, биродар! Бойликка етишиб, мол-давлатинг ошиб-тошиб кетганда ҳам, фақир ёки камбағал одамларни эсдан чиқарма. Тўрт-беш кунлик бу дунё учун мағрурликка берилма, ёру дўстларинг сени сўроқлаб келса, сен ҳам уларни сўроқла, "Лутф этиб бориш-келишингни камайтирма".

Ушбу сўзлар бугун ҳам ўзининг маъно қийматини ва тарбиявий аҳамиятини бой бергани йўқ. Бобур бир

рубоийсида дўстларнинг бир жойга тез-тез йиғилишиб дийдор кўришиши ғаниматгина эмас, балки катта давлат эканлигини баён қилиб дейдики:

Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун,
Бир-бирни неча кун ғанимат тутунгиз.

Чиндан ҳам одамнинг одамга азиз ва ғаниматлигини бундан ўтказиб кўнгилга сингдириш қийиндир. Шунинг учун инсон интилса, дунёга эзгулик, хусусан, яхшиликнинг қўли ўшанча баланд бўлади. Яхшиликнинг куч-қудрати ва тириклик оламидаги мавқеига шубҳа билан қараган бирор халқ топилмайди. Шу маънода яхшиликни дунё халқлари кўнглини ёритадиган бир ёруғлик манбаи деса ҳеч бир хато бўлмайди. Худди Ислом дини сингари шарқ мумтоз адабиётида ҳам яхшиликнинг тарғиб ва ташвиқига кенг ўрин ажратилган. Бобурга устозлик қилган шоир ва ёзувчиларнинг деярли барчаси яхшилик мавзусида қалам тебратиб, бир-биридан таъсирли фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Шу нуқтаи назардан Бобур шеъриятига назар ташлайдиган бўлсак,орада ўзига хос ажойиб бир яқинлик ва ўхашлик мавжудлигини ҳам эътироф этишга тўғри келади.

Шоир "Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ" мисраси билан бошланадиган ғазалида қатъий бир хулосага келади ва ёзадики:

Бори элға яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ–
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Кенг миқёсда яхшиликка чорловчи ("Бори элга яхшилиғ қилғилки...") ушбу сўзлар ўз-ўзидан Алишер Навоийнинг:

Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса, яхшилиғ била от, –

деган ҳикматли гапларини ёдга келтиради. Бобур бунда фақат Навоийнинг эмас, форс- тожик шеъриятидаги Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий

сингари мутафаккирларнинг асарларидан ҳам илҳомлангандир. Румий бир шеърида:

Мол аз ҳама монду, аз ту ҳам хоҳад монд,
Он бех, ки ба жои мол неки монад.

яъни молу давлат ҳамма одамдан ҳам қолади. Шунинг учун бойлик ҳирсига берилма, молу давлат ўрнига сендан яхшилик қолгани яхшидур, деган эди. Ёки Саъдий Шерозий "Бўстон"асарида:

Улуғ бўлса-ю, қолмаса яхши ном,
Нишонсиз ўлиб кетди, у, вассалом, –

дейди. Бу каби панд-насиҳат сўзларига Бобур бефарқ бўлмаганидек, ҳаётда ҳам ёмонликка нисбатан яхшиликнинг ғолиб бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилган эди. Шоҳ сифатида ҳам, шоир қиёфасида ҳам у шу ишонч билан яшамаганида, ҳеч вақт мана бундай оддий, аммо самимий сатрлар юзага чиқмас эди.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидур.

Яхши киши нима учун ёмонлик кўрмайди? Чунки одамни ёмонлик ва гуноҳларга бошловчи нафсни ақлу идрокка таслим қилгандир.

Бобур ахлоқий-маънавий тарбия хусусида фикр юритганда, худди устозлари сингари нафсга муносабатни эътибордан четга қолдирмайди. Нафс сўзи луғатларда руҳ, жон, жасад, қон, бирор нарсанинг зоти айни жавҳари, моҳияти деб изоҳланган. Бу луғавий маъноси, истилоҳий жиҳатдан эса, бу сўз янада бошқа маъноларда қўлланилган. Масалан: тасаввуф аҳли нафс дейилганда кўпинча ёмонлик ва тубанликларга ундовчи қувватни назарда тутишган. Уларнинг эътирофи бўйича одамнинг маънавиятини емириб, яксон қилувчи нафсдан ёмонроқ, нарса йўқ. Шу боисдан Аҳмад Яссавий:

Нафсим мани йўлдан уриб хор айлади,
Термултуриб халққа мани зор айлади,
Ётсам, турсам шайтон бирлан ёр айлади.

деса, Алишер Навоий эса бундай дейди:

Бўлуб нафсингға тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг они қил банд.

Бобурга ҳам кучли душман шаҳвату нафсдир: "Шаҳвату нафс қави душмандур".

Бобур мардоналик билан ана шу душманга таслим бўлганлигини ҳам эътироф этиб:

Умр ғафлат била ўткармишмен,
Нафс буйруғи била бормишмен, – дейди.

Унингча, "Нафснинг касбидур ҳавою ҳавас,
Руҳ оллидадур булар ярамас.

Бобур шеърларида бу каби тимсоллар орқали теран маъноларни жо этади. Юқорида келтирилган сатрларда Бобур шеъриятининг ўзига хослиги ва ҳаётийлиги ёрқин намоён бўлади.

Нафиса ГИЛМОНОВА,
Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг доценти

ҲИНДИСТОНДАГИ БОБУР МАСЖИДЛАРИ

Меъморчилик тарихи тадқиқотчиси Катрин Эшер Ҳиндистонда "Бобур масжидлари" номи билан машҳур уч обида ҳақида маълумот беради: "...бизнинг кунгача уч масжид сақланиб қолган. Панипатдаги "Кобулий боғ" ва яна бошқа икки масжид: улардан бири Самбхалда, иккинчиси Аёдҳияда қад кўтарган. Уларнинг барпо бўлишида Бобурнинг ўзи ва яқинлари бевосита ҳамкорлик қилган".

Панипатдаги "Кобулий боғ" масжиди Ҳарияна штатида жойлашган. Тарихий маълумотларга кўра, атрофи боғ билан ўралган ушбу масжид қурилиши 1528 йилда тугалланган. Масжиднинг марказий қисмида пештоқ қад кўтариб турибди – у қиблага қаратиб қурилган. Масжид меҳроби тошдан терилган, иншоотнинг қолган деворлари ғиштдан тикланган бўлиб, сирти сувоқланган.

Оқ-қора мармарга битилган Қуръон оятлари ёзуви 1527-1528 йилларга мансуб. Қурилиш чоғида ҳинд усталари айрим маҳаллий меъморий услубларни ишлатганларига қарамай, "Кобулий боғ" масжиди умумий кўриниши Самарқанддаги "Бибихоним" меъморий мажмуасига яқин.

"Самбҳал" масжиди шу номли воҳада Деҳлидан 140 км узоқликда жойлашган.

Ўша даврга оид ҳинд миниатюраларидан бирида Бобур от минган ҳолда "Самбҳал" масжидини эслатувчи минора каршисида тасвирланган.

Рам Натҳнинг гувоҳлик беришича, "Иншоотдаги уч ёзувдан биттасида қуйидаги жумлага дуч келамиз: "Бобур фармони билан бу масжид қурилиши унинг яқин кишиси Мир Ҳиндубек томонидан 933 (1526) йилда бошланди".

"Бобур масжидлари" дан учинчиси 1527-1529 йилларда Файзобод ноҳиясида Аёдҳия қишлоғида, Гҳагаҳра дарёси

соҳилида Бобурнинг аъёни Мир Боқий Тошкандий томонидан тикланган.

Марказий қуббадаги ёзув таржимасига таянган ҳолда (таржимон Мавлавий Ашраф Ҳусайн) Рам Натҳ таъкидлайдики, "...мамлакат ҳукмдори Бобур ушбу масжид тикланишида шахсан раҳбарлик қилди".

Кетрин Эшер фикрига кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистондаги қисқа муддатли ҳукмронлиги даврида Темурийлар даври қурилиш услубини Ҳиндистон меъморчилигига олиб киришга муваффақ бўлди.

Баҳром МУХТОРАЛИЕВ,
Фарғона давлат университети магистранти

МУМТОЗ АНЪАНАЛАР АНВАР ОБИДЖОН ИЖОДИДА

Анъана ва новаторлик масаласи доимо адабиётшуносликнинг диққат эътиборида бўладиган муҳим йўналишлардан биридир. Жумладан, Бобурнинг ижодидаги анъанавий образ, детал, тасвир усуллари замонавий болалар ижодкорлари етакчи вакилларидан бири Анвар Обиджон асарларида ҳам фаол қўлланиб келмоқда.

Ўзбек адабиётида гул, гулзор каби детал ва тимсоллар ёрдамида ўзига хос бадиий олам яратган ижодкорларни саналганда, Бобур биринчилардан бўлиб тилга олинади. "Гул – Бобур ғазал ва фардларида асосий мотивлардан бири. Истиора, ташбиҳ, иртижо воситасида таърифланади".

Бобур ўз қизларига ҳам Гулбаданбегим, Гулрангбегим, Гулъузорбегим каби исмларни берган. Бобурнинг гулзор, гул турларини яхши билиши, боғлар яратиш билан боғлиқ анъаналар ҳам унинг асарларида акс этган.

Анвар Обиджон ҳам болаларга мўлжалланган ҳикоялар ёзишда Бобур тутган йўлдан бориб, ўзи яратган образига Гулихон номини берган. Асарда гулзор яратиш орқали болани гўзалликка, бунёдкорликка, эзгуликка ўргатишни мақсад қилган. Шунингдек, Анвар Обиджон Бобур изидан бориб, турли изланишлар олиб борганини асар тилини содда ва равон шакллантирганида кузатишимиз мумкин.

"Гулихон ойнаванд айвонда нонушта қилиб бўлиб, ташқарига чиқдию, тўғри гулзорча томонга чопқилади. Бу – ўз-ўзининг гулзорчаси. Бувиси эрта баҳорда ариқча ёқасидан ерни супрадеккина жойини кетмонда юмшатиб берди. Гулихон гул уруғларини сепиб, ёғоч сопли қуштирноқда уларни тупроққа аралаштирди".

Ҳикоя экспозициясидаги мазкур парчада "Бобурнома"да кўп учрайдиган айвон детали берилган. Бу эса ҳар иккала ижодкорнинг асаридаги умумий миллий детал саналса,

образга Гулихон исмининг берилгани эса қизчанинг гулдек нозик ва гўзал эканлигига ишорадир. Қизчанинг гулзор яратишга бўлган уриниши эса бу анъана миллатимизда болаларнинг кичик ёшидан сингдиришини англатади. Бобурда ҳам ўғли Ҳумоюнга қилган насиҳатларида гулзор, боғлар яратишга ундаш борлигини эътиборга олсак, мазкур анъана ҳам халқимиз турмуш тарзига узоқ йиллик синов ва анъана натижасида сингиб борганини тушуниш қийин эмас.

Бобур ўз вақтида ўзбек тилининг софлиги учун, уни турли арабий ва форсий сўзлардан имкон қадар тозалашга интилган. Келтирилган парчада ҳам Анвар Обиджон ўзбек тилига грабел тарзида рус тилидан кириб ўрнашиб қолган сўзнинг ўзбекча муқобили– қўштирноқни қўллайдики, бу болаларда ўзбекча сўзни қўллаш кўникмасини шаклланишига ёрдам беради.

Ҳикоянинг кейинги қисмида Анвар Обиджон пейзаж орқали ҳикоя моҳиятига чуқурроқ кириб боради: "Мана, кунлар зувиллаб ўтиб, печакгул-у сапсарлар, чиннигулу пистакўзлар ранго-ранг бўлиб очилди. Узоқдан қарасанг, атлас рўмолчанинг ўзгинаси".

Мазкур парчада ёзувчи Гулихоннинг маънавий олами, у яратган гулзорнинг таърифини берган. Лекин уни эккан, буни эккан эди, бугун очилди, дея санамасдан пейзаж усули орқали воқеани ривожлантирган.

Бу ҳолат ҳам "Бобурнома"да кўп қўлланган усуллардан саналади. Масалан, "Яна Ҳиндистонда тавре гуллар бордур: бири жосундур. Баъзи ҳиндустоний гадҳал дейдур... Гулбундин бир нима баландракдур, ранги анор гулидан ҳануз сабзроқтур, улуғлиги қизил гулча бўлғай, вале қизил гул ғунча бўлғондан сўнг очилур. Бу жосунким, очилди ўртасидин яна ҳам ушбу баргидин ингичка бўлуб, танадек бир эллик узаб яна ушбу жосун барглари очиладур". Демак, Бобурнинг гўзаллик билан боғлиқ анъанаси замонавий адабиётимизда самарали давом эттирилмоқда.

Бобур ҳам ўз вақтида турли сатира ва юмористик усуллар, ҳазил-мутойибадан унумли фойдаланган: Ҳаёти

замон алғов-далғовлари ичида ўтганига қарамай, "Бобурнома" саҳифаларида ва Бобур лирикасида унинг ўзига хос юмори, ҳазил-мутойибага мойиллигини кўриш мумкин. Шундай лавҳалардан бири аччиқ тарвуз (ҳанзал) билан боғлик. "Дарвиш Муҳаммад (Сарбон) ҳанзални кўрган эмас эди. Мен дедимким, Ҳиндистоннинг ҳиндувонасидур, бир карж кесиб бердим. Рағбат билан (астойдил) тишлади. Окшомғача аччиклиғи оғзидан кетмади".

Анвар Обиджон ижодининг асосий қисмини ҳазиломуз, сатира ва юморига бой асарлари ташкил этади. Масалан, "Қияликда" деган кичкина шеърини олайлик:

Йиқилдию Норқўзи,
Қўлдан тушди тарвузи.
Пастга чопар тарвузи,
Ишламасдан "тормоз"и.

Норқўзининг йиқилиш ҳолати бир қарашда кулгили тасвирланган. Бироқ, унга янги мазмун юклаган. Кулгили ҳолат остида одамнинг баъзан ўз мақсадини унутиб, йўлдан адашиб, ҳаётда кулгига қолиш мумкинлиги ҳақидаги насиҳат бор. Шоир мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган қатор анъанавий усул ва воситалар ёрдамида янгича мазмунни ифодалаган. Бунда Алишер Навоий, Бобур каби буюк ижодкорларимизнинг анъаналарини ўзига хос тарзда қўллаб янги бадиий асар яратган. Демак, Бобур анъаналари болалар адабиётида, айниқса, Анвар Обиджон самарали қўлланиб келинаётгани ҳам эътиборга молик ҳолатдир.

Зиёдахон ТЕШАБОЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси.


«БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ўзга бир чет тилини самарали ўрганишда тилшунослар ушбу миллат маданиятини ва миллий ўзига хослигини ўрганишни муҳим масалалардан бири ҳисоблайдилар.

«Бобурнома»да қўлланилган фразеологик бирликлар (бундан буён ФБ) ҳақида гапирилганда *мулозамат қилмоқ* асарнинг 105 жойида фразеологик ва лексик бирлик маъносида қўлланилган. Қуйидаги «мулозамат қилмоқ» ФБининг концептуал структурасини кузатайлик (1-расм)

Мулозамат қилмоқ концепти асарда ҳар хил маънода ифодаланган бўлиб, ҳозирги адабий тилида ҳам ижобий маънода қўлланади. Оғзаки нутқда илтифот ва эҳтиром юқори даражада бўлса, *самарқандманзарат қилмоқ* концептида ҳам намоён бўлади. «Бобурнома»да *мулозамат қилмоқ* ФБининг турли мазмунда қўлланилиши: *мулозимлик қилмоқ* – вазифа ёки лавозим маъносида; *бош эгмоқ* – узр сўрамоқ; *тавозе қилмоқ* – ҳурмат, эҳтиром кўрсатмоқ; *меҳмон қилмоқ*; *гина-кудуратларни ювмоқ*; *учрашгани келмоқ*; *қариндошини йўқлаб бормоқ*; *хизматига кирмоқ* маъноларини ичига қамраб олган. Миллий-маданий ўзига хосликни ифодалаган ва кўчма, ижобий маънода қўлланадиган, айнан ўзбек миллатида учраб турадиган маданият белгиси, маънавий турмуш тарзи сифатида *мулозамат қилмоқда* акс этади, бу эса «Бобурнома»да қуйидагича берилади:

Нечукки, мазкур бўлди, хотирга еттиким, ора мунча ёвуқ бўлғонда хон, чун ота оғадурлар, бориб ***мулозамат қилсам****, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлғай деб келиб, Шоҳрухиядан ташқари Ҳайдарбек солғон богда хонга* ***мулозамат қилдим*** .



Матндаги *бориб мулозамат қилсам* ФБи қиёсланаётган инглизча Ж.Лейден-В.Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921), В. Текстон (1996) таржималарида турлича акс этади. Юқоридага келтирилган аслият таржимасини Лейден-Эрскинда кузатамиз: *... that it would enable me to* ***form a nearer*** *and better idea of the real state of things at his court. Having formed this resolution, I went on, and waited on the Khan in the neighborhood of Shahrokhia, in a garden which had been laid out by Haydar Beg .*

– ... ***унга яқин бўлиш*** *мени журъатли қилади ва чинакамига унинг* ***саройида бўлиш фикри*** *бу ерда бўлгандан кўра яхшироқдир. Шундай қарорга келиб, мен бордим ва Шоҳрухиянинг ёнида жойлашган Ҳайдарбек томонидан солинган богда Хоннинг келишини кутиб турдим.*

Таржимада *бориб мулозамат қилсам – to form a nearer – яқинроқ бўлсам* тарзида акс этган бўлса, *кудуратлар рафъ*

*бўлғай*нинг таржимаси *саройида бўлиш фикри яхшироқ* деб берилади.

Аслиятнинг мисолини С. Беверижда таржимасида қиёслаймиз: *It occurred to me that* ***if since I was so close,*** *I went and waited on him, he being, as it were, my father and my elder brother, and if* ***bye-gone resentments were laid aside,*** *it would be good hearing and seeing for far and near. So said, I went. I waited on The Khan in the garden Haidar Kukiildash had made outside Shahrukhiya .*

– Хотирамга келдики, агар ***мен унга шунчалик яқин бўлсам,*** *отамдан, ака-укаларимдан ўтган хафагарчиликлар барҳам топгай, буни узоқдан туриб эшитгандан кўра, яқин бўлиб кўрган афзал. Шундай қилиб мен бордим. Мен Хонни Шоҳрухиянинг ташқарисидаги Ҳайдар кўкалдош солдирган богда кутдим.*

Сусанна Беверижда *бориб мулозамат қилсам – if since I was so close – агар мен унга шунчалик яқин бўлсам, bye-gone resentments were laid aside – кудуратлар рафъ бўлғай, хафачиликлар барҳам топгай* тарзида берган. Аслиятнинг мисолини учинчи инглизча таржима В. Текстонда ҳам ўзига хос таржима қилинган:

It crossed my mind that since the distance was slight and the khan was like my father and elder brother, if I ***were to patch up*** *our past differences, it would have excellent propagandistic value. So saying, I went* ***to pay homage*** *to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shahrukhiyya.*

– Миямда бир фикр айланардики, Хон узоқ бўлса ҳам акам ва отам каби қондошдир, агар уларни ***йўқлаб бориб, ўтган кудуратларни юмшатсам*** *(силлиқламоқ) қадрлашга лойиқ энг яхши тарғибот қилган бўламан. Шундай ўй билан Шохрухия ташқарисидаги Ҳайдарбек қурган боққа хонни* ***йўқлаб бордим.***

В. Текстондаги *бориб мулозамат қилсам* ФБи *to pay homage – йўқлаб бормоқ*, бориб кўрмоқ инглизча *if I were to patch up – ўтган кудуратларни юмшатсам* тарзида таржима қилинган. Таржимон *бориб кўрсам, йўқлаб борсам, ташриф*

буюрсам каби *to pay homage*нинг кенг қамровли мазмунини айни мулозамат қилмоқнинг муқобилини ифодалаган.

Юқорида келтирилган аслият мисоли, *Нечукки, мазкур бўлди, хотирга еттиким, ора мунча ёвуқ бўлгонда хон, чун ота- оғадурлар, бориб* ***мулозамат қилсам****, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлғай деб келиб, Шоҳрухиядан ташқари Ҳайдарбек солғон богда хонга* ***мулозамат қилдим***нинг инглизча таржимасини биз: *It came to my mind why khan and father is called a blood relation if they couldn't help their kin when he was in need. If* ***I go and visit them****, bye-gone* ***indignations*** *would go, it would be tactful from far and close being in nearby to relatives in such circumstances. As a result I decided sympathetically and came,* ***paid homage*** *to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shohrukhiyya,* тарзида таржима қиламиз.

Ў. Юсупов концептни қуйидагича таърифлайди: «Концепт – бу ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ходиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у хакидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал баҳолашдир».

Олим тушунча – концепт муносабати тўғрисида сўз юритиб, концепт ва тушунчани айсбергга ўхшатади: «Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир», – дейди. Демак, айсбергни концепт деб талқин қилсак, у айтган «тушунча» ё концептнинг тагзамини, мазмуннинг негизига олиб борадиган, жуда кенг маънода ўрганиладиган нарса – «сув», «сув» эса энг катта тадқиқот жараёнидир. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «Бобурнома»ни бир уммон сифатида талқин этиб, ундаги ибораларни айсбергга ўхшатсак, унинг негизи «Бобурнома»ни сув деб талқин қилиш мумкин.

*Мулозамат қилмоқ*нинг «Бобурнома»да ҳурмат, эҳтиром кўрсатмоқ маъносида қўлланган мисолларда кузатамиз:

Боқи Тошкандий Авад черики била ушул кун келиб, ***мулозамат қилди****.* Ушбу келтирилган парчанинг таржимасини Жон Лейден ва Вильям Эрскинда қай тарзда акс этганини ўрганамиз:

That same day Baki Tashkendi arrived with his troops, and ***was introduced.***

– Ўша куни Боқи Тошкандий аскарлари билан келди ва ***таништирилди.*** Мисолнинг таржимаси Сусанна Беверижда: *Today Baqi Toshkindi came in with the army of Aud (Ajodhya) and* ***waited on me.***

– Бу кун Боқи Тошкандий Ауд қўшини (Айодҳия) билан келди ва мени ***кутиб турди.*** Мисолнинг таржимаси В.Текстонда: *Baqi Tashkandi came with the Oudh army that day* ***to pay homage*** *.*

– Боқи Тошкандий Ауд қўшинлари билан менга ***мулозамат қилиш учун*** *келдилар.* Таржималарнинг мазмунидан кўринадики, *мулозамат қилмоқ* ФБи В.Текстон таржимасида тўлиқ акс этган. Мазмун жиҳати аслиятга монанд бўлган.

«Бобурнома»да *мулозамат қилмоқ*нинг мулозимлик қилмоқ – хизмат қилмоқ маъносида ҳам акс этганлигини кузатиш мумкин. *Мусо Маъруф Фармулийким, черикдин ёниб, Сару дарёсидин ўтганда келиб,* ***мулозамат қилиб*** *эди, ўттуз лаклик парґана Амруҳардин важҳиґа таъйин қилиб, хосса бош-оёқ ва эґарлик от иноят қилиб, Амруҳарґа рухсат берилди* . Ушбу мисол таржимаси Жон Лейден ва Вильям Эрскинда:

To Musi Maaruf Fermuli, who had come and ***offered*** *me* ***his allegiance*** *when the army was passing the Siru on its return, I gave a perganna of thirty laks out of Amerhar for his support, a complete dress of honour from my own wardrobe, and a horse with its saddle, and dismissed him to Amerhar.*

– Муса Маъруф Фармулий Сару дарёсидан қўшини билан ўтиб кетаётганида ***келиб****, мен билан иттифоқ тузишни таклиф қилди ва унинг ёрдами учун қайтиб кетишида Амуҳардан ўттиз лак, ўзимга ёққан кийимлардан хосса бош оёқ кийим ва эґар жабдуқли от ҳадя қилдим ва Амуҳардан кетишга рухсат бердим.*

Мисолнинг кейинги инглизча таржимаси Сусанна Беверижда: *Also an allowance of Amroha was assigned to Musa (son) of Ma'ruf Farmuli, who* ***had waited on me*** *at the time the*

returning army was crossing the Saru-water, a special head-to-foot and saddled horse were bestowed on him and he was given his leave .

– Амруҳарда Муса Маъруф Фармулий ўзининг қўшини билан Сару сувини кечиб ўтиб, учрашиш ва уни қабул қилишга рухсат сўраб, мени ***кутиб турганлиги*** *қайд этилганди, махсус бош-оёқ кийим, эгар жабдуқли от инъом қилинди ва кетишга рухсат берилди.*

Мисол таржимаси сўнгги таржимон В.Текстонда: *Musa Ma'ruf Farmuli, who had come* ***to pay homage*** *when be crossed the Sarju returning from the expedition, was assigned a thirty lac stipend from the district of Amroha, awarded a regal suit of clothing and a horse with saddle, and given leave to go to Amroha.*

– Мусо Маъруф Фармулий Сару дарёси бўйидан сайр қилиб, ўтиб кетаётганда менга келиб, ***мулозамат қилди,*** *унга Амруҳард ҳудудидан ўттиз лак маблағ, шоҳона бош-оёқ кийим, эгар жабдуқли от берилди ва Амруҳага кетишга рухсат берилди.*

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, аслиятда қўлланган миллий-маданий ФБ *мулозамат қилмоқ*нинг маъносини ҳеч бир изоҳсиз англаш мумкин. Лекин унинг инглизча таржималарда турлича ўгирилганлиги тадқиқ этиш муҳим жараён. «Бобурнома»даги ФБлар таржималарининг мазмун жиҳати, аввало, таржимон тафаккурида намоён бўлади, у ўзга миллатнинг ғоясини англаган ҳолда ўзининг она тилидаги захирасидан фойдаланиб, энг мувофиқ муқобилини топиб, асарни қайта яратади ва чет тил соҳиби сифатида ўз ўқувчисига гапиради. Бир сўз билан айтганда, она тилисида ўзга тил вакили сифатида таржима амалиётини бажаради. Ҳар бир таржимоннинг ўз услуби, тил нуқтаи назари, дунёни англашдаги истеъдоди ўзига хос ва мос бўлган. «Бобурнома»даги *мулозамат қилмоқ* ФБи уч хил кўринишга эга инглизча таржималарда ҳам ўз мазмунини йўқотмаган ва кўпроқ В.Текстонда тўғри акс этган.

Шавкат НИШОНОВ,
Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири

БОБУР ИЖОДИ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР

Мактаб адабиёт дарслиги матни худди энциклопедик маълумотлар сингари илмдаги сўнгги янгилик, тадқиқ, хулоса сифатида қисқа, лўнда, аммо илмий жиҳатдан теран, асосли бўлмоғи лозим. Айниқса, бадиий асарлардан олинадиган мисол-иқтибослар аслиятга мувофиқ бўлиши шартдир.

Камина «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси»даги маълумотлар билан танишиб, уларни 9-синф адабиёт дарслиги маълумотлари билан қиёслаб, дарсликдаги илмий қусур ва матний хатолар ҳақида мулоҳаза билдираман.

Аввало, тарихий истилоҳ – «ҳоким» хусусида: ҳоким – у ёки бу подшолик таркибидаги вилоят ёки шаҳарни идора қилувчи подшоҳ қўл остидаги мансабдор шахс.

Муаллифлар Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ҳақида сўз юритиб, уни «вилоят ҳокими» деб таништирадилар. Бобур «Бобурнома»нинг биринчи саҳифасидаёқ Фарғона вилояти ҳукмдорининг кимлигини (истилоҳини) айтган: «...тарих секкиз юз тўксон тўккузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум». Демак, дарсликдаги «Отаси ушбу вилоят ҳокими Умаршайх мирзо» сўзларидаги «ҳокими» сўзи ўрнида «подшоҳи» деган сўз бўлмоғи лозим эди. Чунки ўша замонларда Марғилон, Косон, Хўжанд, Ўш сингари ўнга якин шаҳар ва шаҳарчалар ҳокимлари подшоҳ Умаршайх мирзога бўйсунар эдилар.

Дарсликдаги «Тошкент ҳокими Маҳмудхон» бирикмаси хам мулохазаталаб. Султон Маҳмудхон Мўғулистоннинг катта хони, Султон Аҳмадхон кичик хон эканлиги «Бобурнома»ни ўқиган киши учун маълум. Бу хоннинг қўл

остида ҳам бир нечта ҳокимликлар бор эди. Демак, уни «Тошкент хони Султон Маҳмудхон» дейишга тўғри келади.

«Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад мирзо» бирикмасидаги «ҳокими» сўзи хам «подшоҳи» ёки «ҳукмдори» сўзлари билан алмаштирилса, тўғри бўларди. Чунки у хам мустақил ҳокимият эгасидир.

Қувадаги Қорасув ҳодисасига келсак, муаллифлар лашкарнинг «тошқинга учраб» қолгани ҳақида сўзлашади. Ҳолбуки, Қорасув захкан ерости сувлари йиғиладиган сув манбаидир. «Қубонинг ботқоқлик қора суйи. Бу ерда «тошқинга учраб» жумласи олиб ташланса, дарсликдаги маълумот тўғри бўлади. Чунки талафот сабабчиси тошқин эмас, таҳлика ва тартибсизликдир.

Тарихдан маълумки, Бобур Самарқанд шаҳрини 1497-,1500-,1511-йилларда уч маротаба олган. Негадир «Адабиёт» дарслиги муаллифлари Бобур Самарқандни 1497-,1500-,1501-йилларда уч маротаба олган, деган маънода маълумотлар беришган:

1) «Бобур 1497-йили 15 ёшида соҳибқирон Амир Темур пойтахт қилган Самарқанд шаҳрини эгаллайди» (96-бет);

2) «1500-йилда Бобур Самарқандни жангсиз осонлик билан қўлга киритади» (96-бет);

3) «1501-йили Бобур 240 нафар навкари билан етти мингга яқин қўшини бўлган тажрибали шох Шайбонийхондан Самарқандни тортиб олишга муваффақ бўлади» (96-бет);

4) «1500-1501-йилларда Бобур Самарқандни икки бор олиб, яна бой берди» (98-бет).

Ушбу келтирилган 3- ва 4-иқтибослар кераксиз. Унинг ўрнига Бобурнинг Самарқандни 1511 йилда олганлиги қайд этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки дарслик маълумотларига ишонсак, Бобур Самарқандни тўрт маротаба олган бўлиб чиқади.

Бобурнинг Ҳиндистондаги улуғ ғалабаси – султон Иброҳим Лўдий билан жанги натижаси дарсликда шундай изоҳланган: «Шу йилнинг 21 апрелида Панипат жангида

Бобурнинг 12 минглик кўшини ҳинд султони Иброҳим Лўдийнинг 100 минг кишилик аскари билан тўқнашди. Аждолларидан мерос жанг сирлари, йиллар давомида тўплаган тажрибаси ҳамда тақдирнинг берган аччиқ сабоқлари қўл келди».(96-бет)

Шунча яхши асосларга яна бир энг муҳим – Бобурнинг ўқотар қуроллар – тўфак ва тўплардан фойдаланганлиги ҳам айтилганда, айни муддао бўлур эди...

«Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» бўйлаб қизил ип бўлиб ўтган Бобур ва бобурийлар салтанати тушунчаси дарсликдаги ушбу маълумотларга мувофик келмайди: «Бобур ҳинд ерида Оврупода кейинчалик «Буюк мўғул империяси» деб аталган улкан салтанатга асос солди». (96-бет)

Дарслик муаллифлари «Буюк мўғул империяси» истилоҳи ғоявий ва сиёсий жиҳатдан хато қараш эканлигини танқид қилишлари, қоралашлари жоиз эди. Ёки «Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солди» тарзида берилса яхши бўлар эди.

Қуйидаги маълумотда ҳам ноаниқлик бор: «1521 йилда шеърий йўлда солиқ ишларини тартибга солувчи «Мубаййинал-закот» («Закот баёни») асарини ёзди». (97-бет) Бу гап қуйидагича таҳрир этилса бўларди: «1521 йилда шеърий йўлда фиқҳга доир «Мубаййин» асарини ёзди». Чунки Бобурнинг фиқҳга доир «Мубаййин» номли асари бор. Унда «Эътиқодия», «Китоб ус-салот», «Китоб уз-закот», «Китоб ус-савм» (Рўза), «Китоб ул-ҳаж», яъни беш фарз ҳақида маълумотлар берилган.

Дарсликда Самарқандни қўлдан берган, Андижондан маҳрум бўлган Бобурнинг Тошкентга боргани ҳақида шундай матн бор: «Бир муддат сарсонликлардан сўнг бирор вилоят берар, деган умидда Тошкентга хон бобоси Юнусхон ҳузурига боради. Бобоси Ўратепани унга беришини айтади, аммо бу гаплар ваъдалигича қолиб кетади». (98-бет) Ҳолбуки, «Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси»да

«Юнусхон икки йил бетобликдан сўнг 1487 йили Тошкентда вафот этди» деб маълумот беради. («Шарқ», 2014. 591-бет)

Бобур эса бобосининг вафотидан 15 йил ўтгач, Тошкентга келган. У пайтда Тошкент хони – Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхон эди... Демак, дарсликдаги «хон бобоси Юнусхон» жумласи ўрнида «хон тоғаси Султон Маҳмудхон» деб ёзилганда илмий ҳақиқат тикланар эди.

Шунингдек, дарсликдаги «Бобурнинг ашаддий душмани Аҳмад Танбал билан тўқнашган **Юнусхон** у билан муросага келади» (98-бет) деган маълумотда ҳам «Юнусхон» ўрнида «Султон Маҳмудхон» бўлиши лозим эди.

Дарсликда Бобурнинг машҳур ғазали номи ҳам бир жойда тўғри, бир жойда хато кўрсатилган:«Сендек менга бир ёри вафодор топилмас». (99-бет) Ҳолбуки, бу ғазал дарсликда тўлиқ ҳолда берилган ва шеърнинг биринчи мисраси «Сендек менга бир ёри жафокор топилмас» (102-бет) тарзида тўғри ёзилган эди.

Ушбу дарсликдаги таҳлилларнинг кенг миқёслилиги ва теранлигидан, оҳорли фикрларга бойлигидан мамнун эканлигимни қайд этган ҳолда мулоҳаза учун ўз фикрларимни баён этдим.

Зотан, дарслик ўкувчини адабиёт оламига илк маълумотлар билан олиб кирар экан, бу маълумотлар унинг хотирасидан мустаҳкам ўрин олади, дунёқарашини шакллантиришда муҳим восита саналади.

Х. ЖЎРАЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор
И. КАРИМОВ,
Фарғона Давлат
Университети магистранти

БОБУР ИЖОДИДА ҒУРБАТ ВА ҒАРИБЛИК ТАЛҚИНЛАРИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодида ғурбат ва айрилиқ мотивлари эстетик-фалсафий жиҳатдан мукаммал ифодаланган намуналар кўплаб учрайди. Жумладан қуйидаги рубоийсида ғариблик туйғуси юксак бадиий ифодасини топган:

Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей?
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий ижодидаги рубоийнинг мумтоз намунаси бўлган ушбу шеърга пайравлик қилиб, қуйидагиларни ёзади:

Ғурбат тўзи ёпқан рухи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқарғон оҳи сардимниму дей?
Ҳолинг не дурур, билурмусен дардимни,
Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей?

Ғурбат мавзусидаги ғойибона мушоира икки улуғ сўз санъаткори ижодида яна давом этади. Ҳижрон азобларидан қийналаётган қалб, айрилиқ ғамидан ҳасратга тўлган кўнгил нолаларини Навоий шундай лирик ифодалайди:

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронда жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур!

Мутафаккир шоирнинг таъсирчан мисралари тақдир тақозоси билан она юртдан, ёру диёридан абадий айрилган

Бобурга кучли таъсир этиб, у ҳам ана шу оҳанг, шу мавзу ва шаклда қуйидаги ўтли мисраларини яратади:

Кўндан бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бобур гарчи Навоийнинг ғурбат ва айрилиқ ҳақидаги қарашларини анъанавий давом эттираётгандек туюлса-да, юқоридаги ҳар икки рубоий ўртасида муайян фарқлар бор. Алишер Навоий рубоийсида мумтоз шеъриятдаги анъаналарга мувофиқ ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги муносабатлар, уларни ўртаётган ҳижрон уқубатлари ҳақида сўз борса, Бобур рубоийсида аниқ тарихий шахс, яъни Бобурнинг ўзи лирик қаҳрамон сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, аниқ тарихий шарт-шароит – муаллифнинг ҳақиқатан ҳам она юртидан жуда олисларда абадий қолиб кетишга мажбурлиги шеърнинг таъсир кучини янада орттиради.

Шоир ижодининг, хусусан, рубоийларининг аксарият қисми ғурбат ва ҳижрон мавзусида бўлиб, уларда лирик қаҳрамон – ошиқнинг айриликдаги ўтли нолалари, изтиробга тўла кечинмалари баён этилган. Аммо ғурбат ҳақида сўз юритар экан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз шеъриятдаги мавжуд анъаналар қобиғида қолиб кетмайди:

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,
Юз ғуссаву андуҳ ила боргум, қаро кўз.
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,
Мушкулки, фироқингда тирилгум, қаро кўз.

Шунга қарамай, Бобурнинг ғурбат ва ҳижрон мотивидаги рубоийларининг ҳаммасини ҳам анъанавий ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги муносабатлар асосида талқин қилиш ўринли эмас. Чунки шоир ҳаётидаги мағлубиятлар, аламли ва қайғули ҳолат-ҳодисалар, ватандан жудолик кечинмалари ҳам асосан ҳижрондан шикоят тарзида лирик баён этилган.

Дарҳақиқат, Бобур ижодини ғурбат мотивларисиз, ғариблик нолаларисиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик тадқиқотчилар буни шоирнинг Афғонистон ва

Ҳиндистондаги ҳаёти билан боғлайдилар. Фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Бобурнинг бу мавзудаги шеърлари ҳали ватандалигидаёқ яратила бошланган. Бобур тушунчасида, киндик қони тўкилган, кейинчалик ўзи муайян вақтларда ҳукмдор бўлган Андижоннинг қўлдан кетиши (1498) ватанжудоликнинг, яъни "жалои ватан бўлмоқ"нинг бошланиши бўлган. Масалан, "Бобурнома"дан ҳам тафсилотлари билан ўрин олган қуйидаги рубоийси у Тошкентга – тоғасининг ҳузурига келганида яратилган (1501 йил):

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатда киши.
Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Шоир она ватанидан буткул узилганидан сўнг бу мотивлар янада аниқ ва лўнда тус олади:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар сув.

Ёки:

Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди?!

Ҳасбиҳоллик хусусияти ўта бўртиб туриши, лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсиятининг деярли бирлашиб кетиши Бобур услубига хос асосий белгилардан биридир. Биз баъзан унинг лирик қаҳрамони тимсолида шоирнинг ўзини кўриб тургандай бўламиз.

Бобур шеъриятида лирик қаҳрамон жудолик аламларини зўр ҳасрат билан куйлайди. Баъзи шеърларни мутолаа қилган ўқувчи кўз ўнгида суюкли ёридан жудо бўлган, чексиз ғуссага ботган ошиқ образи жонланади. Айрим рубоийларда эса она юртидан олисларда қолган, қайтиш йўллари буткул беркилган ғариб бир зотнинг фарёдлари янграётгандек бўлади. Юқорида айтилганидек, шоир лирикасидаги ҳижрон оҳангларини ҳам икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси

тасаввуфий талқинга кўра асл моҳиятдан, Ҳақдан жудо бўлган, унинг васлидан умидвор банда муножоти, иккинчиси эса вокеликдаги реал севгилисидан, она юртидан айрилиб, ғариб ҳолга тушган, чорасизликдан нола қилаётган инсон ҳолатининг лирик ифодаси. Ғурбат ва ғарибликнинг ҳар икки кўриниши ҳам шоир лирик меросида кенг ишланган. Демак, Бобурнинг лирик қаҳрамони айрилиқ ҳамда ғарибликдан нола қилар экан, ана шу маъноларни ҳам назардан қочирмаслик керак.

Тасаввуфий талқинларга кўра, Ҳақ ошиғи дард билан яшайди. Бедардлик унинг учун бегона. Тасаввуф аҳли дард чекишни Ҳаққа яқинлаштирадиган восита деб ҳисоблайди. На тоат, на ибодат Ҳақ йўлида чекиладиган ранжу маломат, дарду аламга тенглаша олмайди. Бу йўлда ҳамдард ва ҳамроҳ бўлмайди. Ошиқ кўнгил изтиробларини маъшуқ – илоҳий ёр билан баҳам кўриши мумкин холос! Шунинг учун ҳам машҳур рубоийлардан бирида Бобурнинг лирик қаҳрамони қуйидаги хулосага келади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуълосен, ул шуълаға мен кулдурмен.
Нисбат йўқтур, деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасидан шунга ўхшаш илоҳий ёр васлига интилиш, ҳижрондан шикоят, айрилиқ азобининг бешафқатлиги, ниҳоят, висолдан умидворлик оҳанглари билан тўла бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дилдора ХОШИМОВА,
филология фанлари номзоди.
Ойбек АСАДОВ,
Республика ШТТЁ Жиззах бўлими тадқиқотчиси

"БОБУРНОМА" МАТНИДАГИ РЕАЛИЯЛАРНИНГ ТАРЖИМАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Мумтоз насрий асарларни ўқиётган вақтимизда ўзига хос сўзларга дуч келамиз. Булар шу халқ ёки миллатгагина хос бўлиб, шу жойда ишлатиладиган ёхуд шу халққа тегишли бўлган ҳаёт тарзини ифода этувчи сўзлар ҳисобланади. Улар турлича талқинда намоён бўлади. Реалия сўзи лотинча *realia* дан олинган бўлиб, у ашёвий, ҳақиқий деган маъноларни англатади. "Борлиқдаги ашёвий маданият натижаси, мумтоз грамматикада эса, муайян мамлакатнинг давлат қурилиши, муайян халқнинг тарихи ва маданиятини ифодаловчи сўзлар, муайян тилда мулоқот қилиш хусусиятларини ифодаловчи лингвистик бирлик". (Влахов С. Флорин С.)

Ҳар бир халқ ёки мамлакатга тегишли бўлган географик жой ва киши исмлари ҳам ўзига хос тарзда шу халқнинг ёки мамлакатнинг урф-одатлари ва яшаш тарзи асосида аталади. Ўзига хос сўзлар кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, яъни шу халқ шуғулланадиган касб-корлари туфайли ҳам юзага келади. Буларнинг барчаси ўзига хос сўзларнинг таркибига киради. Таржима матнларида буларни акс эттириш ҳам ўзига хос йўлни талаб этади. Уларнинг мукобил шаклларини бошқа халқларнинг сўз бойлигида яъни лексикасида учратмаслигимиз мумкин. Бундай ҳолатларда улар кўпинча транслитерация орқали бошқа тилга ағдарилади. Айрим ҳолатларда уларга изоҳ ва шарҳлар берилади. Бир миллат ёки элатга тегишли бўлган сўзлар бошқаларга ҳам тушунарли бўлиши учун изоҳлар келтирилади.

"Бобурнома" матнида Умаршайх Мирзонинг портрет чизгиларини беришда "тўн" реалияси ишлатилади. "Тўн"

реалияси таржима матнида "tunic" (мундир, кител, узун енгсиз кўйлак) (блузка (енгил матодан тикилган кофта) ёки жакет (аёллар кийими) деб таржима қилинади. Келтирилган таржималарни таҳлил қилиб кўрсак, ўзбеклар киядиган тўн қандай бўлиши бизга маълум, луғатларда берилган таржималардан шу нарсани аниқлаш мумкинки, тўннинг таржималари умуман тўннинг аслиятдаги прагматик жиҳатига мувофиқ келмайди. Демак, Лейден-Эрскин "тўн" сўзининг таржимасини тўғри бера олмаган. "Боғ" (белбоғ) реалияси таржима матнида "the strings" (торли чолғу асбоблари); чилвир, чизимча, таноб, каноп) деб берилади. "Белбоғ" бизнинг миллатимизга хос бўлган сўздир, тўй ва маъракаларда эркаклар белига боғлайдилар. Кўпрок ҳозирда катта ёшли боболаримиз белларига боғлаб юради. Лейден-Эрскин таржимасида "the strings" (торли чолғу асбоблари) деб берилган. Ушбу "string" (чилвир, чизимча, таноб, каноп) шаклида таржима қилинади. Ҳар икки ҳолатда ҳам "белбоғ" сўзининг таржимаси прагматик жиҳатидан мувофиқ келмайди. Таржимон бу сўзнинг таржимасини ҳам аслият тилидаги ифодасини тиклай олмаган.

"Дастор" сўзини таржимада "turban" (салла, амома) деб беради. Бу салла сўзининг маъносига мос келади. Ушбу "дасторпеч" сўзи махсус салла ўрайдиган кишига нисбатан берилса, таржима матнида "destar-pech" (or plaited turban (ўралган салла) деб транслитерация усули билан амалга оширилади, қавс ичида китобхонга тушунарли бўлиши учун таржимаси ҳам келтирилади. Аммо бу таржима бироз бўлсада, "дасторпеч"нинг айнан маъносини очиб бера олмайди. "Мўғулий бўрк" сўзи таржима матнида "moghul cap" (бош кийим, телпак, шапка) деб берилади. Таржимон реалияни таржима матнида акс эттиришга ҳаракат қилади, лекин буни прагматик жиҳатидан айнан мувофиқ келади, деб айта олмаймиз. Таржимада келтирилган сўз "мўғулий бўрк" реалиясининг тўлиқ маъносини очиб бера олмайди.

А.Бевериж таржимасида: "he used to wear his tunic so very tight that to fasten the strings he had to draw his belly in and, if he

let himself out after tying them, they often tore away…he wound his turban in a fold (dastar-pech); all turbans were in four folds (char-pech) in those days; people wore them without twisting and let the ends hang down. In the heats and except in his Court, he generally wore the Mughal cap" (A.B.p.15). Таржима матнида хос сўзларнинг берилишини ўрганамиз. А.Бевериж таржимасида "тўн" реалиясини "tunic" деб таржимада беради. "Дасторпеч" аслиятда алоҳида берилса-да, таржима матнида кавс ичида келтириб ўтилади. Бу ҳолат ўқувчи учун бироз тушунарсиз бўлиб қолган. "Мўғулий бўрк" ҳам "Mughal cap" деб берилади. Таржима матнини А.Бевериж ҳам Лейден-Эрскин таржимасига мувофиқ амалга оширган. Ҳар иккала таржимада ҳам хос сўзлар айнан ўхшаш қайта тикланган.

Бу хос сўзлар В.Текстон таржима матнида қандай амалга оширилганлигини таҳлил қиламиз. "He wore his tunic so tight that to fasten the ties, he had to hold in his stomach; if he let himself go, it often happened that the ties broke. He was unceremonious in both dress and speech. He wore his turban over a dastarpech. At that time, all turbans were twisted four times, but he wrapped his without twisting and left the fringe hanging. In the summertime, except when he was holding court, he wore a Mongol cap" (W.T.p.40). В.Текстон таржима матнида ҳар иккала таржимон билан бир хил услубда таржима қилган. Аммо таржима матнида грамматик жиҳатидан аниқ ва бошқа таржималарга нисбатан бу таржима адекват қайта тикланган десак муболаға бўлмайди. Матн аниқ ва китобхон учун тушунарли ҳамда прагматик жиҳатидан мувофиқ таржима қилинган. Хос сўзларни таржималарини Лейден-Эрскин таржимаси мисолида кенг талқин қилдик. Уларнинг англатаётган маънолари ва таржималарини бири-бирига прагматик мувофиқ ёки номувофиқлигини ҳам кўрсатиб ўтдик. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таржима матнида реалияларнинг беришда, улар ифодалаётган маъно ва мазмунига, шу миллатнинг урф-одатига лингвокультурологик жиҳатидан ҳам ёндашиш зарур. Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини ифодаловчи сўзлар таржималарда

транслитерация усули орқали берилиши мақсадга мувофиқдир.

Чунки юқорида келтирилган парчадан олинган реалияларнинг таржималарини таҳлил қилиб чиқиш жараёнида шу нарсага амин бўлдик. Реалияларнинг таржималари берилган, аммо улар аслият матнида келтирилган маъно ва мазмунни ўзида қамраб олмаган. Прагматик жиҳатидан ҳам номувофиқлик юзага келган. Берилаётган реалиянинг таржимаси лингвокультрологик жиҳатидан ҳам бу реалиянинг мазмунан мувофиқ эмаслигини билдиради. "Ҳар бир халкнинг миллий ўзига хослигини ифодалайдиган специфик сўзларни таржима қилинаётган асарда транслитерация қилиб бераверии керак; бунинг учун эса ҳар бир халқнинг миллий хусусиятини акс эттирувчи сўзларни оддий, миллий реалияларни акс эттирмайдиган сўзлардан фарқлай олиш ва уларни таржима қилишга йўл қўймаслик керак".(Р.Дониёров)

Бу келтирилган иқтибос ҳам бизнинг фикрларимизни тасдиқлайди. Реалияларни таржима матнида муқобилларини эмас, балки уларни транслитерация орқали берилиши маъқул вариант эканлигини англашимиз даркор. Реалияларнинг таржималарини таҳлил қилиб, уларни қайта тиклашда муқобил вариантлари топилмаса ёки айнан шу реалиянинг миллийлик хусусиятни англатамаса, транслитерация усулидан фойдаланиш маъқул. Чунки хос сўзларнинг таржималари берилган вақтда кўп ҳолатларда уларнинг муқобил варианти айнан шу сўзнинг таржимасини англатмаганини кузатдик. Мутаржимлар хос сўзларни таржима матнларида акс эттиришда транслитерация усулини қўллагани маъқул деб билдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

• Leyden J., W.Erskine, Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan.– Edinburg, 1826, P.422

• Beveridge, A.S., The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the original Turki Text of Zahiru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge, 2 Vols -London, 1922; Repr, in one Volume, London, 1969; New Delhi, 1970; Lahore, 1975, P.134

• The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, edited, and, annotated by Wheeler M., Thackston, New York & Oxford, 1996, P.121

• Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – Москва, 2006. Стр. 381

• Раҳимов М... ва бошқалар. Инглизча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 1996

• Бўтаев Ш. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. – Тошкент, 2013

• Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масалаларига доир. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1962. №5, Б.73

Али Муҳаммад ПЎЛОДИЙ,
Турон ФАсининг фахрий академиги
Бобур номли халқаро жамоат фондининг
Фарғона бўлими раҳбари

«САНГИ ОЙИНА» АФСОНАСИ

«Санги ойина» ҳақидаги афсона Бобур мирзо ҳаёти билан боғлиқ. Унга кўра, шоҳ Бобур Фарғонада Шайбонийхондан енгилгач, бир мунча вақт тожу тахтдан маҳрум бўлиб, Сўхнинг тоғ этакларида жойлашган Ҳушёр қишлоғида кун кечирган. Қарияларнинг сўзига қараганда Бобур мирзо ўша кунларнинг бирида хайрли бир туш кўрибди. Тушига машҳур пирлардан бири кириб, унга: «Мирзо, сиз кўп азият чекманг, тақдирингиздан сира қайғурманг. Илкингиздан кетган салтанат яна ўзингизга қайтгусидир. Сиз бой берган тожу тахт қайта ўзингизга насиб қилгуси. Сиз яна зафар тожини киюрсиз. Агар сўзларимга ишонч ҳосил қилмоқ истагида бўлсангиз, эрта тонгда булоқ томон боринг. Ўша ерда пушталар орасида Санги ойина деб аталмиш тош бордур. Бу оддий тош эмас, балки сирли тошдир. Агар у тошга назар соладиган бўлсангиз, унда келажагингиз башорат бўлгусидир» деб дуога қўл очиб кўздан ғойиб бўлибди. Бобур мирзо бу хайрли тушни кўрсатган Яратганга ҳамду санолар айтиб, илон изи сўқмоқ оркали Санги ойинани излаб Тул қишлоғи томон кетибди. Бунга қадар Бобур мирзо Санги ойинанинг мўъжизакор хусусияти ҳақида қишлоқнинг кексаларидан эшитган бўлсада, ўзининг келгуси тақдири ана шу тошда яширин эканлигидан мутлақо бехабар экан.

Санги ойинанинг сирларидан бири шу эканки, бемор киши тошга келиб суйкалса дарддан фориғ бўлар экан. Ҳатто ҳайвонларнинг ҳам бирон жойига шикаст етса, шу тошга келиб тузалар экан. Шунинг учун ҳам сўхликлар уни «сирли тош» деб ҳам аташган. Тошнинг яна бир сирли томони шунда эканки, унда фақат пок инсонларгина ўз аксини кўра олган.

Бобур мирзо ҳам Санги ойина олдига келиб, унга назар солган дам Ойинатошда тожу тахтда шоҳона либослар билан ўтирган сурати намоён бўлибди. Шундан сўнг Бобур мирзо Тангрига беҳисоб шукроналар айтиб ортга қайтибди ва Кобул сари равона бўлиб, яна ҳукмдорликни кўлга киритибди.

Афсонада айтилган ўша мўъжизавий тош тўғрисида «Бобурнома» асарида Бобур қуйидаги таърифни келтиради: «Исфаранинг бир шаръий масофада жануб томонида тепаликлар орасида бир йирик тош бор, уни «Санги ойина» (кўзгу тош) дейдилар. Узунлиги тахминан ўн қари келади, баландлиги баъзи ери одам бўйи, баъзи ери пастлиги киши белигача бўлиб, ойинадек ҳар нима акс этади».

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тарихда Бобур мирзо билан боғлиқ яна бир неча тошлар мавжуд бўлиб, бу тошлар ҳам Бобур мирзо умрини саргардонликда кечган даври ҳақида ҳикоя қилади. Яъни 1501 йили Бобур мирзо узоқ давом этган қамалдан сўнг Самарқандни ташлаб чиққач, бир неча ой мобайнида сарсон-саргардонликда умр кечирган. Ўша кезлар у Мастчоҳ қишлоғидаги қайроқтошга шеърий мисраларни ўйиб ёздирган эди. Бобур мирзога тегишли мазкур қайроқтошни кейинчалик 1953 йилда Аҳрор Мухторов маҳаллий аҳоли ёрдамида излаб топишга муяссар бўлди. Тошнинг ҳажми 51х45х16 смдан иборат бўлиб, силлиқланган юзаси 20х30 смни ташкил қилган. Тошда чиндан ҳам Бобур мирзо тарафидан ўйиб ёздирилган шеър ва унинг тагида «хатни ёзди Бобур, ҳижрий 917» деган ёзув ҳам туширилган эди. Ҳозирда мазкур тош Тожикистон Давлат Археология музейида сақланмоқда.

Таниқли олим С.Қароевнинг келтиришича, Мастчоҳнинг Овчи ва Янгиариқ қишлоқлари орасидаги дарада «Бобурхон тахти» деган бошқа бир катта ясси тош ҳам бор. Ривоятга кўра, Бобур мирзо шу ерда тўхтаб ўтаётганида ана шу тошда ўтириб дам олган экан. Ўшандан буён ушбу тош муқаддас тошга айланган.

Бобур мирзони Мастчоҳда тошга битган байтлари Сўхдаги у билан боғлиқ афсонани ҳақиқатга яқин эканлигини

исботлаётгандек туюлади. Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандни олиб сўнгра уни бой бериб, дунё неъматларидан воз кечиб, тоғлар ичида ҳаёт кечираётган Бобур мирзога хос хусусият унинг метин иродаси ҳар қандай оғир шароитда ҳам, инсон боласи дош бера олмайдиган фожеалар суронида ҳам шафқатли саркардага панд бермади. Халқимизда «Афсонанинг замирида ҳақиқат ётади» деган нақл бор. Назаримда Сўхдаги «Санги ойина» билан боғлиқ афсоналарнинг замирида чин ҳақиқат яширингандек. Бинобарин, бир неча асрлар ўтган бўлишига қарамай маҳаллий аҳоли ўртасида Бобур мирзо билан боғлиқ афсонанинг сақланиб қолганлиги бизни афсоналар замиридан ҳақиқатни излашимизга ундайди.

Санги ойина ҳалигача Мирзо таъриф берган жойда турибди. Қолаверса, Санги ойина бу оддий тош эмас. Уни қадимдан аждодларимиз муқаддас деб билган ва юрт бошига фалокат келганида, мусибатлар одамларни тарк этмай қўйган бир пайтда шу тошдан мадад сўраб илтижо қилганлар. Бу Санги ойинани ҳали ватанимизга ислом дини келмасдан анча илгари замонлардаёқ халқимиз муқаддас деб билганидан далолат беради. Демак, Санги ойина Фарғонамизнинг қадимги тарихидан бохабар бўлган яна бир жонсиз гувоҳидир. Тарихимизнинг биз билмаган не-не сирлари балки ушбу тошга яширингандир.

Афсуски, инсон боласи сирларни одам нигоҳи ҳам ета олмас олис коинотдан излайди. Аслида, аждодларимиз диний қарашларида муҳим аҳамият касб этган тошларга биз ҳар қадамда дуч келамиз.

Дилфуза ТОЖИБОЕВА,
Наманган давлат Университети
катта илмий ходими, тадқиқотчи

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ТИМСОЛИ ИФОДАСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳ ва шоир сифатида бутун дунёга танилди. Унинг Андижон ва Самарқандда, Кобул ва Ҳиндистонда олиб борган саркардалик фаолияти, бой адабий меросининг аҳамияти ҳамон турли миллат ва элатлар эътиборида. Бобур ижоди тарих, этнография, география каби кўплаб фанларда ҳам катта аҳамиятга эга ва соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб келинмоқда. Айниқса, адабиётшуносликка қўшган ҳиссаси, лирик шеърларининг жозибаси асрлар узра ҳамон ўз китобхонларини йўқотгани йўқ.

Бобур ва бобурийларнинг ҳаёт йўли, бой адабий меросидан таъсирланмаган инсонни топиш қийин. Ўзбек адабиётида Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб насрий ва шеърий асарлар ёзилди.

XX аср ўзбек адабиётининг иқтидорли вакилларидан бири Шавкат Раҳмон *"Бобурийлар"* номли шеърида бу сулоланинг инсоният тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилади. Шоир Амударё билан Сирдарё оралиғида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг бошига тушган адолатсизликлар, Ватанни тарк этиб, ўзга юртлардаги соғинч изтироблари, сарсон-саргардончиликларини ифодалайли:

Икки дарё оралиғида
ҳақ адолат топмади қарор –
бари кетди
юртни соғиниб,
гурбатларда йиғлагани зор.

Шоҳ отанинг ўлими, 12 ёшли ўспиринниng тахтга ўтириши, ўз яқинларининг унга қарши уруш очишлари ва

хиёнатлар ҳар қандай оддий болани эсанкиратиб қўйиши табиий эди. Аммо, шаҳзода Заҳириддиннинг олган тарбияси бунга йўл қўймайди. Ота томондан Амир Темур, она томондан Чингизхон, яъни икки буюк сулола авлодига мансублигиданми Заҳириддиннинг ўзига бўлган ишончи ва қатъияти кучли эди. Шунинг учун ҳам унга қарши қилинган бир неча хужумларни тажрибали саркардалардек қайтара олди. Киндик қони тўкилган она юрти Андижонни, ота-боболари асрлар оша эгалик қилган кўҳна Самарқандни асраб-авайлашга, давлат ва сиёсат ишларини олиб боришга бор кучи билан ҳаракат қилди. Лекин мамлакатдаги ички низолар, бекларнинг хиёнатлари, ҳатто ўз тоғасининг ҳам унга ён босмаганлиги ёш ҳукмдорни жуда мушкул ва чорасиз вазиятларга тушириб қўйди. Бобур жонажон юртини ташлаб ўзга юртларга кетишга мажбур бўлди.

Шавкат Раҳмон таъкидлаган икки дарё оралиғидаги ҳақиқат бир куни албатта қарор топмоғи зарур эди. Шоир Бобур ва бобурийлар ҳақида ёзмоқчи бўлар экан, қанчадан-қанча боскинчию, ёт-бегоналарни ўз бағрига олган бу юрт ўзининг асл фарзандларини сиғдирмаганидан афсус чекади, турли сабабларга кўра она юрти Турон заминни ташлаб кетган не-не зотларни эслаб ўтишга ҳаракат қилади.

Тангри бунёд этгандан буён
қанча олчоқ,
қанча ётларга
қучоқ очган юрт торлик қилди
Қанча одил, фозил зотларга.
Кимни айтай,
кимни эслатай,
санай қайси улуғ номларни
қай иқлимдан кўрсатай бугун
ул зотларни ютган комларни.

Шоирнинг назарида бундай буюк зотларнинг андуҳидан мовий осмон мунгли садога тўлиб кетган. У шундай садоки, саҳрода адашиб кетган карвон қўнғироқларининг садосига ўхшайди.

Асрлар ўтди ва хайриятки, замон ўзгарди. Икки дарё оралиғидаги давлатда ҳам ҳақиқат қарор топди. Шоир хаёлида бир вақтлар ўз юртидан айрилган буюк зотлар мозий қаъридан қайтаётгандек туюлади. Бу ҳолат шоирни ҳайратлантиради, наҳот улар эшитган бўлса, деган саволларни беради:

Мана, бугун
мозий қаъридан
ўз юртидан айрилган, сағир –
буюк зотлар сирли ҳадикда
келаётгандай бўлар бирма - бир.
Улар келар...
Наҳот, эшитган,
наҳот, улар бўлган хабардор
икки дарё оралиғида
ҳақ адолат топди деб қарор.

Шавкат Раҳмон миллатни, халқни огоҳликка чорлайди, Мустақил Ўзбекистонни, қадимий Турон замин тинчлигини сақлаш, икки дарё оралиғини асраб қолиш учун ҳар бир кишига *"сиз учинчи дарёдай оқинг"*– дея уқтиради. Зеро, Бобур мирзо ва унинг авлодлари ҳисобланган ўзбекнинг буюк ўғлонлари яна қайтиб кетмасин, ҳақ-адолат йўқолмасин, дея таъкидлайди.

Биродарлар,
бўлинг эҳтиёт,
биродарлар,
йўлларга боқинг –
тангри каби кекса очунда
сиз учинчи дарёдай оқинг.
Ҳақ - адолат дилингиздадир,
авайланг, ҳеч завол етмасин,
улар келар...
тағин мозийга
ярим йўлдан қайтиб кетмасин.

Дарҳақиқат, мозий қаъридан мунгли овозлари келиб турган буюк зотларнинг орзулари бугун ушалди. Урушлар, низолар барҳам топди. Миллат ичидан Амир Темур, Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби буюк зотларнинг издошлари чиқа бошлади. Шавкат Раҳмон буюк зотларнинг ўринбосарларини асрамоқ, бугуннинг қадрига етмоқ ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи эканлигини уқтирмоқда.

Ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг иқтидорли вакилларидан бири Хуршид Давроннинг *"Эй элим, эй тилим, эй она тупроқ"* номли сонетлар туркумида *"Заҳириддин Муҳаммад Бобур"* номли шеър бор. Бобур Ҳиндистоннинг Панипатида билан олиб борган жангда ақл-заковати билан ғолиб чиқди. Бироқ унинг дилини армон қийнади. У Ҳиндистонда шоҳ бўлса-да, ўз юрти ишқида оддий фуқаро бўлиб ёниб яшади. Афсуски, она тупроқ соғинчи унга ҳамроҳ бўлди. Шеърда Бобурнинг ички ҳис-туйғулари ижровий лирика орқали ифодаланади:

Сен борсан, чидайман дилим оҳига,
Панипатмас, армон қўзғатар титроқ,
Бир умр зордирман юртим хокига,
Мени олиб кетгин, эй она тупроқ

Бобур дарду ҳасратларини оқ қоғозга туширади. Тўлиб тошган ички туғёнларидан ғазал, рубоий, туюқлар битилади. Бобур каердадир ўз дардларини кўтара оладиган, унинг сабр-бардошини ушлаб турадиган, ҳасратлари битилган тош, қаердадир эса бузилган хонақоси борлигини таъкидлайди. Шоир ***"Хонақоҳ"***ни ***"бузилган она диёр"*** га ўхшатади. Маълумки, хонақоҳ – дарвешлар, шайхлар ибодат қиладиган хилватхона ёки масжиднинг намоз ўқиладиган кенг хонаси. Шеър Бобур тилидан айтилар экан, хонақоҳнинг ҳам турли маъноларини англаш мумкин. Биринчи маъноси намоз ўқиладиган кенг, катта ва муқаддас хоналарнинг бузилиши Андижон, Самарқанддаги ўзаро урушлар, вайронагарчиликлар бўлса, иккинчиси эса Бобур ўзи учун хилватхона деб

билган, юрак тубида яшаётган дарду армонлари яширинган хонакоҳ ҳам унинг назарида бузилган она диёрга ўхшайди:

Қайдадир ҳасратим битилган тош бор,
Қайладир бузилган хонақом бордир.
Ул тош бардошимдир, ул тош ёшимдир,
Хонақоҳ – бузилган она диёрдир.

Она диёр дийдорига ета олмаган бўлса ҳам Бобурнинг қалбида ҳеч қачон орзу ва умидлари сўнмаган. Унинг умидини, қалбидаги ниятларини ошкор этувчи она тилининг борлигига шукроналар келтирган:

Ўлим поймол этди дил ниятимни,
Лекин дунёда сен борсан-ки, тилим,
Умидим тирикдир, тирикдир дилим.

Сонет сўнгтида Бобур юрагидаги армонлари ифодаси келтирилади. Бобур буюк ҳукмдор бўлса-да ўз юртининг бир сиқим тупроғини, хасу хашакини, хуш ҳавосини ўзга юрт салтанатидан устун қўяди:

Алишардим бутун салтанатимни
Юртимнинг бир чимдим хоку хасига,
Туркистон боғларин хуш нафасига.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шавкат Раҳмоннинг *"Бобурийлар"* номли шеърида юртидан айрилиб, соғинч ва изтироблар исканжасида умр ўтказган Бобур ва шоир бобурийлар деб атаётган тақдири ўхшаш кейинги авлодлар, элнинг асл фарзандлари нолалари ифодаланади.

Хуршид Даврон шеърида эса Бобурнинг ички ҳис-туйғулари, ният ва армонлари асосида ифода этилади.

Бугунги кунда дунёдаги турли миллат ва элат вакиллари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини қизиқиш билан ўрганиб келмоқдалар. Ўзининг бебаҳо асарлари билан ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш ва ёркин сиймосини акс эттириш ўзбек адабиётшунослигининг ҳам олдида турган энг долзарб масала ва ижодкорлар эътиборида турган, ҳеч қачон эскирмайдиган мавзулардандир.

Азизбек ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон ФА Тил, адабиёт ва фольклор институти тадқиқотчиси

"БОБУРНОМА"ДА ФОЛЬКЛОРИЗМ ВА САЖЪ

"Бобурнома"ни фольклоршунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш қизиқарли жиҳатларни беради. Зеро, замондош ижодкорларидан фарқли ўлароқ у насрий асарини халқона тил ва услубда, содда ва равон ёзишга интилган ҳамда буни кўпларга насиб бўлмайдиган даражада маҳорат билан уддалаган. "Бобурнома"да Бобур тўнғич ўғли Ҳумоюннинг мактубини ўқиб, билдирган эътирозларида имловий хатоларни айтиш баробарида, хат ёзганда ҳамиша мақсадни аниқ ва тушунарли ифодалаш зарурлигини уқтиради Бобур: "Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға".

"Бобурнома" айнан юқорида зикр этилган талаблар асосида ёзилган ва шунинг учун асрлар ўтса-да бугунги ўқувчи ҳам бемалол беташвиш ўқиб завқланади. Хўш, асарни шу қадар халқона этган омиллар нималарда кўринади? Бунга услубдаги равонлик, соддалик, аниқлик, сиқиқлик каби қатор сабабларни санаш билан бирга муаллифнинг фольклоризмлардан ва айниқса, сажъдан усталик билан фойдаланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, муайян ижодкор асарларида фольклор намуналарининг қўлланиши натижасида фольклоризм ҳодисаси юзага келади. "Бобурнома"да бир қарашда кўпроқ оддий фольклоризмлар кўзга ташланади, яъни муаллиф бирор воқеадан чиқарган хулосасини халқ мақоллари билан далиллайди: "Вайс Лоғарий ва яна баъзилар дедиларким, кун кеч бўлубтур, бу кун бўлмаса тонгла қаёнға борғусидур. Сабоҳ ҳар қанда бўлса, учратурбиз, деб филҳол илик

қўшмоқни салоҳ кўрмадилар. Ушмундоқ қопуда келган ғаним ҳеч навъ мутазаррир бўлмай ажрашти. Масал борким, "Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур". Муаллиф ўз вақтида амалга оширилмаган чора-тадбир туфайли умрбод афсусланиш бефойдалигини юқоридаги мақол билан ифодалайди. Ҳозирда халқ орасида шу маънони акс эттирадиган "Темирни қизиғида босиш керак", "Кейинги пушаймон – ўзингга душман" каби мақоллар тез-тез ишлатилади. Аммо "қопу" – "эшик" сўзи билан бошланувчи қадимий мақол бизнинг кунларда деярли айтилмайди.

"Бобурнома"да бугун ҳам фаол қўлланилаётган мақоллар бир неча ўринда учрайдики, улардан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. "Қанбар Али ўз вилояти Хўжандтин Танбалға эътимод қилиб черик маслаҳатини сўзлаша Ахсиға келур. Бу воқиъа бўлғоч, Танбал ани банд қилиб олиб вилоятларининг устуга юрур. Ул бир туркий масал бордурким, "Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға". Аҳмад Танбалнинг номардлигини – дўст деб келган кишини банди қилиб, юртига бостириб боришини Бобур қадимги туркий мақол билан ғоят аниқ-тиниқ тасвирлайди. Мазкур мақол ҳозирги кунда ҳам халқ орасида кенг истеъмолдадир.

"Бобурнома"ни варақлар эканмиз, муаллиф даврида машҳур бўлган ва бугунги кунга бироз ўзгаришлар билан етиб келган мақоллар асосида ҳосил қилинган фольклоризмларга ҳам дуч келамиз: "Яна Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким, "тенг бўлмағунча, тўш бўлмас" дебтурлар. Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлғай".

Мазкур парчада Бобур бир мақолдан фойдаланиб, ҳам тоғларни, ҳам жангари айрим афғон қавмларининг номатлуб феъл-атворини тасвирлайди. Агар бу ўринда мақол

ишлатилмаса, мақсадни ифодалаш учун анчагина баёнчиликка берилиш талаб этиларди.

Асарда ўрни келганда эл орасида кенг ёйилган форсий мақоллардан ҳам унумли фойдаланилган: "Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳум эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий била Хуросон сари рухсат берди. Кейнидин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани ики йигит ўғли била Хожа Кордзан навоҳисида шаҳид килдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендан эмас эди, Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ. Масал борким: "Узраш батар аз гуноҳ". Узри гуноҳидан баттар бўлган Шайбонийхоннинг ҳеч қачон оқлаб бўлмайдиган ишини – Хожа Аҳрор валий авлодларини ўлдирганини Бобур чукур изтироб билан ёзади. Чунки Хожа Аҳрор унинг пири муршиди эди. Бобур бир неча бор мушкул вазиятларга тушганда айнан мана шу авлиёни тушида кўриб, таскин топади, ҳаётида хайрли ўзгаришлар юз беради.

"Бобурнома"да бир неча ўринларда туш билан боғлиқ тафсилотлар келадики, муаллифнинг бу қайдларида халқ оғзаки ижоди намунларидаги туш эпизодлари таъсирини сезиш мумкин. Одатда халқ достонларида қаҳрамонларни мушкул вазиятлардан кўп ҳолларда тушдаги ёрдам қутқаради.

Бобур мемуарида нафақат мақоллардан моҳирона фойдаланади, шунингдек, халқона ибораларни ҳам "Бобурнома"га узукка кўз қўйгандек жойлайди: "Муҳаммад Дўст ўзбакка кириб эди. Филжумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг кўҳпояларига бориб, ёғийликлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак илгига тушти. Кўзларини кўр қилдилар. "Кўзларини туз тутти"нинг бу маъниси бор эмиш". Аввал Бобур, кейин Аҳмад Танбал, сўнгра Шайбонийхон хизматига кириб, ҳаммасига фириб бериб, қочиб кетган кўрнамак беклардан бири Муҳаммад Дўст кисмати мукаррар фожиа билан тугайди. Бундай кўрнамакликнинг оқибати бошқаларга ҳам ибрат

бўлиши учун Бобур атай барча яхши билган "Кўзларини туз тутти" иборасини қўллайди.

"Бобурнома"нинг равонлигини таъминлаган муҳим омиллардан яна бири муаллиф кўп ўринларда насрдаги қофиядан – сажъдан фойдаланади: **"...қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди", "Меваси кўп бўлур ва хуб бўлур", "Сабоҳиким, уруш солилди, чоштгоҳдин бурунроқ обдузд олилди", "Шайбонийхондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғойбиз, эл таёқ била борғонда – биз тош била борғайбиз", "Бу раъйдин Абу Юсуф арғуннинг хабари бор экандур, балки бу раъйни кўрсатгучи ўшул ғаддор экандур", "Шайбонийхон бир зарра парво ҳам қилмади, балки ғумағунчадек кўзга илмади. Султон Али мирзо ҳам ўз ишига хайрон ва чиққонидан беҳад пушаймон эди", Биз шаҳр ва вилояттин маҳрум, борур-тураримиз номаълум"** каби қисқа тафсилотларда оҳангдош сўзлар қўллаш билан чекланмай, бир қанча жумлаларни ҳам сажъ тарзида баён этади: "Хисравшоҳ бу **ўтар** дунёйи **бебақо** учун ва **кетар** навкари **бевафо** учун мунча ямонлиқ ва бадномликни ихтиёр қилиб ва мунча зулм ва бедод қилмоқни ўзига шиор қилиб, мунча улуғ вилоятлар **олиб**, мунча қалин навкар ва савдар сахламоқ тарҳини **солиб**, балки сўнгралар навкар ва чокари йигирма-ўттуз мингга тортиб вилоёт ва парканоти ўз нодшоҳи ва мирзоларидин ортиб, умрида қилғон иши ушбу бўлди". Беш сатр нари-берисидаги мазкур жумлада Бобур Хисравшоҳнинг бутун ҳаёти давомидаги фаолиятини рўй-рост кўрсата олади. Келтирилган парчалардаги насрий мусажжаъларда "солилди-олилди", "бош-тош", "билмади-илмади", "бебақо-бевафо", "олиб-солиб" каби тўлиқ оҳангдош сўзлар орқали соф сажъ, яъни сажи мутавозий ҳосил бўлган. "Сўзлук-юзлук" сўзларида "з", "бор-ғаддор" да "р", "ҳайрон-пушаймон"да "н", "маҳрум-номаълум"да "м" товуши равий сифатида оҳангдошликни юзага келтирган ва

натижада сажъи мутавозин пайдо бўлган. "Бобурнома"да Хисравшоҳ кирдикорлари баён этилган барча саҳифаларда албатта сажъ қўлланган. Бундан англаш мумкинки, муаллиф санаш оҳанги ва қофияли наср орқали Хисрашоҳнинг жами гунохларини ўқувчи ёдига ҳамда тарих саҳифаларига муҳрлашни ният қилган: "Ҳар кимким мундоғ шанеъ ҳаракатга иқдом қилғай ва ул кишигаким бу навъ ишга эҳтимом қилғай, юз минг лаънатдур қиёматқачаким, ҳар ким Хисравшоҳнинг бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун". Нафратга тўла мазкур сатрлар Хисравшоҳ Султон Масъуд мирзо кўзларини наштар билан кўр қилганлиги муносабати билан битилган. Бобур қаламининг равонлиги, аламининг ҳаддан зиёдлиги боис ўқувчи айни битикларни мутолаа қилиш чоғида Хисравшоҳни беихтиёр лаънатлайди.

Бобур ўқувчи эътиборини тортиши зарур деб билган воқеалар тасвирида албатта сажъдан фойдаланади. Биринчидан, оҳангдош сўзлар китобхон диққатини жалб этади, иккинчидан, ёдда тез сақланади. "Бобурнома"даги таассуфли мулоҳазалар сажъда ифодаланган ўринлардан бири Ҳусайн Бойқаро фарзандлари таърифида келади: "...рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, Тенгридин қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди – нашот била, мажлисороли эди – инбисот била. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай". Кўп вақт ўтмай Бобур башорати ҳаётий ҳақиқатга айланиб, Бойқародек улуғ подшоҳ хонадонидан бор-йўғи етти-саккиз йилда бир шаҳзодадан бошқа ҳеч ким қолмайди. Муаллифни юқоридаги сатрларни алоҳида сажъ билан ёзмоққа ундаган жиҳат – ўқувчиларга ибрат кўзгусини тутмоқликдир.

Одатда сажълар дастлаб халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган достонларда кенг қўлланилиб, кейинчалик ёзма адабиётга кўчган. Достонларда сажълар кўпинча шеърий

мисралар билан қоришиқ ҳолда учрайди. Бобур Самарқанддаги тақчилликдан чиқиб, Жиззахга келгандаги ҳолатни худди шундай шаклда, яъни насрий мусажжъалар ва назм қоришиғидан фойдаланган тарзда баён этади: "...Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонликқа келдук.

Ваҳму усраттин амоне топтук,

Янги жон, тоза жаҳоне топтук.

Ўлум дағдағаси хотирдин рафъ бўлуб, очлиқ шиддати элдин дафъ бўлди. Умримизда мунча фароғат қилмайдур эдук. Муддатул-умр амонлиғ ва арзонлиғ қадрини мунча билмайдур эдук. Ишрат усраттин сўнг, фароғат машаққаттин кейин лаззатликроқ ва яхшироқ кўринур. Тўрт-беш навбат ушмундоқ шиддаттин роҳатқа ва машаққаттин фароғатқа мунтақил бўлубтур. Аввалғи навбат бу эди. Мундоқ душман балосидин ва очлиқ ибтилосидин халос бўлуб, амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етуштук".

"Бобурнома"да даставвал сажъ шаклида қоғозга тушиб, кейинчалик назмга кўчиб, Бобур девонига кирган мисралар ҳам мавжуд. Жумладан, "Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши" сатрлари қуйидаги рубоийда зуҳур топган:

Кўнгил тилаган муродига етса киши,

Ё барча муродларни тарк этса киши.

Бу иккиси муяссар бўлмаса оламда,

Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, биринчидан, Бобур ўз мемуарининг таъсирчанлигини ошириш, халқ тилига ва дилига яқинлаштириш, фикрларни ихчам ҳамда равон ифодалаш мақсадида қадимги туркий, баъзан форсий мақоллардан унумли фойдаланган ва натижада оддий фольклоризмлар юзага келган. Иккинчидан, муаллифнинг ўзи

ҳам мақоллар таъсирида "Ишрат усраттин сўнг, фароғат машаққаттин кейин лаззатлиқроқ" каби мазмунан теран, шаклан ихчам ҳикматларни ўнлаб ўринларда қайд этган. Учинчидан, ўз фикрларини баён этиш жараёнида сажъларни моҳирона қўллаганлиги туфайли матн ва маълумотлар ўқувчи ёдига осон муҳрланади. Тўртинчидан, "Бобурнома" сажълари кейинчалик ёзилган рубоийларига асос вазифасини ўтагани билан ҳам аҳамиятли. Бешинчидан, айнан фольклоризм ҳодисаси сабаб Бобур даврининг оғзаки ижод намуналари бизгача етиб келиши таъминланган. Масалан "Бобурнома"да келтирилган "Тенг бўлмағунча, тўш бўлмас" мақоли бугунги кунда халқ орасида "Тенг тенги билан..." тарзида кенг қўлланилади. Лекин Бобур ишлатган тарзда деярли учрамайди. Бундан кўринадики, фольклоризм ҳодисаси оғзаки ижод намуналарини унутилиб кетишдан асрайди.

И. СУЛАЙМОНОВ,
Самарқанд давлат университети
филология фанлари номзоди

СИРОЖИДДИН САЙИДНИНГ "ЮЗ ОҲ, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР..." ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Сўнги йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди, айниқса, унинг «Бобурнома» асари тадқиқотчилар диққатини янада теранроқ ўзига жалб этмоқда. Шу сабаб Бобур мавзуси турли адабий турлар: роман, қисса, достон ҳамда бошқа жанрдаги асарларнинг яратилишига асос бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур» номли «фироқ ва соғинч достони»ни ҳам ушбу мавзуда ёзилган асарлар сирасига киритиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф бу жанрга қўл уришдан олдин Бобур ҳаёти, ижодий фаолияти, яшаган давр, ҳақида батафсил маълумотга эга бўлгани, махсус тажриба тўплагани кўриниб турибди. Шоир Сирожиддин Саййид ўзбек адабиётида достон яратишнинг янгича йўналишида «Фироқ ва соғинч достони»ни бунёд этар экан, Бобур ижодининг қайси томонларига эътибор қаратиши ҳақида ўқувчини огоҳлантиргандек бўлади. Замонавий адабиётимизда янгилик тарзида юзага келган мазкур достонни яратишда «Бобурнома» матнидан энг диққатга молик сатрларни танлаб олади, уларнинг баъзиларини эпиграф тарзида келтиради, келтирилган матнлардан давр ижтимоий, иқтисодий, тарихий фактларга оид далилларни XXI аср шоири дунёқараши билан Бобур дунёқарашини солиштирган ҳолда тасвирлайди, воқеаларни ривожлантиради ҳамда Бобур яшаган давр иштирокчиси, Бобур дунёқарашининг ҳамдами, ҳамдарди бўлади. Бунда кишини ҳайратлантирган жиҳат шундаки, муаллиф ўзи яратган шеърлари билан ҳам етук бобуршунос олим, ҳам шоир

сифатида намоён бўлади. У Бобур яшаган даврнинг энг муаммоли нуқталари, тарихий шахсларнинг нозик руҳий ҳолатлари, ғолиб ва мағлуб шахслар психологияси Бобур тасвирлаган нозик лаҳзаларини топиб, ўз фикрларини баён этади. Бу ўз навбатида, тарихий факт ва далиллардан фойдаланган ҳолда бадиий образлар яратиб, уларнинг характер-хусусиятида Бобур яратишни истагану, аммо ифода этолмаган ўринларни маҳорат билан тасвирлайди, шу боис у XXI аср шоири маънавияти ва тафаккурини, мустақиллик мафкурасини баён қилган шоир сифатида гавдаланади.

С.Саййид «Бобурнома»нинг бутун жаҳонда шуҳрат қозонганлиги, инсоният тарихи ҳаққонийлик билан ифода этилган асар экани хусусида фикр билдирар экан, бу асар Бобурнинг умр дафтари эканлиги, катта меҳнат ва машаққат эвазига яратилганлигини таъкидлаб, унинг аҳамиятини изоҳлаб беради. Шоир ўз фикрини «Бобурнома»дан олинган парчани келтириш билан бошлайди ва бутун достонида шу услуб ҳукмронлик қилади: «Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқиин бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиини таҳрир этилгай...» (1506-1507 йил воқеалари).

«Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

«Бобурнома»дан келтирилган ушбу эпиграф – рубоий орқали достон муаллифи Бобурнинг фикрини ривожлантириб «Бобурнома»нинг жаҳон адабиётидаги ўрнини бадиий тарзда ифодалаб беради. Бунда бадиий образ сифатида Бобур яратган шоҳ асарнинг ўзи Сиржиддин Саййид қалами билан таърифланиб, шоир сифатлари билан ифодаланади:

«Бобурнома»,
«Бобурнома» –
Шоҳ шоирдан авлодларга

Мангу ўлмас,
Қадрнома.
Бунда кўнгил лоласидир,
Бунда умр ноласидир,
Дарду ғам маколасидир,
Ҳар бир нома, –
Тақдирнома.

Шу тарзда шеър бандининг охирги мисраси, мисли «Жабрнома», «Ҳарбийнома», «Кабир нома», «Ботирнома», «Хотирнома», «Сабрнома» -«Бобурнома» каби «Бобурнома»нинг мазмуни, моҳиятини англатиб келувчи шартли синоним номлар сифатида талқин этилади.

С.Саййид «Бобурнома»дан иқтибос танлар экан, жуда эҳтиёткорлик билан йўл тутади.Бу парчалар туб моҳияти жиҳатидан Бобурнинг ҳаёти, дунёқараши, асарда кўзда тутилган ҳар бир ғояси ва айтилмай қолган фикрларидек таассурот уйғотадики, ўқувчи гоҳида бу мисраларни Бобур айтгандек қабул қилади, унинг мағлублик ҳолати тасвирида Бобур билан биргаликда азият чекади, унинг атрофидаги беклари, давр аъёнлари томонидан кўрсатилган беҳисоб хиёнатларга ачиниш ҳисси пайдо бўлиб, Бобурга ҳамдард бўлади.

Достонда муаллиф «Эл таври» номли шеърида «Бобурнома»дан олинган қуйидаги парчани тарихий асос сифатида келтириб, унга Бобур назмидан бир неча байтни ҳам биринчи манба сифатида илова қилиб ўз қарашларини баён этади: «Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилгайлар?.. Батахсис бизнинг кўзимизнинг ўтрусида бизнинг отимизни миниб, бизнинг тўнумизни кийиб, бизнинг қўюмизни еб юругайлар, мунга ким худ таҳаммул қилгай?... («Бобурнома», 1498-1499- йил воқеалари).

Шоир бу давр тарихий воқеаларини янада ойдинлаштириш, шу мавзуни ёритиш учун Бобур лирикасидан намуналар келтириб, тарихий ҳақиқатни бадиий талқинда бериш учун кўмак сифатида фойдаланади:

Улфатим эл бирла оздур, кўпдир эл жаври манга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври манга.

Ёки:

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам.

Ушбу сатрлар Бобурнинг энг тушкинлик пайти, мағлублик кайфиятидаги даврига тўғри келади. С.Саййид бунга жавобан келтирган шеърида Бобурнинг ушбу тушкун ҳолатини, унинг руҳиятидаги абгор кайфиятини бадиий тасвирлайди. Бунда шоир «Бобурнома» муаллифининг руҳий ҳолати, мағлублик пайтидаги мураккаб кайфиятини янада кенг, ранг-баранг тасвирларда ифодалайди ва бу саҳналарни Бобур образи тилидан келтирадики, ўқувчи уни Бобур қалб кўридан чиққан нидо сифатида қабул қилади:

Доим дил ва диним мувофиқ келди,
Диним не буюрса – дил воқиф келди.
Масту бехудлиғда кечди гоҳ умрим,
Арзир нола қилсам: умрим, воҳ умрим!
Ҳолим билгайдирсиз, ўқиб сатримдан,
Эл воқиф бўлдими бирор дардимдан?..
Хожами, рожами, соҳибмисан, эл?
Ўзинг ўз ҳолингдан воқифмисан, эл?
Мени нифоқингдан толдирган ҳам сен,
Бошимга балолар ёғдирган ҳам сен.
Фисқу фасодингда қилмайдурсан фарқ,
Гоҳ ғийбатга ғарқсан, гоҳ чоғирга ғарқ.

С.Саййиднинг «Ўзга савдо» номли шеъри Бобурни жуда ҳайратга солган Афғонистоннинг турфа, Бобур учун янгилик бўлган табиий шароити – Нингнаҳор (ҳозирги Жалолобод вилояти– И.С.) табиати, наботот ва ҳайвонот олами хусусида: «Шаъбон ойида офтоб далв буржида эдиким, Кобулдин Ҳиндустон азимати била отланилди... Нингнаҳорға етгач, ўзга оламе назарға келди: гиёҳлар ўзгача ва йиғочлар ўзгача ва вуҳуш ўзгача ва туюр ўзгача, эл ва улуснинг роҳ ва расми ўзгача, ҳайрате бўлди, филвоқеъ жойи ҳайраттур».

С.Саййид «Бобурнома»даги ушбу парчага тарихий факт ва Бобур назари билан ёндашар экан, табиатнинг бу синоатига, киши руҳиятида ҳайрат устига ҳайрат уйғотган муъжизасига ўзининг бадиий тасвирини илова қилиб Бобурни ҳайратга солган бу тасвирни юсак бадиий тарзда ифодалаб беради. Бу тасвирда Бобур асарида сезилмаган руҳий ҳолат, ажабланиш, Бобур тасаввурида пайдо бўлган ногаҳоний ўзгача табиат манзарасини С.Саййид ривожлантириб, уни бадиий тасвирлаш орқали ўқувчига Нингнаҳор вилояти табиати, жонли ва жонсиз борлиғи тасвирини беради, ўқувчи «Бобурнома»нинг мафтункор тасвиридан достоннинг бадиий тасвирига кўчганини сезмай қолади. Шу билан бирга, достонда Бобур бадиий образининг ички кечинмалари, руҳий ҳолати, кўп сонли «ўзгача»лар гирдобида қолган тасаввурининг тасвири достонга кўчиб юксак бадиий тасвирни ташкил этиши киши ҳайратини оширади:

Бунда давру чархи даввор ўзгача,
Кун билан тун, шому наҳор ўзгача.
Гиёҳлар бир ғариб, оғочлар ҳазин,
Бунда рангу бўю ифор ўзгача.
Мени келтирмишдир ғурбат тўзони,
Бунда юзимдаги ғубор ўзгача.

Бунда Сирожиддин Саййид Бобур бадиий образини яратиб унинг ички оламини, «Бобурнома»даги юқорида келтирилган парчага илова тарзида образнинг бадиийлигини таъминловчи мисраларни қўшадики, бу мисралар Бобурнинг ички олами, давр ноҳақлигидан ҳайқириғи сифатида жаранглайди. Шунингдек, Бобур атрофида бўлган беқарор кишиларининг характери, ғайри инсоний томонларини ёритувчи бадиий тўқималардан иборат мисраларки, унда ранж-аламга тўла тақдир устидан фиғон каби янграйди. Шоир «Бобурнома»даги тарихий факт ва далиллар асосида воқеаларни умумлаштириб, Бобур образини ярата олгани боис ўқувчи буни гўё Бобурнинг ўзи айтган фикрлар сифатида қабул қилади:

Барчага ранжу ғам бермишсан, фалак,
Менга буюрмишсан озор ўзгача.

Мен ўзга савдони хохлаган эрдим,
Берганинг менга бу бозор ўзгача.
Ўзинг ёр бўл энди, ё қодир Оллох,
Бўлмиш менга ёру диёр ўзгача.

«Бобурнома»дан келтириладиган қуйидаги парчада Бобурнинг рухан тушкун ҳолати, мағлубнамо кайфияти тасвирланган. Энг якин кишилари, қариндош уруғлари томонидан қўллаб-қувватлаш зарур бўлган бир пайтда улар томонидан душманона ҳаракат бўлгани, унинг тақдиридаги бу мағлублик ва тушкунлик тасвирини шоир тарихий ҳақиқатни бадиий либосда жуда ҳаётий қилиб ифодалайди. Жумладан, «Бобурнома»даги: «Неча қатла ҳамким замона ноҳамворлиғидин ва даврон носозкорлиғидин ва тахт ва мулк ва навкар ва савдардин айрилиб, аларға илтижо этдим, онам хам борди, ҳеч навъ риояте ва шафқате кўрмадук. Менинг иним Мирзохоннинг ва онаси Султоннигор Хонимнинг айн ва маъмур вилоятлари бор эди, мен ва онам вилоят худ турсун, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадук. Менинг онам Юнусхон қизи ва мен набираси эмасму эдим?! Ул табақадин ҳар кимки менинг сарвақтимға тушти, илигимдин келганча тукқонлиқни ва яхшилиқни бажо келтурдим... яна ҳар навъ фарзандлиқ ва хизматкорлиқта тақсире қилмадим... Бу тарихгача ул табақадин ҳар кимки келди, ўз тукқонларимдин ўзга кўрмадим. ...барчани ўз тукқонларимдин яхшироқ кўруб, риоят ва шафқатлар қилибтурман», бу тарихий фактларга таяниб С.Саййид достонида Бобур бадиий образи номидан қуйидагича фикр билдиради:

Эй умр, ўртар мени оққонларинг,
Дарду ҳасрат бўлди бор йиққонларинг.
Сен мени ҳижронга тандир айлабон,
Сўнг ўзумни ўт қилиб ёққонларинг.
Не дейин, эй чарх нокасларга рост,
Менга умрим бўйи терс боққонларинг.
Бори олам ғурбатин солдинг манга,
Мен эдимму ё сенинг қолқонларинг?
Одам, авлодингмидир шул барчаси,

Эзгуликка чоҳларинг, ўпқонларинг.
Қайга боргунг, кимга бош ургунг куйиб,
Яхшиликни билмаса туққонларинг?
Ҳайф, юз минг ҳайф, эй жон, сенгаким,
Эл учун тандин неча чиққонларинг.

Шоир достонида Бобур асарларида кўп учрайдиган сариқ ранг – сариқ гул, хазон сайли ва хазоннинг ҳазинлик ҳолатини муаллиф умрининг поёни, ҳаётий инъикос сифатида ифодаласа, иккинчи томондан шу ҳазинлик тимсоллари орқали Бобурнинг ҳаётдан бир шодлик дарагини топа олмагани, аксинча хазон сайлига ошиққани ва ундан кайфиятини кўтарувчи лаҳзаларни топиб, қувонгани ҳолатини кўриш мумкин.Бу манзаралар Бобурнинг ички оламини очишда, руҳий ҳолатини кўрсатишда не чоғлик ижобий таъсир ўтказганлигини сариқ гул бадиий тимсоли орқали ёритиб берган. Шоир Бобурнинг боғдаги гулзорни тафарруж (тамоша) қилиш лаҳзасидан фақат «бир дафъа сариқ» гулга эътибор бериб, унинг бадиий образи – тимсолида умри сариқ гулсимон дардли, ташвишли, хиёнатга тўла ҳаётини бадиий либосда тасвирлаб беради.

«Бобурнома»дан эпиграф қилиб олинган: «Панжшанба куни офтоб чиққанда сув ёқасидин кўчулди... Сариқ арғувоний парча-парча ерларда якдаст сариқ гуллар очилибтур. Яна баъзи ерларда афшон қилғондек дарҳам очилибтур. Ўрду ёвуғида бир баланди устида ўлтуруб, гулзор тафарруж қилдук. Тарроҳлиқ қилғондек бу тепанинг олти тарафида бир дафъа сариқ ва бир дафъа арғувоний гул хат-хат мусаддас шаклда очилибдур... Кўз кор қилғунча ушмундоқ гулзор эди».

Манзара, тарихий фактдан руҳланган Сирожиддин Саййид Бобур бадиий образини мукаммаллаштириб тасвирлайди ва унинг руҳиятидаги орзу армонларини очишга ҳаракат қилади:

Умр – дардим, сариқ гулдир, сариқ гул,
Менинг сабрим сариқ гулдир, сариқ гул.
Агар олам баҳору навбаҳордур,
Менинг қалбим сариқ гулдир, сариқ гул.

Ғазаллар айтган эрдим арғувоний,
Букун табъим сариқ гулдир, сариқ гул.
Сариқ пулча замон қадрингни билмас,
Менинг қадрим сариқ гулдир, сариқ гул.
Қизил гул битмагай ҳижрон уйида,
Ҳазин ҳажрим сариқ гулдир, сариқ гул...
Менинг дунёда чеккан бор жафойим,
Ҳама жабрим сариқ гулдир, сариқ гул....

«Бадиий матн инсон, табиат ва жамият сарҳадларига тарқалиб кетган уйғунликни кашф этади. Ички моҳият ва ташқи шамойил орасида алоқа бадиий яхлитликни кафолати, унда субъект ва объектнинг оҳангдошлиги, шакл ва мазмун вобасталиги, тасаввур ва ғоя муштараклиги, талқини ва таҳлил зиддияти ўз ифодасини топади». (А.Носиров). Жумладан, «Бобурнома»дан эпиграф сифатида олинган қуйидаги рубоийда ҳам бу ҳолатни кўришимиз мумкин:

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим – хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

«Бобурнома»дан келтирилган: «Балхий полизкорни қовун эккали қўюлуб эди. Бир неча қовун сақлоғон экандур, келтурди. Хили яхшиғина қовунлар эди. Бир-икки бута ток «Ҳашт беҳишт» боғида эктуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди. Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндустонда қовун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиғе бўлди» матнидаги тасвирлар ҳам шоир илҳомини жўш уришига сабаб бўлади. Иккала тарихий факт ҳам достонда Бобур бадиий образини муштаракликка эришишга, шоир маҳоратини кўрсатишга хизмат қилган:

Юртдан кетиб, қаро менинг юзим бўлди,
Ғурбат менинг кечам ҳам кундузум бўлди.
Менга туздинг дарду ҳасрат тузумини,
Ё Раб, айтгил, бу қандайин тузум бўлди?
Ҳижрон экан бир умрлик ризқу рўзим,
Толеъсизлик менинг нону тузум бўлди.

Бир савдолар бериб санки,поёни йўқ,
Умид йўли, оҳ, бунчалар узун бўлди...
Ҳасратларим қовун бўлиб етилмишлар.
Кўз ёшларим ёт элларда узум бўлди.

С.Саййид «Бобурнома»да келтирилган қуйидаги табиатнинг ажиб ҳодисаси бўлмиш ҳаётий тасвир орқали Бобур яшаган даврнинг сиёсий, ахлоқий аҳволи, жамият кишиларининг жирканч характер, хусиятларини очиб берган, уларни жамиятнинг зарарли махлуқи сифатидаги бадиий образини, қиёфасини яратади. Бу муаллифнинг топкирлигидан, биргина табиат ҳодисаси ифодаланган тарихий фактдан кишилик борлиғини бадиий тарзда очиб бера оладиган истеъдодидан дарак беради: «... Санжид дарасининг ораси била ўтуб, Хожа Сеёроннинг яқинига етганда, бир улуғ йилонким, йўғонлиғи билакча ва узунлиғи бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди. Бу улуғ йилоннинг ичидан бир иничкарак йилон чиқти, ғолибо ўшал яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди. Бу иничка йилоннинг ичидан бир катта сичқон чиқти, ул ҳам бутун эди».

Ушбу тарихий фактдан достон муаллифи қуйидаги бадиий тасвирни яратадики, унинг юксак бадиий маҳоратидан дарак беради:

Дуч келмишдир бизга ажаб сир илон,
Ул илоннинг ичида ҳам бир илон...
Инсонлар бор – кўнгли тўла кир, илон,
Ҳар бирининг ичида ҳам бир илон.
Ҳайрондирман одамзоднинг ишидан:
Ичидаги илоннинг ҳам ичидан
Чиқиб келаверар яна бир илон...
Ростин айтсам, сен асли гўл экансан,
Илонлигинг билан бир пул экансан.
Башар ичра бордир шундай инсонлар,
Ичи тўла ғиж-ғиж чаён, илонлар.
Оғиз, бурун, қулоқлар тирқишидан,
Ҳасад илонлари чиқар ичидан.
Қонин ичар бир-бирини бирикмай,
Бир-бирининг гўштин ейди тириклай.

Бу ишларни ўзинг ўйлаб кўр, илон,
Айтгил энди: қайси биринг зўр илон?..

Хулоса қилиб айтганда, С.Саййид Бобур бадиий образини достонда такомиллаштириб бораверади. «Бобурнома»дан келтирилган парчалар, назмий асарларидан мисол сифатида танланган рубоийлардаги мавзу, тарихий фактлар, янгидан-янги ғоялар пайдо бўлишига, Бобур бадиий образидаги ғолиблик ва мағлублик лаҳзаларини тўлдиришга, Бобур рухиятига кириб боришга имкон беради, бадиий образ мукаммаллиги ошиб бораверади, китобхон наздида сирли ва жумбоқли бўлган тарихий шахс Бобур тимсоли, иродаси, сабри, матонати янгича ракурсда намоён бўлаверади.

Эркин РАҲМОНОВ,
Сирдарё вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

МЎЪЖИЗАЛИ БАЙТ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Девон"идаги ғазал, қитъа, маснавий, рубоий, туюқларнинг ҳар бир байтини, фардларнинг ҳар бирини бадиий нуқтаи назардан мўъжизали мисралар дегим келади. Бундай хулосага ҳар қандай шоирона нуктапардозликни илғай оладиган ва илми бадеъ – бадиий санъатлар илми мутахассиси келиши мумкин. Чунки бобурона байтлар аввало мазмун оҳорлилиги ва фикр юритишдаги янгилиги, кейин таъсирчанлиги, сўнгра мушоҳадаталаблиги ва ниҳоят бадиий санъатларга бойлиги билан китобхонни хушнуд этади.

Масалан, Бобурнинг девонни очиб, дуч келган ғазалдаги кўзимиз тушган байтини олайлик:

Тарки номус айлабон, бадном бўлғил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!

(Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шарқ, 1996, 15-б.)

Мазмуни: Сен номус-орингдан кечиб, ишқда ёмонотлиқ бўл. Номусли ва номдор ҳолингда ким сени ошиқ дейди?!

Байтда чин ошиқлик ҳақидаги дунёвий ва тасаввуфий талқин ошкора сезилиб турибди. Мисраларни ҳам дунёвий муҳаббат, ҳам илоҳий ишқ йўсинида бирдай мушоҳада этиш мумкин.

Илми бадеъ юзасидан байтга таҳлилий назар солсак, мисралар олмосдай жилоланаверади. "Тарк" тушунчаси йўқликка олиб борадики, байт охиридаги "бор"га зид маънавий жабҳада турганидан тазод санъати амалиётини кўрамиз.

Байтдаги "номус" сўзининг икки маротаба иштироки такрир санъати мавжудлигини кўрсатади.

“Бадном” сўзининг иккинчи мисрадаги “ном”дан ясалганини ўйласак, ўзакдошлик ҳодисаси – иштиқоқ санъатидир.

Биринчи мисрадаги “айлабон” ва “бўлғил” сўзлари – буйруқ феъллари амр санъати амалиёти зуҳуридан нишоналардир.

Биринчи мисрадаги “ишқ” ва иккинчи мисрадаги “ошиқ” сўзлари яна ўзакдошлик ҳодисасини ёдимизга солмоқда: иккинчи маротаба иштиқоқ санъати қўлланилди.

Биринчи мисрадаги “бадном” сўзи билан иккинчи мисрадаги “ном” (номдор, номи бор) сўзлари яна зид маъноли бўлиб, тазод санъатининг иккинчи маротаба зуҳуротидир.

Иккинчи мисра мазмунидаги риторик сўроқ истифҳом санъати амалиётидан дарак бериб турибди. Мана бир юзакигина қарашда бу байтда еттита бадиий санъат қўлланилганига гувоҳ бўлдик. Агар синчикласак, бу саноқ ошиб бораверади.

Мирзохид ҚОРАБОЕВ,
Наманган давлат университети,
катта ўқитувчиси

БУЮК СУЛОЛА ҲАҚИДАГИ ИНГЛИЗЧА РОМАНЛАР ТУРКУМИ

Ўзбекистон замини кўплаб зукко, тадбирли, буюк ишларга қодир, қомусий билимларга эга шахсларни дунёга келтирганки, уларнинг барча ҳаракату амаллари бугунги кунда инсоният маънавий камолоти ва моддий юксалиши йўлида хизмат қилмоқда.

Оламга "Буюк бобурийлар империяси" номи билан танилган Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласининг илдизи ҳам ўзбек замини экани тан олинган ҳақиқатдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда барпо этган буюк сулоланинг тарихи ва анъаналари, юксалиши ва таназзули ҳақида бугунги кунда ҳам жаҳон адабий майдонида кўплаб янги бадиий асарлар дунё юзини кўрмоқдаки, мазкур асарлар муаллифларини дунё китобхонларига танилиб, китоблари севиб мутолаа қилинмоқда. Ана шундай ёзувчилардан бири Диана ва Майкл Престонлар бўлиб, улар *Алекс Резерфорд* тахаллуси билан ижод қилишмоқда.

Майкл ва Диана замонавий тарих ва адабиёт соҳаси бўйича Оксфорд университетини тамомлаганлар.

1990-йилларнинг бошларида Диана Престон тарих бўйича оммабоп китоблар ёзишга қарор қилди. Шундай қилиб, унинг биринчи асари XVIII асрдаги Шотландия қўзғолони тўғрисидаги *"Каллоденга йўл: Ёқимтой шаҳзода Чарли 45нинг қўзғолони"* китоби дунёга келди. Кейинчалик унинг бошқа асарлари ҳам дунё юзини кўра бошлади.

Диана ва Майкл кўп саёҳатга чиқишади, улар дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатларида бўлишди. Ушбу саёҳатлар Диана Престонга ўз китобларини ёзишда катта ёрдам берди. Борган мамлакатларининг кутубхона ва архивларидан фойдаланишади. Диана ўз асарларида қайд этилган манзилларнинг барчасида бўлиб, ўз кўзи билан воқеалар

жойини кўриб улар билан танишади ва маҳаллий аҳоли яшаш шароити ҳамда анъана ва урф-одатлари билан танишиб чиқади ва мана шу орқали ўз қаҳрамонлари кечинмаларини ҳис этишга ҳаракат қилади. *"Before the Fallout: From Marie Curie to Hiroshima" (Кулаш(зилзила)дан олдин: Мария Кюридан Хиросимага)* асари учун Диана Престон *Los Angeles Times Science and Technology Prize* (Лос-Анжелес Фан ва технология мукофоти) мукофотига сазовор бўлди.

"Бизнинг энг севимли масканларимиздан бири бу Ҳиндистон, биз у ерда умримизнинг қарийб бир йилини ўтказдик. Бизнинг Тож Маҳал қурилишига бағишлаб ёзаётган "A Teardrop on the Cheek of Time"(Вақт ёноғидаги кўз ёши) номли китобимиз олиб бораётган тадқиқот ишларимиз буюк бобурийлар сулоласи тарихини ўрганишга етаклади. Маълумот йиғиш мақсадида биз бобурий подшоҳлар тўғрисидаги барча маълумотларни ўқиб чиқдик", – дейди Диана Престон.

2009 йилдан бошлаб Диана ва Майкл Престон Алекс Резерфорд тахаллуси билан *"Буюк Мўғуллар Империяси"* рукни остида тарихий романларини нашр эттира бошлашди.

Бошқа асарларда бўлганидек, муаллифларни қаҳрамонларнинг характери ва ички кечинмалари қизиқтиради. Бадиий асар ёзиш орқали муаллифлар қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар, улар яшаб ўтган муҳит ва шароитлар китобхонларга янада яқинроқ бўлишини, уни ўша жой ва вақт муҳитини ҳис қилишини инобатга олишган.

Мазкур рукндаги романлар Бобурийлар империясининг шонли ўтмиши, жангу жадаллари ҳақида ҳикоя қилади. Улар икки асрлик воқеаларни ўз ичига олади ҳамда Бобурийлар сулоласининг олти нафар – ҳар бири алоҳида *шахс* сифатида эътироф этилган императорлари тарихини ёритиб беради.

Уларнинг биринчи асари *"Raiders from the North" ("Шимоллик отлиқлар")* деб номланиб, у 2009 йилда нашрдан чиккан. Мазкур роман буюк саркарда, шоҳ ва шоир Бобурга бағишланган. Унда Бобурнинг 1525 йили Марказий Осиёдан Ҳиндистонга юриши, унинг Афғонистон тоғлари, Кашмир далалари узра Бенгалия ўрмонларигача бўлган

худудда ташкил қилган империяси ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, жанг майдонларидаги жасорати, улкан мақсадларни кўзлаши, гўзалликка бўлган иштиёқи дунёнинг олтидан бирига тенг Империяга асос солиниши ҳақида ҳам баён этилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, Бобурийлар сулоласи номи узоқ Европада ҳукмронлик ва бойлик рамзи сифатида ҳайрат билан эътироф этила бошланди.

Мазкур асар 2012 йилда таржимони В.Э.Волковский томонидан рус тилига ўгирилиб, 2012 йилда *"Вторжение в рай"* номи билан нашрдан чиқди.

Иккинчи асар *"Brothers at War" ("Оғалар жанги")* деб номланиб, у 2010 йилда нашрдан чиққан. Асар Бобурнинг тўнғич ўғли иккинчи бобурий шоҳ Ҳумоюнга бағишланган бўлиб, унда Ҳумоюншоҳнинг дастлабки ҳукмронлиги ва унинг давлатни қўлдан бой бериши ҳамда давлатни қайта эгаллашга бўлган курашлари ҳақида, нафақат ташқи балки ўз инилари билан бўлган жанглари тўғрисида ҳикоя қилинади. Ушбу роман таржимон Ю.К. Рыбакова томонидан русчага таржима қилиниб, 2015 йил "*Великий Могол"* номи билан нашрдан чиқди.

Мазкур *"Буюк Мўғуллар Империяси"* рукни остида тарихий романларнинг навбатдагиси *"Ruler of the World" ("Дунё ҳукмдори")* деб номланиб, у 2011 йилда нашр этилган. Асар буюк Бобурийлар сулоласининг энг йирик вакили, адолатли ва оқил подшоҳ Акбар ва унинг ҳукмронлигига бағишланган. Асар 2015 йил В.Д.Юргайтите томонидан *"Владыка мира"* номи билан рус тилида нашр этилди.

"The Tainted Throne" ("Дарз кетган тахт") асари 2012 йилда нашрдан чиққан бўлиб, Жаҳонгир ва унинг ҳукмронлик даври ёритилган, унда ота ва ўғил ўртасидаги ишончсизлик ва рақобат муҳити ва ана шу муҳит таъсири остида мустаҳкам ва бардошли хокимиятнинг дарз кетиши ҳикоя қилинган.

Кейинги асар *"The Serpent's Tooth" ("Илоннинг тиши")* деб номланиб, у 2013 йилда нашрдан чиққан. Асарда ўз суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал хотирасига бағишлаб ажойиб Тож Маҳални бунёд эттирган Шоҳжаҳон ва унинг

ҳукмронлиги ҳамда бобурийлар сулоласининг энг гуллаб яшнаган даври акс эттирилган.

2015 йил бобурийларга бағишланган навбатдаги *"Traitors in the Shadows" ("Соядаги ғанимлар")* романи чоп этилди. Унда Шоҳжаҳоннинг тахтдан кетиши ва Аврангзебнинг тахта ўтириши, ҳудуди кенгайган бироқ кучсизланган, шонли ва қачонлардир қудратли бўлган Буюк Империянинг инқирозга юз тутиши ҳикоя қилинади.

Юқорида қайд этилган асарларни яратишда муаллифлар *"Бобурнома", "Ҳумоюннома", "Акбарнома"* асарлари, Ҳиндистонга қилган саёҳатлари давомида маҳаллий халқ вакиллари хотиралари, эшитган ва кутубхоналардан олган маълумотларга таянганлар.

Шунингдек, Акбар давридан кейинги маълумотларни яратишда бобурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларига шоҳид бўлган кўплаб европалик савдогарлар, табиблар, сиёсатчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбалардан фойдаланишган. Ҳар бир китобнинг охирида тарихий маълумотнома берилиб, унда асарда берилган маълумотларни қай бири ҳақиқат ва қай бири тўқима эканлиги ҳамда у нима мақсадда берилганлиги изоҳланган.

Алекс Резерфорднинг "Буюк Мўғуллар Империяси" рукнидаги тарихий романлари бенгалиялик ёзувчи Садекул Ахсан Калло томонидан бенгал тилига ҳам таржима килинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Буюк Бобурийлар империяси асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек фарзандидир. Шунинг учун ҳам олдимизда турган асосий вазифалардан бири ўз тарихимизни теран билиш ва адабиётимиз тарихи ва равнақини чуқурроқ англаб етиш йўлида астойдил илмий изланишлар олиб боришга ҳаракат қилишдир. Зеро, "...одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанимизнинг тарихини билишни истайди".

Жасурбек МАҲМУДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

БОБУРГА ҲАМОҲАНГ МИСРАЛАР ҲАҚИДА

"Мажолис ул-ушшоқ" ҳақида «Бобурнома»да келтирилган қуйидаги жумлаларга диққатни қаратсак: «Яна Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди, агарчи сўфий эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ экандур..

Бир таснифи бор: «Мажолис ул-ушшоқ» отлиқ. Султон Ҳусайн мирзонинг отига боғлаб битибдур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва бемаза, беадабона ҳарфлар битибтур. Андоққким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур. Нечукким, хейли анбиёни ва авлиёни мажозий ошиқликка мансуб қилиб, ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбубе пайдо қилибтур...

Ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидин Зуннун Арғун «Ҳизабрулло»га мулаққаб бўлди».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳамоҳанг тарзда биз ҳам «ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидан Паҳлавон Маҳмуд ҳам «Фаноий»га ва ҳам «Қитолий»га мутахаллас бўлди» дейишимиз мумкин. Зеро, адабиётшунос Т.Жалолов нотўғри талқини билан ғазал мақтаъсидаги Фаноий тахаллуси Қитолий деб ўқилган бўлса, Офтоброй Лакҳнавий ғазални Паҳлавон Маҳмудга нисбатан келтириб, Паҳлавон Маҳмудга Фаноий тахаллуси берилган.

Классик адабиёт тарихида жуда кўплаб тазкиралар битилган ва уларда келтирилган маълумотлар бир-бирини тўлдирувчи хабарлар сифатида қадрлидир. Уларда келтирилган бир-бирини такрорламайдиган янги маълумотлар ҳам келтирилади. Бу ҳолат эса шоиру ёзувчиларнинг таржимаи ҳолида баъзан ҳар хиллик юз беришига, баъзи исм ва тахаллусларнинг ўзгариб кетишига ҳам сабабчи бўлади. Паҳлавон Маҳмуднинг Қитолий

тахаллуси билан боғлиқ ҳолатни ҳам шундай англашилмовчиликлар қаторига қўшиш мумкин.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини излаш жараёнида Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидан ҳам фойдаланган адабиётшунос олим Т.Жалолов унда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги мулоҳазаларни келтирган эди: "«Оташкада» ва «Қомус ул-аълом»да эса Паҳлавон Маҳмудни жанговор, жангжўй, ҳарбий, урушқоқ маъносида «Қитоли» лақаби билан тилга оладилар...

«Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасида келтирилган бир ғазалида Паҳлавон Маҳмуд «Қитоли» лақабини ҳам тахаллус ўрнида ишлатган. Чунончи:

Дасте намерасад чу Қитоли ба зулфи ёр,
Қувват зи по-у зўр бозу ниҳодаем»

Демак, олим ўзи таянган тазкираларига асосланиб берган маълумотига кўра Паҳлавон Маҳмуд "Қитолий" (мазмунан қаттол, қатл қилувчи, ўлдирувчи, жаллод маъноларини беради) тахаллусига эга бўлган. Лекин жавонмардлик тариқатининг намояндасига (фаолияти доимо инсонларга яхшилик қилиш, яхши ўй, яхши иш ва яхши сўзлар бўлган инсонларга) нимагадир бу тахаллус мос эмасдек туюлади. Тўғри, ўз нафсини ўлдирувчи, ўз нафси қотили сифатида ушбу тахаллусни оқлаши мумкин, лекин манбашунослик нуқтаи назаридан олганда ушбу номнинг айнан қайси манбадан олинганлигини билиш, тахаллуснинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш мақсадида изланишлар олиб бордик.

Ўзбекистон Фанлари Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти хазинасида «Мажолис ул-ушшоқ» асарининг 10 дан ортиқ нусхалари сақланаётган бўлиб, улар асосан 3362, 3363, 4835, 11347, 14497, 13787, 15469 сингари (жами 10 тадан ортиқ) қўлёзма ва тошбосма нусхалардир. Баъзи католог (феҳрист)ларда Камолиддин Ҳусайн Фаноийга, баъзиларида Ҳусайн Бойқарога нисбат берилган мазкур асар нусхаларини кўздан кечирар эканмиз, "Паҳлавон Маҳмуд зикри" бўлимининг ҳеч бирида мазкур ғазал мақтаъсида Қитолий тахаллусини

учратмадик, яъни барча нусхаларда мазкур ғазал охирида Фаноий тахаллуси келтирилган.

Шунингдек, Эронда Ғуломризо Таботабоий Мажд томонидан нашрга тайёрланган Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий - Фаноийнинг «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасида ҳам мазкур ўринда Қитолий тахаллуси эмас, балки Фаноий тахаллуси келтирилганининг гувоҳи бўлдик.

Демак, Қитолий тахаллуси ҳақидаги хулосалар ҳам баҳсталаб бўлиб, бу ҳақда шундай хулоса чиқариш мумкин: Бизнингча котиб томонидан ёзилган فنائی (Фаноий) тахаллусини кимдир قتالیҚитолий тарзида ўқиган. Агар эътибор берилса, Фаноий ва Қитолий сўзлари ташқи томондан бир-бирига ўхшайди. Агар "Фаноий" нисбасидаги "ф" ва "нун" ҳарфларига котиб томонидан қалинроқ бир нуқта қўйилган бўлса, баъзи ўқувчилар улардан биринчисини "қоф" ва иккинчисини "те" деб ўқиши табиий. Натижада эса "Фаноий" ўз-ўзидан "Қитолий"га айланади-туради. Бизнингча ҳам шундай бўлган: Яъни Фаноийнинг "Мажолис ул-ушшоқ" тазкирасидаги Паҳлавон Маҳмуд бўлимини ўқиган бошқа бир кимса муаллифнинг "хушомад қилиб" ёзган ғазали мақтаъсидаги тахаллусни "Фаноий" эмас, балки "Қитолий" деб ўқиган. Натижада, биринчидан мазкур тазкира муаллифининг ғазалини Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган, иккинчидан Паҳлавон Маҳмуднинг янги тахаллуси – "Қитолий" пайдо бўлган. Бу фикримизнинг яна бир исботи шуки, мазкур Қитолий тахаллуси Паҳлавон Маҳмудга 18-асрдан кейинги ёзилган манбалардан бошлаб нисбат берила бошланган. Яъни, Паҳлавон Маҳмуд яшаган даврга яқин бўлган "Нафаҳот ул-унс", "Насойим ул-муҳаббат" каби машҳур асарларда Паҳлавон Маҳмуднинг бундай тахаллус билан ижод қилгани эслаб ўтилмаган. Шундан ҳам маълум бўладики, 18 асрдан кейин Паҳлавон Маҳмуд ҳаётига кириб келган мазкур "Қитолий" тахаллуси манбани нотўғри ўқиш натижасида юзага келган.

Маълумки, "Мажолис ул-ушшоқ"да Паҳлавон Маҳмуд номидан келтирилган бир ғазал бўлиб, аслида бу асар муаллифи Камолиддин Ҳусайн Фаноийга тегишлидир. Чунки

ҳозиргача ҳеч бир манбада Паҳлавон Маҳмуднинг бундай ғазали борлиги эслаб ўтилмаган. Иккинчидан, "Мажолис ул-ушшоқ" дебочасида таъкидланганидек, Камолиддин Ҳусайн Фаноий асар мобайнида ўзининг, Амир Хисрав Деҳлавийнинг ва бошқа шоирларнинг байтларини мос жойларга ёзиб кетган. Шу ўринда Паҳлавон зикри охирида Хисрав Деҳлавийнинг маснавийси келтирилганини эслаш фикримизни тасдиқлайди.

Бундан маълум бўладики, Паҳлавон Маҳмуд тилидан келтирилган мазкур ғазал аслида Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг ўзига мансуб бўлган. Бизнингча, Офтоброй Лакҳнавий мазкур ғазалдаги тахаллусга асосланиб, Паҳлавон Маҳмудни Фаноий тахаллуси остида келтирган. Ваҳоланки, бошқа ҳеч бир тазкирада ушбу тахаллус учрамайди. Учинчидан, «Қомус ул-аълом»да Фаноий тахаллусли шоирлар ҳақида эсланар экан, «Фаноий – Эрон шуаросиндан беш кишининг мухалласи (тахаллуси)дир», дейилади, аммо мазкур бешлик орасида Паҳлавон Маҳмудни келтирилмайди. Лакҳнавийнинг «Риёз ул-орифийн»ида эса Фаноий тахаллуси билан келганлар олтита бўлиб, биринчиси Паҳлавон Маҳмуддир. Демак, шундан ҳам маълум бўладики, "Риёз ул-орифийн"да Фаноий тахаллусли шоирлар биттага кўпайиб кетган ва бу «Мажолис ул-ушшоқ»даги ғазал билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган, деган фикрдамиз.

Мазкур тазкирада Паҳлавон Маҳмуд ҳақида қуйидагича маълумот келтирилган: «**Фаноий** (فنایی) – асли Хоразмдан бўлиб, исми Паҳлавон Маҳмуддир ва Пирмоивалий (پرمای ولی) номи билан машҳурдир. Унинг жисмоний ва руҳоний қудрати ҳақидаги овозалар жаҳонга ёйилган бўлиб, ўз даврининг беназири эрди. Волаҳу Доғистоний уни «қоф» ҳарфи билан «тахаллуси Қабоий (قبایی) деб ёзади (яна Худо билгувчирок). Алқисса, вафотлари етти юз йигирма иккида (милодий 1322 йил) содир бўлган...»

Хуллас, манбаларга юзаки қараш, уларни нотўғри талқин қилиш туфайли адабиётшунослигимизда турли хил ихтилофли фикрлар, нотўғри хулосалар пайдо бўлганки, натижада бирор шахс ва унинг ҳаёти ҳақида аниқ тўхтамга келиш қийин бўлиб қолмоқда.

Аскарий МАДРАХИМОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра докторанти

ЙИГИРМАНЧИ АСРДА – "БОБУРНОМА"

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Вақоеъ" – "Бобурнома" асари ўз даврида ва кейинчалик XVI-XIX асрларда Ҳиндистондаги тарихнависликка жуда катта ижобий таъсир ўтказган. Бобурнинг сафдошлари Шайх Зайн Хафовий ва Ғиёсиддин Хондамир унга эргашиб, "Ҳиндистонни забт этилиши" ва "Қонуни Ҳумоюний" асарларини яратганлар. Бобурнинг ҳолаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий", қизи Гулбаданбегим "Бобурнома" таъсирида "Ҳумоюннома" асарини яратгани маълум. Кейинги давр, яъни XVI асрдан бошлаб барча Шимолий Ҳиндистон тарихчилари "Бобурнома"га мурожаат қилганлар.

"Бобурнома" асари XX аср олимлари ижодига ҳам ижобий ва ижодий таъсир кўрсатган. Буни биз асли келиб чиқиши бошқирд бўлган йирик турк шарқшуноси Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг "Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи" номли йирик асари мисолида кўришимиз мумкин.

Аҳмад Заки Валидий ким? У 1890 йили Бошқирдистоннинг Кузян овули, Стерлитамак тумани, Уфа губерниясида хусусий мактаб эгаси оиласида дунёга келди. Ота ва онадан, сўнгра тоғасидан таълим олиб, туркий – мумтоз ўзбек тили, форсий ва араб тилини яхши ўрганади. Ўша даврдаги жадидлар вақтли матбуотига қизиқиб, уларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади. Ўсмир пайтида Қозон шаҳрига бориб, «Қосимия» мадрасасида туркий халқлар тарихидан дарс бера бошлайди ҳамда «Турк ва татар тарихи» номли китобни 1911 йили нашр эттириб, жуда машҳур бўлиб кетади. Уни Қозондан Тошкент, Қўқонга қўлёзмалар қидиришга жўнатадилар. Бу сафари муваффақиятли бўлгач, йирик рус олими академик В.В.Бартольд тавсиясига биноан

яна юртимизга қўлёзма қидиришга келади. Мана шу сафар давомида ўз юртига яқин, шонли тарихга эга Самарқанд ва бошқа шаҳарлар билан танишади.

Аҳмад Заки туғма иқтидорга эга умидли ёш йигит эди. Лекин сиёсий курашга аралашиб кетади. Бошқирдистон автономияси раҳбари даражасигача етади, русларнинг сиёсати моҳиятини тушунгач, аввал Туркистонда уларга қарши фаолият олиб боришга интилади. Шўролар ҳокимиятни бутунлай эгаллагач, ўз фаолиятини чет элда давом эттиришга интилиб, ҳорижга чиқиб кетади. Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида келиб, Алишер Навоий қабрини зиёрат қилади, бу тарихий шаҳардаги ёдгорликлар билан танишади. Сўнгра Ҳиндистонга бориб, ундан Европага қайтади. Истамбулга боргач шу жойда қўним топади ва университетда устозлик фаолиятини бошлайди. Бироқ, унинг сиёсий душманлари Аҳмад Закини расмий маълумоти йўқлиги учун университетдан четлатишади. Олим Австриянинг пойтахти Вена университетига бориб, ҳам бакалавиатура, ҳам докторантурада ўқийди. Уларни муваффақиятли битириб, Туркияга келиб, фуқароликни қабул қилади, педагоглик фаолият билан шуғулланади. Ёшлик пайтларидаги ҳужжатларни тартибга келтириб, 1969 йили «Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи» номида йирик асарини яратади.

Умуман, Аҳмад Заки Валидий – Тўғон йирик шарқшунос бўлиб, тўрт юздан ортиқ мумтоз ўзбек, рус, турк, инглиз, немис тилларида чоп этилган илмий мақолалар, ўндан ортиқ монографик тадқиқотлар муаллифи. Унинг Амир Темур ва Алишер Навоий тўғрисидаги икки жилдлик изланишлари қўлёзма ҳолида қолган.

Аҳмад Закининг «Бобурнома» китобини сотиб олишига профессор Катанов ва Марям Султан (Султанова) – Уфадаги Мусулмон аёллар жамияти раҳбарияти раиси ёрдам берганлар.

Олимнинг «Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи» асарини Заҳириддин

Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари таъсирида ёзганлигини нимада кўриш мумкин? Муаллиф ёшлигида «Бобурнома» билан танишади, 1914 йили Санкт-Петербург шаҳрида чоп этиладиган араб алифбосидаги мумтоз ўзбек тилидаги «Эл» номли газетада Бобурга бағишланган туркум мақолаларни чоп этган ва бу китобни умри давомида ўз ёнида сақлайди.

«Бобурнома» ва «Хотиралар» икки истеъдод эгаси хаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилади. Иккаласида ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг ёркин саҳифалари ёритилган.

Иккала асарда ҳам Алишер Навоий буюк инсон – идеал шахс сифатида ҳурмат билан тилга олинади. Валидий ҳар бир ҳаракатини Алишер Навоий сўзлари билан қиёслашга, шарҳлашга интилади.

Биринчисида XV аср охири ва XVI аср бошларидаги, иккинчисида XX аср бошларидаги сиёсий арбоблар, олимлар, шоирлар, шаҳарлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккала машҳур асарни қиёсий ўрганиш учун жиддий тадқиқотни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз. Шунда «Бобурнома»нинг жаҳон маданияти тараққиёти тарихига кўрсатган ижобий таъсири янада яққол намоён бўлади.

Sevara JUMAMURATOVA,
Nukus davlat pedagogika instituti talabasi

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR SHE'RIYATIDA TASHBEH SAN'ATI

O'zbek xalqining boy ilmiy-adabiy merosini jahon xalqlari mulkiga ko'tarishda Al-Xorazmiy, Al-Beruniy, Al-Forobiy, Ibn Sino, MirzoUlug'bek, Mavlono Lutfiy, Alisher Navoiy kabi o'nlab ulug' allomalar qatorida Zahiriddin Muhammad Boburning nomi munosib o'rinni egallaydi. Uning yorqin shaxsiy va ijodiy faoliyati, davlat, ijtimoiy-siyosiy hayotdagi katta mavqeyi avlodlar tomonidan zo'r hurmat-ehtirom bilan xotirlanib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov shunday degan edi:

"Biz Boburmirzoni ulkan davlat arbobi sifatidagina emas, qomusiy alloma, mumtoz shoir sifatida ham cheksiz qadrlaymiz. Bobur o'zbek xalqining buyuk farzandi, milliy g'ururidir ".

Bobur ijodida hayotga muhabbat, yor va diyor sevgisi, hijron dardi, tarki dunyochilik, yaxshi xulq-odob, ma'rifat targ'iboti kabi mavzu doiralarini kuzatish mumkin. Shoir o'z she'rlarida g'oya-fikrning ta'sir kuchini oshirishda she'riy san'atlardan, jumladan, tashbeh san'atidan o'rinli foydalana olgan. "Tashbeh – Sharq adabiyotida keng tarqalgan san'atlardan biri bo'lib, lug'atda "o'xshatish" ma'nosini ifodalaydi. Tashbeh ikki narsa yoki tushuncha orasidagi haqiqiy yoki majoziy, moddiy yoxud ma'naviy o'xshashliklar va munosabatlar a sosida yuzaga keladi".

Zahiriddin Muhammad Bobur tashbeh san'atidan mohirona foydalanib, go'zal lavhalarni yaratdi. Shoir g'azallaridan birida yor vaslini sarv daraxtiga, ruxsorini esa gulga qiyoslaydi va yor ishqida fig'oni balandligini, hajrida yoshi lolagun ya'ni qizil ekanligini ta'kidlaydi:

Sarvdek qaddi firoqida fig'onimdur baland,
Gul kibi ruxsori hajrida yoshimdur lolagun.

Bobur she'riyatining asosiy mavzusini ishq-muhabbat tashkil qiladi. Shoirning yana bir g'azalida yorini betakror husn sohibasi

sifatida ta'riflayadi: ma'shuqa shakl-u shamoyili go'zallikda xuddi hur va pariki, odamzod ichra buqadar husn egasi topilmaydi:

Bu shakl-u shamoyil bila xudhur-u parisen
Kim, jinsi bashar ichra bu miqdor topilmas.

Ushbu baytning 1-misrasida tashbeh san'ati, 2-misrasida esa mubolag'a san'atining qo'llanganligini kuzatish mumkin.

Bobur g'azallarining ko'pchiligi Vatan sog'inchi, vatandan yiroqda yashash qanchalik azob ekanligi haqida yozilgan.Xususan, Andijonikki, Samarqand uch bora egallab, yana boy bergan, shayboniylarga qarshi kurashish uchun imkon topolmay, chorasiz ahvolda yongan, buning ustiga, toj-u taxt, navkardan ayrilib, o'zining taqdiri ham muallaq qolgan Boburning o'z ko'ngliga murojaat qilib:

Zamona ahli ichra, ey ko'ngul, oyo, topilg'aymu
Seningdek dard paymoyo meningdek dard paymuda .

Ushbu baytda esa ko'nglini dard paymo ya'ni dard tortuvchi, o'zini esa dard tortgan kishiga qiyoslab tashbeh san'atidan foydalangan. Shoir she'riyati turli mavzularni qamrab olganligi bilan o'quvchi diqqatini tortadi. Uning:

Xazon yafrog'i yanglig' gul yuzung hajrida sarg'ardim,
Ko'rub rahm aylagil, ey lolarux, bu chehra yizardim.
Sen, ey gul, qo'ymading sarkashligingni sarvdek hargiz,
Ayog'ingga tushib, bargi xazondek muncha yolbordim.

g'azalida kuz manzarasi asosida turli o'xshatishlar qiladi. Jumladan, yorning gul yuzi hajrida xazon yaprog'I kabi sarg'ayganligini, ikkinchi baytda esa xazon yaprog'i singari yor oyog'iga yiqilib yolvorganligini tasvirlaydi. Yuqorida keltirilgan g'azallardan ko'ramizki, Bobur turli xil mavzularda qalam tebratib, tashbeh san'atidan mohirona foydalangan holda go'zal badiiy lavhalar yaratdi, bu esa uning naqadar iste'dodli shoir ekanligidan dalolat.

Sh. SAFARBOYEVA
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti
O'zbek tili va adabiyoti yo'nalishi talabasi
Ilmiy rahbar: H.Allambergenov

BOBUR RUBOIYLARIDA HAYOTIY HAQIQAT VA BADIIY MAHORAT

O'zbek mumtoz adabiyotining buyuk siymolardan biri Zahiriddin Muhammad Bobur ijodi haligacha qator tadqiqotlar uchun mavzu bo'lib kelmoqda. Shoirning ijodiy namunalari bugungi kunda yosh avlodni ma'nan barkamol insonlar qilib tarbiyalashda muhim vazifa bajarmoqda. O'quvchilar maktab davridanoq beshinchi sinfda uning ruboiylari bilan, to'qqizinchi sinfda „Boburnoma" adabiy memuar asari bilan tanishadilar. Bu esa o'quvchi yoshlar ongida Bobur siymosini shakllantirishda muhim vazifa bajaradi. Shuningdek, akademik litsey o'quvchilari uchun nashr etilgan adabiyotlar orqali o'quvchilar Bobur ijodini, uning qator g'azallari, ruboiylari, fard va tuyuqlari hamda „Boburnoma" asarini yanada kengroq o'rganish imkoniga egalar.

Bobur nafaqat ijodkor, balki buyuk davlat arbobi hamdir. Uning qalamidan yuzaga kelgan bebaho durdonalar ijodkor hayoti bilan bevosita bog'liqdir. Shoir ijodida ruboiy janri alohida o'rinni egallaydi. Ruboiy „sharq she'riyatida keng tarqalgan muayyan badiiy an'analarga ega bo'lgan, falsafiy, ishqiy, ijtimoiy-siyosiy, axloqiy va diniy-tasavvufiy mazmunda yoziladigan she'riy janr". [1:210] Bu janr o'zining ixchamligi hamda ta'sir doirasining kengligi bilan ajralib turadi. Mazkur janr namunalari shoir ijodida o'zining hayot haqiqati bilan chambarchas bog'liqligi, shoir hayotining bir bo'lagi sifatida yuzaga kelganligi bilan ahamiyatlidir.

Azm ayla sabo, yet guli xandonimg'a,
Ne gulki, quyoshdek mahi tabonimg'a.
Yetgil dog'i ishtiyoq ila Boburdin
Zinhor degil salom tuqqonimg'a.[2:173]

Ruboiyda lirik qahramonning ona yurtiga bo‘lgan sog‘inchi obrazli vositalar orqali ta’sirchan ifoda etilgan. Ilk misrada shoir saboga murojaat qilib, uni ona vataniga, kindik qoni tomgan, yoshligi, bebaho bolaligi o‘tgan – „guli xandoni“ga borishga murojaati – iltijosi keltiriladi. Odatda Sharq adabiyotida ijodkorlar ko‘pincha „gul“ ramzi orqali yorni ifoda etishadi. Lekin shoir mazkur misrada ushbu timsol orqali yordan ham azizroq, uning uchun sog‘inchliroq – ona yurtni ifodalaydi. Keyingi misrada esa, dastlabki qatorda ifoda etilgan fikrdan qaytib, uni quyoshga mengzaydi.

Ushbu misralardanoq Sharq adabiyotining asrlar davomida shakllangan nafis bezaklari – badiiy tasviriy vositalardan shoir unumli foydalanganligini kuzatishimiz mumkin. „Gul“ va „quyosh“ timsollari orqali Vatanni ifodalash vositasida tashbeh san’ati hosil qilinadi. Odatda, „tashbeh san’ati „ikki narsa yoki tushuncha orasidagi haqiqiy yoki majoziy, moddiy yoxud ma’naviy o‘xshashliklar va munosabatlar asosida yuzaga keladi“. [1: 255] Gul tashbehi muallif tomonidan inkor etilishi va endi quyosh timsoli orqali ifoda etilishi natijasida ruju’ san’ati yuzaga kelgan. Ruju’ „ifoda ta’sirchanligini oshirish niyatida shoirning avvalgi tashbehidan yoki fikridan qaytishiga asoslangan badiiy san’at“dir. [1: 211] Mazkur san’at vositasida muallifning o‘z yurtiga bo‘lgan sog‘inchi, muhabbati namoyon bo‘ladi. Ijodkor so‘nggi ikki misrada fikrning bayoni sifatida saboga Boburdan o‘z „tuqqonig‘a“ salom aytishi so‘ralmoqda. „Tuqqonimg‘a“ so‘zi bu o‘rinda yaqinlar, qarindoshlar, do‘st-u birodarlarni ifodalaydi.

Bobur hayoti davomida juda ko‘p qiyinchiliklarga duch keldi. Uning o‘z yurtidan uzoqda hayot kechirishi hech qachon oson kechmagan. Shoirni vatan sog‘inchi sira tark etmaydi:

Jismimda isitma kunda mahkam bo‘ladur,
Ko‘zdin qochadir uyqu, chu oqshom bo‘ladur.
Har ikkalasi g‘amim bila sabrimdek,
Borgan sari bu ortadur, ul kam bo‘ladur.[2:175]

Obrazli tasvirlash vositasida lirik qahramon ichki kechinmalari ta’sirchan ifodalangan ushbu ruboiy ham vatan sog‘inchi haqida. She’rda tasvirlangan jism og‘riqlari majoziy

ma'noda ham qo'llangan bo'lib, ular ruboiydagi asl ma'noni yuzaga chiqarishga xizmat qilmoqda. Ikkinchi misradagi „ko'z", „uyqu" va „oqshom" so'zlari tanosub san'atini yuzaga keltirgan. Tanosub san'ati bir-biriga ma'noviy jihatdan yaqin bo'lgan so'zlarni qo'llashdir. Yuqoridagi so'zlar alohida holda bir xil ma'noni anglatmasa ham ayni ruboiy tarkibida yaqinlikni yuzaga keltirgan. G'amning ortishi va sabrning kamayib borishi ham yurt sog'inchi tuyg'usi bilan uzviy bog'liqdir.

Umuman olganda, Zahiriddin Muhammad Bobur ijodida vatanga bo'lgan muhabbat motivi yetakchilik qiladi. Bu xususiyatni ta'lim jarayonida o'quvchilarga shoirning hayoti bilan bevosita bog'liq holda o'rgatish samarali natija berishi shubhasiz. Zero, hayotdan andoza olib yaratilgan asarlarning qimmati beqiyosdir.

Муштарийбону ТОЖИБОЕВА,
Наманган давлат университети талабаси

"БОБУРНОМА"ДА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари жаҳон адабиёти ва манбашунослигининг ноёб ва қимматли ёдгорлиги ҳисобланади. Унда адибнинг тилга муносабати, тилшуносликка оид қарашлари мужассам бўлиб, XV-XVI асрлар ўзбек адабий тилининг лексик ва лингвистик хусусиятлари акс этган манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

"Бобурнома" тилининг ўзига хослиги, воқеа-ҳодисаларни аниқ, лўнда ҳамда таъсирчан ифода этилиши диққатга сазоворки, бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшуносликдаги бетакрор маҳоратини кўрсатади. Жумладан, "Бобурнома"да бирор ҳудуд ёки вилоят тасвирланаётганда муаллиф ўша жойнинг лаҳжасини ўргангани яққол намоён бўлади. Масалан, Бобур ёзади: "Андижон эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, Ҳири (Ҳирот – М.Т.)да нашъу намо топибдур, бу тил биладур".

Бобур Кобул вилоятини таърифлаганда бу ерли халқларнинг ўн-ўн икки лафз билан талаффуз қилишларини айтиб ўтган: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний.

Бобур элатларнинг урф-одатларини тасвирлашда ўша элатнинг ҳаёт тарзига айланиб кетган ибораларни ҳам ишлатган. Масалан, "йилқирон оши тортулди". "Йилқирон оши" вабо, ўлат каби эпидемиялар тарқалганда тайёрланган, кейинчалик офатдан сақлашни сўраб дуо қилиш маросимига айланган. Матнда "йилқирон оши" офатдан сақланиш маросимига аталган.

"Бобурнома"да кўплаб фразеологик иборалар қўлланилган бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаш ўринли:

а) ҳозирги ўзбек тилида ҳам матнда келтирилган ҳолида ишлатиладиган иборалар. Масалан, "бел боғламоқ" (киришмоқ), "бурнидан чиқмоқ" (татимади, зое бўлди), "оёқ етганча кетмоқ" (манзилсиз узоқларга кетмоқ), "бош кўтармоқ" (исён қилмоқ), "жалойи ватан" (ватандан айрилган), "кўзга илмоқ" (менсимоқ), "сўзни бир ерга қўймоқ" (ваъдалашмоқ, келишмоқ), "тили қисиқ" (тобе, муте), "тупроққа топшурмоқ (дафн этмоқ) ва ҳоказо.

б) бугунги кунда бироз бошқачароқ ишлатиладиган иборалар. Масалан, "бош-кўз қилмоқ" (бош-қош бўлмоқ), "бўйи оғир" (оғироёқ), "жон тортмоқ" (жон олиб жон бермоқ), "тенгри ҳукмини буткармоқ" (бандаликни бажо келтирмоқ, вафот этмоқ) ва ҳоказо.

в) бугунги кунда ишлатилмаса ҳам, маъноси тушунарли бўлган иборалар. "Илгида хамир" (измига тушган), "ип учи, игна синуғича" (энг майда нарса), "кун бурни била" (қуёш чиқиши билан), "сўзга мунги йўқ" (гапга чечан), "қизил оёқ, каро таёқ қилмоқ" (калтакламоқ) ва ҳоказо.

г) бугунги кунда истеъмолдан чиқиб кетган ва маъноси эскирган иборалар. "Бепой бўлмоқ" (руҳий мувозанатни йўқотмоқ), "дастпоча бўлмоқ" (саросимага тушмоқ), "бўйнига урдирмоқ" (ўлдиртирмоқ), "гўшмол бермоқ" (адабини бермоқ), "тун қотмоқ" (кечаси тик оёқда юрмоқ), "эшиклик-тувурлик" (яқин), "қони тутулғон" (ажали етган) ва ҳоказо.

"Бобурнома"да қўлланилган иборалар ўзига хос бўлиб, ифодаларнинг маъносини тўла чақмай туриб, асар замирига чуқур кириш, асарда яширинган мазмунни теран англаш мушкул.

"Бобурнома"да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини ҳам гўзал ифодаланган: "Тенгри" – "Худой" – "Ҳақ" – "Ғайб" – "Қодир" – "Кариму Ғаффор".

"Бобурнома"да энг кўп учрайдиган "Тенгри" сўзи бўлиб, музаффар онларда, зафарли воқеалар баёнида "Тенгри таоло" деб ишлатилган.

"Худо" форсий сўз бўлиб, Бобур кўнгли кўтарилганда, қувончли хабар эшитганда "Худой" сўзини ишлатган.

"Ҳақ" арабий сўз бўлиб, ҳақиқат сўзи билвн ўзакдошдир. Бобур ҳақиқат кимда экани англашилмаган ҳолатларда "Ҳақ" сўзини қўллаган.

"Ғайб" сўзи арабча бўлиб, Бобур ундан факат кутилмаган, сирли воқеалар баёнида фойдаланган.

"Қодир", "Карим", "Ғаффор" арабий сўз бўлиб, Аллоҳ сифатларини ифодалайди. Бобур Аллоҳнинг тенгсиз куратига ишора қилганда "Қодир" сўзини, Аллоҳнинг иноятн, карами, лутфи, кечиримлилиги ҳақида сўз юритганда "Кариму Ғаффор" сўзини ишлатган.

"Бобурнома"да тилшуносликка доир чоғиштирма мулоҳазалар ҳам учрайди. Бобур мирзо бир неча тилларни солиштириб ўрганишнинг бетакрор намунасини кашф этган. Шунга кўра дунё тилшунослигидаги янги назариянинг асосчиси ҳисобланади.

"Бобурнома"да туркий форс, тожик, ҳинд, пушту, мўғул тилларига оид кўплаб сўзлар қўлланилган бўлиб, айрим атамаларнинг бошқа тилдаги айтилиши билан ёзилган. Асарда қўлланилган форсча, арабча ва ҳиндча терминлар маъносини етказиш билан бирга бўлган воқеа-ҳодисанинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш эътиборга олингани билан аҳамиятлидир. Бу туркий, форсий, арабий, ҳинд ва бошқа тилларнинг фонетик ва семантик структурасига катта таъсир кўрсатган. Бугунги кунда тилимиздаги кўплаб арабий, форсий ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар сингиб кетган. Жумладан, туркча "тегра", форсча "гирд", арабча "атроф" сўзлари билан бир хил маънони беради.

Туркча	**Форсча**	**Арабча**
Тонг	саҳар	субҳ
Ёғий,	ёв душман	ғаним
Киши	мардум	одам
Сўз	сухан	калима
Чоғ	замон	вақт

Эт	гўшт	лаҳм
Барча	ҳамма	жами
Ов	шикор	сайд
Олтин	тилло	зар

Табиийки, бир тилга бошқа тилдан сўзнинг кириб келиши улардан ўз ўрнида моҳирлик билан фойдалана билиш жуда катта маҳоратни талаб этади. "Бобурнома" матнида кузатиладиган жиҳат шундаки, саҳифалар жимжимадор сўзлар билан эмас, фақат илҳом билан қуйилиб келган сўзлар билан безалган. Бунинг яна бир сири шундаки, Бобур ўзбек тилининг товуш тизимини мукаммал идрок этган ва араб ёзувини ислоҳ қилиб, ўзбек тилига мослаштириш учун 1504 йилда хатти Бобурий имлосини тузган. "Бобурнома"да бу ҳақда "ушбу маҳалларда бобурий хаттини ихтиро қилдим" деб ёзган.

"Бобурнома"да ўсимлик, ҳайвон, парранда номлари, йил фасллари номлари, ўлчов бирликлари муфассал баён этилиш билан бирга уларнинг бошқа тилларда қандай номланиши ҳам айтиб ўтилган.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунослик илмига бемисл ҳисса қўшиб, ўзбек адабий тили тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган. Фикримизча, "Бобурнома"нинг тил бойлиги беқиёс, шунга кўра, жаҳон ёзма маданиятининг энг буюк сарчашмалари қаторидан жой олганига шубҳа йўқ. "Бобурнома"нинг тили ва услубини мукаммал ўрганиш орқали Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг теран иқтидори, бетакрор маҳорати ва буюк истеъдодининг хали очилмаган қирралари намоён бўлади.

Аббосбек ИСРОИЛОВ,
тадқиқотчи (Андижон)

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Фалсафий фикр ва тарихининг бир қатор машҳур илм аҳллари айни замонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг буюк намоёндасидир.

Ватандошимиз -- ёзувчи ва шоир, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530). Номи дунё илм аҳлига яхши таниш.

Бобур Мирзо таникли саркарда ва давлат арбоби бўлиши билан бирга, буюк ёзувчи ва шоир ҳам эди. У қиска умр кўрган бўлишига қарамасдан, жаҳонга машҳур бўлган "Бобурнома", "Мубаййин", "Аруз рисоласи" ва "Хатти Бобурий" каби асарларни яратишга ҳам улгурди.

Албатта, Бобур яратган асарлар орасида энг нодири "Бобурнома"комусий асаридир. Машҳур венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери бу асарни "Шарқ Цезарининг комментариялари" деб баҳолайди.

"Бобурнома" уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда 1493 йилдан 1504 йилгача Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида баён қилинади. Иккинчи қисм 1504-1524 йилларда Афғонистон (Кобул улуси)даги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ.

Учинчи қисмда эса, 1525-1529 йилларда Шимолий Ҳиндистондаги сиёсий воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган.

"Бобурнома"да 1509-1518 йиллар, 1521-1524 ва 1529-1530 йиллардан бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар йўқолганлиги сабабли берилмаган.

Маълумки, Бобур ўз асарларида бошқа масалалар қатори, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларга ҳам тўхталиб ўтган. У ўзининг давлат ҳақидаги қарашларида давлатни икки турга бўлиб кўрсатади:

- Адолатли, марказлашган давлат.

• Адолатсиз, тарқоқ давлат.

Бобур доимо адолатли, марказлашган давлат тарафдори бўлган ва давлатни одил, адолатпарвар подшо ёки шоҳ бошқариши керак деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳамиша оддий, меҳнаткаш халқ ҳақида ўйлаши ва ғамхўрлик қилиши зарур:

"Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма".

Бобур давлат бошқарувида диний эътиқод ва виждон эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берган ҳамда ўғиллари Ҳумоюн мирзо ва Комрон мирзоларга ҳам оқилона маслаҳатлар берган. Жумладан, ўғли Носириддин Муҳаммад Ҳумоюнга аталган васиятида шундай деб ёзган: "....Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таолло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл.

Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонига бўйсунган халқни хароб қилмагин.

Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади....".

Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари асосан унинг "Мубаййин" асарида ўз ифодасини топган. "Мубаййин" – Ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар бўлиб, беш қисмдан иборат:

• Эътиқодиййа;
• Китобу-с-салот;

- Китобу-з-закот;
- Китобу-с-савм;
- Китобу-л-ҳаж.

Маълумки, Бобур ўз салтанатида асосан шариат қонун-қоидаларига амал қилиб иш тутган, лекин баъзи бир соҳаларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, янги қонун-қоидаларни ҳам қўллаган ва ислоҳотлар ўтказган.

Масалан, у ўша даврда Ҳиндистонда амал қилган солиқлар тизимини ўзгартиради:

- Муқассама – етиштирилган ҳосилнинг бир қисми натура шаклида тўланади.
- Муваззаф – **кадастр**да қайд қилинган ердан олинадиган солиқ.

Закот моллари тўртга бўлинган:

- нақдина – пул солиғи;
- савойим – ҳайвонлардан тўланадиган солиқ;
- тижорат – ер солиғи;
- савдогарчилик асосида тушадиган даромаддан олинадиган солиқ:

а) нақдина – мусулмон савдогарлардан олинадиган пул солиғи;

б) тижорат амволининг баёни – мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган пул солиғи.

Бобур савдодан олинадиган тамға солиғини бекор қилиб, солиқлар адолатли даражада бўлиши ва бу солиқлардан йиғиладиган маблағлар давлатнинг ва аҳолининг равнақи учун хизмат қилиши тарафдори бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан сўнг бой илмий мерос қолдирган ва бу меросни чуқур ўрганмоғимиз ҳамда авайлаб-асрамоғимиз лозим. Чунки Бобур яратган қадриятлар, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги бир даврда, ўсиб келаётган ёш авлод учун юксак маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

«Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция

ҚАРОРИ

1. «Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий анжуман юқори савияда ўтганлиги эътироф этилсин.

2. Анжуман доирасида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ташаббуси ҳамда ҳомийлигида тўлдирилган ва қайта ишланган «Бобур энциклопедияси»нинг 2-нашри, «Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография» китобларининг ва «Бобур ва дунё» журналининг тақдимоти юқори савияда, ўта қизиқарли ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ҳар беш йилда бир маротаба Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг зоду буди Андижон шаҳрида Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш белгилаб қўйилсин.

4. Бугунгача жаҳон илмий – адабий жараёнида Бобур ва бобурийларга нисбатан хато қўлланиб келинаётган «Буюк мўғул» атамасини қўлламаслик ҳамда Бобур ижод килган тилга нисбатан янглиш «чиғатой тили» атамаси ўрнига «туркий тил» (эски ўзбек тили)ни илмий истеъмолга киритиш тавсия этилсин.

5. Бобур халқаро илмий экспедицияси амалга ошираётган эзгу ишлар маъқулланиб, темурийлар ва бобурийлар даврига оид муҳим қўлёзма ва бошқа манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш, илмий истеъмолга киритиш, Мирзо Бобурнинг ҳозиргача топилмаган «Бобурнома» асарининг йўқолган саҳифалари, «Асрори мусиқий», «Ҳарб иши», «Қофия илми» ва Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асарининг йўқолган қисмини жаҳон бобуршуносларн билан ҳамкорликда излаб топиш ишларини давом эттириш тавсия этилсин.

6. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан 2013 йили Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда таниқли бобуршунослар томонидан дунё бобуршунослигининг маркази Европадан Ўзбекистонга, пойтахт Тошкентга кўчганлиги ҳақидаги эътирофлари инобатга олиниб, олимларнинг таклифларига мувофиқ Бобурмирзонинг зоду буди (туғилган юрти) Андижон шаҳрида «Бобур издошлари ва ихлосмандлари» жаҳон илмий-маърифий ёшлар маркази тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

7. Бунёд этилаётган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида таниқли бобуршунослар Эйжи Мано, Уилер Текстон, Азиз Қаюмов, Сайфиддин Жалилов ва бошқа машҳур олимларнинг бўлимларини ташкил қилиш ҳақидаги лойиҳа маъқуллансин.

8. Бобур ва бобурийлар ҳакида жаҳон миқёсида чоп этилаётган асарларнинг нусхалари «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида жамланиб, илмий истеъмолга киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб килиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида чет элларда сақланаётган буюк аждодларимизга мансуб қўлёзма ва ноёб китобларнинг нусхаларини Ватанга олиб келиш ва библиографиясини босқичма-босқич яратиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

10. Халкаро конференция материаллари тўплам ҳолида нашр қилиниб, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими, халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тизимларида фойдаланиш тавсия этилсин.

Ялпи мажлис раиси, профессор: Эйжи Мано

Ҳамраис: Зокиржон Машрабов

Котиби: Мунаввар Текжан

МУНДАРИЖА

Анжуманнинг мақсад ва вазифалари ҳамда илмий-амалий аҳамияти.....3

Зокиржон МАШРАБОВ. Бобуршунослик ва Бобур халқаро жамоат фонди.....9

Мосуд МАННАН. Ҳамкорлик ришталари мустаҳкам.....21

Eiji MANO. Tarixiy shaxslar haqidagi ro'y-rost tasvirlar.....23

Акмал САИДОВ. Мирзо Бобур ижодида фиқҳ мавзуси.....28

Абдулла АЪЗАМОВ. Дастхатда битилган рубоий.....34

Билал ЮЖЕЛ. Бобур девони ва "Бобурнома" ўртасидаги ўхшашликлар.....37

Mansura HAYDAR. Bobur – ijodkorlik timsoli.....41

Саидбек ҲАСАНОВ. Аждодлар меросини излаб.....48

Мирзо КЕНЖАБЕК. Бобур мирзонинг фиқҳий ва тасаввуфий қарашлари.....56

Бурҳониддин НАМИҚ. Бобур шахсиятига хос хусусиятлар.....68

Munevver TEKCAN. Jahon tarixi uchun asosiy manba.....71

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ. Илмдаги янги йўналиш.....75

Олмос УЛВИ (БИННАТОВА). "Бобурнома"нинг Боку нусхасининг тавсифи ва унда Алишер Навоийнинг излари.....80

Назим Зияддин ўғли СУЛАЙМОНОВ. "Бобурнома"да табиат гўзалликлари тасвири.....89

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Рус бобуршунослиги саҳифалари.....95

Ахмадшох ВАРДАК. "Боғи Бобур": Кеча ва бугун.....100

Раҳиммамет КУРЕНОВ. "Бобурнома" асарида туркман ҳарбийлари талқини.....106

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Улуғ адибимиз француз шарқшунослиги саҳифаларида.....108

Дилором САЛОҲИЙ. Расман шоҳу қалбан дарвеш...119

Боқижон ТЎХЛИЕВ. Сирожиддин Саййиднинг Бобур ғазалларига тахмислари ҳақида.....129

Мавлюда ЮСУПОВА. "Бабурнаме" как ценный источник по архитектуре Мавераннахра.....134

Қаххор ЙЎЛЧИЕВ. Бирлик – мумтоз жанр.....140

Муродқосим АБДИЕВ. "Бобурнома"да Ҳиндистон мевалари тасвири.....143

Абдумажид МАДРАИМОВ. Ўрганишга муносиб мавзу.....148

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ. Муҳим этнографик манба.....152

Нематилла ОТАЖОНОВ. Толмас Бобуршунос олим – Ҳенри Бевериж.....156

Жумабой РАҲИМОВ. Амир Темур "Тузуклар"ида адолат ва қудрат мезони.....159

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ. Амир Темур ва Темурийлар даврида буюк ипак йўли.....165

Ахадхон МУҲАММАДИЕВ. Бобуршуносликка бир назар.....173

Ғофуржон САТИМОВ. Бобуршоҳ салтанатида подшоҳ ва унинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни.....177

Омонилло БЎРИЕВ. Тарих зарварақларида акс этган водий.....188

Гулноза ХОЛЛИЕВА. XX аср рус бобуршунослигининг номаълум саҳифалари.....195

Янглиш ЭГАМОВА, Камола РАҲМОНОВА. Эл билан мулоқотнинг мумтоз намунаси.....201

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА. "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий" тарихий-мемуар асарларидаги типологик ўхшашликлар.....207

Замирахон ИСҲОҚОВА. Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ва Гулбаданбегим.....211

Мирмахмуд МИРСАЙДУЛЛАЕВ. Нодир осори-атиқалар – тарих кўзгуси.....218

Буробия РАЖАБОВА. Муштарак адабий ҳодисалар ҳақида.....232

Тошмирза ХОЛМИРЗАЕВ. Покистонда нашр этилган китоб.....235

Абдувоҳоб ҚАЮМОВ. Бобурнинг характер яратиш маҳорати.....239

Зарифа АЛИМОВА. "Бобурнома" – индивидуал сўзларга бой асар.....243

Муқаддас ТОЖИБОЕВА. "Бобурнома"нинг жадид адиблари ижодига таъсири.....247

Ҳамидбек ҲАСАНОВ. "Мубаййин" – муҳим адабий-диний манба.....256

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида.....262

Толибжон РЎЗИБОЕВ. "Ўткан кунлар"да "Бобурнома" сабоқлари.....269

Бобоназар МУРТАЗАЕВ. Савдо карвонлари зикрида.....275

Жалолиддин ЖЎРАЕВ. Бобурнинг муаммо шеърлари бадиияти.....277

Отабек ЖЎРАБОЕВ. Бобурнининг девончилик борасидаги қарашлари.....282

Обид ШОФИЕВ. Мусиқа санъати шайдоси.....288

Гулбаҳор АШУРОВА, Дилором ОДИЛОВА. "Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур..."....291

Нафиса ГИЛМОНОВА. Ҳиндистондаги Бобур масжидлари.....300

Баҳром МУХТОРАЛИЕВ. Мумтоз анъаналар Анвар Обиджон ижодида.....302

Зиёдахон ТЕШАБОЕВА. "Бобурнома"даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари ва киёсий таҳлили.....305

Шавкат НИШОНОВ. Бобур ижоди таълимидаги муаммолар.....311

Ҳ. ЖЎРАЕВ, И. КАРИМОВ. Бобур ижодида ғурбат ва ғариблик талқинлари.....315

Дилдора ҲОШИМОВА, Ойбек АСАДОВ "Бобурнома" матнидаги реалияларнинг таржималарда акс этиши.....319

Али МУҲАММАД Пўлодий. "Санги ойина" афсонаси.....324

Дилфуза ТОЖИБОЕВА. Ҳозирги ўзбек шеъриятида Бобур ва бобурийлар тимсоли ифодаси.....327

Азизбек ТУРДИЕВ. "Бобурнома"да фольклоризм ва сажъ.....332

И. СУЛАЙМОНОВ. Сирожиддин Саййиднинг "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур..." достони ҳақида.....339

Эркин РАҲМОНОВ. Мўъжизали байт.....349

Мирзоҳид ҚОРАБОЕВ, Буюк сулола ҳақидаги инглизча романлар туркуми.....351

Жасурбек МАҲМУДОВ. Бобурга ҳамоҳанг мисралар ҳақида.....355

Аскарий МАДРАХИМОВ. Йигирманчи асрда – "Бобурнома".....359

Sevara JUMAMURATOVA. Zahiriddin Muhammad Bobur she'riyatida tashbeh san'ati.....362

Sh. SAFARBOYEVA. Bobur ruboiylarida hayotiy haqiqat va badiiy mahorat.....364

Муштарийбону ТОЖИБОЕВА. "Бобурнома"да тилшунослик масалалари.....367

Аббосбек ИСРОИЛОВ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.....371

«Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция қарори.....374

Бобур абадияти [Матн]: Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни мавзусидаги халқаро анжуман материаллари, 26-27 октябр 2017 й. / масъул муҳаррир В. Раҳмонов. – Тошкент: BAYOZ, 2018. – 384 б.

ISBN 978-9943-4899-6-7

УЎК: 821.512.133(092)Бобур
КБК: 83.3г(5Ў)

БОБУР АБАДИЯТИ


("Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро анжуман материаллари 26-27 октябрь 2017 йил, Андижон)

Техник муҳаррир — Дилшод Хўрозбоев
Дизайнер — Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи — Бекзод Рахматов

Нашриёт лицензияси: AI №234, 11. 02. 2013.
Босишга рухсат этилди: 07.02.2018.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16.
Times гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб нашриёти: 16. Шартли б.т: 24.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 3.

"BAYOZ" нашриётида нашрга тайёрланди

"BAYOZ" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент. Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.



ISBN 978-9943-4899-6-7